

# Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Сайид  
Муҳаммад Али  
Кенгесбой Каримов  
Иқбол Мирзо  
Қаҳрамон Қуронбоев  
Минҳожиддин Мирзо  
Сайфиддин Рағиддинов  
Фармон Тошев  
Исајон Султон

Хайриддин Султонов  
Акмал Саидов  
Махмуд Тоир  
Гулистон Матёкубова  
Шерзод Ирзоев  
Нурбой Жабборов  
Кавсар Турдиева  
Шуҳрат Маткарим  
Адҳамбек Алимбеков

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Наср бўлими мудири – Дилфузा Қўзиева

Адабиётшунослик бўлими мудири – Муҳаммад Исмоил



## УШБУ СОНДА:

ТАКРИЗ



ЧУНГИ АРМОНЛАР КУЧИЛИ

Иброҳим ҒАФУРОВ

Энахон Сиддиқова ҳикояларида ҳаёт борича, қандок бўлса шундоқ бадиий тасвирланган, сиймолари оққора бўёқлари билан кўз ўнгимизда гавдалантирилган турли ёш, турли мавқедаги, турлича йўл-йўрикка эга кишилар кўпроқ алам-уқубат, қашшоқлик, дард-алам гирдбларида умргузаронлик қилишади. Уларнинг бошларига ҳар томондан дарду алам, оху зор ёпирилиб хужум қилади. Асло тинмайдигандек бўлиб кўринган нола-фарёдлар – жамиятнинг энг муҳим узвий уяси бўлган ўзбек хонадонларида кечади.

ҲАСР

Назар ЭШОНҚУЛ

ЗАНОЖИРБАНОВ



Бора-бора у ҳам менга ўрганди: занжир изн берган масофагача келиб, ерга ўтириб олар, ўша ердан туриб мени кузатарди. Менга энди география хонасида осилиб турган эски топономик харитани эслатувчи чандик тўла танаси қўрқув бағишламасди. Аксинча менда бир умрга зинжирига маҳкум этилган кимсага нисбатан шафқатга ўхшаган туйғу пайдо бўлганди. Биз соатлаб бир-биrimizga тикилиб ўтирадик: ҳар биримиз ўз тасавуримиздан келиб чиқиб, у мени, мен уни кузатардик. Нигоҳ уриштириш онларида бир нарсани ҳис килдим: унинг кўзлари билан ўзимга боқдим ва шунда аслида мен эмас, у менга ачиниб қараётгандай туюлди.

ТАДДИКОЛ

Шерхон ҚОРАЕВ

АМИР МУЗАФФАРНИНГ ИЖОДКОР

ФАРЗАНДЛАРИ



Мухтасар айтганда, Амир Музаффарнинг барча фарзандлари истеъоддли бўлиб, адабиёт ва санъатни қадрлашган, атрофларига шоирларни тўплаб, шеърият кечалари ташкил этишган. Биз юқорида Амир Музаффарнинг факат тўрт ижодкор ўғли – Нуриддин, Абдулаҳад, Сиддиқон ва Носириддинлар ижоди ҳақида тўхтадлик, холос. Бизнингча, унинг бошқа фарзандлари ҳам ижод билан шуғулланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Келгуси тадқиқотлар бу масалага ойдинлик киритади, деб ўйлаймиз.

## Нодира ОФОҚ

НАЗМ

Ё ТОРУРДА ИЗН  
БЕРГИЛ, Ё ҰЗИНГ КЕЛ

Сўрма ҳолим... Айланиб минг, етти осмон бўлди паст,  
Ер тубанлар сори учди... Қайдаман мен шул нафас?

Очилиб, оташ бўлиб, гоҳ сочилиб, гоҳ замҳарир...  
Тўрт фасл бир лаҳзалик ҳол шарҳига тамсил эмас.

Сўрма ҳолим боисин билсанг агар, бўлди азал  
Ким, бино олам биноси – не сабаб, не эрди қасд.



## Узок ЖҮРАҚУЛОВ

ПАЛКИН

СОБИНЧ РУМБАСИННИ БОЙ  
БЕРМАС ШОИР

Бугун “янги” анъаналарга асир кўнгиллар сахнига айланмиш, замонавий жамият йўқотаёзган, “Қизил китоб”га киритиш эҳтиёжи пайдо бўлган, ўлиш, унтутилиш палласида турган туйғу ҳам, таассуфки, соғинчдан бошқа нарса эмас. Яна таассуфки, айни дамларда соғинч нишоннинг тескари – кўринмайдиган томонида турибди...

Хўш, унда бу улкан нишон юзини майда ва бегона оҳангларга рақс тушаётган жамият кишилари томон ким ўнглайди? Нишоннинг сўл томонига чаплаб ташланган “соғинч” сўзини ким ўқий олади, бу сўз маъносини ким тушунтириб беради, ким уни тош қотган кўнгилларга олиб киради?



## Жек ЛОНДОН

ЖАҲОН АДАСИЁПИ

КИР ҰЛАРНИ,  
КИР!

Ўша куни тушга яқин қирғоққа яна учта кема яқинлашди; ичида оқ одамлар гиж-биж экан. Ҳаммаси ерга тушиб, қишлоғимизга кириб боришди. Улар қишлоқни бошидан охиригача кесиб ўтиб, йўлида учраган ҳар бир одамни отиб ўлдиришди. Товук ва чўчкаларимиз ҳам қолмади, қириб ташлашди. Эплаб қочиб қутулганлар ўймақайикқа тушиб, кўрфаз ортига яшириндик. Қирғоқдан хийла узоклашгач, кўрдикки, бутун қишлоғимиз оловда ёнар эди. Кечки маҳалда Нихи бўғози яқинидаги Нихи қишлоғининг кўп ўймақайиклари бизга йўлиқди. Булар ҳам қочқинлар экан: Нихи бўғозига шимоли-шарқ томондан кириб келган иккинчи кема уларнинг қишлоғи кулини қўкка совурибди.





## БИР ПОЙ ТУФЛИ

Икки ҳикоя

Энахон СИДДИҚОВА

Умиджон барвакт турди. Даҳлизга чиққанда меҳмонхонанинг ярим очик эшигидан онасининг саждага эгилаётганига кўзи тушди. Шу топда юрагига куйилган ғалати маҳзунлик, шу билан бирга хузурбахш ҳаловат – тиловатдан кўкси симиллаб кетди.

– Худоё худовандо, шу ёлғизгинамдан битта тирноғингни аямагин. Мехру муруватингни дариф тутмагин!!!

Онасининг ҳар куни йиғлаб қиласидиган илтижоси бу...

Оллоҳ онаизорининг нолаларига малҳам қўярмикин?! Мана, олти йилдирки улар тирноқка зор. Хотини негадир ўзини айбордрай сезади. Кўзига ботиниб қаролмайди. “Яратган кўргувчи, билгучи, Ўзи бенасиб қўймас”, деб сўлиш олади.

Онаси келинини ўз кизидек яхши кўради, гиргиттон бўлади. Қўша-қаришлари, шу ҳовлини қора-кура болаларга тўлдириб юборишларини тилаб, ҳар куни дуо қиласеради:

– Болам, ҳар намозингизда Худодан сўрайверинг! Тангримнинг даргоҳи кенг, осмоннинг қопқаси дуога очик!

– Худодан сўрагани ҳаё қиласман...

– Нега энди?! – қайнона келинига жигибийрон тикилади.

– Худди намоз ўқиб таъма қилаётгандек туюламан.

Ғалати-да шу хотини. Осмондан тушган фариштами дейсан. Яна тергагани тергаган. Ишга кетаётганда қулогига астойдил қуяди:

– Молларингизга ортиқча нарҳ қўйиб, гуноҳга ботманг! Оллоҳга ҳам хуш келмайди!

Умиджоннинг бу гапдан ростмана жаҳли чиқади.

– Қўлим жарақ-жарақ пул санаганини кўрдингми? Топганимни солиқ, йўл ҳаржи еб қўйяпти ўзи.

---

**Энахон СИДДИҚОВА** – (1954–2023). Ўзбекистон ҳалқ шоири. “Эл-юрт ҳурмати” ва “Дўстлик” орденлари билан тақдирланган. Фарғона давлат педагогика институтининг (ҳозирги ФДУ) филология факультетини тамомлаган. “Коракўз турналар”, “Кўнглим уфқлари”, “Сўз устидаги дунё”, “Эъзозли аёллар”, “Она ҳақида қўшиқ”, “Барҳанларда унган гул” сингари ўнлаб асарлар муаллифи.

– Бир айтиб қўйдим-да! – дея хотини ҳар галгидек маъюс тортади.

Дарвоза эшигига етганда онаси оғриётган оёғини зўрга судраб босиб орқасидан чиқиб келади.

– Шугинани атагандим. Етим-есир, муҳтожга, ўзинг билиб берарсан!

Ҳар ойда пенсиясини олгани ҳамоно унинг қўлига шундай бир даста пул тутқазади. Орқасидан мулойимлик билан қўшиб қўяди:

– Эҳсонда гап кўп!

Умиджон индамай пулни чўнтағига солади. Ҳар куни юрадиган йўлакдан дўкони томон пиёда ўтиб бораркан, онасининг илтижолари юрак-бағрини ўткир аррадай пармалаб боради.

У зулфинни шиқирлатиб, дўконни очаркан, енгил нафас олди. Бу ерда бироз бўлса ҳам ишига берилиб, дардларини унутади. Дўкони унча катта бўлмаса ҳам моллари харидоргир. Хорижга қатнайдиган тужжор ўртоқлари чет элнинг яхши пойабзалларини етказиб бериб туришади. Умиджон кўча томондаги ойнаванд шкафга эринмай бежирим туфлиларни чиройли қилиб терди. Бироз ўтмай харидорлар шошириб қўйди. Бугун аксига олиб ёрдамчи бола ҳам келмади. У озгина тин олиш учун стулга ўтирди. Деразадан кўчага назар ташлади. Кўча томонга қараган ойнаванд шкафга энгашиб, туфли кўраётган болани кўрди. Болакай туфлиларга кўзлари чақнаб тикилди-ю, кейин орқасига ўгирилиб, оқсоқланганча кета бошлади. Озгин, юпун кийинган, бир қўлида кўлтиқтаёқ, иккинчи оёғи ўрнида шимининг пойчаси шалвираб турибди. Шўрлик нуқсонидан уялётганини шундоқ кўзларидаги ҳасрат ошкор қилиб турарди. Бу туғмамикин?! Унинг юраги алланечук бўлиб кетди.

– Ҳой, болакай! – деразанинг очик ойнасидан бошини чиқариб бақирди у. Кейин эшиқдан гўёки отилиб чиқди.

– Қаёққа кетяпсан? Туфлиларни яхшилаб кўрмадинг-ку! Қара, жуда бежирим, чиройли! Бунақасини бошқа дўкондан тополмайсан. Қани ўтир, бир кийиб кўр-чи!

– Ме-ен... – бола хижолат тортгандек, янаем ортига тисланди. – Туфлиларингиз жудаям чиройли, менга ёқди. Лекин м-е-н... – болакайнинг овози ҳазин, титраб чиқди: – Ме-ен... мени-и... бир оёғим йўқ... олол-май-ман. Бир ҳавас қилдим-да!

Умиджон боланинг гапларидан қалқиб кетди:

– Нима бўлти?

Сўнг олдига яқинроқ борди. Чўнқайиб ўтириб қўлларидан тутди, беғубор нигоҳларига меҳр билан бокди.

– Биласанми? Нима десамикин? Бу дунёда ҳамма нарсаси тугал, бутун одамнинг ўзи йўқ. Кимнингдир қўли йўқ, кимнингдир оёғи, кимнингдир одам сиёғи йўқ, кимнинг виждони... Қанийди, виждонимиз бўлмагунча оёғимиз бўлмасайди. Оёғимиз бўлмаса ҳам инсонмиз! Лекин виждони йўқ одамларни инсон санаш мумкинми? Гўзал виждонли одамлар оёқлари бўлмаса ҳам жаннати бўладилар. Лекин виждонсизлар дўзахийдирлар, ундейларга жаннатнинг эшиклари берк.

Болакай ундан кўзини узмай анграйганча қараб қолди. У ҳеч қачон бундай маъноли гапларни эшитмаганди. Юзларига капалак қўнгандай табассум югарди. Гўё нигоҳидаги мунг ариб, бир зумда офтоб порлади.

– Мана шу туфли сенга жуда ярашади. Кийиб кўр-чи!

У пештахтадан тоза, киммат туфлинни олиб узатди.

– Кечирасиз, менинг бунча пулим йўқ! – пештахтага ёзилган нархга қараб қаттиқ бош чайқади у.

## Энахон СИДДИҚОВА

– Ҳозир мавсум тушган пайти. Сенга жуда арzon қилиб бераман! Ўзининг асл нархи саксон минг, сенга ярми чегирма, қирқ мингга розимисан?!

Болакай ўйланиб қолди. Кейин музтар бўлганча оҳиста сўради:

– Бир пойини ким олади?

– Жуда қизиқ бола экансан, гапни роса чўздинг-да?! Бир пойига ҳам харидор топилади. Сен бунинг ташвишини қилма! Ўқувчи бўлсанг керак? Зукколигингдан билиниб турибди.

– Учинчига ўтдим, – бола оҳиста бурнини тортди.

– Бошида шуни айтмайсанми? Ўқувчига эллик фоиз чегирмамиз бор. Мана кўрдингми, шундоқ бежирим туфлини йигирма мингга оляпсан. У туфлини боланинг оёғига кийдирди.

– Қара, оёғингга қуиб қўйгандек, худди уста сенга атаб тиккандек. Қуллук бўлсин! Энди сенга бир илтимосим бор...

Болакайнинг юз-кўзларида ҳайронлик акс этди.

– Шу эски туфлингни менга сотсанг хурсанд бўлардим.

Болакай бирпас унга анқайиб қараб турди. Кейин тили базўр гапга келди.

– Шу эски туфлиними?! Ҳазиллашяпсизми? Ахир бир пой-ку! Тағин тагчарми йиртилган, сув киради!

– Бу антиквар! Эски нарсалар қиммат сотилади. Юз мингга розимисан?

Бола гунг-лол бўлгандек анграйди.

– Қани беш ташла-чи?! Савдомиз пишди.

– Ҳозир мавсум тушган пайти-ку! – болакай билагонлик қилгандай кулиб кўйди. Кейин Умиджоннинг қўлидаги узатилган пулнинг ярмини унга қайтарди.

Умиджон болакайни маҳкам қучоқлади. Унинг нигоҳидаги беғубор шодликни кўриб юраги ҳапқириб, ўйнаб кетди. Ортидан юраклари эзилиб узоқ қараб қолди. Бола гўё қўлтиқтаёгини ҳам унутгандай учеб-кўниб бораради. Умиджон, худди Рабби эҳсонини қабул қилгандай кўнгли фараҳга тўлди. Барча молига харидор чиқиб сотиб юборса ҳам бунчалик хурсанд бўлмасди...

## ҚУЮН

Иссиқроқ кийимларини тахлаши керак! Ҳали отланмасидан совуқ юртнинг шамоли, даҳшатли қўрқув юрагини алғов-далғов қиляпти. Қалбининг қор, муз кўчкилари босган адоксиз даштларини эритадиган бир нур топилармикин?! Тақдир тўзонида гўё ярадор, қурбон қушдек мажруҳ қанотларини зўрға кўтариб чирқираб боряпти. Қаерга қўнишини билмайди. Қўниб ҳаловат топадиган жой бормикин бу қаттол дунёсида?! Бу лаънати уйдан тезроқ кетиши керак, тезрок! Бу мудҳиш хотираларни унута олсайди... Лекин ўзидан қочиб каёқка бормоқчи? Юрагининг хазонрезги боғларида яшинлардан қуламаган дарахтнинг бўронлардан омон қолган сўнгги япроги узила олмай титраб турибди. Бу – онажониси... Бошини кундага қўйган – у – жон таслим қилолмаётган шўрлик мунисади. Бу сўнгиз хўрликлар, шўришларга қандоқ чидаётган экан?! Кейин укаси... эндиғина ўн бешга кирди-ю, чоллардек картайди, болалиги жувонмарг бўлди. Лекин у эркак, онаси ёнида турмаса бўлмайди. Кейингиси, сўнгти оғриғи – қалбини қиймалаб турган мурғак бола! Уни укам дейишга ҳам, жияним дейишга ҳам тили бормайди. Манфур гуноҳларнинг меваси... Лекин бу гўдаккинада нима айб?!

У поезд чиптасини сумкачасининг ички чўнтағига солди. Ҳеч ким билмаслиги, сезмаслиги керак. Уйдан жомадон билан чикиш хатарли. Шубҳа уйғотиши турган

гап... Ҳали жўнашига уч-тўрт кун бор. Яххиси кийимларини бир-иккитадан қилиб, ишхонасига олиб бориб қўйгани маъкул. Ҳамкасларга илтимос қилса, эскироқ бўлса ҳам сумка топиб беришар... Идорадагилари туғилган кунида йигиб берган пулни (бегона юртда аскотадиган бор нажоти шу) қўйлаги ичига яширди. Охирги маошига чипта олди. Яхшики, онаси негадир сўрашни унуди.

Эшик оҳиста очилди. У жиноят устида қўлга тушгандек шошиб ўрнидан турди. Савдоига ўхшаб қолган, ажинлари чуқурлигидан оқаётган кўзёшлари ҳам кўринмайдиган мунглиғ онажони рўпарасида турибди. У шу топда онасининг бағрига отилгиси, озгин, қадоқ қўлларидан ўпгиси, елкасига бошини қўйиб тўйиб-тўйиб йиглагиси келди. Лекин бир қадам босишга унда на журъат, на жасорат топилди. Қолаверса, онасининг дил яраларини очиб юборгиси келмади.

– Уйда гугурт қомапти. Дўконга чиқиб келсанг!

Онаси кафтида тутамлаб турган пулни қўллари қалтираб-қалтираб унга узатди.

У хўп ишорасини қилди. Овозини чиқарса, ичидаги тугёнлари ошкор бўладигандай онасининг юзига қарамай шошиб ташқарига чиқди. Билиб турибди, онаси орқасидан юраклари узилиб караб турибди. Кетиб қолса нима аҳволга тушаркин шўрлик!

Жўнайдиган куни тонг сахар укасининг дўконига юрак ютиб оҳиста бош сукди. Дарвоза биқинидаги эшиги кўчага очилган хонада дастгоҳга бағрини бериб ишлаётган укасининг юзида ҳайронлик акс этди. Кечаси билан ишлабди шекилли, кўзлари киртайиб кетибди. Рўзгорнинг аравасини шу бола тортятпи. Бошқа иложи ҳам йўқ. Мактабдан келади-ю, дарду аламларини шу ишдан олади. Ёш бўлса ҳам, қўли гул усталиги учунми, дўконидан харидорлар узилмайди.

– Тинчликми, опа?

– Тинчлик, укажоним!

У укасининг ёнига ўтириб, унинг катталарникига ўхшаб кетган дағал қўлларини кафтлари орасига олиб силади. Кейин юзларига ялинчоқлик билан термилди. Гапирай деса бўғзига ёш тиқилди.

– Кўрқитманг опажон, нима бўлди?

– Сен жудаям эсли боласан. Ҳаммамизнинг суюнчиғимизсан. Сен билан фаҳрланаман. Ишқилиб, баҳтимизга бошинг омон бўлсин! Мен сенга бир сирни айтмоқчиман. Ҳозирча бу сир ўртамизда қолади. Ахир мени тушунадиган яқин сирдошим ўзингсан!

– Опажон, кетяпсизми?!

Қотиб қолди. Қаердан билди укаси кетмоқчилигини? Яқинларидангина эмас, ҳатто ўзидан қалбининг қоронғи бурчакларига яширган сирни? Бешафқат ҳаётнинг унга кўргизган кўргилик, ситамлари унинг мурғаккина қўнгил қўзини шунчалик очиб қўйдими?

– Қаердан билдинг?!

Укаси индамади. У жигарини ўзига тортиб, елкасидан маҳкам қучоқлади.

– Ўзимнинг укажоним! Фақат онамга айтма! Ҳеч ким билмасин! Бутун поездга ўтираман. Ҳеч бўлмаса эртага ошкор қил. Пешонамда нима бўлса кўрарман. Кейин онамга ўзим хат ёзаман. Россияда ишлаб юрган мактабдошларимнинг телефон ракамларини олдим, хавотир олма!

Укаси унинг қўлларини юзларига босди, лаблари пир-пир учди. Кейин ўрнидан турди. Бурчақдаги эски шкафдан целофан пакет олди. Ундан қора рангли аёллар этигини олиб узатди.

## Энахон СИДДИҚОВА

– Бир қиз буюртма берганди. Негадир бир ойдан ўтдиям келмади. Сизга асқотади. Құлымдан келгани шу, олинг!

Кейин әгнидаги иш халатининг чўнтағидан бир даста пул олиб узатди.

– Керакмас. Бу ерда...

– Илтимос, құлымни қайтарманг!

– Раҳмат! Дуо қилиб тур, укажон! Яна қачон кўришамиз, Яратган билади!

– Худонинг паноҳига!

Укаси кўзида филтиллаган ёшни кўрсатмаслик учунми, терс ўгирилди. “Хатто қаёққа кетяпсиз деб ҳам сўрамади-я?”

Шошганча хонасига кирди. Халтасига кечқурун олиб кириб кўйган онаси ёпган иккита буғдой нонни жойлади. Кейин шкафдан онасининг эски рўмолини олди. Онасига бетма-бет келишга, сўнгти марта юзлашишга юраги бетламади. Эшик тагидан овоз берди.

– Мен ишга жўнадим, буви! Яхши ўтиринглар!

Ҳар кунгидек онасининг ҳасратли овози шабодадек юзларини силади.

– Ишинг ўнгидан келсин, болам!

Қўқон вокзалига поезд жўнашидан ярим соат илгари келди-ю, ичкарига кирмади. Вокзал биноси бикинидаги ўриндиқнинг бир четига омонатгина ўтирди. Рўмолини кўзигача туширди. Таниш-билишлари кўриб қолишидан чўчиди. Поезд пишқириб тўхтагандагина чиқадиган вагоннини тусмоллаб, кўлидаги юкнинг залворидан энкайиб чопди.

Кучли ҳаяжондан вагондан жойини тополмай довдиради. Худди кимдир орқасидан тушгану поезддан судраб олиб тушиб кетадигандек саросима босди. Ниҳоят, гўё бутун залвори билан елкасидан босиб турган поезд юриб кетди. Кетаётган поезд ортидан одамларнинг югуришлари, хайрлашиш хитоблари аралаш-куралаш бўлиб эшитилди.

Ниҳоят, ғилдиракларнинг тарақ-туруқ овозлари бир маромга тушди. Худди қувиб келаётган ўлим хавфидан қутулғандек, кўксини кемираётган ўйлар кўйиб юборгандек енгил нафас олди. Ҳалитдан бери ўзи билан ўзи бўлиб купедошларига ҳам аҳамият бермабди. Етмиш ёшлар чамасидаги аёл, яна ўспирин бола, қошу кўзидан аёлнинг неварасига ўхшайди. Аёл чарчоқ енгганми, ёнбошлаганча донг қотган, гоҳида хуррак отиб қўяди. Тепада ётган ўсмир пинакка кетганми ё хаёл олиб қочганми, шифтга термилган, унга ҳатто эътибор ҳам бермади.

Бошини ёстиққа ташлади-ю, бостириб келаётган ғалаёнлар, адоқсиз саволлардан қутулиш учун кўзларини чирт юмди. Уч кундан бўён киприк қоқмади, уч кун ухламай, ўзини тергов қилди. Беғубор болалигидан шу кунгача кўнглидан ўтган изтироблар, болалик осмонида учирган оппоқ орзулар ва ундан мосуву қилган мудҳиши воқеаларни қайта бошидан кечирди. Ҳозир уларнинг барини қайта эслагиси йўқ. У шу ниҳоясиз ўйлар гирдобида кўзи илинганини билмай қолди.

Аллақандай овозлар, шовқиндан аранг кўзини очди. Қаерда у? Поезднинг шовқиними? Ёки туш кўрятпими? Ҳамхоналарига бакрайиб қаради.

– Қизим турсангиз-чи! Жуда котиб ухладингиз!

Юзини ювиб, ўзига келгандек бўлди. Индамай кириб, ҳамхоналарига беозоргина қараб жойига ўтирди. Вагон ойнасидан узок-узоқларга ҳасратли термилди. Наҳотки киндик қони тўкилган ютидан чиқиб кетаётгани рост бўлса? Яна Ватанига қайтиб келиш насиб этармикин?! Кампир уни стол устига кўйилган ноз-неъматлардан totishiшга манзират қилди.

– Болам қатори экансиз, овқатта яқинроқ ўтириң! Уч кун туз-намак бўлар эканмиз. Қани, тортинманг!

Дастурхонга қўйилган қовурилган гўшт, пиёзли патир иштаҳасини қўзгади. Эрталаб уйдан туз totмай чиқкан. Дастурхонга қўйгани ҳеч вақоси йўқ. Аёл унинг тортинишига қўймади.

– Кон босимим баланд, узоқ йўлга асти ярамайман, – деди у. – Шу нодон боланинг ғурбати мени поездга чиқарди. Умримда туғилиб ўсган шаҳримдан бошқа ёкни кўрмаганман. Нима қиласай? Ноқобил боланинг орқасидан шу куйларга тушиб ўтирибман. Сиз қаёққа кетяпсиз, айланай, яна ёлғиз бошингиз билан?

Қўккисдан берилган савол уни эсанкиратди. Нима дейишини билмай каловланди. Оғзига келгани шу бўлди:

– Акам Mac-ква-да. Ишлагани ёнига ч-ча-кирув-ди-и...

– Ҳамма ўрис юргита кўчиб кетяптими, нима бало, ёшам, қариям, эркагу аёл, нима сеҳру жодуси бор, ҳамма тошиқани-тошиқкан, тушунмайман, – аёл ёшланган кўзларини рўмолчаси билан артди. – Мана менинг болам, ёлғиз ўғлим, ўшаққа бориб йўлдан озди. Бешта қиздан кейин қариганимда кўзим қорайиб, ичикиб топгандим. “Ҳамма ўртоқларим Москвада яхши топяпти, кўша-кўша машина олиб, уй соляпти. Чордеворда ўтираверамизми?” деб ҳол-жонимга қўймади. Қолмишига хотини ҳам тинмай қулогига қўйди. Бойлик васвасаси йўлдан оздирди, боламни, эссиз, эссиз!

– Ортидан қувиб йўлга чиққанингизга қараганда ўғлингизни тоза соғинибсизда, холажон!

Аёл оғир хўрсинди, оқарган, тўзғиган соchlарини тўғрилаб, рўмолини қайтадан ўради. Кейин неварасига тўлиқиб қаради.

– Бирпас оёғинг чигилини ёзиб кел, болам! Фақат узоқ кетма! Эҳ, қизим-а! Эрхотин қариганимизда ёмон кунларга қолдик. Худо уриб қўйди бизни.

Кампирнинг ҳасрат дафтари очилиб кетганди.

– Мана, кетганига олти йилдан ошди. Бир-икки йил топган пулини бир сўмини қўймай юбориб турди. Орада ўн беш кунгинага келиб, ҳовлиқиб, баланд иморат курдираман, деб уста солдириб кетди. Иморат ҳам чала қолди. Шайтон йўлдан урди. Пул ҳам, телефон ҳам тўхтади. Хавотир олиб суриштиришга тушдик. Бирга кетган ўртоқлари бир йил алдаб юришди, охири тилларидан тутилишди. “Ўғлингиз ўзидан анча катта ўрис жувонга уйланган, боласи ҳам бор” дейди-я! Қулокларимизга ишонмадик. Ахир бирмас, иккита боласи бўлса, уларни чирқиратиб, аро йўлга ташлаб нега уйланади, яна номусулмонга? Ҳалол-пок, соддагина эди. Ҳаром луқма едирмагандик! Қайси гуноҳимиз учун Оллоҳ бу жазони лойиқ кўрдийкин? Отасининг ахволини кўрсангиз эди... Бу гап қуда-андга, маҳалла-куйга ётиб, чолим бечоранинг қадди букилиб қолди. “Бу баттол йўлдан озганни олдингга солиб олиб келасан” деб, уч-тўрт ой олдин катта куёвимни йўлга чиқарди.

– Нима, келишдан бош тортдими?

У кампирга ҳамдардлик билдиримоқчи бўлиб, аста сўради. Негадир қанчалик ачинмасин, ўз дарди олдида аёлнинг дарди ҳечдай туюлди.

Кампир бош чайқади.

– Келмасаям ҳайтовур тирик-ку, дедик. Лекин куёвим бир гап топиб келди, бу шум хабар бизни гўрга киргизди! Чолимни адойи тамом қилди, тўшакка михлади. Ўз кўзи билан кўрганмиш, ўғлим бўйнига хоч тақиб олганмиш.

Аёл киприкларидан сизиб чиқаётган аччик кўзёшларини енги билан сидирди.

## Энахон СИДДИҚОВА

– Наҳотки! – деган сўз оғзидан нохос чиқиб кетди.

– Худобехабар! Шунча қилган тоат-ибодатимизни ўтга ёқди. Қариганимизда дўзахи қилди. Чолим бундай кўрнамакни оқ қиласман, деб қўл очганида оёқлариға чўкка тушиб, ялиниб-ёлбордим. Мен ўзим бориб олиб келасман, гунохига тавба қиласми, гуноҳларини ювади, деб неварамни олиб йўлга чиқдим. Билмайман, бу гумроҳ бола, берган оқ сутимнинг ҳақи-хурмати тавба-тазарру қиласими, ё юзимга эшик ёладими?

Вагон эшиги очилиб кампирнинг невараси кирди. Бувисининг аҳволини кўриб, мунғайиб ерга қаради, изтиробли хўрсинди.

– Болагинамнинг кўнгли синди, – аёл набирасига қараб хомуш тортди-ю, мум тишлади, бошқа ғурбатини дастурхон қиласми. Ўспириннинг кўзларида чексиз мунг кўрди, укаси эсига тушди. Бечора ҳозир нима қиласми экан?

Поезд тўхтади. Йўлакдаги шовқин-сурон, бесаранжонлик, савдо-сотикдан қулоқлари батанг бўлди. Поезд йўловчиларнинг ўзидан-да залвори оғир дарду ташвишларини ортмоқлаб, релсларни жунбушга келтириб, яна йўлга тушди.

Вагон ойналаридан лип-лип тушаётган чироқларнинг ёғдуси кўзларини толиқтириди, лекин уларни юмишга кўрқади. Юмса, хотираларнинг ўтмас пичоги кўксига қадалиб оладигандек... Симёғочлардан ҳар бир вагон деразасига бош суқаётган чироқлар ўғлининг ҳасратида ёнаётган кампирнинг ажинларини бўрттириб, қатма-қат қилиб кўрсатади. Вагон шифтига сўзсиз тикилиб ётган кампир жигарбанди учун Худога тинимсиз илтижолар қилаётгани пичирлаётган лабларидан кўриниб турибди. Қанчалик оғир, ҳалокатли бўлмасин аёлнинг ғурбатлари уникининг олдида ҳеч нарса эмас. Унинг каби дарди бедаво бормикин бу ёруғ дунёда? Ўзининг баҳтиқаролигидан ўртаниб кетди. Опаси-чи? Опасининг баҳтиқаролиги олдида уники урвоқча ҳам эмас. Опаси тақдир қуюнидан қанчалик қочгани сари унинг сиртмоғига тобора ўзини тутиб берди. У-чи? Бу сиртмоқдан ҳалос бўла оладими? У ўзи хоҳламаса ҳам хотиралар гирдобига ғарқ бўлди.

...Ўқишдан келиб, сумкасини сўрига иргитди-ю, икки ҳатлаб ошхонага кирди. Роза очиқди ўзиям. Сутли ноннинг беҳиштий ҳидидан боши айланди. Онаси янги ёпиби шекилли. Ҳиди бирам ширинки... Сархил овқатлар ўтаверсин онаси ёпган нонларнинг олдидан! Тикка турганча мазза қилиб кавшанди.

– Хой, секинрок, мундоқ ўтириб есанг, қиз болага ўхшаб майдароқ тишласанг-чи? Уят бўлади-я!

Ошхонага кирган онаси унга танбех бериб чиқиб кетди. Кийимларини алмаштириш учун ётоқхонасига кирди. Опаси диваннинг четида бир нуқтага тикилиб, тиззаларини қучоқлаганча негадир караҳт, паришонҳол ўтирибди. Бирам кўхлики опаси, кўрганнинг суки киради. Чиройда отасига тортган. Дадасиням қош-кўзи кора... Опасининг совчилари беҳисоб. Лекин дадаси унча-мунчани муносиб кўрмайди, пайсалга соглани соглан. Балки шундай чиройли қизини узатиб юборгани қизганадими, билмайди. Майли, катталарнинг ишига аралашмагани маъқул.

Опаси ҳатто кирганини ҳам сезмади.

– Хой дадасининг эркатойи!

У секингина пусиб бориб, опасининг елкасидан маҳкам қучди.

– Шоколад ёявериб семириб кетибсиз-ку! Тўлишганингизни ўзингиз ҳам пайқаяпсизми?

Опаси бирдан ўгирилди. Унга даҳшат билан қаради. Кейин ўзидан нари итариб юбориб, йиглаганча ўз хонасига отилиб кириб кетди. У анграйганча қотиб қолди. Нима қилди, нима деди опасига? Хафа қиласиган ҳеч нарса демади-ку! Семирибсиз дегани ёқмадимикин? Ой тугса ҳам, кун тугса ҳам опасига-ку! Дадаси кунда-кунора бирор совға олиб келади. Мана, кеча энг қиммат шоколадни опасига узатаётганини ўз кўзи билан кўрди. Лекин негадир опаси аразлаб, шоколадга қайрилиб ҳам қараб қўймади.

Йиги овозини эшитдими, онаси кирди.

– Нима гап? Опа-сингил гап талашяпсанларми?

– Йўғ-е, аяжон! Опамни хафа қиласиган ҳеч нарса демадим. Негадир кайфияти йўқ. Дадасининг эркаси тўлишиб кетибди, деганимни биламан, йиглаб ичкарига кириб кетди.

– Тўлишибди дедингми?

Онаси унга ғалати, қаттиқ қаради. Кейин нимадир деб ғудранди... Сўнг бир нарсадан гумонсирагандай опасининг ортидан ҳардамхаёл кириб кетаркан: “Майли, ўзим гаплашаман, сен ҳовлини йиғиштири”, деди.

Эртаси куни мактабдан ўзида йўқ хурсанд қайтди. Чорак якуни бўйича олинган ёзма ишлардан энг юқори балл олди. Яна бир эмас, учта фандан.

– Ў-ў! Мирзаева! Синфда аълочиликка сиздан бошқа даъвогарлар ҳам бор! Мунча кеккайсиз? Ўқитувчилар сизга келганда ручкаларининг учи сирпаниб, “4” баҳолар ҳам “5”га айланишини яхши биламиз.

Синфдоши Маҳлиё доим шунаقا. Ҳеч кўролмайди, ҳасад қилгани қилган. Лекин у бунга парво қилмайди. Худо хоҳласа ўқишни битириб, энг нуфузли олийгоҳга кирганида ҳаммалари тилларини тишлаб қолишади. У шу ўй билан уйларига етиб келганини ҳам сезмай қолди. Яхши кўрган қўшигини хиргойи қилганча сумкасини ўрик тагидаги сўрининг устунига илди. Бир қадам босмаёқ ичкаридан дадасининг бақиргани бутун ҳовлини тутди.

– Тинч қўй! Намунча шу қизингни юриш-туришни кавлаштирасан?! Нима истайсан ундан?

– Бу нима деганингиз? Ахир онасиман. Унинг бахти камолини хоҳлайман!

Ота-онасининг дарғазаб овози бир тиниб, яна кўтарилди. Бирордан сўнг опасининг ҳиқиллаб йиглаши қўшилди.

Нима бўляпти ўзи? Дадаси опасининг тарафини олавериб тантик қилиб кўйди-ёв! Икки йилдан бери ўқишга киролмайди. Дадаси ўзининг касби – театр институтига тортади, онаси ўқитувчи бўлишини тарафдори. Яна шу масаланинг машмашаси шекилли, бир тўхтамга келишар ахир. У ҳовлига сув сепиб, кечки овқатга тайёргарлик кўра бошлади. Бир вақт онаси кўринди. Кўзлари йиғидан шишиб кетган. Ҳеч қачон онасини шу алпозда кўрмаган. Кўркиб кетди.

– Аяжон, нима бўлди?! Тобингиз йўқми?

Онаси гапиролмади. Чап кўксини ушлаб олган, ранги деворга ўхшайди.

Негадир дағ-дағ титрарди.

– “Тез ёрдам” чақирайми?

Аяси “йўқ” ишорасини қилди. Югуриб ошхонадан сув олиб чикиб, ичирди. Сувга “валидол” томизиб берди. Сўрига жой солиб, ётқизди.

Қилган овқатига ҳеч ким қўл теккизмади. Опаси эшикни ичкаридан қулфлаб олган. Дадасининг авзойи бузук, меҳмонхонада телевизор кўраётгандек кўринди, лекин кўзи телевизорда-ю хаёли аллақаёқларда. Овқатга чақирганини эшитса ҳам

## Энахон СИДДИҚОВА

эшитмаганга олди. Тавба! Буларга нима бўлган ўзи?! Онаси овқатга чақирса ҳам бошини кўтариб қўймади. Ярим кечаси икки марта ҳолидан хабар олди. Эрталаб турса, онаси ётган жойида қўринмади. Опасининг хонасидан дадасининг қаттиқ-қаттиқ овозлари эшитилди. Онаси ҳам шу ердамикин? Эшикни очди. Опасининг ранги оппоқ оқариб кетган. Дадаси унга ялингансимон эгилиб турибди.

– Онам... – у гапини охирига етказолмади.

– Ёп эшикни!

Дадасининг ҳайкиригидан чўчиб тушди. Чой ҳам ичмади, судралиб мактабга жўнади. Хаёли уйда, кулогига дарс кирмади. Негадир кўнгли нотинч, юраги бир ноҳуш нарсани сезгандек сиқилиб, бўғзига бир нарса тиқилаверди. Охиригина дарсга ҳам кирмай уйга югурди.

Дарвозадан отилиб кирди-ю, даҳшатдан котиб қолди. Гапирай деса тили калимага келмади.

Икки нафар милиция ходими дадасининг қўлига киshan солиб олиб чиқиб кетишаپти. Опаси хуш-бехуш, соchlари тўзғиган, юzlари моматалоқ бўлиб кетган. Онасиning пойида чўккалаb ўтирибди. Онаси дадасининг ортидан қарғаняпти:

– Илоё, жаҳаннам ўтида куйгин! Ўз фарзандини жувонмарг қилган сен иблиснинг Худо жазойингни берсин! Эл-юртнинг кўзига қандоқ қарайман, қандоқ бош кўтариб юрамиз?! Бутун авлодингнинг юзини қаро қилдинг-ку, ифлос!

Дадаси энганиб олган, юзи қўрқинчили тусга кирганча, гезарib турарди. Нима бўлди? Дадасини нега олиб кетишаپти? Нима жиноят қилдики... Нега онаси қарғаняпти?

Унинг назарида дунё остин-устун бўлиб кетди. Гўё турган жойида чирпирак бўлиб айланарди. Ҳеч нарсани идрок қилмасди. Тўсатдан нигоҳлари опасининг букчайган, янам тўлишган қоматига, гуноҳкор кўзларига тушди. Онасиning куни-кеча опасининг қорнига даҳшат билан қараб тургани кўз олдидан ўтди. Наҳотки?! Йўқ-йўқ! Хаёлига келган ўйдан қўрқиб кетди. Ҳатто ҳайвон ҳам ўз боласига бундай разилликни раво қўрмайди!

Наҳотки, оилалари тавқи лаънатга учради? Наҳотки!!! Энди кўчага қайси юз билан чиқишиади? Мактабга қандай боради?

Хушига келганда билдики, дадасини олиб чиқиб кетишибди. Телбага ўхшаб қолган онаси ҳовлини гир айланар, ҳар рўпара келганда чўккалаb ўтирган опасининг соchlаридан юлар, юзига шапалоқ соларди. Кўлидаги сумкани улоқтириб, учеб онаси олдига келди.

– Аяжон! Опамни кечиринг! Унда гуноҳ йўқ! Урманг!

Онаси индамади. Ўз юз-кўзларига шапатилаб, соchlарини юла бошлади.

– Шундай бўлгунча нега кўзим қўрмади. Нега шўрим қуригунча сезмадим? Нега менга отангнинг кирдикорини айтмадинг? Ўзинг ҳам хоҳлаганмидинг, шармсиз?! Оллоҳнинг балосига учрагурлар! Ота бўлмай номинг ўчсин!

Энди нима бўлади? Орзулари парвозида кўкларда учеб юрарди. Гўё юзтубан ерга кулади. Ўқитувчилари, синфдошлар энди ундан ҳазар килишади. Қандоқ шармандалик! Бутун шахарга дув-дув тарқалиб кетгандир...

У уйга қамалиб олди. Томоғидан овқат ўтмасди. Ҳеч ким кўрмайдиган, ета олмайдиган бир ер бўлса эди. Қочиб кетарди. Худди песдай юзини ҳеч кимга кўрсатмасди. Эртаси куни каловланиб ўйдан чиқди. Онасига хавотирлик уни ўйдан олиб чиқди. Ҳовлида ҳеч ким қўринмайди. Фалати совуқ сукунат чўйкан. Кеча қариндошлари, тоғаси, келинойиси бирров қўриниш беришувди. Моҳовдан

қочгандай ҳаммаси тұмтарақай бўлишибди-да. Дўконнинг эшиги фирчиллаб очилди. Укаси бошини қуи солғанча ошхонага кириб кетди. Уни пайқамади шекилли. Ҳаял ўтмай ошхонадан халта құтариб чиқди. Дарвозага қараб юрди-ю, бирдан унга кўзи тушди. Қўлидагини ерга кўйиб, унинг олдига ҳансираф шошганча келди.

– Тузукмисиз, опа?

Ҳар ҳолда ўлгани йўқ. Лекин бу шармандалиқдан ўлса яхшийди.

– Онам билан бўлиб сизга қаралмай қолдим.

– Нима бўлди онамга? – укасига олайиб қаради у.

– Касалхонада. Тоғамлар бошида ўтирибди. Ҳозиргина хушига келди. Шунга овқат қилиб олиб кетаётгандим.

“Хушига келмагани дуруст эди”, ўз-ўзига пицирлади.

– Борасизми?

У “йўқ” ишорасини қилди. Боргани билан онасининг дардини оширишдан бошқага ярамайди. Опаси қаёқда экан? Сўрашга ҳоли келмади.

– Қозонда овқат бор, солиб берайми?

Укаси ундан жавоб кутиб, бироз тараддулланиб турди. Опасининг хаёли аллақаёқларда изғиб юргандай. Дарвозанинг тарақлаб ёпилиши фикрларини тўзғитди. Қайтиб хонасига кирди. Диваннинг бир четига омонатгина ўтирди. Худди ер қимирилаётгандай, зилзила бўлаётгандай туюлди. Деворга илингган соат полга даранглаб тушди. Михдаги жойнамоз назарида михи билан суғурилиб ерда чангга беланди. Деворда осигурилган суратга кўзи тушди. Нега бу сурат девордан ўприлиб тушмади? Демак, ҳеч қандай зилзила бўлмаган, хаёлида бўлдими бу силкиниш? Дадаси билан бирга тушган суратлари... Бир-бирларига суюниб, хушбаҳт, кулиб туришибди. Қандай баҳтли оила! Ҳамма ҳавас қилса арзиди. Бор кучини йигиб ўрнидан турди. Тентираб бориб девордан суратни юлиб, деразадан ҳовлига улоқтириди. Тавба! Ҳозиргина суратда кулиб турган дадаси шиша синиклари ичидан аянчли тиржайиб турарди.

Икки ҳафта мактабга бормади. Кеча синф раҳбари келди. Ҳар қанча ёлбориб тавалло қилмасин, хонасининг эшигини очмади. Кечкурун тоғаси келди. Унинг юзига қарамади. Лекин аччиқ-аччиқ гапирди:

– Мактабга бор! Аламингни ўқишдан оласан! Бошқа иложинг йўқ! Иблис отангнинг қилмиши ҳаммамизнинг юзимизга лой саҷратди. Кўчада юргилигимиз колмади.

Қанийди лой саҷраган бўлса?! Ювса кетарди. Бу саҷраган доф бу авлоднинг етти пуштини тинч қўймайди.

Синф раҳбари яна келди. Ортидан мажбуран судралиб мактабга борди. Синфа кириши билан ҳамманинг нигоҳи унга қадалди. Бирорнинг раҳми, бирорнинг қаҳри келганини юрак санчиғида ҳис этди. Мийигида кулиб кузатётгандарнинг ёнидан юриб бориб партага ўтирди. Дардини ичига ютди. Танаффусда ҳеч ким ёнига келмади. Ҳеч ким сўроқ-савол қилмади. Щуниси дуруст, деб ўйлади.

Уйларига яқинлашганда кўчада ғийбатлашиб ўтирган кўшни аёлларни кўриб, юраги орқасига тортди. Улардан бири қўлини бигиз қилди:

– Маҳаллани иснодга қўйдинглар! Болаларимизга лаънати тегмаса гўргайди. Яна уялмай кўчада юришини қаранглар бу беномусни! Отанг-ку қамоқхонадан келадими-йўқми? Манжалалақи опангга айт: бизга рўпара бўлмасин.

– Қўйсангиз-чи, бу бечора гўдакда нима айб? – хотинлардан бири инсофга чақириди.

## Энахон СИДДИҚОВА

– Эй-й! Қуш уясида күрганини қилади. Ёмондан хазар!

У уйларига гандиракдаб зўрга кириб олди. Бундай кундан ўлгани яхши. Ўзини осиб қўя қолсамикин? У атрофга олазарак қаради. Опасини ўйлаб юраги қоврилди. Укасининг айтишича, узоқ қариндошлариникига олиб бориб қўйишибди. Эртага мактабга бормай опасини кўргани кетсамикин? Лекин нима дейди, нимани гаплашади? Опасининг юрагидаги дўзах ўтини ўчиришга, юпатишга қодир бирор сўз топ оладими?

– Битириув имтиҳонларига икки-уч ой вакт қолди. Ким қайси олийгоҳга хужжат топширади?

Синф раҳбари ҳар бир ўқувчини тургизиб, бирма-бир сухбат қилди. Навбати келганда бутун синфнинг нигоҳи ер остидан унга қадалганини сезиб турди.

– Ўйлаб қўриб айтаман!

Бехос оғзидан шу сўз чиқди. Нега шундай деди, ўзи ҳам билмайди. Ахир бор орзулари барбод бўлди-ку! Орзуларининг синикларини бир кун териб бутлай олармикин? Танаффусда Маҳлиё ҳамманинг диққатини ўзига қаратди.

– Ҳеч тушунмайман. Отаси камалганларнинг хужжатини олийгоҳга ўкишга қабул қилишармикин?

– Кўйсанг-чи шу гапларни! Уялмайсанми? У сенга нима ёмонлик қилди? – синф бошчиси Акмал унинг тарафини олди.

– Уят дедингми? Мен уялайми? Опаси отасидан тугадиганлар уялсин!

Э, болалар, опасидан чақалоқ туғилса унга жиян бўладими ё укача, айтиб берсин!

Беш-олти кўз унга чақчайиб, ёмон қараб турганини кўрди. Раҳми келганлар эса бу сафар чурқ этишмади.

У бошида қон гупурганини сезди. Миёси ари уясидек гувуллади. Кўксидаги оғриқдан тишлиари ғижирлаб кетди. Синфдошининг ҳақоратларини жим эшилди. Бўлди! Ҳаммасига тупуради, шу мактабга қадам босмагани бўлсин! Парта устидаги китобларини йиғиштирди, ўзини кўлига олиб, ўрнидан турди. Ҳамма унга қўркув ва даҳшат билан қараб турарди. Ҳеч нарса бўлмагандай секин Маҳлиёнинг олдига борди. Унга ўзи нима қилувди? Арпасини хом ўрганими? Бунча унинг малолини олади? Тиржайган, масхараомуз башарасига қараб кечаги баҳтиёр, баҳтли кунлари тугаганлигини ўйлаб ўртанди. Маҳлиёнинг нигоҳида “Хўш, нима қила оласан?” деган безбетликни кўрди. Тўсатдан юзига қуличкашлаб туширди. Кейин унга ташланди. Бир зарбда сочидан бир тутам кўлига чиқди. Синфни бошига кўтариб додлаётган синфдошининг қўлидан силтаб тортиб, кафтига соч толаларини тутқазди. Кейин индамай сумкасини олиб, синфдан чиқди. Дод-войни эшишиб эшикдан кириб, ҳангуманг бўлган ўқитувчиларига қайрилиб ҳам қарамади.

Сой ёқалаб келаркан ҳайқириб, тошдан-тошга урилиб оқаётган сувга телбаларча тикилди. Шу сойга ўзини ташласа, чўкиб ўлармикин? Ёки... Гўё тифнинг устида юриб бораради. Бошида, юрагида, товонида шу тиф. Гўё бутун дунё биргина шу тифдан иборат. Узоқда боғлар, чаманлар кўриняпти. Лекин у ҳеч қачон бу тифларнинг таъқибидан кутула олмайди. Ҳеч қачон! Қани эди шу дунёсига келмаганида, қани эди онаизорининг кўзидаги даҳшатли фарёдларни кўрмаганида эди...

Дарвоза тагида турган укаси унга нималардир деди. Қулоклари эшифтади. Кўзларидаги ёввойи даҳшатни қўриб укаси қўрқиб кетди.

Мана, ҳаммаси тугади. Мактаб ҳам, олийгоҳ ҳам, келажаги ҳам. У синфда рўй берган воқеаларни ўйлаб, инграб ётаркан, уйни бошига кўтариб уввос тортиб юборди.

– Болам, болажоним, күзингни оч! Онангга раҳминг келмайдими? Опангники ўзи етиб ортади! Мени ташлаб кетма!

Олис-олислардан элас-элас келаётган товушлар, бақир-чақирдан хушига келди. Қўрғошиндай босиб турган қовоқларини базўр кўтарди. Бошида бу кўргиликлардан адойи тамом бўлган шўрлик онаси йиглаб ўтирибди. Унга нима бўлди? Нега атрофида ҳамма тўпланибчувулляяпти? Нега билагига игна санчишяпти? Ҳа-а, эсига тушди. Қўлидаги ингичка арқон... Оёгининг тагидаги тўнгакни тепиб юборгани... Ахир тубсиз бир ўпқон ўзига тортиб кетганди-ку! Нега ҳалиям тирик?

У кўзларини юмди. Ҳеч кимни кўришни истамасди. Ҳатто уни ўлимдан қутқариб колган онасини ҳам. Фақат ингаради: Нега? Нега? Нега??

Мактабга қайтиб бормади. Ўқитувчилар қанчалик қийин-қистовга олишмасин, битириув имтиҳонларига боришдан бош тортди. Тоғаси касалхонага санитарка қилиб ишга киргизиб кўйди. Қундузи иш билан овунгандай бўлади-ю, тунлари худди тифға ағанагандай ухламай чиқади. Опаси эрта-индин кўз ёрадиган... Унга юзма-юз келишдан ўзини олиб қочади. Онаизорига қийин бўлди. Уни оёқда ушлаб турган, йиқилишдан асраётган баҳтиқаро қизи, ҳали дунёга келмасидан ғурбат, қарғиш, ёғийлик уругини ундираётган масъум гўдакка илҳақлик... Бу сўнгсиз азобларга қандоқ тоб бераётган экан? Разиллик ботқогига ботган эрининг хиёнатини-ку кечирмаслиги аниқ, лекин онаизор қазои қадарига қадар кўксига ўтмас пичоқ ботирган қизини қандоқ ўтга отсин, қандоқ воз кечсин?!

Ҳамма лаънатлаётган гўдак тугиладиган кун келди. Опасини туғдириш учун онаси уйга доя ёллаган кўринади. Тирик тугилмагани маъқулмиди шу норасида?! Опаси ўзи ўлдириб кўйса бир умрлик ғурбатларидан фориг бўлармиди?! Опаси ётган хонадаги бесарамжонлик, чопа-чоплардан билдики, тўлғоқ бошланган. У бақир-чақирларни эшитмаслик учун бошини кўрпага буркаб олди. Ахён-ахёнда онаизорининг бўғик, хавотирли, аянчли овози кўрпани ҳам тешиб ўтади.

– Ҳайрият, эсон-омон кутулиб олди! Қуллуқ бўлсин! Ўғил экан, ўғил!

Бу доянинг овози. Қуллуқлашига бало борми?

У ҳалитдан эндиғина тугилган гўдакдан нафратланётгани учун ўзидан ижирғаниб кетди. Шу онда синфдошлари, кўшни аёлларнинг масҳараомуз тиржайишлари кўз олдига келди. Билмади, онаси ёрдамга чақирдими, икки-уч эшикни тақиллатди, эшитмаганга олиб кўру кар бўлиб ётаверди. Иши соат саккизда бошланса ҳам ишга сахармардонлаб чиқиб кетди.

Яхшиям шу укаси бор, ягона эркак. Онаисига шу бакор келяпти. Чақалоқ чучкирса, иситмаласа ҳам дорихонага чопган, озиқ-овқатга уннаган ҳам у. У опаси ётган хонага бирор марта бўлсин бош суқмади. Гўдакни ҳам кўргиси йўқ! Кечалари кўз юммай уни жон-жаҳонида катта қилаётган онасини ҳам ёмон кўриб кетди. Болани онаси ўзининг номига олганини эшитди. Чақалоқ катта бўлиб кимлигини билганида дунё остин-устун бўлиб кетса керак! Гуноҳсиз гуноҳкор... Бу гўдакни ҳаётнинг қандай синовлари кутяпти экан??

– Бирпас ушлаб тургин! Опанг иситмада ёнапти. Куруқ мастава солай-чи?!

У онаисига хунук қаради. Хоҳламаса ҳам чақалоққа кўзи тушди. Оппоқина, қоп-қора сочи дока рўмол тагидан кўриниб турибди. Бир зум меҳри товлангандай бўлди. Гўдакнинг кўзлари... Бу қоп-қора кўзларда дадасининг аксини кўриб титроқ турди. Юзини терс бурди. Ҳаво етмаётгандай нафаси қисилди.

Чақалоқ катта бўлган сари унга қараб талпинадиган бўлди. Баъзан эмаклаб келиб, унинг тиззасига чиқиб ўтириб олади, нималарнидир деб чуғурлайди.

## Энахон СИДДИҚОВА

Қочиб қаёққа борарди! Секин-секин күниқди. Эркаламаса ҳам гүдакни ўзидан итаролмасди. Айниңса, опаси индамай қўлига бериб кетса? Тавба! Опасининг заҳил юзига қон югургандай. Боласи билан овуниб баҳтиқаролигини унугтандай. У буларни ҳазм қила олмай кундан кунга ич-этини ейди. Яхшиямки иши бор, бироз бўлса-да дардларини ўзидан нари қиласди. Ишхонада шериклари опаси ҳакида оғиз очишмайди. Уни авайлашадими, билмайди.

Ишдан келиб, ошхонада хонтахтага тирсагини таяб, ҳұшсизларча ўтирган опасига кўзи тушди.

– Опа!

– А-а, қўявер!

Опаси шошиб қўзёшларини артди. Йиглайвериб кўзлари қип-қизариб кетибди.

– Опа қўйинг! Ҳаммаси унутилиб кетади.

– Йўқ, ҳеч қачон! Опаси қўзида ёш билан аламли жилмайди. – Мен ўз қўлим билан қисматимга қора чизиқ тортдим. Бу тавқи лаънат мени ҳеч қачон тинч қўймайди, таъкиб қилиб қўймайди. Ҳамманинг тақдирига қора соя солдим, мусибат келтирдим... Кечир мени, сингилжоним! Кечиролсанг кечир баҳтиқаро опангни! Сендан бир нарсани ўтиниб сўрамоқчиман. Жуда ақлли, фаросатли қизсан! Мендек баҳтсиз бўлиб қолма!

– Нима кил дейсиз?

– Сенинг ўрнингда бўлсам узок-узоқларга кетардим. Бу лаънатланган уйдан қочиб кетардим.

– Қаёққа кетай? Кимга бош урай?

– Москвагами, Ленинградгами? Ёки бирор хорижий давлатга! Ўқисанг, иш топсанг, мениям чакирадинг! Насиб қиласа боламни онамга ташлаб, мен ҳам бу гап-сўз, тавқи лаънатлардан узо-оқларга қочиб қутулармидим?!

– Наҳотки бу мумкин бўлса?!

– Нега мумкин бўлмасин? Фақат бу ҳақда ҳозирча ҳеч кимга айтма! Опа-сингил бир-бирларининг қучогида унсиз йиглашарди...

Отасининг муддатидан олдин чиқаётганини тоғасидан эшилди. Эшилди-ю, худди бирор унга ўлим ҳукмини эълон қилгандай қотиб қолди.

– Бу эшикка қадам босиб кўрсин! Бутун шаҳарда шармандаи шармисор қилди, бош кўтариб юролмаяпман. Юзимизни қора қилди, ифлос! Йўқ!!! Бу иснодга чидолмайман! Рўпара келса сўйиб ташлайман! Кейин турмада чириб кетишга ҳам розиман! – тоғаси қўлидаги пичоқнинг дастасини маҳкам қисди.

Энди нима бўлади? Бу даҳшатга онаси қандай рўбарў бўлади? Наҳот, эрини кечирса?! Дадасининг ака-укалари уйларига киритмасликлари аниқ! Ичини ит кемира бошлади. Қандай ишга бориб келяпти, нима қиляпти билмайди.

Бугун ишдан эрта келди. Мехмонхоналарида беш-олтита аёл, уч-тўрт эркак худди жанозага келгандай миқ этмай ўтиришибди. Ҳайронлиги ортди. Ётоқхонада сандиқ кавлаётган онасига саволомуз боқди.

– Нима гап, ким булар она?

– Опангни узатяпмиз?

– Ни-ма!!! Ки-им-га?

Шундай деди-ю тилини тишлади. Жавоб унинг дилини қонатиши аниқ. Онаси индамади. Сўраб боқса, куёв отасидан ҳам қари, хотини ўлиб, бева қолган кимса. Юраги ҳайқирди. Бечора опаси... Наҳотки шу шўришга рози бўлган? Балки жаллод отаси билан юзма-юз келишдан кўра шу баҳтсизликка бўйин этган?

Опаси билан рўбарў келишга юраги бетламади. Ҳаял ўтмай ичкаридан опасини кийинтириб олиб чиқиши. Демак, ҳаммаси ими-жимида бўлаётган экан-да! Опасининг аҳволига бокиб, юраги аламазон бўлиб ёнди. Худди ўлимга, дорнинг остига олиб кетишаётгандай кўзларида мунг, даҳшат, аччик дод қотиб қолган. Аёллар уни ўртага олиб, кўлтиғига кириши. Кейин эшик томон бошлиши. Опаси аёллар куршовида оёклари чалишиб, телбанамо бир неча қадам босди, кейин ортига бурилди. Дарди дунёсидан айрилган одамдек, нажот истаб, ёлбориб онасига қаради. Сўнгги марта кўраётгандек кўлларини чўзиб илтижо килди:

– Онажон!

– Онанг ўлсин! Туғмасам эди, бу ҳолингни кўрмасам эди!

Шўрлик опаси онасининг қучоғига етмай хушсиз йиқилди. Уй ичи қий-чувга тўлди. Куда аёллар опасини онасининг устидан олишиб, қийин-қистов билан машинага олиб чиқиб ўтқазиши. Машина оғир силкиниб юриб кетди.

Бироздан сўнг онаси ўзига келди. Ҳеч кимга кўнмай инжиқлик қилаётган гўдакни олиб, афтодаҳол хонасига кириб кетди. Ухлаган гўдакни диванга ётқизаётган онасига паришон қараб турди. Кейин унинг оёклари тагига чўккалаб ёлвориб гапирди:

– Онажон! Нималар қилиб қўйдингиз?! Дадамнинг хўрлагани етмасми? Үлганни устига тепган қилдингиз? Наҳотки, ўз қизингизга раҳмингиз келмаса? У шўрликни ўз қўлингиз билан жарга итардингиз. Наҳот, бу ишни ўша хиёнаткор, иблис эрингиз учун қилган бўлсангиз? Нега фарзандларингизни ўйламаяпсиз?

Онаси индамади. Жону жаҳонидан айрилган одамдек хушсиз ўтирас, кўзларидан ёшлар сел бўлиб оқарди. Ичидаги ғазаб-исён сувкларини бурдалай бошлиди:

– Ҳаммасига сиз айбдорсиз! Агар сиз яхши аёл бўлганингизда эрингиз шу хиёнатни қилмасди. Балки сиздан ўч олгандир шу йўл билан? Бизнинг айбимиз нима? Сиз ҳам онамисиз? Онаман, дейишга ҳақингиз йўқ!

У бор овози билан эзилиб ҳайқирди. Сўнг ўзини онасининг устига ташлаб, маҳкам қучоқлаганча хўнграб-хўнграб йиглади.

– Қизим, йигляяпсизми?

У чўчиб кетди. Ҳамхона кампир унга ҳайрон қараб турарди. Азбаройи адойи тамом бўлганидан қаердалигини унугибди. Кўзларидан ёш шашқатор оқяпти.

– Холажон! Ҳеч онамдан узоққа кетмагандим. Хали икки кун ўтмай соғиниб, ўзимни йигидан тўхтата олмаяпман.

– Дадангизни соғинмадингизми?!

– А-а-а?! – у кампирнинг қўзига даҳшатланиб қаради. Кейин овозлари қалтираб, шошилиб, тутилиб жавоб берди:

– Дадам болалигимда ўлиб кетган.

– Кечиринг болам, сизнинг ҳам дардингиз оғир экан. Бефаҳмлик қилиб яраларингизга туз сепибман. Дунёнинг бир қавати ўзи шунака экан, – кампирнинг оғир хўрсинифи эштилди. Агар қизнинг бошидан ўтган мусибатларини билганида эди, балки ўзининг қайғуси қўзига кўринмасми.

Дунёнинг бир қавати... Ҳа, у Яратганинг амри билан дунёнинг жирканч, қабоҳат қаватига тушиб қолди. Шум қисматга рўбарў келди. Умри тўё ёмон босиринки тушга ўхшайди. Бу қўрқинчли тушдан қачондир уйғонармикин?

Тақдир қуюни уни ҷоҳига олиб, хас-хазондек қайси томонларга учирали, қандай қисматнинг исканжасига отади билмайди. Билгани, қисмат тўфони олиб келган сўнгги бекатда тушиши керак.



## ЧҮНГ АРМОНЛАР ҚҰШИҒИ

**Иброҳим ҒАФУРОВ**

Шоира, адіба, жамоат ташкилотчиси, замонамизнинг фаол, узоқ йиллар давомида халқ ичида ишлаган фарзандларидан бири Энахон Сиддиқова эл кезиб, күрган-білгінләри ҳақида ёзған ҳикояларида барча воқеалар шу юрт хонадонларида кечади, уларнинг барчаси – ота-она, бобо-момо, дилбандлар, жигарлар, жигарпоралар, құни-құшни, қавм-қардошлар – сиз билан бизнинг замондошларимиз – ҳаммаларини қўпдан таниймиз, саломлашганмиз, ҳол-аҳвол сўрашганмиз. Тақдирларимиздан тулашлик топганмиз.

Бу ҳикояларнинг тархи – шаклу шамойили содда, баъзан жуда ҳам одми – халқимиз аёллари кўп ишлатадиган одми сурпни эсланг, одми, лекин пишиқ ва турмушбоп, далабоп, сафарбоп, йўлбоп... – аммо тақдирлар олижаноб, эзгу ниятларга бой ва қўпинча жуда аянчли, фожиали, мураккаб, чигал...

Энахон Сиддиқова ҳикояларида ҳаёт борича, қандок бўлса шундок бадиий тасвирланган, сиймолари оқ-қора бўёқлари билан кўз ўнгимизда гавдалантирилган турли ёш, турли мавқедаги, турлича йўл-йўриққа эга кишилар қўпроқ алам-уқубат, қашшоқлик, дард-алам гирдобларида умргузаронлик қилишади. Уларнинг бошларига ҳар томондан дарду алам, оху зор ёпирилиб ҳужум қиласди. Асло тинмайдигандек бўлиб кўринган нола-фарёдлар – жамиятнинг энг мухим узвий уяси бўлган ўзбек хонадонларида кечади. Азобнинг энг сўнгги нуқтасигача қўтарилиб боради. Бу воқеаларда бутун авлод иштирок этади. Ҳатто янги туғилган ва ҳатто ҳали туғилмаган, дунёга келмаган нишоналаргача ҳикояларнинг жон бўғинларида воқеаларга катта таъсир кўрсатиб туради. Сюжетлар таранг, ҳолатлар таранг. Ҳол-аҳволлар ғоятда таранг. Ҳар бир ҳикоя таранг тортилган, отилишга тайёр турган камоннинг худди ўзи. Ва жумладан, ҳар бир шахс ҳам таранг вазиятда. Янги услугуб ибора билан айтсан, булар бари тамомила таҳликада яшаш тарзлари... Булар бари оила... Баъзан бу адоқсиз таҳликали коллизиялардан юрагинг беихтиёр қонга тўлиб кетади. Таҳликалар кечалар ва кундузлар, тонглару шомларни қамраб олади.

Адабанинг “Сув ухлаган кеча” ҳикоясида қор бўралаб турган қиши палласида оиласда ёш аёлнинг оғир касалликка чалиниб жони узилади. Аёлнинг эри бу

**Иброҳим ҒАФУРОВ** – Ўзбекистон Қаҳрамони. 1937 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Бир қанча адабий-танқидий китоблари нашар этилган. Эрнест Хемингуэй, Фёдор Достоевский, Эдгар Аллан По, Уильям Фолкнер, Чингиз Айтматов, Валентин Распутин, Габриэль Маркес, Жеймс Жойс асарларини ўзбек тилига ўғирган.

мусибатга чидолмай юрак-багри ўртаниб, бўғилиб ташқарига отилиб чиқади. Унинг тўни этагига ўғилчаси осилиб олган. Улар томорқага чиқишади. Томорқа ўртасидан ўтган арикнинг суви музлаб қолган. “Дада, кўринг, сувлар ухлаб қопти”, дейди бола отасига. У сув музлаб қолибди демоқчи. Тўғнаган юрак, тўғнаган сув. Ҳаёти зулматга айланган эр. Олдида етимликнинг узоқ йўли ётган бола. Ота шу тобда боласининг “Ота, у нега ухлаб қолган?” деган саволига жавоб беришга ожиз. Аммо умидли дунё: эртага күёш чиқади, зулумот чекинади. “Ухлаган” сувлар албатта уйгонади.

Эл-юрт ҳаётини беш қўлдай, ич-ичидан яхши билган адиба ва шоира Энахон Сиддиқова ўзбекларнинг оиласидаги турмуши, майшати, маданияти, ахлоқ-одоби кейинги ярим асрда қандай ўзгаришларга учрагани, янгича майшат куртаклаётгани, янгича муносабатлар бош қўтараётгани, болалар ва ота-оналар, қавму қариндошлар, қуда-андачиликлар аро янгича таомиллар юзага чиқаётгани, уларни ҳар доим ҳам бир хилда баҳолаб бўлмаслиги, оила ички-ташқи қарама-қаршиликларда кемадай долғалар оша бораётгани, айниқса, эр-хотин муносабатлари янгидан янги глобал дунёнинг синов-имтиҳонларига дуч келаётганлиги, кўпинча улар содда одамларни ҳаддан ташқари шошириб қўяётганлигини фикрлаб юради ва тез-тез ўз амалиётида уларга дуч келади. Оилада ёқтириш-ёқтирмаслик ҳаёт-мамотга айланадигани ва шу зиддиятларда оила чорасизликда қолаётгани муаллифга ҳам, умуман кўпчиликка сир эмас. Нима қилиш керак? Адиба зимдан бунга жавоб тайёрлаётганга ўхшаб кўринади, лекин тайёр қолип йўқ, тайёр жавоб ҳам йўқ. Аммо зиддиятларни хаспўлашга уринишлар сон-саноқсиз. Аммо унинг битта нуқтаи назари событ ва равшан: ҳалқ ичидан олижаноблик, эҳсоннинг чўғи сўнган эмас. Ва бу ҳали ҳаётнинг давомийлиги ва тараққиёти, инсон омилиниң тўғри йўлга мойиллигини белгилайди.

Касални яширанг, иситмаси ошкор қилади. Бунинг ҳақиқатини адиба теран тушунади. Дардларни дадил очиб ташлаб очиқ жароҳатга малҳам қўйишига уринади. Унинг ҳикоялари очиқ-ошкора ҳикоялар. Адиба қаҳри қаттиқ омилкор жарроҳга ўхшайди. Ҳаёт чириган бўлса, унинг чораси борми? Аччиқ тақдирларнинг аламли хулосалари жавоб ўрнида келади.

Энахон Сиддиқова ҳикояларида аёвсиз тасвирилаган фожиалар – булар бари руҳий қашшоқлик фожиалари. Руҳоний қашшоқлик, бедардлик мабодо қасрда яшаса ҳам, бари бир руҳий қашшоқлигича қолаверади. Руҳоний қашшоқлик қай даврлардан бери бизни кемириб оёқларимиздан оркага тортиб келмоқда?

Аммо адиба инсон лаёқатига ишонади. Олижаноб инсон ахир бир кун нодонлик, юзакиликни енгиг ўтади. Зулматдан устун чиқади. Бу ҳикоялар кишида битмас-туганмас оғриқлар қўзғатади. Очкўзлик, нафсоният, мол-дунё бандаси бўлиб колиш, булардан авж олиб келаётган чек-чегарасиз драмалар адибанинг шафқатсиз, қаҳрли сўзи билан андак бўлса-да тартиб-интизом ва инсофга келармикин? Ё қалбларимизни ҳамон мангут зиркиратиб тураверармикин?

*Гарчи бас тийрарўдур ул зулумот  
Ғам ема, чун бор анда оби ҳаёт*

– деб умидлантирадир Навоий. Адибанинг ҳикоялари инсон қадр-қиммати ҳақида чўнг армонли қўшиклардир. Оби ҳаётга интилиш бор.



## Менгамас ағёрга, эй ёр, эътиборинг бошқача

**Исмоил Маҳмуд  
МАРФИЛОНИЙ**

\*\*\*

Санингдек дилраболарга манингдек жонфидо мухтож,  
Дили абгор, кўзи хунбору дардингда адо мухтож.

Кўйиб ишқингда ҳар лаҳза, висолинг истагай кўнглим,  
Туну кун фикру ўйингда ёнурман, мубтало мухтож.

Жаҳон айвонида ёлғиз малаксан, маҳлиқосан, хур,  
Садоқат илмидан кўнглим тилар ҳардам ғизо мухтож.

Мухаббат даштида сарсон кезурман бенаво, ғамнок,  
Жудолиғ ўзи етмасму, яна не-не изо мухтож.

Не баҳт топмоқ висол дардин ҳам ишқда ўзни ҳис этмоқ,  
Ки топганлар изин ўпмак учун қадди дуту мухтож.

Муборак хусну холингдан умидвор телбаман, Маҳмуд,  
Юзинг кўрмак учун ул кун яна мендек гадо мухтож.

\*\*\*

Дилдаги руҳи равоним маҳлиқолардан гўзал,  
Севганим, жону жаҳоним дилраболардан гўзал.

Бу ҳаёт бўстонида ул матлабим ҳам мақсадим,  
Жилваси жонга фароғат тўтиёлардан гўзал.

Боғ аро кезсам гул эрмас, кўзга ёрим кўринур,  
Ким ҳазон бўлгувчи кузда бебақолардан гўзал.

**Исмоил Маҳмуд МАРФИЛОНИЙ** – 1947 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Шоирнинг “Шуъла”, “Келажакка шиониб”, “Эътироф”, “Ишқ саодати”, “Гулзор қилур”, “Саодат манзари” номли шеърий китоблари нашр этилган.

Кўнглим ичра нур таратгайдир париваш бебаҳо,  
Бебаҳолар ичра ҳамким бебаҳолардан гўзал.

Сўрмангиз деб қайда ёринг, ул маним жонимдадир,  
Ул қуёш қалбимда фоний бевафолардан гўзал

Эътимодим, эътиқодим, ботиним, онгимда ул,  
Зоҳири васфида бўлган хурлиқолардан гўзал.

Билмадим, дерми ўшал кун, Маҳмудо, ёринг сенга,  
Мубталолар ичра барча мубталолардан гўзал.

\*\*\*

Дилда бўлса эҳтироминг келган ул фурсатда айт,  
Чин тавозе бирла унга сен чуқур ҳурматда айт.

Чиқса bemavrid қуюн ҳам тўзғитар гавҳарни, бил,  
Нур сочиб хуршид мисоли вақтида журъатда айт.

Топмадим деб бўлма ғофил, аҳду шахтингдан кечиб,  
Изла, ўргангил қиёсин ҳам топиб ҳикматда айт.

Оқилу доно ишидан қувват олгин ҳар нафас,  
Эҳтиёт айлаб тилингни дилдагин тоатда айт.

Одамийлик ичра ҳар ким топгуси чин муддао,  
Сиyratинг бирла сўзингни бир тутиб ғайратда айт.

Эҳтиром бирлан улуғлар тутдилар қалб риштасин,  
Ким саодат манзарин ҳардам билиб неъматда айт.

Бу ҳаёт бўстонида, Маҳмуд, ўзингни англағил,  
Ҳар сўзинг дўстинг билиб дўстинга ибратда айт.

\*\*\*

Сенга боққан бандага маҳшар куни йўқдир азоб,  
Эй Дилоро, кўнглим ичра сен ўзингдир офтоб.

Васли ёдинг бирла, ёrim, ҳар дамим ўтгай ёниб,  
Илтижо ичра туурман, кўзларимда дурри ноб.

Бу кўнгил истар сени, бас, қилмагил ҳолим забун,  
Сен ўзингсан икки олам дарда малҳам моҳитоб.

Зоти поклар адли азминг бирла топди ажрини,  
Айлагил шу йўлда дилни этмайин ҳолим хароб.

Иллатим кўпдир, кўнгул равшан эмасдир ҳар замон,  
Шод этиб аввора қулни айлагил кўнглига тоб.

## **Исмоил Маҳмуд МАРГИЛОНӢ**

Айрилиқда ғам чекарман истабон сендан најкот,  
Сендан ўзга ёр йўқдир, сен ўзинг дилга ижоб.

Ўртабон Маҳмуд дилни, баским, тағофул этмагил,  
Қулга ҳам, ёrim, керакдир охиратлиғ – чун савоб.

\*\*\*

Менгамас ағёрга, эй ёр, эътиборинг бошқача,  
Нозу истиғно ароким ихтиёринг бошқача.

Дард аро ошиққа ҳардам бу каби ҳижрон нечун,  
Ёр ўлиб ағёра, эй ёр, иқтидоринг бошқача.

Туну кун кўнглимга боқмай зулм этурсан нечаким,  
Ваъдага этмай вафо ҳеч кирдикоринг бошқача.

Ўзгалар фикри ила қулгай дилинг офтоб мисол,  
Мен сўз очсан тингламай қилган қароринг бошқача.

Маҳлиқолар пешаси шундай эрурми ё азал,  
Сенда ҳам шундаймикин ё дилда боринг бошқача.

Кўрмадим оламда сендай бевафолар тарзини,  
Хусн аро дил йўқми ёким ёра доринг бошқача.

Маҳмудо, холингга ағёр айтадир: “Қилмас вафо,  
Чекма ғам, кўп нотавон кас, гулузоринг бошқача”.

\*\*\*

Яхши инсонлар ҳаёт тарзини эъзоз айлагай,  
Ҳақ йўлига ҳар қачон умрин пояндоз айлагай.

Яхши одамлар ёмонлар бирла бўлмас, фаҳм этиб,  
Шамси анвар азмини аҳдига андоз айлагай.

Боғ аро булбул тутинмас ошно зоглар ила,  
Ғунча ишқида ёниб ўзни сарафroz айлагай.

Дўсту душман фарқини бил, эй ўғил, идрок этиб,  
Англа, яхши – яхши инсонларни устоз айлагай.

Сол назар, одам киёфа беиболар йўқ эмас,  
Бу каби каслар адашганларни ғаммоз айлагай.

Бу ҳаёт саҳни азалдан яхши бирла файзиёб,  
Файзиёблар ҳар қачон ҳар дамда эъжоз айлагай.

Эй ўғил, Ҳақ ҳикмати бирла дилинг маҳмуд қил,  
Яхшиларнинг суҳбати кўнглингни мумтоз айлагай.

# **Дунё тугамас имтиҳон**



**АХТАМҚУЛИ**

**Ой бирла бедор ўйнасам...**

Майлими, киприкларинг пайконида дор ўйнасам,  
Айрилик сахросида дил ўртаниб зор ўйнасам.

Лабларингни чўғида тан қоврилиб қолган маҳал,  
Сочларинг тўфонида ой бирла бедор ўйнасам.

Холларинг ишкимга нукта қўйсалар зулф остина,  
Кўзларинг уммонида пинхона абгор ўйнасам.

Чок этиб кетсанг дилим, чоки гирибонинг билан,  
Учса шўх оқкушларинг, чарх остида хор ўйнасам.

Дардларимни англамай косамга ғам қўйса ҳаёт,  
Оҳларинг савдосида сармасту бемор ўйнасам.

Нозларингдан жонланиб қолса қуюк томирларим,  
Изларингта гул сочиб ўртанса гулзор ўйнасам.

Қоматинг офтобидан ўт олса гар Ахтамқули,  
Чўққилар поёнида дилхуш кезиб кор ўйнасам.

---

**АХТАМҚУЛИ** – 1964 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий адабиёт курсини тамомлаган. Ижодкорнинг “Бодомгинам”, “Қорачиқда асрраганимсан”, “Баҳоримдан кечиккан гул”, “Қирқ газал”, “Ибратли ҳаёт”, “Бахт излаган одам”, “Тоғлар ҳам қарийди” номли китоблари чоп этилган.

### Додимга гул етгай ёниб...

Бу күчалар мендан кечиб, армонларимдан олди ранг,  
Боболарим қонин ичиб, карвонларимдан олди ранг.

Бу дил дилим шудгор этиб, согинчларим бисёр этиб,  
Тун қўйнида бедор этиб, хижронларимдан олди ранг.

Дардимга дард қўшган дала, кўзёшларим бўлгай жала,  
Қизлар йигилгач бир гала, исёнларимдан олди ранг.

Офтоб отилди тўрут томон, томирларимда сизди қон,  
Дунё туганмас имтиҳон, айвонларимдан олди ранг.

Отамга дил берган хаёт, билгай уни мендан зиёд,  
Байтимга байт қўшган баёт, пайконларимдан олди ранг.

Додимга гул етгай ёниб, меҳримни ичгай қизғониб,  
Қошимда гулзор ўйғониб, райхонларимдан олди ранг.

Ахтамкули арзинг аён, тун қўйнида пинҳона ён,  
Ёр ишқидан олган зиён, достонларимдан олди ранг.

### Омон бўлгин, омонтогим...

Дилимни тоғу тошларга адo қилган болангдирман,  
Йиқилган майсага меҳримни жо қилган болангдирман.

Ҳаёт қўксимга от қўйган, ёниқ байту баёт қўйган,  
Мислсиз куллиёт қўйган, наво қилган болангдирман.

Тополмай лолазоримни, йўқотсам ихтиёrimни,  
Олиб қўйсанг-да боримни, дуо қилган болангдирман.

Омон бўлгин, Омонтогим, дилимда дарду қийноғим,  
Согинчдан сел бўлар чоғим, нидо қилган болангдирман.

Куйиб кетмоқда бўстоним, раҳм қилгин, Нигоҳбоним,  
У харсангзор аро жоним, фидо қилган болангдирман.

Отам тош ўйнатиб кетди кейин бош ўйнатиб кетди,  
Кўзим ёш ўйнатиб кетди, вафо қилган болангдирман.

Онамдек йиглагай дарё, юрибман бунда бепарво,  
Мени уйғотмадинг, дунё, жафо қилган болангдирман.

Кезар Ахтамкули рангсиз, дили ўт ичра оҳангсиз,  
Жаҳонни сўз билан жангсиз, даъво қилган болангдирман.

### Издош бўлиб кетмоқдаман...

Машраби девонага дилдош бўлиб кетмоқдаман,  
Кўзларимда қатра-қатра ёш бўлиб кетмоқдаман.

Этагимдан тутди ҳижрон, айрилиқнинг қотили,  
Бағрихун ишқ аҳлига, йўлдош бўлиб кетмоқдаман.

Қисматимни тогу тошлар қўксига битган Худо,  
Қанча Орифлар билан издош бўлиб кетмоқдаман.

Эй ҳаёт, бор бўлса чиқсин, марду майдонинг қани?!

Нокасу нодонни кўрсам, тош бўлиб кетмоқдаман.

Мен ғазал хирмонида хирмончи бўлдим охири,  
Сўзни қалқон айламасдан, чош бўлиб кетмоқдаман.

Ёнмагай қўллаш билан ишқи адo бўлган улус,  
Мойчиларнинг наздида, фаррош бўлиб кетмоқдаман.

Воҳ, менинг қоним ичиб, тунлар тирилган байтларим,  
Ёзигимда бор экансиз, ёш бўлиб кетмоқдаман.

Кўйни қўй, Ахтамкули, шеър жангида шер топмасанг,  
Изтиробнинг чўғида, бебош бўлиб кетмоқдаман.



## ЗАНЖИРБАНД

Ҳикоя



Назар ЭШОНҚУЛ

Суратни кўришим биланоқ Одамбой эсимга тушди – иккинчими ёки учинчи синфда ўқиётган, мактабдан қайтаётиб, уй олдидаги менга ҳамиша улкан яшил гумбазни эслатадиган дараҳт соясида бақириб ғазал ёдлаётган, ўзимдан беш-олти ёш катта бўлган қўшни боланинг дарслигида илк бора кўрганим, беихтиёр теварак-атрофни кузатадиган, болалик хаёллари аталмиш мўъжазгина англамларимда акслана бошлаган палладан бери менга ҳамиша ниманидир бағрига яшириб қўймоқчидай, теграсига худди беминнат қоровуллар монанд териб қўйилган шох-шабба ортида занжирга маҳкум қилинган суну сумбатни эслаган ва таққос тарозининг палласидек кўз олдимга келганди – у шу туришида занжирга маҳкум этилган шерни эслатар, биринчи бор кўрганимдаёқ, гарчи кишлоқдаги мен билган эркаклардан анчагина дароз бўлса ҳам танасига хумдай ёпишиб тургани туфайли гавдасини бақалок килиб кўрсатадиган патак бўлиб кетган узун сочи арслоннинг ёли каби елка-ю кўкракларини қоплаб олган, оёқ ва қўл тирноқлари ўсиб, қорамтири тус олганча ғадирлашиб кетган, панжалари йиртқичлар туёғига ўхшаб қолган, асрлар оша вақт жалалари остида сувоқлари тўқилиб кетган қалья деворларини эслатувчи афти-ангорини ҳаёт нашъалари аллақачон ташлаб кетган, авратини ёпиб турган кийими увадаси чиқиб, бошидан кечирган кунларнинг яловидай оёқлари орасида ҳилпираб турар, мушаку мускуллари суюкларни гози учган чойшабдай номига қоплаган терисидан бўртиб чиққанча ўлжасини чанглаб турган ўргимчак тўрини, ўнг оёғининг тўпикдан юқори қисмига айни беўхшов билагузукдай қолипланган темир хомуутга ишқаланавериб, эти шилиниб, емирилганидан ҳамда жазира-ю совукнинг бешафқат тиллари ялаб ташлаганидан кўмилганига минг йиллар бўлган чиркин устихондай рамақижон бўлиб қолган, фақат кўзларидагина ҳали-хануз телба бир жунун жангларда талош бўлган тугдай порлаб турар, у ҳовли ўргасидаги супада номига ташланган кигиз устида қадимги қаҳр ва ғазаб маъбутидай бир нуктага соатлаб хавотири ҳадик билан бокиб

**Назар ЭШОНҚУЛ** – 1962 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тугатган. “Уруш одамлари”, “Момо қўшиқ”, “Маймун етаклаган одам”, “Шамолни тутиб бўлмайди”, “Момо қўшиқ” каби китоблари нашр этилган. Ф.К.Аниттининг “Ҳикоялар ва қиссалар”ини, Альбер Камюнинг “Эсселар”ини, Антон Чеховнинг “Болохонали уй” ҳикоясини ўзбек тилига таржима қилган.

ўтираверар, бу асов танани тийиб туришдан чарчаган каби у ҳар қимиллаганда занг босган халқалар зарбидан қўп йиллик кўхна андуҳга фарқ бўлган губорлар бир сапчиб тушар, илоннинг думини эслатадиган занжирнинг бир учи худди бу манзараларни кўрганидан уялиб, ерга кириб кетишни истагандай бандигача ерга қоқилган қозиқقا бош тикиб олган, қозиқ ва халқада баайни қадим қалъанинг сиру асрорини яшириб тургандай мушукнинг бошидек келадиган беўхшов қулф осиб қўйилган пажмурда киёфаси гавдаланганди: ўшандаёқ унинг қишлоғимизга ёндаш ўсган, қанча молу ҳоллар адашиб, кайтиб чиқолмаган, биз болалар учун оналаримиз хаёлимизда шакллантирган деву парилар, аждару ажиналар, умуман, биз эртакдаги ёвузлик олами яширинган деб ўйладиган чакалакзорни ёдга соладиган бошидаги ҳурпайган сочи, ялангни омоч излари тилимлагандай танасидаги бўртиб турган чандиклари, сиру синоатга тўла ғорнинг тўрида ёкиб қўйилган, тез орада ўчишидан дарак бериб ҳилпираётган шам ёллиғидек қаҳрли кўзлари, ов олдидан мастона ўкираётган маҳлукни эслатадиган ваҳм ва таҳлика тўла ўкириклари шундай киёслашимга сабаб бўлганди – бийдай текисликлардан сўнг тўсатдан ўтиб бўлмас тоғ қоялари олдидан чиқиб қолгандек, менга ажи-бужи ҳарфлар орасида турган сурат бирдан баайни ҳозир менга ташланадиган жонли шер бўлиб туюлган ва беихтиёр эсимни танигандан буён ҳовлимиз ўртасига банди килинган Одамбойни кўз олдимга келтиргандим.

Кейинчалик мен ҳовлимиз ўртасига қутурган итдек боғлаб ташланган ва бу ерга ташриф буюрувчиларнинг ҳар бирига кўзлари ва қараашлари билан ҳамла қиласидиган маҳлук бизга ўхшаган одам эканини билгач ҳам бу таққос хаёлимни худди қишки қарғалар каби тез-тез ишғол қиласар, умримнинг кейинги манзилларини мусофирилик билан боғлаб, Терсота учун дайди ўғилликни бўйнимга олиб, бутунлай шаҳарликка айлангач ҳам тасаввурим айвонига келиб қўнадиган бу қиёсдан ҳеч қачон қочиб қутула олмагандим: аксинча, бу қиёс баъзида бутун танамни буровга оладиган тумов каби хотираларимни тез-тез қақшатиб турарди – Бандини қачон ва кимлар, нима сабабдан бу кўйга солганини билмайман, аммо атак-чечак бўлган, дунёни яхши ва ёмонга ажратса бошлаган, кўз олдимдагиларнинг ҳеч бирига ўхшамаган тасқара турки сабаб вужудимда пайдо бўлган қалтироқни ҳис қилган кунимдан бери у мен учун қўрқув ва таҳдиднинг кўланкасига айланганди. Бу тасаввурларимга унинг оёкларига буровлаб ташланганидан ёпишиб турадиган занжир яна ҳам ваҳима бағишлар, ҳар кўзим тушгач нафасим ичимга тушиб, худди тутқаноқ тутгандай котиб қолар, кейин ҳаво қисиб қолган ўпкам йўлларини елкамга уриб, ўзимга келтиришар, у мен бу дунёга келиб қўрган энг қўрқинчли ва ваҳший жонзот бўлиб туюлар, шу сабабли ота-онам ҳамиша уни мендан пана тутишга ҳаракат қилишар, токи эсимни таниб, унинг ҳам биз каби бир бандада эканини англаб етмагунимча, у турган ҳовли сатҳини бўйра ва шоҳ-шаббалар билан тўсиб қўйишганди: аммо бу менинг танамга кириб олган ваҳм ва қўрқув хиссини йўқлик сари ҳайдаб юборолмади, аксинча, энди мен бўйра ортида унинг ўкирикларини ва занжир халқаларининг шақирлашларини ҳар эшитганда хушдан кетар даражага тушиб йиғлаб юборар, факат мен эмас, бутун қишлоқ болалари у сабабли бизнинг уйга яқин ҳам келолмасди – бирон юмуш билан мажбуран оёқ босса ҳам жуфтакни рост slab қоладиган ҳолатда дарвозадан анча нарида бизни чақирав, ўша йиллари тоғликларнинг юрагини олиб қўйган, одамларни тунлари тунаб кетадиган ўғрилар ҳам бизнинг ҳовлига ақалли девор мўралашга журъат қилишмаганди: теросталик

## Назар ЭШОНҚУЛ

аёллар нечта авлодни унинг номи билан тарбия қилмади дейсиз – болалар бирон шўхлик ёки қулоқсизлик қилишса, “Ана, Одамбой келяпти!” дейишарди ва унинг номини эшитиши билан тиллари танглайига ёпишиб, иштонларини хўл қилиб қўяр, кейин туни билан қўркинчли туш кўриб, ғингшиб чикишарди – менинг назаримда, бизни – болаларни на ота-она танбехи, на ўқитувчиларнинг саъий ҳаракатлари эмас, айнан унинг бутун қишлоқни ларзага соладиган ўқириклари ва шерни эслатадиган турқи тарбиялаганди – баъзида кечалари ҳожатга чиққанимизда унинг бўрилар ва итлар билан қўшилиб увлаётгани ваҳимамизни янада кучайтирас, бўшанар-бўшанмас уйга қараб қочардик – йиллар ўтиб, эсимизни таниб, қозикдан узоқлашолмаслиги, бизга таҳдид қилолмаслигини билсак ҳам уни узоқ масофадан туриб кузатиб ўтирас, кўзимизга булутларга боши тегиб турган деву жинларга ўхшаб кетарди. Мен унинг олдига кўлига қамчи тутган отамдан бўлак бирон кимса яқинлашганини кўрмаганман: отам худди бир кутурган хайвонни боқаётгандек, эскириб, ранги ҳам билинмай қолган тогора билан қўлида қамчи ушлаганча хўрак ёки чеълакда сув кўйиб кетарди. Ҳамиша отамга: “Бу ким, нега бизникига занжирбанд қилинган”, деб сўрасам қисқа қилиб, “Билмайман, у мен туғилгунча ҳам шу ота ҳовлимизда бўлган” дер, бу жавоб эса Одамбойни кўз олдимда янада сирли ва маҳоботли кўрсатар, ичимга гулу соларди. Мен токи унинг жони узилгунча, ҳатто жони узилгандан сўнг ҳам бир неча муддат отамдан бошқа биронта жонзор унинг олдига яқинлашганини кўрганим йўқ. Тўгри, одамлар қачонлардир Байна момо унинг олдига эмин-эркин бориб юрганини баъзида айтиб қолишарди – аммо ўзим кўрганим йўқ, Байна момо мен туғилмасдан йигирма йиллар аввал қазо қилиб кетганди.

Онамнинг айтишича, узоқ йиллар аввал, ҳали тириклик пайтида факат Байна момо келиб, унинг соч-соқолини олиб қўяркан – у бошқа ҳеч кимни ўзига яқинлашишга изн бермаскан. Лекин негадир Байна момони кўриши билан ювош тортаркан: “Кампирдан кўз узмай, худди бир сехгарни кўриб қолгандай қотиб турарди”, дерди онам. “Икки телба бир-бирининг тилини биларди”, деб ғийбат қилишарди қишлоқда оғзига кучи етмаганлар.

Байна момонинг олдидаги сувга тушган мушукдай бошини ҳам қилиб ўтиаркан, унга ғўнгиллаб нималардир гапириб берар, Байна момо ҳам у билан бошқаларга номаълум бўлган имо-ишоралар билан унсиз гаплашар ва камдан-кам овоз чиқаришар экан. Онам Байна момо билан Занжирбанд овоз чиқариб гаплашганини кўп марта кўрган: мана мен деган барзангилар ҳам унинг олдига боришга журъат қилавермаганда бу дунёсидан у дунёси яқин қолгани кўрга ҳам кўриниб турган рамақижон кампирнинг Одамбой билан нима ҳаҷда гаплашишини билгиси келиб, девор тагидан эмаклаб бориб, гапларига қулоқ тутган ва шунда Байна момонинг “Сен боғланган итсан, мен эса боғланмаган”, деган гапини эшигтан экан – “Шундагина мен унинг ростданам қопагон ва кутурган итга ўхшашини сезиб қолгандим” деганди онам – балким уни шерга ўхшатишим онамнинг шу хотиралари туфайлидир? Байна момонинг уни “ит” деб атагани кейинчалик китобдаги занжирбанд шер суратини кўрганимда миямга қалқандир?..

Билмадим, лекин мен ўша суратни кўрган кунимдан буён унга “Занжирбанд” дея ном кўйиб олгандим. Унинг кимлигини, нега бу тарзда маҳкум этилганини, нега айнан бизнинг ҳовлида яшаётгани ҳақида мен ҳеч нарса билмасдим – гўё унинг бизнинг ҳовлимизда бўлиши, айнан ҳовлимиз четидаги кекса ёнғок дарахти қад

кериб тургани каби табиий эди ва на отам, на онам бу ҳақда ҳеч нарса дейишмас, қишлоқда мушуги туғса ҳам фил туққандай гап қуюнини кўзгаб юрадиган аёллар ҳам у ҳақда оғиз очмас, гўё у ҳамма учун йўқдай, гўё мавжуд эмасдай, уларнинг бутун қишлоқни ҳар дақика ямлашга тайёр тиллари ҳеч қачон ҳовлимиzinинг у турган овлок буржигача етиб келмас, нуқул бозор-ўчар ҳамда бўйи етган қизларнинг этаги атрофида ўралашарди – у эса менга номаълум бўлган хаёллар оғушида занжирни шарақлатиб, кун узоги қозиқ атрофида айланиб юрар, баъзида ўзининг мавжудлигини бутун қишлоққа билдириб қўймоқчидаи бетийиқ овозда ўкириб қолар, кейин онасини соғинган гўдакдай ерга ётиб олганча худди қопқонга тушган бўри боласига ўхшаб, ёввойиларча ғингшиниб йиғларди – шундай пайтлари унга ачиниб кетар, қўркув ва ваҳимани унутиб, унинг олдига боргим, нималардир деб овутгим, бошларини силагим келарди – аммо бизнинг орамизда бутун қишлоқни чангалида ушлаб турган қўркув ва ваҳима кўкрак кериб турарди.

Ёшим каттаргани сари аста-секин мен унга кўнига бошладим: энди занжирнинг узунлигини чамалаб, у етиб келолмайдиган масофада туриб, кузатадиган бўлдим: аввалига у менга қараб жаҳд билан ташланар, аммо оёқларидағи тушов уни менгача етиб келишга изн бермай анча нарида ушлаб турар, бу эса уни баттар жазавага солар, ўша масофада турганча ноиложлигидан соchlарини юлиб, афтини тирнаб ташлар, кейин қозиқ атрофида айланганча боғланган шер каби ўкириб айланаверарди – мен эса занжир уни қўйиб юбормаслигига имоним комил бўлгани учун бир четда қотиб турар, гўё шу билан уни масхара ва мазах қилаётгандай бўлардим. Аста секин бу кузатишларим одат тусини олди: энди дарвоза ёнидаги супанинг бир четига ўтирганча унинг ҳар бир ҳаракатини кузатардим.

Бора-бора у ҳам менга ўрганди: занжир изн берган масофагача келиб, ерга ўтириб олар, ўша ердан туриб мени кузатарди. Менга энди география хонасида осилиб турган эски топономик харитани эслатувчи чандиқ тўла танаси қўркув бағищламасди. Аксинча менда бир умрга зинжирга маҳкум этилган кимсага нисбатан шафқатга ўхшаган туйғу пайдо бўлганди. Биз соатлаб бир-биримизга тикилиб ўтирардик: ҳар биримиз ўз тасаввуримиздан келиб чиқиб, у мени, мен уни кузатардик. Нигоҳ уриштириш онларида бир нарсани ҳис қилдим: унинг кўзлари билан ўзимга бокдим ва шунда аслида мен эмас, у менга ачиниб қараётгандай туюлди. Унинг телба ва бетийиқ хаёллар акс этган кўзларида зухрланган чўнг бир ҳасратнинг елканлари мени унинг руҳини адаштириб қўйган манзиллар томон бошлаб кетарди, бирдан мен унга айланиб қолардим, унинг кўзлари билан ўзимни кузатардим – у ерда на ҳад, на ҳудуд бор, беададлик қадар чўзилган чексизлиқдан иборат эди ва бир неча сония у менга, мен унга айланардик: “Ана, жунун бағищлаган хаёлларимдан бехабар бир ўсмир менга қараб-қараб ўтириби – у мендан қўрқаётгани, мени ўзига ҳамла қиласди, деб ҳадик ва хавотирда тургани, энди бир умр мана шу ҳадик ва хавотир уни тарқ этмаслиги шундоқ кўзларидан кўриниб турарди – шу билан бирга у менинг ўзиникига ўхшамаган ва андуҳдан қақшаб қолган танамга ачиниш билан қарап – лекин у менинг нималарни кўраётганимни, нималарга илҳаклигимдан мутлақо бехабар... Агар у мен кўрганларни кўра олганда, ҳис қилаётганимни ҳис қилганда эди, ўзи турган дунёнинг қанчалар таназзулга ғарқ бўлганини англарди – аммо у ҳаммасидан мосуво – унинг қисматига одам яралгандан бери ичига кириб олиб, кўриб турганларидан бошка нарсани кўрмайдиган қилиб қўйган ёлғон билан бирга қолишга ва шу олам билан

## Назар ЭШОНҚУЛ

бирга ҳалок бўлиш маҳкумлиги ёзилган... Мен эмас, аслида унинг ўзи занжирбанд этилганини, уларнинг ўзи банди эканини сезармикин?"

Зотан, унинг ичига кириб олиб, ботинидаги овозларни эшиштаган бўлсам ҳам ҳали бу хаёлларнинг магзини тушунмасдим, бу хаёллар мен учун бегона ва ёт эди. Шу сабабли тезда унинг кўзларини тарк этардим. Аммо ичимда барибир бу хаёлларнинг акс садоси қолар, бир неча кун мен мана шу садолар таъсирида яшардим.

Мана энди ёшим бир жойга етиб, ақлим тўлишган бир паллада унинг кўзлари орқали кўрганларим худди ҳозиргина кўргандай кўз олдимдан бирмабир ўтди: унинг кўзларига боқсан ва садоларни эшиштан онларимда унинг нима учун ҳамиша: "Мен кетишм керак, кетишм керак, мени кутяпти!", дея бор овозда бақиришининг, унинг ҳасратли увлашининг сабабни тушунгандай бўлдим: у бутун рухияти кўзлари орқали кириб борган манзиллар томон ошиқарди, йўқ, ошиқарди эмас, унинг руҳи ўша манзилларда қолиб кетган, ҳовлимизда эса бизни фақат қўрқувга солиб турадиган танаси қолганди. Мен унга айланганда заррадан йиғилаётган янги дунёларни, руҳнинг одам ичига қандай киргизилганини, бу қафасдан чиқиб кетишга уриниб, телбавор ўкиришларини, аршу аълодан олов ўғирлаб келаётган паҳлавонни, думалаб тушиши муқаррарлигини билган ҳолда тепаликка тош юмалатиб чиқаётган одамларни, хурлик истаб исён қилган қулларни, зиндонбанд этилган маҳкумларни, Бобил боғларини барпо қилаётган усталарни, тугни қучиб ўлган аскарни, тошбўрон қилинаётган аёлни, дорга осилаётган дарвешни, лабиринтда адашиб юрган роҳибни, учиш учун қанот ясаётган мусавирини кўрдим, кейин ҳозирги ҳолатимни – "Занжирбанд шер" суратига қараб турганимни кўрдим ва салдан сўнг улар кўз олдимда шаклини йўқотиб, бирдан-бир қиёфага – Занжирбандга айланди.

Мени унинг кўзида кўрганларимдан ваҳима босди, ўзимга келиб, унинг мени ром қилган қараашларидан чиқиб кетар, кейин бир неча кун унинг ёнига йўламай юардим. Унинг хаёллари менга таниш ва айни пайтда нотаниш, ёт эди. Унинг кўрганларини тушимда ҳам кўрадиган бўлдим. Аста секин бу тушлар шууримни бутунлай қамраб ола бошлади: одамови, паришон бўлиб қолдим. Менга ҳам ҳеч нарсанинг қизиги қолмади. Гўё мен ўзимга ўзим ва атрофдагиларга бегона бўлиб қолгандай эдим. Дунё бир тараф, мен бир тараф эдим ва ҳамиша қўлим ва оёғим занжирлаб ташлангандай туюларди. Эрта-ю кеч бир нуқтага тикилганча, ўзимдан ўзим хуркиб, ҳадиксирайдиган бўлиб қолдим. Буни ота-онам ҳам сезди ва табиийки, буни инс-жинсга, тўғрироги, Занжирбанд билан кўз уришитириб ўтиришимга боғлашди. Иссик-совуқ қилишлардан сўнг мени Занжирбанд билан кўз уришитириб ўтиришимга таъкиқ қўйишиди.

Аммо ақлимни таниган сайин унга ачина бошладим. Унинг занжирга боғлаб ташлангани мен учун ўта шафқатсизлик бўлиб туюларди. Менда қатъий бир режа пайдо бўлди. Кечалари ҳамма ухлаганидан фойдаланиб, унинг қулфга тиркалган ҳалқасини эговлай бошладим. Бунга бир ой кетдими, бир ярим ойми, билмадим. Аммо бир куни ҳалқани кесиб бўлдим. Уни қулфдан чиқариб, отам билмаслиги учун секин уйга кириб кетдим. Мен эрталаб у бу ерлардан кетиб қолган бўлишини тасаввур қилиб, ҳалоскорлик ишимдан мамнун бўлганча уйқуга кетдим. Эрталаб уйгонишим билан деразадан ҳовлига қарадим. Кутганларим бехуда бўлиб чиқди.

Заржирбанд халқа узилганини билмасдан ҳар эрталаб қандай айланган бўлса, ўша чизик бўйлаб айланиб юrar, изидан эса узилган халқа шарақларди.

Менинг бу ачинишишмнинг оқибати шу бўлдики, отам уни халқалари қалин занжирга, банди қалин қулғфа қайтадан асир қилиб қўйди. Афтидан, халқани унинг ўзи эговлаган деб ўйлаганди. Энди бу халқани эговлашдан, уни занжирдан халос қилишдан маъни қолмаганди.

Фақат уни занжирга маҳкум қилганлар эмас, вақт ҳам бешафқат эди: мен улғайганим сари у кўз олдимда кичрайиб борарди: у менга аввалгидай кўз олдимдаги жамики тирик жониворларнинг энг йириги бўлиб туолмасди: йиллар барибир кучини кўрсатганди ёки у ўзига боқиб, масхара қилиб турган дунё билан олишиб чарчаганди – унинг ўsic соchlари худди жазирада ковжираб колган ўтлоқдай аввал оқариб қуруқшади, кейин бутунлай тўкилиб кетди. Энди унинг боши офтоб билан баслашиб, ялтирас, у ерда тарвақайлаб кетган сўқмоқлардек кизғиши қон томирлари яққол кўриниб турар, танаси эса йилма-йил эмас, фаслма-фасл кичрайиб борар, энди у менга шерни эмас, боғлаб қўйилган мушукка ўхшаб қолгандек туюларди.

Балоғатга етиб, ўз эътирофимга эришиш учун бу дунёнинг барча ўйинлари билан битим тузиш мақсадида қишлоқни тарқ этадиган йилим у нихоят бу фоний оламни тарқ этди: ўлимидан аввал роса увлади, кейин нимадандир хўрландими ёки бир неча сониядан сўнг бу ерлардан кетишини билдими, бизга қараб қулди, кейин йиғлашга тушди. Шундан сўнг занжирни тортиқлаганча шахд билан югура бошлади. Ўша куни бизникида қандайдир маърака бўлаётганди. Келганлар безовта бўла бошлади, улар қочиб қолишга ҳозирланишди: гарчи танаси мушукдай бўлиб колган бўлса ҳам ҳали ҳам ундан кўркишларини сездим. Югуриб бораётib, танаси гурсиллаб ерга қулади, атрофида унинг шунча йиллик андуҳига шерик бўлган чанг ғуборлар кўнгилни банд этган ҳасратдай бир дафъа қўпчиб кўтарилиди ва бир муддат унинг танасини ҳаммадан яшириб турди: аввал ачимтиқ терга тўйинган тупроқ ҳиди тарқалди: худди ичиди минг йиллик синоатларни яшириб ётган ташландик кўргон деворига ўрнашиб қолган заҳдек таъм мени бир зум карахт қилиб қўйди. Чанг тарқаганда у юзтубан жонсиз ётарди – гўё ўша югуришда у ўзи истаган дунёга ўтиб кетгандек эди. Шунда ҳам йиғилгандар анча пайт – токи унинг ўлганига ишонишишмагунча олдига яқинлаша олмади.

Фақат тирикларни эмас, марҳумлар ҳам ундан кўркувга тушармиди, билмадим, уни умумий қабристондан анча нарига, қишлоқ четидаги Азлар тепага, қоятошлар орасига кўмишди. Терсота телба ўқириклардан ва кўркувдан халос бўлганини байрам килгандек, эртасига ҳар бир уйда арафа тантаналари бошланиб кетди.

Тезда мактабни тутатдим. Шаҳарга баҳтиимни излаб кетдим. Занжирбандни эслаганда негадир унинг кўркинчли қиёфасидан ҳам кўра унинг кўзлари орқали кўрганларим худди қачонлардир туш каби кўз олдимга келарди. Аммо мен сувга бўйкан матони қоқиб, намдан холи қилишгани каби бошимни силкиб, онгимни хира тортирадиган бу рўёдай хаёллардан ўзимни тозалашга уринардим.

Менга ўрта аср миниатюраси ҳақида мақола ёзиш топширилиб, музейга борганимда, тўсатдан кўзим “Занжирли шер” суратига тушди ва беихтиёр яна унинг кўзлари орқали кўрганларим хотирамга қалқиб чиқди. Бу сурат билан Занжирбанд ўртасида сирли бир уйғунлик бор эди ва у мени яна болалик хотираларимни ёдимга солганди. Одамбой ўзи ким эди? Нега асрлар оша занжир маҳкум қилинган шер билан бунчалар бир-бирига ўхшайди?

## Назар ЭШОНҚУЛ

Шу саволларга жавоб топиш учун музейдан қайтишим билан онамга қўнгироқ қилдим. Онам отамнинг ўлимидан етти йил ўтган ва аллақачон қора лиbosларни сандиққа соглан бўлса ҳам лекин қўнглидаги мотам кийимларини ечмаганди. Салом-аликдан сўнг мақсадга ўтдим. “Ховлимиздаги банди ўзи ким эди, нега банди қилинганди? Қачон банди қилинганди? Нега айнан бизнинг ҳовлимизга маҳкум қилинганди? У қайдан келди, қайга кетди?” Онам менинг саволларимга тушунмади.

– Кимни айтаяпсан? Қандай банди? Ҳовлимизга ҳеч қачон ҳеч ким банди қилинмаган.

Унга болалигим, бутун қишлоқни ваҳимага солиб увлайдиган, ўзи айтган Байна момогина олдига бора оладиган Занжирбандни эслатишга уриндим.

– Ҳовлимизга бегона мушук кириб қолса торлик қилиб қоларди, нималар деяпсан, болам. Мабодо тушларингни айтмаяпсанми? Соғлигинг жойидами ўзи? – деди.

Саволи мени гарангситиб қўйди, бу гаплари менга тарсаки туширгандай бўлди. Нима, Одамбой ҳақидаги хаёлларим ҳали рўёми? Онамдан бошқа ҳеч нарса сўрамадим..

Этасигаёқ қишлоққа йўл олдим. Мени кутиб олган синфдошимга гапни узоқдан бошлаб, бизни қўрқувга соглан Одамбой, унинг ўкиришлари ҳакида гапира бошладим. Синфдошим ҳам ҳайратга тушди ва онамга ўхшаб савол берди:

– Қанақа Одамбой? Қанақа ўкириш? Мабодо, иситманг йўқми?

Унинг шу даккиси менга етарди. Унга бошқа гапириб ўтирадим. Наҳотки Занжирбанд ҳақидаги ҳамма нарса менинг тасаввурларим уйдирмаси бўлса?

Синфдошимни ажаблантириб, худди бир исбот топмоқчидай машинани Занжирбанд дафн этилган Азлар тепага ҳайдатдим ва кўрганларим онам ва синфдошимнинг ажабланишларидан ҳам кўпроқ таъсир қилди: мен ҳамиша унинг қабри шу ерда деб, таътил пайтлари келиб-кетадиган, унга эришган ва эришмаган ютуқларимни минғирлаб айтиб берадиган қирда қабрдан асар ҳам йўқ, бу ерларда ёйилиб, қишлоқники бўлса керак, кўй-кўзи ўтлаб юарди.

Кўрганларимга ишонмай, уйга қайтгач онам билан кўришмасдан аввал Занжирбанд маҳкум қилинган ҳовлимизнинг адогига бордим. Бир пайтлар Одамбой дунёни ларзага солмоқчи бўлиб ўкирган девор тагида дунёнинг ташвишларидан бехабар товуқлар дон териб юарди. Мен худди гарангсигандек ва шунча йиллардан сўнг Занжирбанддан қолган бирон белги излаб, мени кузатиб турган яқинларимни ҳайратга солиб, Одамбайдан қолган бирон белги топиш умидида игнасини йўқотган тикувчидаи бутун ҳовлини излаб чиқдим. Бу ерда менинг хаёлларимни тасдиқлайдиган ҳеч нарса йўқ эди. Ҳовли ўртасида худди кўлга тушган ўғридай шўппайиб, бўйин қисиб турарканман кўзим бирдан машъум бир жиноятнинг ёлғиз гувоҳидек бутун вужуди билан ерга ёпишиб олгани сабабли сугуриб олишларига қурблари етмаган бандини чангалида ушлаб турган, қокилган ерида ҳали ҳам турган қозикқа тушди – қанча қору ёмғирлар, жазира ва аёзлар ўтган бўлмасин, қозик янга ҳали кўпларни банди қилишга қурби етишини кўз-кўз қилиб, Одамбайнин тутқун ушлаган ерда “мана мен” дегандай қўр тўкиб турарди...

## **Мен шоирмас, ошиқман, жоним**



**Файрат МАЖИД**

Шоир дема мени севгилим,  
Шоир кимдир, шоир ўзи ким?!  
Ман юракни сўйловчи одам,  
Фақат Ҳақни ўйловчи одам,  
Куйиб-куйиб, куидириб, яна  
Куйлатгувчи, куйловчи одам.  
Шоир дема мени, севгилим.

Шоир дема, айтдим-ку, жоним,  
Шоир кимдир, шоир ўзи ким?!  
Дил, умрни ел бил, сабо бил,  
Пок иймонни йўлдош – або бил.  
Ёр деб тўккан хар томчи ёшим,  
Пуч хисларга тоши аобиил.  
Шоир дема мени, севгилим.

Шоир дема мени, севгилим,  
Шоир кимдир, шоир ўзи ким?!  
Ўртар дилни сахрои жунун,  
Билмам, қайдин бу оташ афсун.  
Ёр каломи, дўстнинг пайғоми,  
Багишлайди умримга мазмун.  
Шоир дема мени, севгилим.

Шоир дема мени, севгилим,  
Шоир кимдир, шоир ўзи ким?!  
Жон бўлсаю жоннисор бўлса,  
Фарҳод бўлсан, Ширин ёр бўлса,  
Бу дунёда шоир йўқ, ахир,

**Файрат МАЖИД** – 1976 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Гул санам”, “Хеч кимга ўхшамайсан”, “Кўзларингни согинаман”, “Ишқа борар йўл”, “Айиқчанинг туши”, “Беш дарс”, “Мумкин эмас сени йиглашинг”, “Кўксимдаги юлдузлар”, “Бунда булбул китоб ўқииди”, “Йўлдаман, нурли йўлда” номли китоблари нашр этилган.

## **Ғайрат МАЖИД**

Ошиқлар бор, агар бор бўлса.  
Шоир дема мени, севгилим.

Мен шоирмас, ошиқман, жоним...

### **Тилак**

Ошиқ юрагимда бир нурли тўлқин –  
Яратган Эгамнинг меҳри деб билдим.  
Чексиз самоватнинг бағрида ёлқин –  
Порлаган куёшни муҳри деб билдим.

Юлдузлар жимиirlаб кезади оқшом,  
Сирли коинотнинг дала-даштида.  
Бир туғро сингари ойнинг нурафшон –  
Оппоқ табассум бор сайру гаштида.

Мусаффо қалб билан боқдим, эранлар,  
Юзида, кўзида муборак белги.  
Оталар бор бўлсин, ўссин фарзандлар,  
Ҳазрат боболарнинг покиза мулки.

### **Қисмат қўшиғи**

*Устоз Сирожиддин Сайидга*

Кимнингдир орзуси юракда армон,  
Ким эса муроду мақсадга етган.  
Кўп шукур, нолисам бўлмас, Художон,  
Кўнглимга шоирлик онамдан ўтган.

Меҳри хам, қаҳри хам қаттиқ боламан,  
У интиқ дил билан соғинган, кутган.  
Сочларига тушган оппоқ толаман,  
Кўнглимга шоирлик онамдан ўтган.

Неки топган бўлсам мисқоллаб топдим,  
Умрим пушаймонлик шаҳрида йитган.  
Жаннат хабари деб пойини ўпдим,  
Кўнглимга шоирлик онамдан ўтган.

Гоҳи зулмат ичра қолсам адашиб,  
Йўлинг оқ бўлсин, деб чироқлар тутган.  
Қалбидан қалбимга таманно ташиб,  
Кўнглимга шоирлик онамдан ўтган.

Доим тоқат билан бир қумлоқ каби,  
Дунё ғамларини ичига ютган.  
Сўнмаган ҳаётдан асло матлаби,  
Кўнглимга шоирлик онамдан ўтган.

Деган, булбул бўлгин, булбулдай яша,  
Қаргалар ҳолини кўргин, гўнг титган.  
Юксак бўл,  
Юксак бўл, юксалиб яша,  
Кўнглимга шоирлик онамдан ўтган.

Яшамоқ керақдир талпиниб нурга,  
Кўрдим, гўралардан ҳалволар битган.  
Шукрона, Ҳақ берган ҳаёт, тақдирга,  
Кўнглимга шоирлик онамдан ўтган.

### Устозим

*Абдували Қутбиддинни ёд этиб...*

Малаксиймоларим ёдимга тушди,  
Улсиз ўтган дамим додимга тушди,  
Юрагим бир кутлуг одимга тушди,  
Қалбни муҳаббатга қорди, устозим.

Бахтли йил келади, жоним, тасаддуқ,  
Асрорим асрашга, қалбим бор – кудук,  
Ташна диллар учун оби ишқ тортуқ,  
Борини бир ёрга ёрди, устозим.

Лаб очдим, юракдан лолалар оқди,  
Муножот, илтижо, нолалар оқди,  
Кўзимдан қалбимга жолалар оқди,  
Сувсаганга сувлар берди, устозим.

Руҳим аллалаган Зарафшондир ишқ,  
Садолари ўлмас шараф-шондир ишқ,  
Боқдим, эранларга қаҳкашондир ишқ,  
Дилларга ёғдулар берди, устозим.

Осима, оҳларни кўмиб бўлмайди,  
Ишқ тўла чоғларни кўмиб бўлмайди,  
Устоз – тоғ, тоғларни кўмиб бўлмайди,  
Тангри раҳматига борди, устозим.

### ТУРКИЯ ДАФТАРИДАН

#### Талпингандек...

Талпингадек соҳилга Босфор,  
Лабларимнинг соҳилидан ўп.  
Шундай дея такрор ва такрор,  
Сен кирасан тушларимга кўп.

Чайқалади шовуллаб осмон,  
Бағри тўла минг битта юлдуз.  
Мен минг битта ўй билан ионон,  
Ёлғиз сени ўйлайман, ёлғиз.

Шоирларни ўқийман кўп бор,  
Мисралари умрим баёни.  
Сарҳади йўқ денгиздек, дилдор,  
Йўқдири сенга ишқим поёни...

### **Дилбар хаёли**

*Истанбулдаги Рамий кутубхонасига борганимда мовий кўзли бир турк қизи менга ҳам китобингиздан совга қилинг, деб айтди. Кейин китобимни варақлай туриб, исмим Марол, менга атаб ҳам шеър ёзинг, деди.*

Мовий осмон, денгиз – пок туйғу,  
Мовий эпкин қиздай хаёли.  
Хаёлимда яшайди мангу,  
Мовий кўзли дилбар хаёли.

Ранг беради ўйларимга у,  
Камалакдек умрим жилоли.  
Хаёлимда яшайди мангу,  
Мовий кўзли дилбар хаёли.

Бирам нурли, иссиқдир орзу,  
Ой жамоли, офтоб жамоли.  
Хаёлимда яшайди мангу,  
Мовий кўзли дилбар хаёли.

Ишқ туфайли шер бўлар оху,  
Тогни талқон қилар чумоли.  
Хаёлимда яшайди мангу,  
Мовий кўзли дилбар хаёли.

Мендан холи неки бор, ёҳу  
Яшамоқ йўқ севгидан холи.  
Хаёлимда яшайди мангу,  
Мовий кўзли дилбар хаёли.

Эй кўнглимда яралган турку,  
Эй жонимнинг баҳти, иқболи.  
Хаёлимда яшайди мангу,  
Мовий кўзли дилбар хаёли.

### **Оlam бу – дарсхона..**

О, мактаб. Чалинди сўнгги кўнғироқ,  
Қалдирғочлар каби учиб кетдик соз.  
Ўқиб, ўрганишлар тугамас бироқ,  
Оlam бу – дарсхона, ҳаёт бу – устоз.

Доскага чиқамиз, синов, имтихон,  
Муаллим саволлар ёғдиради боз.  
Гоҳ жавоб топамиз, гоҳо йўқ, аён,  
Оlam бу – дарсхона, ҳаёт бу – устоз.

Сувларда оқизиб сямиз нонни,  
Ризқу рўз, насиба ҳамиша мумтоз.  
Эслаб яшаш мумкин ўтган ҳар онни,  
Оlam бу – дарсхона, ҳаёт бу – устоз.

Гулім, мен абадий ошиқ андалиб,  
Ичим тўла рангин айтилмаган роз.  
Ҳалиям юрибман сени ахтариб,  
Оlam бу – дарсхона, ҳаёт бу – устоз.

Узук кўзидаги гавҳар мисоли,  
Инсон иймон билан топгайдир эъзоз.  
Дунёда яшаш йўқ синовдан холи,  
Оlam бу – дарсхона, ҳаёт бу – устоз.

Мехрибон муаллим, азиз синфдош,  
Сиз булбул дилимга гул янглиф ҳамроҳ.  
Заминга ой каби тоабад йўлдош,  
Оlam бу – дарсхона, ҳаёт бу – устоз.

О, мактаб. Чалинди сўнгги қўнгириқ,  
Қалдирғочлар каби учиб кетдик соз.  
Ўқиб, ўрганишлар тугамас бироқ,  
Оlam бу – дарсхона, ҳаёт бу – устоз.

### Ҳақдан менинг руҳимга...

Ҳақдан менинг руҳимга  
Чўғ тушган, зиё тушган,  
Юрагимнинг боғига  
Булбулигўё тушган.

Айтмас тилда борини,  
Сўйлар дилда борини,  
Сендан неъмат, Аллоҳим,  
Ор тушган, ҳаё тушган.

Рўзим менинг рўзимдир,  
Сўзим менинг сўзимдир,  
Битта менга тегишли  
Туғ тушган, туғро тушган.

Гоҳи виждон ичраман,  
Гоҳи исён ичраман,  
Ҳаётимга, водариг,  
Гул тушган, сахро тушган.

Эй азамат пирларим,  
Росту ошкор сирларим,  
На бўлгай деб аҳволим,  
Сир тушган, хулё тушган.

На матлуб, на манзурман,  
Ошиқ Машраб, Мансурман,  
Эй дил, ажаб бу ҳолинг,  
Дард тушган, даво тушган.

Дилга сўймоқ одатми,  
Ёниб, куймоқ одатми,  
Шул қутлуғ саодатми,  
Куй тушган, наво тушган.

Ёр номини ёд айлаб,  
Пайғомини ёд айлаб,  
Мудом уйғоқ этгувчи,  
Сўз тушган, садо тушган.

Ғулом манам, шоҳ манам,  
Масрур манам, оҳ манам,  
Алҳол, зикру истиффор,  
Дуо, илтижо тушган.

### **Ишқ айёми**

Пок ишқ маним қишлиаримни ёз айлар,  
Ишқ айёми ўлгунчадир, дилбарим.  
Бу дунёнинг дардлари ҳам дунёнинг  
Паймонаси тўлгунчадир, дилбарим.

Оlam орзум рангларини билмайди,  
Кўнглим маним гулғунчадир, дилбарим.  
Тошдилларга гулнинг қадри бор бўлса,  
Саҳродаги юлғунчадир, дилбарим.

Нафс ўлгурнинг меҳри алалоқибат,  
Мақсад ҳосил бўлгунчадир, дилбарим.  
Нечун кўнгил берай дунё гулига,  
Таровати сўлгунчадир, дилбарим.

Пок ишқ маним қишлиаримни ёз айлар,  
Ишқ айёми ўлгунчадир, дилбарим...

# Диллар сүзлашаётир, бизлар эса жим



Ширин САБУРОВА

Тепаликдаги уй

*Матназар Абдулхакимга*

Об-ҳаво доимо тунд бўладиган шаҳарчада,  
шашарчанинг чеккасида,  
тепаликдаги уй олдига  
ёмғирпўшли одам,  
келиб кетар кунора.  
Эски ҳашамдор уй олдига.  
Тақиллатиб кетар  
дарвозасини,  
ҳеч очилмайдиган.  
Ўша уйда  
кариндоши турмас,  
таниши турмас.  
Фақат билгани шу – кимдир турар  
ҳашамдор уйда,  
эшиги ҳеч очилмас уйда,  
бирор кимса кўринмас уйда.  
Шундай бўлса ҳам,  
келган киши зарда қилмас  
келиб кетар  
узоқ йўл босиб,  
қиладиган бошқа иши йўқдай,  
иши ҳатто бисёр бўлса ҳам.

---

**Ширин САБУРОВА** – 1965 йилда туғилган. Урганч Гидромелиорация техникумини тугатган. Ижодкорнинг “Эзгулик голиб”, “Орзу дарахти”, “Узун лаҳзалар” номли шеърий тўпламлари нашр этилган.

## ШИРИН САБУРОВА

---

Билмоғи лозим,  
үйда ким туришини,  
тунд ҳовлида,  
ҳашамдор уйда.  
Беозорми ўзи у?  
Балки бирон дили шикаста,  
ёрдамга муҳтож балки.  
Ва ё  
тегмасми дея зиёни ён-атрофига?  
келиб кетар, эринмас,  
билиши керак ахир...

\* \* \*

Устимдан бир тоғ ағанаган каби,  
Курсига ўрнашиб ўтираман.  
Ҳали билиб бўлмас бу тоғни  
Ва яна бошқа тоғларни.  
Битта бўлса ҳам,  
Тоғ ағдарилди-ку, дейман ҳаловатталаб,  
Ҳали босиб турар бошқа тоғлар қўп.

Ҳолатимни англаған каби,  
Радио тўлқинидан  
дилга ором бахш этар  
тароналар янграр нуқул –  
хавотирлар илдизига болта уриб!

\* \* \*

Бугун оғир кун бўлди,  
“Енгил кунга алмаштириб беринглар”, дейман,  
учта-тўртта киши йиғилиб турган жойга бориб.  
Чекига енгил кун тушганлар,  
менга қулимсираб, елка қисиб қарашар,  
Менинг эса елкамни оғир юқ босиб борар...

\* \* \*

Диллар сўзлашаётир,  
бизлар эса жим,  
Севгимиздан оғиз очмаймиз сира.  
Айтганимиз ҳамон айрилишамиз,  
айтганимиз замон қайрилишамиз.  
Севгининг умрини узайтмоқ учун,  
жим турмоқ ушбу он шараф-бурчимиз.

Неча баҳорларни кузга дүндирап,  
неча хазонларни тилга киритар,  
күнгиллар амри.

Асли макон этган азиз гүшани  
севгисизлик еб битирарап.

Еб битирдик күнглимиzinинг истакларини,  
Энди ҳаёт гүзалмиди,  
ё феълим чиркин,  
дея түрт тарафга алангламоқлик не?

\*\*\*

У ўзига турли тўсиқлар кўйиб ташлаган:

– Бундай қилиш мумкин эмас,  
– бундай қилиш хатарли,  
– бундай қилиш хато!

Одатда инсон тўсиқларни олиб ташлашга уринади,  
У эса ўзига тўсиқлар танлайди.

Кимдир кўмакка ошиқса,  
тўсиқлардан кутулиш учун,  
дарҳол унга тақиқлади:

– Тураверсин, тегма, яхши турибди,  
бу менинг энг яхши кўрган тўсигим.

Тўсиқлар ортида кўринмай кетар ахийри.

– Шу қоятош ортида ҳам кимдир яшармикан? – дея ўтишар энди  
бағри кенг,  
мехри кенг,  
сехри кенг йўловчилар!



## ЧАЛАХОТИН

Ҳикоя

Гулноз МҮМИНОВА

“...Сен вужудимда сира кутилмаганда пайдо бўлдинг. Аввал кўксимда нимадир гимирилагандек туюлди, сўнг ғалати оғриқ бошланди, бир неча кундан кейин танамдан нимадир бўртиб чиққанини сездим. Мен қўрқиб юрган ҳодиса шу қадар тез содир бўлишини кутмагандим...

Чошгоҳда, ҳамма қайлулага кирган маҳал, секингина меҳмонхонамиз эшигини ичкаридан беркитиб, пардаларни туширдим, чироқни ёқдим. Сўнг устига бир пайлар онамнинг чевар қўллари билан тикилган мунҷоқли дастрўмол ташлаб қўйилган тошойна қарисига бориб, кўйлагимни кўтариб қарадим. Эвоҳ! Ўзимдан ўзим уялиб, шарт этагимни туширдим. Бундан кейин нима қилиш ҳақида ўйлай бошладим. Энг аввал иссиқ кийимлар солинган тугунни очиб, сариқ жемперимни излашга тушдим.

Аср маҳали иссиқ кунда жемпер кийиб олганимни кўрган каттам<sup>1</sup> ҳайрон бўлиб қолди:

– Эй, тавбангдан кетай? Саратонда жавраб ўлган хўқизим, деганлари сен бўлсанг керак.

Каттамга ер остидан хўмрайиб қарадиму, индамадим. Шу тобда дардим ўзимга етарли эди. “Белим оғрияпти” деб минғирлаганча супага сув сепаладим. Бидонларга сув тўлдириб, онамдан жавоб сўрадим-да, кўшни қишлоқдаги холамникига отландим. У ерда менинг нажоткорим – Роҳила опам яшайди.

Роҳила опамнинг ўзи яхши-ю, қилиғи совук. Дардимни айтганимда, аввалига роса устимдан кулди. “Сениям мамманг чиқадиган кун бор экан-ку”, деб уялтириди. Ҳартугул, бироз асабимга теккач, “Иссиқ кунда жемпер кийиб ҳаммага кулги бўлма, гарант, керакли нарсангни ўзим тикиб бераман”, дея қолди.

“Керакли нарсам” бир кунда тайёр бўлди. Эртасигаёқ олиб қайтдим. Лекин ўзимни аллақандай ўнғайсиз сезардим. Қаддимни тик тутишдан уялиб, букчайиб юришга одатландим. Ҳар гал гавдам икки қатланиб китоб ўқиб ўтирганимда, каттам қаттиққина кафти билан елкамга тусириб қоларди:

<sup>1</sup> Катта – буви (Шахрисабз шеваси).

**Гулноз МҮМИНОВА** – 1978 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Фасллар шивири”, “Сайёҳ қушлар”, “Дил синиqlари”, “Чиганоқ”, “Комета” номли шеърий тўпламлари нашр этилган.

– Тўгри ўтири! Букри бўлиб қоласан.

Аста-секин сенга ўргандим. Сен худди бошим, кўзларим, қўл-оёқларим сингари танамнинг бир қисми эдинг, дараҳт новдасидан ўсиб чиққан куртаклар сингари сен ҳам мендан ўсиб чиққандинг ...

\* \* \*

Балогатнинг сирга тўлик кечаларида илк дафъа юрагим қаттиқ-қаттиқ урганини сездирганинг ёдингдами? Ўша кезлари юрагим дукурини ҳатто қаттиқ ухлаб қолган пайтларимда ҳам сезар, дафъатан уйқудан уйғониб кетардим. Ором бегона бўлган бошимни ёстиқдан кўтариб, уясида ҳурпайиб ўтирган қуш шамойилига кирап, олисларга қараганча хаёл сурардим. Хаёлим ойнасида кўринган оний сурат тонггача тинмайдиган титроқ соларди қалбимга.

Кўп ўтмай бизга таниш бу титроқ Унинг қалбидаги туйгуларга ҳамоҳанг экани маълум бўлиб қолди.

У ҳам ошиқ экан. Аввал мактублар ёзди. Қоп-қора соchlарим, каттам қайнатган чирмовуқ сувида узайгани сайн Унинг менга ёзган мактублари ҳам узайгандан узайиб борарди. Бир оқшом қўшни қишлоқдан қайтаётганимда сой кўприги олдида йўлнимни тўсади:

– Мен сени яхши кўраман! Нега хатларимга жавоб ёзмайсан?

Гарчи Унга бефарқ бўлмасам-да, ғурурим севгимдан устун эди.

– Қоч йўлимдан. Хатингга жавоб қайтараман деб ваъда берганим йўқ сенга!

Важоҳатимни кўриб, индамай йўл бўшатди. Лекин ортимдан қичқириб қолди:

– Эртагаёқ уйингта совчи юбораман.

Совчилар келди, кетди, келди, кетди. Охири отамнинг қўнглини юмшатиши. Маъқул жой деб, онам орқали қизидан жавоб кутди. “Ўзларинг биласизлар”, деган икки оғиз сўзни айтгунча, лоладек қизардим. Икки ёногимда гуллаган лола ҳаммадан беркитиб ой ёргутида тикиб ўтирадиган кашталарим гирдига учиб тушди.

Ёшлигимнинг баҳт мавсуми бошланди. У билан менинг исмим туширилган рўмолчалар сероб бўлиб қолди.

\* \* \*

Тўрт ойлик келинчак эдим. Кутимаганда танамда сен пайдо бўлган кундагига ўхшаш ғалати ўзгаришни туйдим. Негадир шўр өмакларни тусардим, баъзи кунлари уйқудан бош кўтаролмасдим. Дунё қўзимга қандайдир бошқача кўрина бошлади. Сен эса кун сайн тўлишиб борардинг...

Бир сабоҳ дунёмни чақалоқ йигисига тўлдирди. Тўнғичим – қизим дунёга келди. Тўлачадан келган, жилмайиши каттамни эслатувчи доя хотин ранги жиш полапонни эслатувчи бир парча этни йўргакка ўраб қўлимга тутқазди:

– Қани, болангни эмиз-чи, қизим.

Ёш оналарга хос нўноқлик ила гўдакни кўксимга босдим, уят ичида атрофга аланглаганча пушти сўргичингни чақалокнинг оғизасига тутдим. Қизим аввал тамшанди, сўнг ютинди. Сен орқали берилган ризқнинг илк қатралари гўдагимнинг нозик томогидан ўтганини бутун вужудим билан хис қилиб турдим. Ўша лаҳзаларда Тангри келажакка мен орқали озуқа тутаётган, менга марҳамат кўрсатиб, бир эмас, икки ҳаёт чашмасини ато этганди гўё.

## Гулноз МҮМИНОВА

Туғруқхонанинг учинчи қаватидаги хонамда, бироз уринган түшак устида жаннат исли гүдагимни ҳидлаб ётар эканман, рухимга ёз ёмғиридан кейин тупроқдан күтариладиган ифор янглиғ ёқимли ҳоргинлик инди.

Энди мен Она эдим. Гүдагининг ризқ-насибаси құш сийнасидан оқажак қудратли хилқат. Тангри қызы изидан ўғыл берди. Ўғыл күрганини эшиттіганды У дунёға сифмай қолди. Қах-қах уриб күлди, кувонганидан ўша он ёнида турған қайнотамни даст күтариб олди. Аввал ўртоқларига ҳақ берди, сүңг элга ош тарқатди.

Бахтим түкис эди менинг. Тенг-түшларимнинг гоҳ ҳавасини, гоҳ ҳасадини келтириб, очилиб-сочилиб юрардым. У мени севарди, қызу ўғлим ёнимда эди, қайнотам үз қызидек күришарди. Осуда турмушимдан, бахтимдан сармаст эдим. Гоҳ ойдек түлишган, гоҳ күндек ёришган жувон эдим. Бирок кувончим күпга чүзилмади. Ойу куним бирдек зимистонга чўмди.

Кутимаганда ҳаммаси остин-устун бўлиб кетди. Гўё ҳовлимида бир зилзила содир бўлиб, ўн ийллик рўзгоримни кунпаяқун килгандек.

Ўша кунлари сенда уруғлик картошканинг тугунакларига ўхшаш ғалати безчалар пайдо бўлган, сим-сим оғриб ётардинг. Мен эса узун тунларни иситма ичида ёниб ўтказардим.

\* \* \*

Кун сайин қувватдан кетдим. Рангим сўлиб-сарғайди, иштаҳам йўқолди. Бир кун У, бир кун ота-онам шифохонага етаклашди. Лекин касалимнинг учи топилай демасди. Сендаги оғриқ кун сайин кучая борди, рангинг кўқимтири туслаги кирди. Бир куни шифокорлар ташхис қофозимга мен қаттиқ кўрқадиган сўзни ёзганларини кўрдим: “Саратон...”

Воҳ, бу дўхтири зоти шафқат нималигини билмайди-я! Бир нечтаси палатамга кириб, сени жарроҳлик йўли билан олиб ташламаса бўлмаслигини айтишди. Акс ҳолда, ўсимта бошқа аъзоларга ўтиши мумкин экан. Музлаб қолдим. Ўша тобда кўзим ҳеч нимани кўрмас, терим ҳеч нарсани сезмас, факатгина қулоқларим остида жарроҳ-онкологнинг совуққон сўzlари такрор-такрор янграради:

– Хар икки кўкрагингизни ампутация килмасак бўлмайди...

“Хар икки кўкрагингизни...”

Бир неча йилга татиган ўша аламли кечада икки гўдагим учун вазиятга кўнишиш, кучли бўлишим кераклигини англадим. Шифокоримдан яхшилаб ўйлаб олиш ва руҳан тайёрланиш учун вақт сўрадим. Шундок ҳам амалиётгача бир неча кун тайёрлашар экан.

...У болаларни олиб келди. Кўзлари бироз қизарган, қовоғи солиқ эди. Мендан ҳам тушкун ахволини кўриб, дилим оғриди. Қайнанам бериб юборган товуқ шўрвани столга қўйди. Болаларни ёнимда қолдириб, дўхтирининг ёнига чиқиб келиш баҳонасида эшикка йўналди.

Икки кўлим билан икки гўдагимни қучдим. Мен учун оламдаги ҳамма бошлардан азиз бўлган икки жимит бошни сўнгти бор сенинг устингга кўйдим. Токи онасининг тафтини унутмасинлар, дедим. Овоз чиқармай йиғладим.

У жарроҳ хонасидан янайм қовоғи осилиб қайтди. Англадимки, янайм кучлироқ бўлишим керак экан... Жуда-жуда кучли...

\* \* \*

Операциядан бир кун ўтди. Жонлантириш хонасида кўзимни очганимда, кўкрак қафасим дока билан қалин чирмаб ташланганди. Ёнимда телефон титкилаб ўтирган

ҳамшира “Сув ичасизми?” деб сўради. Бош чайқадим. Шифтнинг ҳаддан ташқари оқлиги наркоз пайтида кўрганим митти кафан рангини эслатарди.

Дарвоке, тушимдаги кафан. Унга сен ўралган эдинг. Мен эса сени олиб кетаётган одамлар ортидан йиғлаб чопардим, ялиниб чопардим:

– Илтимос, ундей қилманглар...

Операциянинг учинчи куни дўхтирлар палатамга аллақандай тоғорача билан кириб келишди. Тоғорача ичидаги вужудимнинг бир бўлгаги – сен бор эдинг. Мендан кесиб олинган сен... Бемор ўз кўзи билан кўрсин, амалиёт бекорга ўтказилмаганини тушунсин деб олиб киришибди. Инсон шафқатсизлигининг чек-чегараси йўқ...

Бир пайтлар қатқоринига мих тиқилгани учун сўйишга тўғри келган ола сигиримиз эсингдами? Пешонаси қашқа бузоқчаси бор эди. Сигиримизни сўйган қассоб катта тоғорага солинган гўштни ошхонага – онамнинг ёнига келтириб, “Буни нима қиласиз энди, янга?” деб сўрагани кўз олдимдан кетмайди. Тоғорадаги ғалати рангли гўшт – серсуги сигиримизнинг елини эди. Ундан қон аралаш сут оқиб турарди. Тоғорани яримлатган қонталаш сут...

Онам елинни нима қилишини билмай, томорқамиздаги марвартак тут остига кўмдирган, мен эса бу воқеадан кейин икки йилгача сут ичолмай юргандим.

...Яна бир кун ўтди. Онам келди. Кўзи тўла ёшу, ўзини дадил тутишга уринади. Онагинам-а!

Барибир ўзини тутолмади. Айтишича, сени мозорга кўмдиришга кўнгли бўлмабди. Тирик боламнинг аъзосини мозорга бермайман, дебди. Онамнинг амри билан укам, укагинам сени ҳовлимиздаги мурут<sup>2</sup> дарахти остига кўмибди.

Ўша кеч тушимга мурут дарахтимиз кирди. Бошини ёгудай мева солғанмиш, хар бир мевасидан сут оқиб турганмиш. Оппоқ сут...

\* \* \*

...Кунларни санамай қўйдим. У ҳамон хўмрайганча келиб-кетиб юрибди. Палатамга киради, кўпинча бир сўз демайди, хўрсинади, ҳаммасига мен айбордек аламнок қарайди.

Касалхонадан чиқиб қаерга боришини ўйладиган кунлар яқинлашди. Албатта, бошланишига онам олиб кетади. Лекин барибир келинлик ўйимга қайтишим керак. Уйга қайтишимга У қандай қарар экан?

...Бир ой қизлиқ ўйимда яшадим. Болалар дадасини соғингач, мажбур уйга қайтдим. Қайтдиму, мени бу ерда ҳеч ким кутмаётганини пайқадим. Қайнона-қайнотам ўнгайсизгина қаршилашди. Унга эса ҳамма нарса барибир эди.

Келиб-кетувчилар кўп. Астойдил ҳол сўрагандан томошаталаб кўп. Бир кун томошаталаб йўқлагувчилардан бири сўз қотди:

– Эрингиз анави Мафтуна билан топишиб олганмиш.

– Мафтуна ким?

– Бекназар аканинг эрдан қайтган қизи-чи?

– Дарров-а? Операция бўлганимга қанча бўлди? Энди бир ярим ой тўлди шекилли? Нархимиз шунчалик экан-да? – тақдир текислаган кўксимдан аччик-аччиқ кулги отилиб чиқди.

Кўп нарсага бефарқ бўлиб қолдим. Мени дунёга боғлаб турган танҳо ришта – болаларим эди. Кучим, умрим етганича уларни оёққа қўйишини, уларга нимадир ўргатишга улгуришини истардим. Зоро, шифокорим хавф тўлиқ ўтиб кетмаганини, касаллик қаҷондир қайтадан илдиз отиши мумкинлигини айтиб огохлантирган эди.

<sup>2</sup> Мурут – нашвати.

## Гүлноз МҮМИНОВА

Бироқ У негадир менга бу имконни беришни истамаётганди. Ҳолбуки, Үндан ҳеч нима талаб қилмасдим: на меҳр, на вафо. Шунчаки сўнгги кунимга қадар болаларимнинг онаси бўлиб қолгим келарди.

Бир куни шом пайти телефонимга хабар келди. Хабар Үндан эди. Ҳув ўша, сой кўприги устида учрашганимиздаги каби юрагим ҳаприқиб кетди. Сурат шаклидаги хабар менинг шошқалоқ ажалимга ўхшарди – У ўша аёлни қучиб тушган суратини юборганди.

Суратлар пайдар-пай келадиган бўлди. Суратлар кундан-кун шармисор тусга кирди. У менинг имконларимни қисқартиришга астойдил киришган эди.

...Бир пайтлар отам амазон аёллар ҳакида ўқиб берганини эслайман. Жангда халал бермаслиги учун бир сийнаси кесилган аёллар ҳакида... Мени тўқис амazonга айлантирган тақдирдан нафратланаман. Қани, тақдирим одам шаклида бўлса-ю, юзига тупурсам.

Унинг уринишлари тез кунда мева берди. Танамдаги оғриклар қайтадан уйғонди. Елкам ва умуртқамнинг санчиғига чидаб бўлмай қолди. Укам касалхонага ётқизди. Таҳлил қофозларимни бирма-бир кўздан кечирган шифокорим кўзойнаги остидан ачинишила қаради:

– Нимадан бунча сиқилдингиз? Нега касаллик бунчалик тез қайталади?

Индамай елка қисдим. Кучимни тўплаб жилмайишга уриндим.

– Қанча вақтим қолганини айтольмайсизми?

Бояқиши шифокорим ногоҳ кўзига қалқан томчини артди. Дадиллигимни кўтаролмади шекилли. Сўнг кафтини ҳамдарларча елкамга қўйди:

– Айтольмайман, мени кечиринг.

\* \* \*

...Айрилганимиздан кейин орадан бир неча ой ўтганига қарамай, ҳамон хаёлимда сен билан сўзлашардим. Ўша куни дафъатан ўй суриб қолдим. Балки сен ўша – мурут тагидаги жимит қабрда, кичик кафан ичидаги аллақачон чиришга улгургандирсан? Үнда мен нега ҳамон сени хис қиласман, нега ўрнинг ҳамон оғрийди? Ё фантом оғриги деганлари шуми?

Биласанми, биз яна топишадиган фурсат яқин. Юрагимга тош бостиридим – болалардан ҳам кўнгил уздим. Тўғрироғи, уларни Яратганга топширидим. Аллоҳ меҳрибон бўлсин.

Сўнг йўлакда касалхона журналини тўлдириб ўтирган ҳамшира қиздан қофозручка олиб, укамга қисқагина васият ёздим:

“Ука, сенга қанчалик оғир бўлмасин, мени жойимга ўзинг қўйишингни истайман. Ёстиғим остида кимётерапиядан кейин тўкилган соchlарим солинган халтача турибди. Халтачани бошим остига қўй. Мурут тагидаги бўлагимни менга кўшиб кўмиш эсингдан чиқмасин. Поччангнинг қўлини кафанимга тегдирмайсан”.

...Хуллас, яқин кунларда сен билан яна топишамиз. У ерларда ҳеч ким сени танамдан кирқиб ололмайди. Ҳеч ким мени истехзо билан “чалахотин” деб аташга ботинмайди. Биз Маҳшаргоҳда сен билан бир бутун бўлиб уйғонамиз. Ҳозирча мурут тагида яна озрок кутиб тур...”

2024 йил, июль. Тошкент

# БАХТ МАНЗИЛИ

*Қатра ҳикоялар*



Фарида ҲУСАИНОВА

## Икки томон кетган икки дил

Бу қизни кўчада тасодифан учратиб қолдим. У одмигина кийинган, қўлида нимадир солинган елим сават кўтарган. Юзма-юз келганимизда мени таниди ёки шунчаки одоб юзасиданми, эштилар-эштилмас салом берди... Саломига алик оларканман, хаёлим ўтмишга учди. Бу қизнинг ота-онасини яхши танирдим. Менинг қайнонамга узоқроқ қариндош хисобланадиган бу катта хонадоннинг ўғиллари кўп эди. Шу боис улардан бири – янги уйлангани – тўйдан сўнг бизга яқин бўлган бир ҳовлида келинчаги билан ижарада яшай бошладилар. Ёшлиар шу уйнинг эгаси бўлган ёлғиз кекса кампирнинг иссиқ-совуғидан ҳам хабар олиб туришарди.

Келинчак Дилбар исми жисмiga мос, кошлари кайрилма, шахло кўзли, ўрта бўйли қиз эди. Куёв эса паст бўйли, жиккаккина, елкалари қизларникideк нозик бўлса-да, ёшига нисбатан каттароқ кўринарди. Уларга илк кўзим тушгандaeёқ, эҳтимол бошқалар ҳамдир, бир-бирига мос эмаслигини ҳис қилдим. Ишқилиб бирга яшаб кета олишармикин? Маҳалламизда бир қарашда ўзаро сира мос бўлмаган эру хотинлар анчагина ва улар аҳил-иноқ умргузаронлик қилиб, ўғил-қизларни оёққа кўйишган. Бу турмушда ёшнинг ҳам, чиройнинг ҳам аҳамияти йўқлигига далолат эмасми? Кейин яна бир нарсага кўп гувоҳ бўлдимки, эркак киши хўжалик бошқаришни, аҳли аёlinи ҳурмат қилишини, уни эъзозлашни билиши, турмушнинг баланд-пастида хотинига елкадош бўла олиши мухим экан. Бундай меҳрни, эътиборни ҳис қилган ҳар қандай эрка ўсган қиз ҳам йиллар ўтиши билан, айникса, фарзандли бўлгач, оиласа мослашиб, сингишиб кетавераркан.

Бизницида сигир боқилар, унга фақат қайнонам қарадилар. Биз келинларга эса уни соғиши тутул, ҳатто емини беришга ҳам рухсат этмасдилар. Ҳар куни сут соғиб, уни косаларга солиб, чалхакка кўйиб кўярдилар. Эртаси куни сут бет олиб қаймоқ ҳосил қиласади. Оҳ, сиз бу қаймоқни емабсиз, дунёга келмабсиз!

Ўша пайтлар Дилбарнинг қизим tengi гўдак қизи бўлиб, эҳтимол, кўқрагида сути бўлмаган ё етмагандир, ҳар куни бизницидан сут олиб, боласига овқат қилиб берарди. У вактда гўдаклар учун маҳсус овқатлар кам бўларди-да...

---

**Фарида ҲУСАИНОВА** – 1959 йилда тугилган. Кўён давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини татомолаган. “Сунбулгинам”, “Порлаётган шуъла”, “Кўнгил кўзи”, “Борингизга шукур, яхшилар!” “Катта бозор бизники” каби шеърий тўпламлари, ўқитувчилар учун бир нечта дарслик ва методик қўлланмалари нашр этилган.

## Фарида ҲУСАИНОВА

Бир куни у эри бошқа шаҳарга иш билан кетгани учун “Мен билан бироз ўтиринг”, деб уйига таклиф қилди. Қайнонамдан рухсат сўраб, уларникига кирдим. Бир зал ва даҳлиздан иборат уй. Озодагина, кираверишда кийимлар жавони. Болалар каравоти деворга тақаб қўйилган.

Биз у ёқ-бу ёқдан, асосан, қизалоқларимизнинг ёқимли қилиқлари ҳақида гаплашиб ўтиридик. Унинг қизчаси кўпроқ отасига тортган экан: юзи чуваккина, кўзчалари қисиқкина – япон кизлариникидек. Шунда қизалоқнинг бармоқлари эътиборимни тортди:

– Ие, қизингизнинг бармоқлари олтитами? – деб юборибман беихтиёр ёшлигимга бориб.

– Ха, шунака туғилган, – совуқкина жавоб қилди Дилбар.

Хатойимни тўғрилаш учун дарҳол гапни бошқа томонга бурдим:

– Хўжайнингиз иш билан кетдиларми?

– Ха, ошналари билан “гапи” бор экан.

– У киши қаерда ишлайдилар?

– Бирор жойда тайинли ишламайди ҳам. Рўзгорни, бизни ўйламайдилар. Хаёллари биздан узок-узокларда юради, – деди маҳзунлик билан.

Унинг овозидан, гапларидан қалбида қандайдир дард борлигини сездим. Лекин очиқ сўрагани ботинолмадим.

Шу воқеадан кейин бир неча кун ўтиб, хўжайним Дилбарнинг эри – Абдувосид атрофидаги ошналарига қўшилиб, қиморга аралашиб қолганини афсус билан айтиб қолди. Ҳеч қанча ўтмай эса, Дилбар эри билан ажрашиб, қизчасини қолдириб кетгани ҳақида миш-миш тарқалди. Дилбар ўшандан буён бизниги сут олгани чиқмай қўйганидан бу гаплар ростга ўхшаб қолди. Мен Дилбарнинг бу ишини ҳеч ҳам тасаввуримга сифдира олмасдим. Чунки, ишга кетсан қайтиб келгунча қизимни соғиниб қолардим. Ахир қандай қилиб она ўз тукқан фарзандидан, воз кечиб ташлаб кета олади?

Ўшандан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Дилбар бошқа турмушга чиқди. Бир неча фарзандлари ҳам бор. Абдувосид ҳам ёмон ишларидан тийилиб уйланди, болачақали бўлди.

Дилбарнинг ташлаб кетган қизини бобоси ва бувиси вояга етказиши ва қайсиdir қишлоққа куёвга ҳам бериб юбориши. Йиллар ўтиб, аввал бобоси, кейин бувиси бу оламни тарқ этди.

Лекин қиз ҳамон шу қўчага келиб туради. Ҳар сафар кўрганимда “Қизик, ҳозир бу қиз кимнинг олдидан чиқаётган экан? Амаки, келинойиларини қўриб кетаётган бўлса, улар яхши кутиб олишдимикан? Улардан ота-онасининг аҳволи ҳақида ҳам сўрармикан?” деган ўй хаёлнимдан кечади...

Қизнинг қўриш қобилияти яхши эмас шекилли, доим кўзойнакда. Отасига тортган пастина басти борган сари яна ҳам кичрайиб кетаётгандек... Беихтиёр ўз баҳтини қайта ахтариб, икки томон кетган икки дил туфайли ёлғиз шу фарзандгагина қийин бўлганини англайман. Бир ёнда сира омади кулмаган, қадри ҳамон баланд бўлолмаган отаси, бошқа ёнда эса виждони билан ёлғиз қолганда бир пайтлар ташлаб кетган дилпорасини мутассил ўйловчи онаси ҳолатини тасаввур килиб, у қиз юрагини чўқиб турган қуш негадир менинг ҳам қалбимга оғриқ солаётганини ич-ичимдан ҳис этаман...

## УЙИНГДАГИ БАХТ

Тоғлар баҳорда жуда гўзал бўлади-да! Чўқкилар тепасидаги оппоқ қорлар эрталабки қуёш нурида нуқрадек товланиб кўзни олади. Йироқ-йироқлардаги ўтлоқларга ёйилган кўй-кўзилар худди болаларнинг ўзи юрадиган мурватли ўйинчоқларига ўхшаб кичкина-кичкина кўринади.

Фотима азалдан тоғларни яхши күради.

Хар сафар шу довондан ўтаётганда, чексиз адоги йўқ ўйларга берилади. Қани эди шу асрий тоғлар бағрида бир кулбанг бўлса. Қоғоз, қаламингни олсангу, ҳеч ким ҳалақит бермаса – изход қиласверсанг.

Шу пайт нимадир қарс-курс этди! Ўз хаёллари билан банд Фотима бир зум нима бўлганини билмай колди. Машинанинг филдираги ёмғирдан хўл бўлган майда тошлар устида сирғанди-ю, камбар йўл билан тог ўртасидаги ёмғир сувлари ҳосил қилган ариқ томон тезлик билан кета бошлади. Ҳайдовчининг ранги пахтадек оқариб кетди. Ҳарчанд ҳаракат қилса ҳам бошқарувни кўлга ололмасди. Шу пайт “так” этган товуш эшитилди-ю, машина бирдан тўхтади. Орқадаги чала мудраб келаётган уч эркак йўловчи кўзларини катта-катта очганича, ҳайрон бўлиб туришарди. Орадан бир неча сония ўтгачгина ҳайдовчи ва йўловчилар ўзларига келиб, Фотимага:

– Сиз шу ерда ўтира туринг, – деб шошганларича машинадан тушишди.

Уларнинг машина салонига эшитилиб турган гапларидан маълум бўлдики, бензин баки тешилиб, ундан ёнилғи оқа бошлабди. Ўтиб бораётган бошқа ҳайдовчилар ҳам бирров тўхтаб, нима гаплигини сўрашди. Сўнгра беш-олти киши биргалашиб, машинани чуқурдан базўр чиқаришди. Ҳамроҳлари қайтиб келиб жойларига ўрнашганда, уларнинг уст-боши хўл, юз-қўллари лой эди. Чўнтакларидан рўмолчаларини олиб, лойдан тозаланган бўлишди-ю, энди бу ёғига машинани қандай бошқаришни маслаҳат қила бошлашди. Йўловчилардан ёши каттароги тормозни ишлатмай, кўл тормозининг ўзидангина фойдаланиб, пастдаги устахонагача етиб олишни маслаҳат берди. Шу тариқа аста-секинлик билан иккичу километр масофа босдилар. Шунда ҳамроҳларидан бири – сочига оқ оралаган ёши каттароқ киши Фотимага сўз қотди:

– Синглим, сиз қўркиб кетмадингизми? Олдинда ўтирган одамга ҳалиги ҳолат жуда вахимали туюлади-да.

– Машина сирпаниб бораётганда бир сония қандайдир ҳавфни сездим...

– Лекин сира овозингиз ҳам чикмади-я? – сўз қотди ёшроқ йигит.

– Бўлар иш бўлганди. Энди фойдаси йўқ, деб ўйладим, – сир бой бермасликка ҳаракат қилди Фотима. Аммо сал вақт ўтмай чап томонида оғриқни туйиб, беихтиёр кўксини ушлаб силай бошлади. Унинг бу ҳолатини сезиб турган ҳалиги ёши каттароқ киши унга битта валерианка таблеткасини узатди:

– Барibir мана буни ичиб олинг, сал енгил тортасиз...

Ҳайдовчи йигит сергапгина экан. Йўл бўйи қайнотасининг бадавлатлиги, шу машинани ҳам у олиб берганини, доим катта тутунлар билан келиб, қизидан хабар олишига ўртоқлари ҳам ҳавас қилишини, Тошкент билан водийга эса дам олмасдан ҳар уч соатда катнаб туришини айтиб, мақтаниб келарди.

“Таъмагирлик ҳозирги ёш йигитларга теккан касалми? Қайнотасининг ишидан ор қилиб, биз қаттиқ нон есак, қизингиз ҳам шуни ейди деб, рад қилиш ўрнига йигит боши билан мақтаниб ўтиrsa-я...”

Ва ниҳоят ҳайдовчи йигит йўловчилардан, ҳайдовчилардан сўрай-сўрай йўл бўйида жойлашган пастқамгина устахонани топиб борди. Фотима ва унинг ҳамроҳлари машинадан тушиб кутиб туришди. Йигирма дақиқаларда машина таъмирланиб, қайта йўлга тушишди. Бу ёғига ҳайдовчи йигитнинг овози чиқмади.

Манзилга етиб келишгач ҳайдовчи уларни уй-уйларига бирин-кетин тарқатди.

Үйида болаларининг шўхлик билан қий-чув қилиб олдига югуриб келиб кутиб олишлари, эрининг меҳр билан қарши олганини худди илк бор кўраётган каби ҳаяжон билан кузатаркан, “Бахт-саодат ўз уйингдадир. Уни бошқа жойдан топмоқлик мушкул”, дея ўйлади Фотима.



## Ё борурга изн бергил, ё ўзинг кел

**Нодира ОФОҚ**

**Туркум**

*Уибұ түркүм улугвор ҳазрат Навоийдан ҳайраттнинг ожизона  
чизгилариидир. Яңники, түркүмдаги ҳар бир газалнинг сүнгги мисраси  
Ҳазрат қаламига мансуб.*

**Муаллиф**

**1**

Мұхабbat шавқидан борликни қилдинг, Раббано, пайдо!  
Мұхабbat шавқидан борми бўлак бир шавқ яна аъло?

Мұхабbat шавқидан этдинг қаро тупроқни юксак, сўнг  
Қаро тупроқ бўлиб шуъла била пайванд – самар зебо.

Мұхабbat шавқини солдинг – яратмоқ завқи бу, ё Раб!  
Юрак чоқин йўлин юргай. Куяр, кул ўлмагай илло.

Мұхабbat шавқидан кўзлар этар мўъжизалар зоҳир:  
Қуёшдай порлагай тунлар ичинда чехраи Лайло.

Мұхабbat шавқидан мастлар бўлиб, тўймай шаробига,  
Яна хуммор, яна маҳмур; яна ошиқ, яна шайдо.

Мұхабbat шавқидан мажнун эсам, ахтарсалар чора,  
Муножотлар қиласай: “Ҳаргиз бу шавқдан этмагил айро!”

---

**Нодира ОФОҚ** – филология фанлари доктори. 1966 йилда түгилган. Бухоро давлат университетининг тил ва адабиёт факультетини тамомлаган. Унинг “Баҳорнинг бошланиши”, “Аросат фасли”, “Кўнгил шеваси”, “Сўз айвони”, “Қора наво”, “Ватан дарслари”, “Бизнинг эра” каби китоблари нашр этилган.

Мұхаббат шавқидан фоллар очибмен; чиқди бу, Ҳазрат:  
“Әрүр пайдолигинг пинҳон, vale пинҳонлигинг пайдо”.

2

Эй! Набий ҳамда расуллар ўтдилар күб, эй ҳабиб,  
Бўлдингиз марғублар ичра бунча марғуб, эй ҳабиб.

Офтобдур – теграсида коинот юлдузлари  
Ким, қиёсу миқёсингиз шунга тортиб, эй ҳабиб.

Бўлди пайдо барчадан аввал у нури Мустафо,  
Сизни сўймиш – шундан эрмиш буйла тартиб, эй ҳабиб.

Бунча фазлу, бунча рутба! Ҳам “Ҳабибуллоҳ” санаб,  
Аллоҳ-Аллоҳ! Иззатингиз бунча ортиб, эй ҳабиб!

Тушларимга кирсангиз... Кимман таманно этгали?  
“Суратим, – дебсиз, – фақат ўзимга мансуб”, эй ҳабиб.

Тунлари Мино намоён – тог эрур, ойдоғ эмас,  
Ой эмас кўк қўйнида Сиздан у мактуб, эй ҳабиб.

Бу мұхаббат шевасиким – иштиқоқ<sup>1</sup> иншиқоқ<sup>2</sup>:  
“Ҳақ ўзин қилди муҳиб, сен ойни маҳбуб, эй ҳабиб”.

3

Кел, менинг жонимни олгил, сиғмаяпти – тормен,  
Жонни олса ул фаришта, деб йўлингга зормен.

Билмадим, топгаймисен, чунки маним ҳолим будур:  
Йўқ хабар ўздин ўзимга: йўқми мен ё бормен?

Қўрқаманким: топсангу шахд этмасанг, раҳм айласанг,  
Ўлмагим нақд, олмасанг жонни – ажаб абгормен.

Токи бу абгор аро жондан бўлак ҳам кўп ғаним:  
Жонни кўй, кўнглимни олгил – шунга ҳам тайёрмен.

Таъна қилма сўйладинг деб ҳуш била бехуш аро,  
Олдинг ақлу хушни ҳам қандоқ бўлай хушёр мен?

<sup>1</sup> Иштиқоқ – ар. ажратиш. Ўзакдош сўзларни қўллашдан иборат усул, бадиий санъат. Ҳазрат На-воийнинг мисраси бизнинг байтда тазмин қилинган наът-газали бошдан-оёқ мазкур бадиий санъат асосида яратилган.

<sup>2</sup> Иншиқоқ – ар. ёрилиш. Мухаммад (с.а.в.) томонларидан кўрсатилган ойни иккига бўлишдан иборат мўъжизага ишора. Куръони каримда “Иншиқоқ” номли сураям мавжуд.

Ишқ нэдир? Күзга күримас сирдуур ишқ. Худдики,  
Шул күримас заррадин мен хастамен, бедормен.

Кел кечикмай, қонидан кеч мендан ўзга ишқ элин,  
**“Не тирикмен, не ўлик, не сог, не бемормен”.**

4

То соғинмоқ бўлди касбим, вах, мени соғинди зуҳд,  
То унумтоқ бўлди касбинг – менга бу олам унут.

Ё борурга изн бергил, ё ўзинг кел... Во дариф!  
Бори исён бундайин шарт айламак. Маъзур тут.

Ишқ – ё дард, ё шифодур; ёки малҳам, ёки заҳр –  
Англамак осон эмас – мен гоҳи бехуд, гоҳи худ.

Ё ҳушим айланса тушга – ҳажридан кетсам йирок,  
Ё тушим айланса хушга – васлидан келса умид.

Ё ҳажрдан, ё васлдан – вах, муқаррар биттаси –  
Ёрилур охирда бу дил, тўзигай пардек вужуд.

Ҳар на айтсам, ҳар на қилсам – эл билар, ўтгай қулиб,  
Боиси – гул фасли таъсир айламиш мажнунга зуд.

Бу алаҳлаш хастанингдир – қилма парво, инжима:  
**“Ё согинмогни согин, ёхуд унумтоқни унум!”**

5

Бўл омон. Сенким, менга қисмат қадарли беомон,  
Бу омонлик баҳсида мен – бир, икингиз – бир томон.

Исминг айтсам гар, тушар титроққа товуш пайларим,  
Ул арузлардан равон – булбул тилини тишлабон.

Тим қаро осмонда сузса ой тўлин, девонаман,  
Мўъжизадирким, кўзинг акси эмиш ой-осмон.

Ўзни қўймоқ истарам бир дам хаёлан ёнинга,  
Вах, шу ҳам бўлмас мұяссар. Бу нечук сир – ноаён?

Жабрингу қаҳринг, жафойинг, иддаойинг яхшидир,  
Эътиборсиз қўймадинг, бас. Қилмасанг парво – ёмон.

Ихтиёrim бўлса, тушмас эрдим ишқинг домига,  
То тушибмен: “Тушмаганларга, – дегаймен, – алъамон!”<sup>3</sup>

<sup>3</sup> “Ёрдам бер!” маъносидаги ундов сўз.

Яхшилик қилмоқ эсанг, бас, бир “ёмонимсан” десанг,  
“Яхшилардин яхшисен сен, мен – ёмонлардин ёмон...”

6

Куйма дерлар дўстлар, бу хорижи имкон эрур,  
Фам эрур куймаслик ортиқ, куймагим осон эрур.

Куймак эрмиш то туғилмай аҳли ишқнинг қисмати,  
Ҳақ ўзи ўт солган – ошиқ кўкси оташдон эрур.

Тунда оҳим учқунидан илма-тешикдир фалак,  
Доғ эрур ой асрәклмай, тунги гар посбон эрур.

Ўт била ўйнашгай ошиқ – балки, чорлар фитрати;  
Билмадим, парвона оё; балки бир нодон эрур.

Балки, асли қуш яралган – бунча шиддат, бунча тафт!  
Бир нафас қўнмиш заминга, ошён – осмон эрур.

Ўт бўлай, тупрок бўлай – қадримга етса-етмаса,  
Қадр сўрмак шеваси йўқ – ишқ ажаб лисон эрур.

Икки ўтдир жону жонон – ўртнурман ўртада:  
“Жон эрур, жонон эмас, ё жон эмас, жонон эрур”.

7

Сўрма ҳолим... Айланиб минг, етти осмон бўлди паст,  
Ер тубанлар сори учди... Қайдаман мен шул нафас?

Очилиб, оташ бўлиб, гоҳ сочилиб, гоҳ замҳарир...  
Тўрт фасл бир лаҳзалик ҳол шарҳига тамсил эмас.

Сўрма ҳолим боисин билсанг агар, бўлди азал  
Ким, бино олам биноси – не сабаб, не эрди қасд.

Ҳам “Сигар”дир, ҳам “Шабоб”, гоҳи “Васат”, гоҳи “Кибар” –  
Барчаси ҳолимдан айтур – ишқпарамстиз, ҳақпарамаст.

Гоҳи даврон, гоҳи маҳрам, гоҳи кўнгил бўлдилар,  
Шоири бечорага ағёр – бу оё янгимас?

Бода ич, синдир қадаҳни! Бошни ол, кет бир сари!  
Жаври ағёр бирла ёрдин шул шиорим бўлди, бас!

Минг синиб, минг бут ўлибман. Энди билдим, Ҳазратим:  
“Билмагай ҳолим шикастин кўрмаган бунча шикаст”.



## Ёнофинг рангидин ранг олди раъно

**Шоира ШАМС**

\* \* \*

Уйғотди хаёлинг яна, эй ёр, саҳарда,  
Жисмимни фаму ғуссаси такрор саҳарда.

Ёришди-ю тонг, тийра кўнгул уфқида йўқ шамс,  
Дил мангу бу тун илкида афгор саҳарда.

Бу боғи фано боди баҳор оразин очди,  
Очмас юзин ул хусни пурандор саҳарда.

Ким, кўрмас ўзига бу гадо ишқини лойик,  
Кош, отса таним итига якбор саҳарда.

Тун ҳажри мадоримни олиб эрди танимдин,  
Қадимни қўттармак даги душвор саҳарда.

Еткизса-ю бўйингни насим, айламас армон,  
Жон берса агар ман каби бемор саҳарда.

Шоира, гирифттори бало ўлди жаҳонинг,  
Йўқ чораким, ўлдирса ситамкор саҳарда.

\* \* \*

Ҳакқа етолмас йўлинг, гумон ваҳмида бўлсанг,  
Сўзда адашгай тилинг, баён ваҳмида бўлсанг.

Гарчи кўзинг лочину, ўзинг мергани элнинг,  
Панд камондин етар, нишон ваҳмида бўлсанг.

---

**Шоира ШАМС** – 1978 йилда туғилган. Урганч давлат университетини тамомлаган. “Орзулар қояси”, “Жавриким жондан ўтар”, “Самандар”, “Йиглаётган қуши”, “Оловхат”, “Тупроқ тили”, “Кўзларингдаги баҳор” номли китоблари чоп этилган.

Дилга назар ташламай, дединг: келмади омад,  
Бўлмагай асло нафинг, зиён ваҳмида бўлсанг.

Шахдинги ўлдирмаки, фано догули, дерлар,  
Лаҳза яшаб бўлмагай, замон ваҳмида бўлсанг.

Шоира, ўтса йўлинг чаман ичра, на суддир,  
Гулга етмагай илкинг, тикон ваҳмида бўлсанг.

\* \* \*

Мижанг ул нарғиси фаттонға пайванд,  
Юзинг гулбарги ҳам райҳонға пайванд.

Бу гулшан ичра хушимни йўқотдим,  
Қачон бўлғай висолинг жонға пайванд?

Қадинг пайванди шамшод эрдиму, ох,  
Онинг қўйида дил ҳижронға пайванд.

Тишинг дурру, лабинг кулгучи фируз,  
Бўлубдур ғунчайи хандонға пайванд.

Кўнгул узмоқ маҳол ушбу чамандин,  
Ки онинг манзари ризвонға пайванд.

Ёноғинг рангидин ранг олди раъно,  
Қиёси сен маҳи тобонға пайванд.

Бу рухсор узра кам йўқ, Шамс, ҳайрон,  
Жамолинг тубийи рахшонға пайванд.

\* \* \*

– Не учун, нарғис қўзида бунча нам?  
– Тун узун эрди, ёмон эрди ситам.

– Ҳажрми, ё дардми тун қийнаган?  
– Ёрнинг ҳажрида чеккай дарду фам.

– Кимдур ул жону жаҳоннинг оғати?  
– Отининг ҳарфи жондин муҳтарам.

– Ишқ аро мундок риёзатдин не суд?  
– Васлига юз жон эса, кечсанг-да кам.

– Шамс, не айтарда васфин, йигладинг?  
– Менга ошиқлик ҳавас, ҳажри-алам.

\* \* \*

Дилни титсанг, ганжи пинҳонимда фам бўлмасмикан?  
Ўтга тутсанг, жисми нолимдин қалам бўлмасмикан?

## Шоира ШАМС

Ногаҳон боқсанг кўзимга, сабза узра шуълазан,  
Икки оху жастаҳолу, қатра нам бўлмасмикан?

Оху афғон ичра кўнглум ўлсаю, бир келмасанг,  
Доги вовайло чекиб, баҳри алам бўлмасмикан?

Кўҳкан афлокдин бошимни ёрди, не ажаб,  
Эй қуёш, боқсанг бало ёғмури кам бўлмасмикан?

Ўтсанг оламдин бору йўғингдин из қолдирмайин,  
Шоира, сўнг манзилинг дашти адам бўлмасмикан?

\* \* \*

Хуснига монанд айлаб тақди гавҳардин садаф,  
Чўғ каби бокқай ёниб зангор минбардин садаф.

Тийра шомимга етиб гўё Сурайё анжуми,  
Кўзларим қилди мунаvvар, рўйи ахтардин садаф.

Шуъласин ишқ осмонига ёйиб хаттин битар,  
Риштайи афлока тушди асли заргардин садаф.

Ёр кўксин тутди маскан деб куяр рашибок дил,  
Кўзғар оташ басма-бас оламга мажмардин садаф.

Шуълайи хуснин кўрибми ғунчалар кўзида нам,  
Ё тўкилди гулшан узра доги соғардин садаф?

Ишқ саҳросида ташна ҳар кўнгулким зордур,  
Ёғса ёмғирдек фароғат оби кавсадин садаф.

Шоира, мақсуд эди назми само мулки сенга,  
Учди кўқ узра хумодек бори дафтардин садаф.

\* \* \*

Айтадурлар: жон берар ҳам, жон олар ҳам ёр эмиш,  
Ёр или жон устида баҳс айламак душвор эмиш.

Кўнглунг ичра неча ёшурма ғамингни, ишқ аро,  
Баридан огоҳ эмиш ул, гизламак бекор эмиш.

Қошида туфрокқа тенг бўлгай кишилар соядек,  
Тик қараб бўлмас экан, оё, қуёш рухсор эмиш.

Лабларин кавсар деб уммид айлама васлини, ким,  
Қатлгоҳ эрмиш қучоги, тори зулфи дор эмиш.

Шоира, топсанг жаҳондан хуснининг шайдоларин,  
Дарди ишқ эрмиш санингдек, бедаво бемор эмиш.

## Яна чорлар юлдузлар рақси



Ирода  
**РАҲМОНАЛИЕВА**

\* \* \*

Агар нурман, агар офтоб,  
Ва ё ёғду ва ё маҳтоб,  
На бўлсам ҳам маним якто  
Мадорим бўл...

Агар гулгун, агар дуркун,  
Ва ё сўлғин ва ё сургун,  
На бўлсам ҳам, сен эй кўрким,  
Харорим бўл...

Агар қушман, агар ҳушман,  
Ва ё ўнгман ва ё тушман,  
На бўлсам ҳам дилим хушлар  
Қарорим бўл...

Агар тергар, агар сергап,  
Ва ё кўксинг тилар мерган  
На бўлсам ҳам фақат сенга  
Борорим бўл...

\* \* \*

Ранглимиди дунё ўшанда?  
Муҳаббатли... Яна ким билсин...  
Биздек баҳтли туюлмас эди  
Иккимиздан бошқа ҳеч кимса...

---

**Ирода РАҲМОНАЛИЕВА** – 2001 йилда тугилган. Тошкент давлат Шарқшунослик университетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Чилзарра” номли шеърий тўплами нашр этилган.

Оқ-қорадир энди бор тараф,  
Сен менга кам... Мен сенга камман...  
Нега баҳтили туюлар энди,  
Иккимиздан ташқари ҳамма?

\* \* \*

Жонни қийнов, сочим қиров, дилим бирорда қилгайсан...  
Икки чашмим чашмасини нечун зиёда қилгайсан...

Қаноат бер, бергил сабот, Ё Раббано, Ё Рабанно,  
Үзгаларга бердинг қанот, мени пиёда қилгайсан...

Гоҳ хузуринг минг бир кадам, гоҳ бир кадам, гоҳ бир кадам,  
Билганим шу Маҳшар қадар жоним синовда қилгайсан...

Мен бандаман, бош эгаман, не берсанг ҳам бер, енгаман!  
Бир назар қил, бир назар-ла руҳим Минода қилгайсан...

Дарё-дарё ёшим билан, шу ғавғоли бошим билан,  
Қошингдаман лошим билан қачон ирода қилгайсан...

Қачон Ирода қилгайсан...

\* \* \*

Тушдек ўтган лаҳзалар энг хуш дамим бўлдинг сен,  
Шу бири кам дунёда менинг камим бўлдинг сен...

Раддим бору ҳаддим йўқ, сендек севган мардим йўқ...  
Бундан аччик дардим йўқ, ширин ғамим бўлдинг сен...

Ай кўзлари ҳийлагар, ай ишқ талхин туймаган,  
Мен деб бир бор куймаган хотиржамим бўлдинг сен...

Келмас бўлиб кетганим, билмас сўлиб битганим...  
Ҳаммадан беркитганим – кўзда намим бўлдинг сен...

Лаби хандон маҳзумим, ёдинг боқий маҳзаним...  
Ёниб сўнган лаҳзалик ишқим шами бўлдинг сен...

\* \* \*

Үзга бўлди ёр-у меҳри менда боқийдур ҳануз...

Алишер НАВОИЙ

Қалбу ақлим бир-бирига ажаб ёғийдур ҳануз,  
Қароғим – жом, кўзим унга абад соқийдур ҳануз.

Хаёлимнинг зикри бўлди субхи шом исминг, аё,  
Келгаймисан, келмасмисан? Тилим сўроғидур ҳануз...

Кипригимдан парда тортдим нигоҳингдин қочай деб,  
Лек шу икки қаро чўғ умрим чироғидур ҳануз...

Доғлади хажрида, ох, йироқламоқни хоҳлади,  
Тилда исми, дилда расми, қалбда доғидур ҳануз...

Йўлларимдан кўз узиб, кўнгил узиб қолгай vale,  
“Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқийдур ҳануз...”

\* \* \*

Мен улгайдим...  
Энди юлдузлар  
Афсоналар айтмайди оқшом...  
Шўх-шаън қўшиқ куйлаган еллар  
Шивирлайди маъюс, паришон...

Мен улгайдим...  
Энди бувимнинг  
Эртаклари – ёлгон уйдирма!  
Ақл равшан тортгани сари  
Хиралашиб борадир дийдам...

Рангин тушлар эди поёңсиз,  
Меникийди қушлар қаноти.  
Энди рангсиз кунларим аро  
Шарпа янглиф кезади хотир...

Мен улгайдим...  
Афсус, одамлар  
Бола дея алдамас энди...  
Инжа хислар ўрнида чигал  
Хаёлларим чувалар тентиб.

Яна чорлар юлдузлар рақси  
Айтмаса-да қадим фасона.  
Болаликнинг хушбўй исидан  
Ёғду сочар зулумот хонам...



## ШОИРЛИКНИНГ ШАЪНИ ВА РУТБАЛАРИ

**Тоҳир ШЕРМУРОД**

Кўп асрлар мобайнида мусулмон диёрларда инсон маънавиятини унинг назмдаги ва назмни тушунишдаги таъблари билан баҳолаш бош мезон бўлиб келган. Оммавийлашган бу урф, қоида шахснинг айни соҳаларга бевосита мансублигини назарда тутиш билангина чекланиб қолмаган, балки аҳолининг бошка қатламлари дунёқараш тарзини ҳам қамраб олган. Яъни, мазкур мезоннинг қамров қўлами foятда кенг бўлиб, инсоннинг илохий ҳақиқатларни, талабларни тафакурлашдаги даражаси, уларга риоятдаги ахволи турли илмлар, назмлар, назмшуносликка доир муносабатига қараб ҳам белгиланган.

Улуғвор бу тамойил ҳукм сурган асрлардан бири Алишер Навоий яшаган даврdir. Шеър ишида ҳам, уни тушунишда ҳам ҳикматлар – ҳақиқатлардан воқифлик камоли бу замонда энг долзарб маърифий талаб ва асл мақсад-муддао ҳисобланган. Адабий ижодчиларнинг, муҳлислар оммасининг, шеършуносларнинг маъно-моҳиятларни қай даражада зеҳну фаросат билан идроклашларига қараб уларнинг салоҳиятларига баҳо берилган. Бу борада қатор мутафаккирларнинг, айниқса, Навоийнинг талқинларини кузатиш бугун ва келажак даврлар учун бекиёс манфаатлар беради. Мавзу фундаментал тадқиқ этилиши жоиз йўналишdir. Соғлом инсоният имкониятларининг энг юксак мақомларини идроклатиб берувчи ўша даврлардаги таълимотни, талабларни, адабий-илмий натижаларни ўрганиш, хусусан, ҳозирги ўзбек адабий жараёни, адабиётшунослиги тамойилларига доир мухим қиёслар ҳамда хулосалар чиқариш имконини беради.

Сўз санъати ва унга қаратилган илмлардаги бундай идрок тарзининг масдари ва ўчмас маёфи ҳақ таълимот эканлиги туфайли барча мумтоз ижодкор донишманларнинг адабий-назарий қарашлари, ҳаётий кузатишлари, хулосалари бир-бирини бойитиб, ҳайратомуз муштараклик касб этади. Исломий поэтик тафаккур жараёнигагина хос бўлган айни юксак муштараклик ҳамма вақт назмий ва насрый ижодга, уларга маҳсус илмларга, умуман, китобхонликка кириб келиш, шаклланиш, мувваффакиятга эришишнинг ҳам кафолати бўлган.

**Тоҳир ШЕРМУРОД** – филология фанлари номзоди, адабиётшунос. 1956 йилда тугилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) татомомлаган. “Ҳаёт кўзгуси”, “Қардошлиқ камоли”, “Жозиб изҳор излаб”, “Усмон Азим ижодиёти” сингари китоблари чоп этилган.

Илохий мантиқлар ҳамда ижод пафосининг ўзаро уйғун намоён бўлиши, тасвирдаги маънолар ёхуд тагмаънолар борасидаги қарашларнинг бир-биридан бехабар вазиятларда ҳам айнан бир хил содир бўлиши каби адабий ҳодисалар эътиқоддаги, илмий-поэтик фикрлашдаги яқдиллик ва событликнинг ҳаётий кўринишларидир. Бундай умумсифатлар ҳақ таълимотнинг ақлни ожиз қолдирувчанигидан, ҳамма макон ва замонга салоҳиятли қилинганидан, тасарруфий улуғворлигидан далолатдир. Айни пайтда, бу назмий, назарий натижаларнинг шарқдаги сон-саноқсиз мисоллари қўпчилик юксак заковат эгаларидаги қалбий, шуурий ҳаракатларнинг нақадар тўғрилигини далилловчи ҳайратланарли фактлардир.

Илохий қонуният ва унга таслим адабий-назарий тафаккур тарзининг энг юксак мақомини Навоийнинг бутун ҳаёти ҳамда ижоди моҳиятидан, айниқса, шу масалаларга доир қарашлари акс этган асарларидан теран идроклаб олмоқ мумкин.

Маълумки, буюк мантиқшунос олим Абу Наср Фаробий (IX асрнинг иккинчи – X асрнинг биринчи ярми) ўзининг “Шоирлар санъати қонуллари ҳакида рисола”сида шеърият моҳияти, сўз санъати илмининг умумий қоидалари тўғрисида фикр юритган эди. У шоирларни тоифалаб тушунтириб, ҳар тоифанинг комилликдаги даражасини тавсифлаб беради. Умуман, Фаробийнинг мазкур мавзулардаги илмий қарашлари масалага исломий таълимот асосида ёндашувнинг событлашганини тасдиқловчи дастлабки манбалардандир. Навоий ҳам “Маҳбуб ул-кулуб” (1500) асарининг “Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида” номли 16-fasлида исломият оламидаги шоирларни тўрт гурухга ажратиб васфлайди.

Биринчи гурух шоирлар илохий маърифат хазинасининг жавоҳирлари билан бойиган ва элнинг фазли-эзгулиги учун маънолар хазинасидан жавоҳирлар йигадиган сўз санъаткорларидир. Уларнинг асарлари сўз мўъжизалари бўлиб, улар шеърларини шеър дейишга ҳам тил бормайди, чунки ўта жозибадор айтилган ҳикмат-ҳақиқатлардир.

Иккинчи гурух шоирлар – ҳақиқат сирлари билан мажоз сирларини уйғун тарзда ифодаловчи услублар соҳиблари.

Учинчи гурух шоирлар шеъриятида мажозий маънолар етакчилик қиласда, аввалги гурухлар мақомида поэтик фикрлайдилар ва ўз гурухининг услугбий гўзалликлари бобида камол соҳибларидир.

Тўртинчи гурух – пастки табақа. Улар шеър ёзганига хурсанд. Шоирлик даъвоси жуда баланд. Шеърларида на ҳақиқат, на маърифат болидан лаззат бор.

Фаробий ва Навоийнинг шуарони тоифалаштиришида ва таъриф этишида бир-бирига зидлик, тафовут йўқ. Навоий талқинида мезоннинг ва соҳага талабнинг тўғридан-тўғри ҳақ эътиқод таълимотларидан олинаётганига, шоирлар солиҳияти ҳамда тафаккур тарзларининг шу асослардан туриб баҳоланаётганлигига гувоҳ бўласиз. Икки аллома ҳам тоифавийлик манзараларини ўтмиш ёки ўзлари яшаётган даврларга махсус нисбат бермайди. Зотан, бу нуқтаи назар барча даврларга, халқларга, жумладан, бугунги ва келажак адабий-илмий жараёнларга ҳам дахлдор дастуриламалдир.

Кузатаётганимиз масалаларни тафаккурлашда икки ёки кўп кишининг бир-биридан бехабар ҳолда бир хил фикрлаши, фикрларининг бир жойдан чиқиши Навоий даврида ва Навоий тилида “таворуд” дейилган.

## Тоҳир ШЕРМУРОД

Шоирликнинг ҳақиқий тақозолари, шарафи ва улкан масъулияти идрокидан гоғил қаламкашларни Навоий танқид қилди. Уларга раддия билдириди, монелик уларнинг ўз ахволоти, кайфиятида эканини билдириди. Қолган уч гурухнинг ҳар бирига мансуб ўтмиш ва замондош шоирларни номма-ном санаб, уларни улуғлади. Бу улуғлов, айни вактда, шундай ижодий рутбаларга мансубликнинг, шундай мақомларнинг улуғланиши эди. Диққат қилинса, бунда шоирлик тасвир объектлари, мавзулар доираси, диний ёки дунёвий талқинлари, илохий ёки мажозий ишқларига кўра чегараланаётганий йўқ. Шоирлар илохий ҳақиқатлардан воқифлик, назмдаги таблари, услубий мойилларлари, камолот даражалари, эришган ютуқларига қараб эътироф этилмоқда. Зотан, ҳамма нарсанинг яхисини, энг тўғри тадбирини ўргатувчи ислом таълимотларида диний ва дунёвий деган айрмачиликнинг ўзи йўқ.

Шоирликдаги рутбаларнинг бундай холис, адолатли, ҳаётий белгиланиши ҳамда чуқур таърифлар, ўринли, ҳаққоний васфларнинг айтилиши буюк мутафаккирнинг умр охирида бошқача бўлиши мумкин эмаслиги аён нодир хulosалари эди. Улардан шеър ва шоирликка қўйиладиган илохий тавсиялар, ўгитлар, хукмлар, руҳоний камолотнинг бундаги йўл-йўриқлари, вазифаларнинг кўлами, шарафи уфуриб туради. Муҳими, Навоий қарашлари бадиий ва адабий-назарий тафаккурнинг энг олий, турфа маънавий хавф-хатарлардан, зоеликлардан холи, муҳофазаси ҳақ таълимот билан кафолатланган имкониятлари, ҳадларининг ёрқин ифодаси эди.

Навоийнинг бутун ҳаётий ва ижодий амали чин эътиқоддан бир лаҳза бўлсин тойилмасдан яшашга қаратилгани, сўз воситасида элга яхшиликлар таратиш, ижодни икки дунё саодатига дохил яратиш бўлганини, бинобарин, “Махбуб ул-кулуб”даги тавсифлар ўз-ўзидан бунёд бўлмаганини, бу беназир, қойилмақом бир умрнинг тажрибаларидан ҳосила сифатида юзага чиққанлигини фаҳмлаш қийин эмас.

Навоий адабий-назарий қарашларидаги шеър ва шоирликка оид донишона қоидалар, талабларни унинг “Мажолис ун-нафоис” тазкираси янада кенг миқёсли, янада теран идрок эттиради. Ундаги мажлисларнинг таркиби ва ўрни, ҳар бир мажлис аҳлининг зикри, ёди, тавсифи, камолдаги улар даражасининг белгиланиши – ҳаммаси Навоийнинг бутун борлиги билан исломий асослардан ва мезонлардан туриб масалаларга ёндашганлигини қўрсатади. Зеро, дин Навоий учун, ўзгалар учун ҳам бир восита эмас эди, балки ҳаётларининг, барча жабҳа фаолиятларининг мақсад-мазмуни эди. Ҳар қандай замон ва маконда Навоийни, умуман эса, ўзбек мумтоз адабиётини бошқача тушунишларга ўзини оқлай олмайди.

“Мажолис ун-нафоис”да тазкиранавис ҳеч қайси шоирнинг хос жиҳатини, табиатини, ҳақиқатлардан огоҳлик даражасини эътибордан қочирмайди. Назм иштиёқи ва назмий маъноларга муҳаббат билан йўғрилган умргузаронликда ҳам баркамоллик минг бир шарт, одобни тақозо этар экан, Навоий ҳар ижодкор таърифида унинг ўз иқтидори парваришига нисбатан интизомига, назмий табига бўлган масъулиятини тўғри айтишдан чекинмайди. Мавжуд муайян чекинишилари эса илмий одобдан бўлиб, гапнинг чўзилиб кетмаслиги (“сўз узолур”) учундир ёки шоир Амир Шайхим Суҳайлий васфида келганидек, зиёда мақтовлардан тийилиш учундир: “Аввалдан охирғача факир била илтифот ва иттиҳоди кўп учун мундин ортиқ таърифин қилилса, ўзумни таъриф қилғондек бўлурдин қўрқуб, ихтисор қилилди...”

Тазкирада барча масалага муносабат назм аҳли ва аҳли маонийнинг турли-туман табъларига мувофиқ ва муаллиф Навоийнинг ҳикматлар оламига етишган, ғоятда баланд мақомдаги таби доирасида кечади. Ижодкорларнинг шеъриятдан бошқа соҳаларга нисбатан бўлган табъларига ҳам дикқат қилинади, аммо бутун холисона адабий-назарий талқин мобайнида “назми таб” руҳи етакчилик қиласиди. Табиийки, назмдаги таб, фахму фаросатнинг шуародаги аҳволи турлича хуштабъ, нохуштабъ ранглар ва рутбаларда бўлгани учун таблар ҳар кимда ҳар хил сифат билан келади: “яҳши табъ”, “хейли тасарруфлиқ таб”, “хейли латиф табъ”, “табъи мулойим”, “табъи салим”, “табъи ҳам холи аз саломат эмас”, “муҳрид фахм”, “табъпараст”, “табъи бағоят хуб”, “фаҳми ёмон эмас”, “таробатжўй табъ”, “табъи ҳазлға мойил”, “табъи хейли шўх”, “дилпазир табълиқ”, “хом табъ”, “табъи номавзун” ва ҳоказо.

Навоий тазкираси ўша даврга келиб, туркӣ ҳалқлар адабий жараёни учун янада долзарблашган жуда катта маънавий-маърифий, тарихий-ижтимоий эҳтиёжга ҳозиржавобликнинг улкан намунаси сифатида юзага келди. Тазкиранинг бу аҳамияти унинг дебочаси мазмуниданоқ англашилади: ислом оламининг барча асрларида назм илми қойиллари ҳамда шеър фани комиллари шариф ва азиз қавмлар ҳисобланган; уларнинг зикрлари маҳсус жам этилган рисолалар, китоблар бор; Абдураҳмон Жомий “Баҳористон”ининг еттинчи равзаси (“Шеър ва шоирлар”), Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”си шулар жумласидан; аммо маъни назокати ва ажойиботининг қанчаларки шартлари бўлса, уларни бурунгилардан қолишмай адо этаётган шу замон шуароси ва давр зурафосини ҳам тарих саҳифаларига муҳрлаш мақсадга мувофиқдир.

“Мажолис ун-нафоис” тазкираси ҳам шу бобдаги аввалги асарлар сингари “аларнинг номий отлари ва киромий сифотлари замон саҳойифидин ва даврон сафойиҳидин маҳв бўлмасун”, “хар қайсининг натойижи табъидин (табъларнинг натижаларидан – Т.Ш.) бирор нима нишона” қолсин деган мақсадда ёзилди.

Шу маънода беш юзга яқин аҳли назм ва моҳият билимдонларининг табхосликлари-ю таб натижалари тавсифини ўз ичига олган саккиз мажлисли “Мажолис ун-нафоис” гўзал шоирона таблар гулшанининг ўз замонасига ҳамда келажак наслларга аталган манфаати туганмас армугони ҳамдир.

Ушбу нафис сухбатларда зикри келган назми таблар “Маҳбуб ул-қулуб” да баён этилган эҳтиромга сазовор шоирлик гуруҳларига мансуб таблардир. Тазкирада Навоийнинг адабий-танқидий мулоҳазалари ҳам кўп. Шуларга қараб, “Маҳбуб ул-қулуб”да назмчиликнинг энг паст табақаси сифатида қораланган тоифа ичидан ҳам баъзи шоирлар “Мажолис”да таърифланган бўлиши мумкин деган ўй-фикрга бормаслик керак. Тазкирада бундай хulosага олиб борадиган асос йўқ. Чунки Навоий ҳамма шоирларни улардаги таб имкониятларидан келиб чиқиб тавсифлайди, бу имконият, кувватларнинг қанчалик юзага чиққани ёки чиқмаганига қараб таб эгасини баҳолайди. Ўзи илоҳий ҳикматлар, манзур мажозий ҳақиқатлар мезонидан туриб натижаларни тааммул қиласиди. Қолаверса, ҳақ йўл нималигини билган ҳолда ҳам, унинг йўловчиси бўлиб туриб ҳам, баъзан ёхуд батамом ундан тойилиш, хатоликлар содир қилиш, руҳий ислоҳталаб ҳолга тушиш каби ҳоллар тоза табиатли одамларда ҳам учраши мумкин бўлган хусусиятлардир.

Муайян шоирлар зикридаги Навоийнинг ўгит, танбех, тавсия, танқидлари эса уларда содир бўлган, бўлаётган инсоний ожизлик, дангасалик, лоқайдлик, ўз

## Тоҳир ШЕРМУРОД

таблари тарбиясига бепарволик, мансабга, мол-дунёга, ўткинчи ҳою-ҳавасларга ўзини уриш оқибатидаги зоеликларнинг беғараз, холис, адолатли ифодаларирид.

Назми таблари яхши бўлса-да, аммо камолига қандайдир монеликлар сабаб бўлгани айтилган таърифлардан айримларини мушоҳада қилиб кўрайлик:

“Хожа Муайят Девона – ...Ўзи ошуфтадимоғ киши эрди. Аммо назми равон ва салис воқеъ бўлур эрди. Анга салтанат даъвоси бор эрди. Ҳамул иш устига ани зоеъ қилдилар...”

“Хожа Абу Исҳоқ – ...Толиби илм ва хуш табъ йигит эрди. Аммо бадхўй ва мутакаббир ҳам бор эди...”

“Мирзобек – ...Инсоният ва хуш ахлоқлиқда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди. Табъ ва фаҳм ва отару тутарда бу икки мулк йигитлари орасида саромади замона бу навъ таърифлардин мустағний...”

*Кўзинг не бало қаро бўлубтур,  
Ким жонга қаро бало бўлубтур.*

...Агарчи анинг тилига бу навъ абёт кўп ўтар эрди, аммо ҳаргиз парво қилиб бир ерда битимас эрди... Ҳайф ва юз ҳайф ва дариф ва юз минг дарифким, ҳаёт чашмасидин сероб бўлмади ва умри наҳли мевасидин бар емади...”

Кичиклигидан назмнинг барча турларига қобилияти кўп, туркий ва форсий шеърда рушди бор бўлган “Соқий – ...Ҳеч маълум бўлмадиким, анга не бало урдиким, ушбу сифатлардин ҳеч нима анда қолмади ва эл оросидин чиқти. Умид улким, бу идборин Ҳақ таоло иқболига мубаддал қилгай...”

“Мавлоно Абдулқаҳҳор – донишманд киши эрди. Ҳирий шаҳрининг мутааййин хуш табъларидин эрди. Мавлононинг хаёли кимёгарликка тушиб кўп нима зоеъ қилди ва ҳеч нима ҳосил қила олмади...”

Имкони бўла туриб, назми табига иш буюрмасликни, шоирлиқда қуввати бўлсада, девонаваш ва абтаршева яшашни, бадъфеълликни, ичгуучиликни, бирор айтган рангин маънони ўз тасарруфига олишни, эл шеърини ўзиники қилиб олишни, беҳаёлик ва бадъшеърлик или машҳурликка интилишни Навоий қаттиқ қоралайди.

Навоий аҳли вуқуфни – илоҳий ҳақиқатларни донишона идрокловчиларни, моҳиятни хоҳ асл ҳолида бўлсин, хоҳ мажозий усулда бўлсин, санъаткорона тараннум этувчиларни, сермаъно ифодани, рангин маъноларни зийрак, дақиқ шарҳлай олувчиларни эъзозлаб васфлайди. Назмий тасвирда, унга муносабатда, муҳокама этиш жараёнларида воқе бўлган юксак билагонлик қўринишларини қайд этади, ҳикоялайди ҳам. Мавлоно Котибий таърифида “...ўз замонининг беназири эрди. Ҳар навъ шеъргаки майл кўргузди, анга маонийи ғариба кўп юзланди...” деса, Ҳожа Авҳат Муставфий таърифида “...Ўз асрининг ягонаси эрди. Кўпроқ улум ва фунунни билур эрди, батахсис улуми ғарибани, аммо фалакиётда шуҳрати бор эди”, дейди. Бундай азизларни Навоий “аҳли ботин”, “аҳли зохир”, “фузало”, “зурафо”, “зарифваш”, “аҳли тамиз”, “аҳли сидқ”, “зеҳни мушкулкушо”, “тафаккури барча диққатларга воғий”, “таби соғиғ” ва бошқа қатор мақтov сўзлар билан сифатлайди. Баъзан ажойиб назми табъларнинг юқори баҳосини беради-да, таърифга китобхоннинг янада ишонч ҳосил қилмоғини истаб, унга шоир китобини ўқишини тавсия қиласди: “...Табъининг не миқдор қувват ва латофати бор эрканин

шеъридин билса бўлур, ўқифон билгай”. Ёки “Анинг табъи дикқатини ҳар киши билай деса “Шабистони хаёл” деган китобини кўрсун...” каби.

Маънолар оламига беписандликни Навоий табъ аҳлига номуносиб ҳол деб билади. Мавлоно Хайрий деган шоир таърифида дейдики: “...Аммо шоирликда ҳейли қуввати бор. Қасойиди бор, ғазалиёти ҳам ямон эмас. Табъ аҳли қошида матъундир, мунгаким, абётининг маънисин сўрсалар билмас, билса ҳам айта олмас. Аммо ул муни мусаллам тутмас...”

Тазкиранинг “фасоҳат илмининг сехрсози”, “балофат жаҳонининг мўъжиза пардози” – Султон Ҳусайн Баҳодирхон ижодига багишланган сўнгги мажлиси матн қаърига ботиний ва зоҳирий ёндашувнинг, маҳоратни таҳлил қилишнинг намунали дарси сифатида янада дикқатга сазовор. Унда шоир девонининг ҳар ғазалидан бир матглаъ ажратиб олиниб, маъноларнинг ва санъаткорликнинг янгилик даражасига баҳо берилади. Таҳлилга тортилган қатор байтларнинг ҳақиқатан “шарифтабъ ва латиф зеҳн”нинг натижалари, шоирнинг давр туркий шеъриятидаги ўзига хос ихтиrolари эканлиги айтилади. Навоийнинг ушбу кузатув ва хуласаларида муболага, мадҳ руҳи йўқ. Унинг тааммуллари мақтов бобида иккиланишга ўқувчидаги асос қолдирамайди.

Матлалар шарҳи нихоясига етгач, Навоий ўз тазкираси услубидан хиёл четланиб, “Хилват” сарлавҳаси остида Султон Ҳусайн Баҳодирхон билан ўзи ўртасида кечган кўп сонли ҳаётий воқеалардан иккитасини илова қиласи. Лавҳалар шеър ҳақиқатига талаб ва услуг идрокидаги зийраклик ҳақиқададир. Улардан бирининг муҳтасар мазмуни қуйидагича: Баҳор айёмининг бир куни. Туркий ва форсийда малик ул-калом Лутфий Навоийга Хисрав Дехлавийнинг хиндуча ашъорида ёмғир торлари ифодасига оид ажиб маъни борлиги ҳақида гапириб қолади. Ишқ кўйида кўп машаққат кўрган маҳбуб балчикка оёғи тойиб йиқилади. У нихоятда дармонсиз, бемажол. Маҳбуб ёмғир торлари мадади ила ўрнидан туради. Шоирнинг бу қадар инжа ҳаёлоти ва муболагасига Навоий ҳам оғаринлар айтади. Тасвиrlашдаги маҳорат сифатида бу мисол ҳар кимнинг қошида кўп нақл қилинади. Эътироф ва ҳайрат барча назмий табъ аҳлида бир хил кечади. Олий мажлисида Навоий Султон Соҳибқиронга ҳам Лутфий билан бўлган мулоқотини айтиб беради. Султон Ҳусайн мақталган маънога кўп илтифот этмай, табассум қилиб қўяди. Навоий айни маъно Султонда эътиroz уйғотганини фаҳмлайди. Ҳеч бир табъ аҳли идрок этмаган моҳиятни эшитган Навоий Султон талқинига “кулоқ тутиб ўз нуқси табъимга мұттариф бўлдим”, дейди. Яъни, ёғин қатраси юқоридан қуиғига инади, йиқилган киши унинг мадади ила ўрнидан турмоги маҳолдир, магарки, ўргимчак (анқабут) тўқиган ришталар кўмагида ўрнидан турди, дейилса ярашиқдир.

*Заъфдин кулбамда қўпмоқ истасам, айлар мадад  
Анкабут ришига осқон бўлса ҳар деворга.*

Даврда идроклар ҳаракатининг ғоятда қизғинлигини, идрокларнинг баланд мақомлардаги соғлом “мусобақаси”ни, сўзга ва шеърга масъулиятининг энг юқори пағоналарини кўрсатувчи бундай лавҳалар ҳамда назарий қарашлар Навоий асарларида жуда кўп.

Маълумки, Навоийнинг “Назм ул-жавоҳир” асари бизга пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг куёвлари, тўртинчи ҳалифа ҳазрати Али (розияллоҳу анху)

## Тоҳир ШЕРМУРОД

қаламига мансуб “Наср ул-лаолий” ҳикматлар мажмуасини юксак маҳорат билан битилган рубойлар кўринишида тақдим қиласди. Навоий таърифини адо қилиб бўлмас сўз аҳамияти, шеърчилик, шоирлик ва булар тафаккури тўғрисидаги ўз қатъий қараашларини Куръони карим оятлари, бевосита ҳазрати Алига ёки умуминсониятга айтилган ҳадислар билан, ҳадислардан олинган иқтибослар билан далиллайди. Сўзнинг башарият учун мисли йўқ илоҳий неъмат эканини, ижод масъулияти нақадар оғирлигини, идроклаш мартабаларининг қайсилари фақат мақсадга мувофиқлигини айтади.

“Назм ул жавоҳир” дебочасидаги Навоийнинг қуйидаги фикрлари ҳам назми табъ аҳлининг “Махбуб ул-кулуб”да тоифаланиб айтилган кўринишларини ифода этади. Айни чоғда, дунё табъ ахли, инсоният учун сўзга идрокий муносабатнинг, сўз борасидаги камолнинг бундан бошқа тўғри йўл-йўриги йўқлигини англатади:

“Маълум бўлдиким, сўзга маротиб бор ва ҳар мартабада хунар маъйиб ва ул маротиб ижмоли юзидин идрок ва дикқатойнлари ва укул хурдабинлари қошида уч қисм бирла мунқасимдурур. Ва лекин тафсил ҳисобида кўпроқ мутафарриъ бўлур”.

Навоий масалани тавсил ҳисобида, яъни чуқур, атрофлича, кенг миқёсда кузатилса, мазкур уч мартабанинг ўз ичидаги янада кўпроқ манзаралари билан намоён бўлишини ҳам таъкидламоқда. Сўзнинг ва сўзга муносабатнинг улуғ мартабалари таҳқики – сўз ҳақиқатини излаш, синчилаб текшириб кўриш юмуши шунинг учун ҳам Навоийни тенги йўқ ҳайратлар оламига олиб киради ва у дейди:

“Аллоҳ-Аллоҳ! Сўз маротиби таҳқики не бало дақиқдурким, анинг силкидаги жавоҳир ўзин ҳарфи тирзиққа еткуур”.

Навоийнинг шоирлик мартабалари ҳақидаги қатъий хулосаларидан яна шу нарса аён бўлмоқдаки, ниҳоятда кўп ва хилма-хил бўлган назм аҳлининг уч маротиб (мартаба) бўлиб намоён бўлиши эътирофи Фаробий ёки Навоийгагина эмас, барча баланд идрок соҳибларига, барча тезфаҳм оқилларга ҳам хос. Мартабалар, уларнинг ўзига хосликлари, таъриф-тавсифи қандай асосларга таянилган ҳолда белгиланмоқда? Уч тоифа шоирлик нега нуфузу баланд саналмоқда, мақталмоқда?

Мавзунинг барча масалалари кўламида бу саволларнинг жавоби ҳаммасидан муҳимдир. Чунки айнан шу йўналтирувчи асосларда соҳанинг – сўз санъати ва унга қаратилган илмларнинг ҳаёт-мамоти мужассам. Зоро, йўл тўғри бўлмаса, муайян салоҳиятли шахсиятда илму амал ўзаро уйғунлик, муштараклик касб этмаса, ижодий натоиж (натижалар) зоелик томон кетади, ибодат мақомида бўлмайди, соҳибининг икки дунё саодатига кафолат бўла олмай қолади.

Чунончи, “Лисон ут-тайр” достонида Навоийнинг шундай байтлари бор:

*Ҳикматдин воқиф эрмасдур киши,  
Бўлмади бу иши кишининг чун иши.*

*Иши эрур улким, ўзи они қилур,  
Ҳикмат улким, ҳақ ўзи они билур.*

Ҳақ таълимот таснифидаги руҳий-маънавий жиҳатига кўра инсоният икки тоифадир: тафаккур қилгувчилар, тафаккур қилмовчилар. Биринчи тоифанинг

бахтиёрлар экани, иккинчи тоифанинг эса эътиқодий имкониятдан бебаҳра, мосуво, бадбаҳтилик йўлидаги бани башар эканлиги айтилади. Ҳақ субҳанаҳу ва Таоло Қуръонда инсониятни тақрор-тақрор оқил бўлишга чакиради, тафаккурчан яшашга буюради. Негаки, дунё илоҳий ҳикматларга лиммо-лим тўлдирилган макон, Ватандир. Оламлар ваҳий билан тирикдир, ваҳий кўтарилса, хамма нарса тугайди. Фақат соғлом қалб ва уйғоқ тафаккургина буларни идроклади, инсонни руҳий кенгликлар томон бошлай олади. Ҳикматлар дунёсига улар воситасидагина кириб борилади.

Шоирлик – дақиқ туйғучилик, нафис тафаккурчанлик демақдир. Шеърчилик жараёни завқли, айни чоғда, заҳматли поэтик идрок, поэтик тўқиши ҳаракатидир. Бу жараён қанчалик оқилона, қизғин, омадли кечмасин, янги ҳикмат тўқилмайди, яралмайди. Шоир ҳикматларнинг тўқувчиси, яратувчиси бўлиб намоён бўла олмайди. Чунки ҳикматларнинг эгаси ва масдари Аллоҳ, ҳикматлар оламларнинг ўзида илоҳан сабитдир.

Шоир ҳикматларни бунёд қилишга қодир эмас. У – ҳикматларнинг идрокчиси. Ўзини айрича таъсирантирган ҳақиқатнинг бадиий ифодаси, руҳини матнга жозибадор сингдирувчи, сўнgra ўзгаларга тақдим этгувчидир. У ўз дикқат-эътиборини тортган ҳар бир нарсадан ҳикмат излайди. Тасвирини ҳикмат билан безашга интилади. Шеъриятининг сиймоси, пафоси, мақоми унинг ҳикматларга дахлдорлик даражаси билан белгиланади.

Ўзбек мумтоз шеърияти ва шеършунослиги санъатга нисбатан эътиқодий бурчларнинг, тафаккурий одобларнинг энг ибратли, тажрибий тарихи ҳамдир. Адабий ижодчиликнинг бу бекиёс мактаби Ҳақ таълимот кўрсатмаларидан оғишмаслик, уларга садоқатли бўлиш, иймонда сабит бўлиш, сўз масъулиятини олий мақомларда туриб тушуниш ва тушунтириш салоҳиятига кўра юксак намунаидир. Айниқса, адабий жараённинг шаъни, обрўи ва қуввати Навоий даврида баланд камоли, ҳаётбахш тамойиллари билан намоён бўлди. Ўзидан кейинги асрлар ўзбек, туркий адабиётларга сўнмас эътиқодий анъаналар тақдим этди. Шеър фанининг шундай камоли сабабидан поэтик ва адабий-назарий тафаккурнинг илгор рутбалари даврлар маънавий-маърифий ҳаётининг асосий мезонлари даражасига кўтарилиди.

Туркий адабиёт ва адабиётшунослик тарихининг Навоий даври шоирлик, шеършунослик, улар таълими ва тарбиятида келажак ижодкор насллар учун илоҳий ҳикмат-ҳақиқатларга асосланишининг баркамол дастуриламалини вужудга келтириди. Бу – тўғри ижодкорликнинг, ботилона қарашлар ва талқинлашнинг турфа кўринишларидан асранишининг, ислом таълимотларигина камолига кафолат бера оладиган, муҳофаза қилишга ва ажр беришга қодир таълимотнинг айнан ўзидир. Барча фазл ва ҳикматларига кўра Навоий даври ўзбек сўз санъати ва унга доир илмларнинг саодат асидир. Бугунги кун ижодкорлик жараёни, адабиётшунослик бурчлари бу бой поэтик тафаккур тарихининг фундаментал тадқиқотларини тақозо этмоқда.



## ТАҚИҚ МЕВАСИ

**Зилола ШУКУРОВА**

XIV асрда яратилган Носириддин Бурхониддин Рабгузийнинг “Қисаси Рабгузий” асарида инсон ва жамиятнинг бир-бiri билан узвий боғлиқлиги пайғамбарлар ҳаёти ва фаолияти мисолида очиб берилади. Ислом тарихи ва пайғамбарлар фаолияти билан яхши таниш бўлган ижодкор асарни ёзишда Қуръон, Ҳадис, фикҳ, ақоид каби исломий илмларни яхши билса-да, бироқ ўзигача яшаб ўтган, ислом оламида етук олимлардан Абу Исҳоқ Найсабурийнинг форсча “Қисас ул-анбиё”<sup>1</sup>, Вахб ибн Мунаббиҳнинг араб тилидаги “Қаъб ул-аҳбор”<sup>2</sup> асаридан фойдаланган.

Ёзувчининг маҳорати шундаки, у атрофимизни ўраб турган наботот ва ҳайвонот олами ҳақидаги баъзи ҳалқ оғзаки ижоди намуналарини ҳам ўта моҳирона пайғамбарлар фаолияти билан боғлайди. Жумладан, Рабгузий “Қисаси Рабгузий” асарида ҳам наботот оламининг пайдо бўлиши, ўзига хос хусусияти, инсон ҳаёти ва тақдирига таъсири масаласида қизиқарли ва ранг-баранг маълумотлар келтиради, уларни асосан, Одам Ато ва Момо Ҳаво яшаган давр билан изоҳлайди. Бинобарин, уларнинг жаннатдан қувилишида ҳам тақиқланган мева сабабчи<sup>3</sup>.

Инсоният тараққиётига мислсиз даражада таъсир қилган меванинг айнан нима эканлигига қадимдан шу кунга қадар олимлар ҳам, оддий китобхон ҳам бирдек қизиқиб келмоқда. Маън қилинган мева ҳақида кўплаб афсоналар келтирилган бўлиб, уларда олма, анжир, беҳи, шафтоли<sup>4</sup>, зайдун<sup>5</sup> эканлиги айтилган. Бутун

<sup>1</sup> Абу Ишоқ ан-Найсабурийнинг тўлиқ исми Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Хазомий ан-Найсабурий. Фақиҳ ва муҳаддис бўлган. Туғилган йили ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Милодий 933 йил (хижрий 321 йил)да вафот этган.

<sup>2</sup> Вахб ибн Мунаббаҳ ибн Комил ибн Сийж ибн Зи Кибор. Милодий 655 (хижрий 34) йилда туғилган. Улуғ тобеъинлардан бўлиб аввалги ўтганлар ҳақидаги қиссалар ва хабарларни ривоят килиши билан машҳур бўлган. Милодий 738 (хижрий 114 йил)да вафот этган.

<sup>3</sup> Рабгузий. Қисаси Рабгузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 22.

<sup>4</sup> Мифологическая энциклопедия. [googleweblight.com/i?u=http://myfhology.info/planta/yabloniya.html](http://myfhology.info/planta/yabloniya.html)

<sup>5</sup> Мифологическая энциклопедия. [googleweblight.com/i?u=http://myfhology.info/planta/figa.html](http://myfhology.info/planta/figa.html)

**Зилола ШУКУРОВА** – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (*PhD*). 1984 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Ўзбек тили ва адабиёти факултетини тамомлаган. “Фольклор матнишунослиги” номли ўқув қўлланма, “Қисаси Рабгузий” асари таҳлили ва матний тадқиқи” монографияси ҳамда қўрқдан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

дунёда машхур бўлган афсона вариантидан фарқли ўлароқ, нега Рабғузий тақиқланган мевани айнан буғдој дея талқин қилган?

Бу саволга жавоб топиш учун, энг аввало, диний манбаларга юзланамиз. Чунки ислом илмидан яхши хабардор бўлган адаб асар рухиятидан келиб чиккан ҳолда шу мазмунда яратилган адабиётлардан фойдаланган бўлиши мумкин.

Диний манбаларда тақиқланган мева ҳақида айрим маълумотлар учрайди. Хусусан, “Куръони карим”нинг Бақара сураси 35-оятида “Ва айтдик: “Эй Одам, сиз жуфтингиз билан жаннатни маскан тутинг ва ундан хоҳлаган жойларингизда бемалол таомланинг. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангки, у ҳолда золимлардан бўлиб қоласиз”<sup>6</sup> деб берилади. Кўринадики, “Куръони карим”да тақиқланган мева ҳақида айтилган, бироқ унинг қандай мева эканлигига аниқлик киритилмаган.

Ман қилинганд мева ҳақида аллома Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг қуйидаги сўzlари ҳам Муқаддас китобда битилган сура ва оятларни тасдиқлайди: “Ман қилинганд дарахт қайси дарахт эканлиги ҳақида узундан-узоқ тортишишлар бўлган. Ҳар ким ўзи билган дарахтнинг номини айтган ва ушбу гапни тасдиқлаш учун далил ва хужжатлар келтиради. Аммо, тўғрисини айтганда, бирорвга ушбу дарахтнинг исмини билиш билан фойда ёки билмаслик билан заарар етмайди. Агар уни билиш зарур бўлса, Аллоҳ “Куръон”да ёки пайгамбаримиз хадисларида айтган бўлур эди”<sup>7</sup>. Демак, диний адабиётларда номи тилга олинмаган тақиқланган меванинг фольклор намуналарида турлича аталиши дунё ҳалқларининг тафаккур тарзи, дунёқарashi ва илмий билишга бўлган эҳтиёжи нуктаи назаридан келиб чиқкан. Юқоридагилардан маълум бўлдик, Рабғузий фақатгина “Куръони карим”даги оят ва сураларга таянмаган.

Иккинчи манба сифатида муаллиф бошқа диний адабиётлардан фойдаланган бўлиши мумкин, дея “Библия”ни кўздан кечирамиз. Унда эса бу мева “Яхшилик ва ёмонликни англаш дарахти”<sup>8</sup> деб номланган. Шоирона тилда “Ҳақиқатни топиш”, “Моҳиятни англаш” истиоралари билан қўлланувчи бу дарахтнинг айнан шу ном билан аталишини олимлар маълум рамзлар билан боғлайдилар. Уларнинг фикрича, бу дарахтнинг илдизи инсоният тараққиётининг “бехушлик ҳолати”, танаси “ўзини англашнинг бошланиши”, шохи ва барги эса “ўзини англаш воситаси”<sup>9</sup> деб талқин қиласидар. Агар инсон онги тараққиётининг умумийлиқдан

<sup>6</sup> Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур таржимаси. – Тошкент: Чўлпон, – Б. 9.

<sup>7</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 1-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б. 37, 664.

<sup>8</sup> Библия. Книги священного писания ветхого и нового завета. 1-том. – М.: 1990, – С. 6; Библейского энциклопедия. Российское библейское общество. – М., 1996. – С. 195.

<sup>9</sup> Мифологическая энциклопедия. googleweblight.com/i?u=http://myfhology.info/planta/wood-knew.html

**Муаттар АҲМЕДОВА** – 1994 йилда туғилган. Ислом институтини тамомлаган. “Қисаси Рабғузий” асари нусхалари ва матнй-қиёсий тадқиқи” мавзусида ўнга яқин мақолалар муаллифи. “Марваридлар шодаси” номли таржима китоби чоп этилган.



**Муаттар АҲМЕДОВА**

## **Зилола ШУКУРОВА, Муаттар АҲМЕДОВА**

хусусийликка томон ривожланишини шу шаклда босқичма-босқич таҳлил қилсак, унинг мевасини “ўзини ўзи англаш ҳосиласи” десак тўгрироқ бўлади. Демак, “Библия”да келтирилган тақиқланган меванинг туб негизида рамзийлик ётади ва у инсоният тафаккурининг “портлаш” жараёни сифатида баҳоланади. Чукур мантикий ёндашувга асосланган тақиқланган меванинг бу вариантидан ҳам “Қисаси Рабғузий”да фойдаланилмаган. Адиб бошқа қиссалардаги каби фольклор намуналаридан қўшимча маъна сифатида мурожаат қилган бўлиши мумкин, дея оғзаки ижод намуналарига мурожаат қиласиз.

Ўз-ўзидан савол туғилади: адид бу мева ҳақида гапирганида нимага асосланган? Маълумки, муаллиф асарни ёзишдан аввал қўплаб манбаларни ўқиган, таҳлил қилган ва уларнинг орасидан ҳақиқатга яқинини саралай олган донишманд бўлган. Буни биз биргина “Дурустрак қавлда ул йигоч буғдой йиғочи туурур”<sup>10</sup> деб берган изоҳидан англаймиз. Шунингдек, муаллиф тақиқланган меванинг буғдой эканлигини диний нуқтаи назардан тушунтиришга уринади, яъни “Мавло азза ва жалла Одам яратмазда ашну ер юзиnda халифа яратурман... буғдойдан еди тесалар, чиқмоқға сабаб бўлгуси учун”. Ислом таълимотининг асосий шартларидан бири тақдиди азалга ишониш, ҳар бир келадиган синов Аллоҳдан эканлигига амин бўлиш ва сабр қилишдир. Ана шу гояни қисқа сатрда сингдирган муаллиф Тангри Таоло ҳали ўн саккиз минг оламни йўқлик қаърига чўмдирган бир пайтда ер юзида Унга ибодат қилувчи бандаларини яратишни ихтиёр қилганлигини эслатади. Ана шу ҳукмнинг амалга ошишида буғдой бир восита вазифасини бажаради. Одам Ато ва Момо Ҳаво эса Олий ҳукмни бажарувчи бандалардир.

Рабғузий буғдойни Одам Ато ва Момо Ҳаволарнинг жаннатдан чиқишига восита қилиб кўрсатмасдан, унинг бошқа бир жиҳатини ҳам таъкидлайди, яъни “Таки жавоб: Изи азза ва жалла тақдир қилмиш эди. Дунёда одамийнинг еми буғдой бўлгусини хитоб қилди”<sup>11</sup> деган иккинчи сабаб билан фикрини тўлдиради. Тангри уларни ерга туширса-да, ташлаб қўймади, ризқлантириди, буғдойни инсонларнинг севимли егулиги бўлишини истади. Агар ўйлаб қаралса, грек ва африка халқлари афсоналари билан “Қисаси Рабғузий”даги ҳикоятларнинг илдизи бир ўзакка тақалгандек. Чунки уларнинг сюжети турлича талқин қилинган бўлса-да, бир мотивнинг ўзгаришга учраган вариантлариdir.

### **Аннотация**

Мазкур мақолада Ислом динининг Ўрта Осиёга кириб келиши ҳамда унинг ўзбек адабиётига таъсири масаласи Носируддин Бурхониддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари мисолида кўрсатиб берилган. Мақолада асарнинг ҳамд қисми ҳамда Одам Ато ва Момо Ҳавонинг жаннатдан қувилишига сабаб бўлган “тақиқланган мева” билан боғлиқ лавҳа таҳлил қилинган.

### **Annotation**

In this article, the issue of the introduction of the religion of Islam to Central Asia and its influence on Uzbek literature is shown on the example of Nasiruddin Burhoniddin Rabguzi's work "Qisasi Rabguzi". The article analyzes the praise section of the work and the scene related to the "forbidden fruit" that caused the expulsion of Adam and Eve from Paradise.

<sup>10</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 20.

<sup>11</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 22.

# УМРЛАР ГУЛШАНИ

Роман-эссе<sup>1</sup>



Муҳаммад АЛИ

## Икки дўст

Биз, дўстим, Тўланбой билан биринчи синфдан бирга ўқиганмиз. У мендан уч ёшга катта. Лекин, назаримда, бизларнинг ёшимиз тенг эди, бир-бirimizни сенлаб гаплашардик. Унга Шаҳрихонда сотиб олган Ойбекнинг “Куёш қўшиғи” китобини кўрсатиб мақтандим. Узоқ вақт бу китоб кўлимииздан тушмади, уни мириқиб ўқидик.

Тўртинчи синфда эканимизда, Тўланнинг “Очил, пахтам” номли илк шеъри туманнинг “Гулистон” газетасида босилган. Иккимиз хурсанд бўлиб югуриб юрганмиз. Ўзим ҳам ўн ёшимдан шеър ёза бошлаганман. Кейин учрашувларда биринчи шеърингизни эслайсизми, нима ҳақда эди, қабилида кўп сўрашарди. Биринчи шеърим муҳаббатга бағишланганди, шеърим эсимда йўқ, аммо муҳаббатим эсимда турибди, деб жавоб берардим.

Бир куни иккимиз айланишга Бўзга бордик. Қайтишда йўлимиздаги, МТС ёнидаги катта китоб дўконига кирдик. 1956 йил. Дўконга янги китоблар келибди. Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Туроб Тўла сингари адиларнинг пўрим “Танланган асарлар“и... Тўланбой салмоқли китобларни қўлига олиб, ҳавас билан варақлаб, кўриб чиқди ва қўнгли орзиқиб деди:

– Бизларнинг ҳам қачондир шундай китобларимиз чиқармикин?

Мен аллақандай қатъий оҳангда ишонч билан дедим:

– Бизларнинг китобларимиз буларникидан зўр бўлади!

– Рост айтасан, бизларники зўр бўлиши керак! – тасдиқлади Тўлан ҳам.

Тўланни билмайман, ҳеч бу ҳақда сўрамаганман, у гапирмаган, лекин мен ўн ёшимда, келажакда факат шоир бўламан, ёзувчи бўламан, деб ният қилганман, ундан бошқа орзуим бўлмаган! Менимча, Тўланнинг ҳам орзузи шундай эди.

Еттинчи синфда эканимизда Навоий, Машраб, Завқий, Ҳамид Олимжон, кейинроқ Усмон Носир шеърларини севиб ўқирдик. Ҳамид Олимжоннинг куйдай равон шеърлари, Усмон Носирнинг ўт чақнаган сатрлари дилимизга яқин, малҳам эди. Баъзан Завқийнинг “Хажви аҳли раста”сини ўқиб, ичагимиз узилганча кулардик... (Келажакда “Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом” деб танилган Тўлан табиатан шоир эди, у ўқиб-урганиб шоир бўлмаган. У ўзбек адабиётида достон жанрида энг кўп ижод қилган шоир ҳисобланади. Чўлпон ҳақидаги илк достон

<sup>1</sup> Бошланиши олдинги сонда.

## Мұхаммад АЛИ

Тўлан Низом қаламига мансубдир. Драмалар ҳам ёзган. Тўлан Низомнинг ўнлаб чиройли безалган китоблари дунё юзини кўрди, кўп шеърлари қўшиқларга айланиб кетди, ҳамон таникли ҳофизлар тарафидан мароқ билан куйланиб келмоқда.)

Амаким Турғунбой ака ўнинчи синфда туман марказида ўқирди. У синфда аълочи бўлган. Бизнинг қариндош-уруғлардан Райимберди акам ва Турғунбой акам район марказидаги мактабда ўқиган илғор ўқувчилар эдилар. Бир куни бизга қизиқиб бўлса керак, “Пахтакор қизга” деган биринчи шеърини ўқиб берди.

Гапнинг очиги, шеър шеър эмас эди. Бизларга қўшилиб у ҳам “шеър”ини туман газетаси “Гулистон”га юборибди. Амаким, шеъри редакцияга бориши биланок, дарҳол босилишига сира шубҳа қилмаган шекилли...

Бироқ, иш у кутгандай бўлиб чиқмади. Турғунбой амаки шеъри босилиш ўрнига, “Биринчи қаламлар” деган, ёш ижодкорлар машқлари ҳақидаги обзор мақолада қаттиқ танқидга учради. Унда сатрлар пойма-пойлиги, хом-хаталалиги, бадийлик йўқлиги, ишланмаган сатрлар кўплиги ва ҳоказолар ҳақида очик-ойдин ёзилганди. Сирасини айтганда, менинг “Тонгда” шеърим ҳам яхши баҳо олмаган, камчилиги кўплиги кўрсатилганди.

Турғунбой амаки “Гулистон”дай ҳамма ўқийдиган газетада чиқкан мақоладан қаттиқ хафа бўлди: “Ҳали мен ўзбек шеъриятни ривожлантирай, деб қийналиб шеър ёзсанму, менга раҳмат айтиш ўрнига, бундай танқид қилиб ҳамманинг олдида шарманда қилсалар... Ҳали аҳвол шуми?.. Ижодкорга муносабат шуми?.. Ундай бўлса, бошқа шеър ёзмаганим бўлсин!” – деди қатъий! Мардлик қилиб бошқа ёзмай, ташлаб кетди! Шу тахлит ўзбек адабиёти битта графомандан қутулиб қолди...

Бешкалда еттинчи синфи битиргач, отам мени Бекободга чақирди. Энамдан рухсат олиб, ота-онам, укаларим ёнига қайтдим. Уларни согиниб ҳам қолган эдим. Тўлан билан хат ёзишиб турардик.

Болалик уй бозор, дейишади. Бир куни, якшанба эди, туш вақти онам ош пиширди. Дастурхон атрофида ҳамма жамулжам ўтирадик. Энди овқатни еймиз, деб турганда етти яшар Мадаминжон билан уч яшар Абдужалил ўртасида нимадандир жанжал чиқиб, шовқин кўтаришиб, ҳовлида бир-бирини қувишиб кетишиди. Уларни тинчитаман, деб Рустамбек ўрнидан кўзғалди. Солиҳабону аралашди, унинг сўзи укаларига ўтгар эди. Бирпасда қий-чув бўлиб кетди.

– Аччиғим дарвозанинг орқасига келди... – деди отам хотиржам, босик ҳолда... Болалар буни эшишиб бирдан тўхтаб қолишибди. Қарашса, отамнинг юзида ҳеч қандай ғазабланишга ўхшаш аломатлар кўринмайди.

Беш ёшли Азamat: “Отамнинг аччиғи ёмон... Аммо ҳеч кўрмаганман. Бир кўрайчи... “Аччиқ” қанақа экан ўзи...” дегандай, секин туриб бориб дарвоза ортига қараб келди... “Аччиқ” кетиб қолган экан.

Бекобод туманининг Жумабозор қишлоғидаги Алишер Навоий номидаги мактабда саккизинчи синфда ўқиши давом эттиридим.

Ижодий изланишда жуда фаоллашиб кетдим. Мухбирлик қиламан, тинмайман, туман газетасига, русча шаҳар газетасига хабарлар ёзаман. Қарийиб ҳар сонда хабарларим босилади. Редакция олдида обрўйим баланд... Республика нашрлари – “Совет Ўзбекистони маданияти”, “Кизил Ўзбекистон”, “Тошкент ҳақиқати” газеталарига, “Шарқ юлдузи”, “Пионер” журналларига тўхтовсиз шеърлар, хабарлар юбораман. Жавоблар оламан.

Почтага қалам ҳақилар ҳам кела бошлади. Қарасам, етмиш сўм пул йиғилибди. Ўша пулга уйга чой сотиб олиб келганим эсимда. Онам жуда хурсанд бўлиб пешонамдан ўпиб қўйганди ўшанда.

Бир куни бир шеъримга қайсиdir журналдан жавоб келди. Отам менинг хатларимга Тошкентдан жавоблар келиб туришидан хабардор эди, кувонарди, лекин уларнинг бирортасини ҳам ўқиб кўрмаганди. Нечундир бу гал жавобда нима ёзилганига қизиқиб қолди ва: “Қани, беринг-чи, бир ўқиб кўрай...” деб хатни сўраб олди.

“...Шеърингизда яхши мавзу танланган...Қизиқишингиз яхши. Лекин шеър бадиий ялангоч...” деб ёзилганди хатда. Отам хатдан кўзини узди ва кўзойнагини кўлига олиб менга қараб турди-да, таажжубланиб сўради:

– Ие! “Ялангоч...“ дейдими? Ҳали шеърни ялангоч юбордингизми, ўғлим?

– Йўқ, ота... кийим ҳақида “ялангоч” деса бўлади. Лекин шеърда бошқа маънода ишлатилади... – тушунтиришга уриндим мен.

– Ахир, мана, ялангоч деб очиқ ёзиб қўйибди-ку...

Отам хатни ўқишида давом этди:

– “...Сатрлар бўш, сийқа. Шеърнинг қофиаси йўқ...” Нима?.. “Қопи йўқ...” дебдими?.. – Отам онамга тикилди. – Раҳима! Ўғлинг шеърини қопсиз юборибди-ку...Қарамабсан. Ҳов анови иккита бўш қопни бериб юбормайсанми? Бекор турибди.

– Йўқ, қопмас, қофиya... – яна тушунтиришга тиришаман.

Ҳамма кулади. Онам менга жилмайиб қарайди.

1957 йил 17 февраль куни ҳаётимда фаройиб ҳодиса юз берди. Шу куни биринчи марта “Қизил Ўзбекистон” газетасида “Яхши сатрлар” сарлавҳаси остида менинг “Бор, дўстим” шеъримдан тўрт қатор эълон қилинган эди!

Ўша сатрлар:

*Кеча ўнинчини битирдинг аъло,  
Эй қувноқ ўртогим, Мирзачўлга бор!  
Ватанда қолмасин чўл ерлар асло,  
Саҳрони айлагин чексиз паҳтазор!*

Кейин айтишларича, хурсандлигимдан, чироққа етгудай сакраган эмишман. Шунда ҳали ўн беш ёшга тўлмагандим.

**Кундаликдан  
1957 йил 10 март**

“...Анчадан бери бир қизни кузатиб юраман. У қизнинг исми Тамара... Дунёда ягона қиз, жуда келишган, чиройли, сарвқомат... Ўзимизнинг мактабда 5-синфда ўқииди. Ҳар куни мактабга катта йўлнинг ёнидаги йўлақдан юриб бораман. Йўлакнинг охирида чап томонда уларнинг уйи жойлашган.

Ажабо, мен йўлга чиқишим билан Тамара уйларининг эшиги олдига чиқади ва то мен унинг ёнидан ўтиб кетмагунимча жойидан жилмай кутиб туради. Камида йигирма дақиқа вақт ўтади. Яқинлашганда...гаплашмаймиз, хеч қаочон гаплашмаймиз, фақат бир-биrimизга қараб, қимтиниб кўз қиrimизда саломлашамиз. Шу, холос... У менга гўзал чехрасига кўрк бўлиб тушган сирли табассумини ҳадя этади... Шунда у бирам чиройли бўлиб кетадики!.. Мен ўша табассумни ўзим билан олиб кетаман, йўлимда давом этаман, у эса оҳиста уйига қайтиб киради...

## Мұхаммад АЛИ

Кун бўйи баҳтиёр юраман. Мен ҳеч нарса ўйламайман, фақат уни севаман, севаман, холос”...

1958 йил 28 декабрь

“...Хозир соатни билмайман. Дафтарга учта шеърни кўчирдим. “Яшаш тотли туюлур сенга”, “Келарканман, кўринди шаҳар“, “Янги йил шеъри”. Ватан ҳақида бир туюкни кўчирдим. “Чўл дафтари”ни давом эттиридим. Ундан “Қирғоқлар” номли шеър ёздим, орзу-умидлар ҳақида. Айнан кўчираман:

*Сув қаъридан кескин узилиб,  
Урилади тўлқин қирғоқча.  
Дурдоналар сачраб, тизилиб  
Яна қайтар мавжли қучоқча.*

*Дурлар каби шеърларинг ҳам  
Қалб четига бориб урилса.  
Ҳамдард бўлар ҳамма вақт илҳом  
Барча ўқиб бир роҳат қилса”...*

### Мактабдан сўнг

Ўнинчи синфда ўқиётган пайтимда Ўзбекистон Ёзувчилар союзидан навбатдаги хатларимдан бирига жавоб олдим. Бу хат бошқа хатлардан тамомила фарқ қиласарди. Конвертнинг тепасида манзил, менинг номим босма ҳарфларда (яъни машинқада) ёзилганди. Жуда салобатли. Ҳаяжонланганча хатни очдим...Бир шеърим ҳақида фикрлар билдирилган, маслаҳатлар берилган, лекин энг мароқли сўзлар хатнинг охирида келтирилган эди: “Шеър ёзишга анча қўлингиз келиб қолибди. Агар Тошкентга йўлингиз тушса, бизга бир киринг...” Хат охирида имзо: “Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Консультация бюроси бошлиғи Шуҳрат”.

Отам билан онам худди ўғиллари катта мартабага эришгандай хурсанд бўлиб кетдилар. Ахир она сути оғзидан кетмаган шу муштдеккина болани одам санаб, Ёзувчилар союзидай катта идора хат юбориб турибди!

Хат қўлдан-қўлга ўтди, мактабда машхур бўлиб кетди. Айниқса, адабиёт ўқитувчимиз Абдувоҳид Раҳимов бағоят мамнун: унинг ўқувчисига катта адибнинг ўзи хат ёзибди! Ҳамма менга хавас қилиб қолди.

Мактабни яхши баҳоларда битирдим. Бемалол ўқишга кирсам бўлади. Шу пайларда, икки йил иш стажига эга бўлиш керак, бундай ўқувчиларга ўқишга кириш ҳам осон бўлади, деган қараш бор эди. Ўз-ўзимдан ёлланма ишчи бўлиб (вербовка йўли билан) ишга бормоқчи бўлдим. Ёшман, романтика ҳам бор бу ерда, албатта...Ҳам қайтиб олмаслик шарти билан икки минг сўм пул беришади. Бу ҳам қизиқтиради.

Шу паллалар оиласиз тагин Бешкалга қайтиш харакатига тушди. Отам менинг қароримни хотиржам эшилди ва насиҳат сўзларини айтиб, розилик билдириди.

Аммо онам мутлақо қарши чиқди:

– Тек туринг! Ҳар хил гапларни гапирмай! – деди отамга. – Кап-катта одам ёш болани чалғитиб...

Отамдан ўпка қилмоқчи бўлсалар, онам шу сўзларни тақрорларди.

У боласини бағридан қўйиб юборишни истамасди:

– Чалғитмаяпман! Боланг ўзи шундай деяпти. Ўзидан чиққанига хурсанд бўляпман, холос! – ўзини оқлашга тиришди отам.

– Барibir болани ота туғмайди-да! Тана бошқа. Жони унча ачимайди, – деди ички бир ўкинч билан онам. – Пайгамбаримизнинг ҳадислари бор экан: “Болалар юракка яқинроқдир...” деган. Ана шу ҳадис оналар ҳақида айтилган бўлса керак... Она шўрлик боласини тўққиз ой юрагининг тагида кўтариб юради, бағрининг бир парчаси-да... У куймай ким куйсин...

Онам, кўзёшларини яширганча, тескари ўгирилди. У биз – болаларини жудаям яхши кўрарди. Ҳаммамизни бирдай суряди. Мадаминжоннинг овози баланд эди, онам унга анови Нурали (амакимиз) чичангта ўхшайсан, сал нарсага сапчиб кетасан, босик бўл, деб уктиарди, Рустамбекни полвон, Азаматни кўзларига қараб, карис болам, деб ардоқларди. Абдужалилни эса, қиз болага ўхшаб сусаймасдан дадил бўл, дерди. Аммо қизларини доим мақтаб гапиравди.

Отам онамни хафа қилиб қўйганини сезди, дарров сипоришлашга тушди:

– Э...Э... Йўқ, йўқ, сен бошқача ўйлама! Болаларимиз ахир дунёни кўрсин, дейман-да, Раҳима! Шундай отилиб чиқишига, хурсанд бўламан. Демак, эси бор, эртани ўйлаяпти. Ақллари тўлишсин, паст-баландни танишсин, қийинчиликни ҳам кўришсин... Олдимизда юраверишмасин, ахир биз доим ҳам уларнинг ёнида бўлолмаймиз-ку! Қолаверса. сен билан бизнинг қадримизга ҳам етадиган бўлишади. Сал қадримизни ўтказайлик...Мен ўғлимга ишонаман, у ҳеч қаерда дард қолмайди, ақлли бола! Чаққон, хушёр!.. Ўзимга ўхшаган... Ҳа!.. Менинг болаларимни сен ҳали билмайсан...

Отам ҳеч қачон менинг шахтимни қайтармас, доимо қўллаб-қувватлар, қаттиқ гапирмас, кичиклигимданоқ чойхонада ўртоқлари билан ош қилишса ёки бошқа йигинлар, тўйлар, сафарлар бўлса, мени ўзи билан олиб кетарди, чамаси, кичиклиқданоқ одамларни кўрсин, муомалани ўргансин, кўзи пишсин, дермиди...

Онам бу сўзларда мантиқ борлигини сезиб, индамади.

1959 йилнинг 25 август куни оиласиз Бешкалга отланди. Эрталаб кўчимиз ортилган машина Бекободнинг шоҳ кўчасида водийга қараб йўлга чиқди. Мен кўчанинг ўртасида кузатиб қолавердим...

Вербовка ҳужжатларини тайёрлаб, кўлимда елкани узиб юборгудай китоб тўла чамадон, Тошкентга жўнадим. Тошкентдаги идора вокзал ёнида жойлашган экан. Бинога кираётганимда, у ер-бу ерда, девор ёнида бошига халтасини қўйиб мизғиган, нариги чеккаларда тутунни буркситиб папирос тортаётган, бальзан бир-бири билан баҳслашиб турган қаланги-қасанги, иприски одамларга кўзим тушди, кўнглимда илк марта танлаган йўлим тўғри эканига шубҳа уйғона бошлади...

Ичкарида эллик ёшлардаги кўзойнакли рус киши ўтирган экан. Ҳужжатларимни олиб синчиклаб ўқий бошлади. Мен эса тезроқ бу ердан чиқсан, белгиланган манзилимга борсам, оладиган пулимни олсан, мустақил ҳаётни бошлаб юборсам, шеърлар ёzsам, деган хаёлда эдим.

Аммо бари бошқача бўлиб чиқди, кўзойнакли одам хотиржам деди:

– Я не смогу принять тебя на работу!<sup>2</sup>

<sup>2</sup> Мен сени ишга қабул қилолмайман.

## Мұхаммад АЛИ

– Как так? Я же специально приехал из Бекабада!<sup>3</sup>

– Не смогу, я тебе говорю! Не имею право! Потому что там, куда ты едешь установлена восьмичасовая работа. А ты должен работать 6 часов в день... Понял? Ведь тебе только что стукнуло семнадцать...<sup>4</sup>

Бу ёгини ўйламаган эканман. Барибир, шунга қарамай, роса тортишдим. Күзойнакли одам оёгини тираб туриб олди.

Хуллас, вербовкадан иш чиқмади... Ўша куни ёк Бекободга қайтдим. Автобусим шаҳарга кириб келганда шом бўлиб қолганди. Гишт заводида ишлайдиган мухбир дўстим Бегимқул Сафаровнинг олдига боришини ўйлаб қўйдим. У ҳам фаол мухбирлардан бири эди.

Ўн қадамча юргандим, бирдан чап томонда чойхона ховлисидаги сўрида бамайлихотир ёнбошлаб, чой ичиб ўтирган одамга кўзим тушди. Қарасам: Ўсар ака! Дурадгор уста эди. Уйлар қуарди. Мени таниб қилди:

– Ҳа, шер ўғлон! – деди мени эркалаб. – Қаердан келаябдилар кеч кирганда? Қани ўтири-чи.

Ўсар ака ўзимизнинг Жумабозордан, лекин шаҳарда туради. Отамнинг таниши.

Аста сўрига чўқдим ва воқеани баён қилдим.

– Ишламоқчисан? Балли, мана бу йигитнинг иши! Йигит киши ўзи ишлаб пул топади! – деди Ўсар ака, пиёлада чой қуйиб менга узатаркан. – Қаёққа боряпсан?

– Канал кўпригидан ўтсам, шундай ўнгда бир мухбир дўстимнинг ётоқхонаси бор... Шуникига бораман, деб кетяпман. Бирон иш топарман.

– Ҳм-м... Мен билан ишласанг бўлади-ю, чақилиб қоласан-да, иш оғир... – менга бир караб қўйди Ўсар ака. – Замбар кўтариш керак, шер ўғлон, лой ташиб дегандай, гишт... Сенга бўмайди.

Эрталабдан бери туз тотмадим, десам, ёлғон бўлади. Тушда Тошкентда автобусга минаётганимда чанқаб кетганимдан бир стакан газсув ичгандим холос. Овқат олсам, йўл пули камайиб қолади, деб кўрққандим. Ўсар ака узатган чойни ютоқиб ичдим. Чой ҳам оч қоринга овқат ўрнига ўтаркан.

– Отанг бир пайт менга яхшилик қилганди, нозик жойда қўллаб юборган, ҳеч эсимдан чиқмайди, – деди ўйланганча бирдан Ўсар ака. – Отанг Аҳмадқул акам ажойиб одам... Ўша яхшиликни сенга қайтариб қўяй, шер ўғлон... Меникида тураверасан, билдингми? Чой-пойинг ҳам биз билан. Хоҳлаган жойингга ишга киравер!

Девонанинг ишини Худо ўнглабди, деган гапни кўп эшитардим. Худди шундай бўлди. Мухбирдан бошқа, бирон борадиган жойим йўқ, у ҳам ётогидами-ётогидамасми, билмайман, таниш-билишларникига борай десам, Жумабозор узок. Ҳозир автобуслар ҳам юрмайди, вақт кеч...

Отамнинг қилган бир яхшилиги туфайли Ўсар аканикига кетдим. Ҳа, яхшилик унугтилмаслигига яна бир карра ишондим. Ўзини инсон деб билган инсоннинг вазифаси одамларга яхшилик қилишдан иборат экан.

Ўсар аканинг уйида турганимнинг учинчи куни қидириб юриб иш топдим. Бекобод тош-шағал каръерида сортировкачи бўлиб ишга кирдим. Иш уч сменада, кечаси ҳам ишга бораман. Каръер шаҳар шифохонасининг орқасида, тош-шағал,

<sup>3</sup> Ие, нега? Ахир мен атай Бекободдан келдим.

<sup>4</sup> 4 Иложим йўқ, деяпман сенга! Ҳаким йўқ! Сен борадиган жойда кунига саккиз соат ишланади. Сен бўлса олти соат ишлашинг керак... Тушундингми? Чунки эндиғина ўн еттига кирдинг...

кумлоқ ерларда, Киров канали бўйида жойлашган. Ораси хийла бор, маҳаллалардан ўтиб борилади, тунлари йўлда хуриб чиқсан итлардан бир амаллаб ўтиб оламан. Кейин ўша итлар билан ҳам яхши “танишиб” олдик: энди улар мени эркаланиб кутиб олиб кузатиб қўйишадиган бўлди.

Шу тахлит уч ой сортировкачилик қилдим.

Отамга: “Ишлайпман, Ўсар аканинг уйида тураман, сизларни соғиндим...”, – деб хат ёзиб юбордим.

“Келинг, ўглим... Биз ҳам сизни соғиндик. Ўсаржонга салом айтинг!” деган жавоб келди. Бу хатнинг ортида меҳрибоним онам турганларини юрагим хис этди. Романтиканинг ҳам ранги кета бошлаган эди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзидан устоз шоир ва ёзувчи Шуҳратдан келган хат доим ёнимда юрарди. Бешкалга қайтишдан олдин устозга учрашиб кетиш фикри туғилди бирдан кўнглимда. Ёнимда пулим бор. Янги пиджак, кўйлак, шим, туфли сотиб олдим. Назаримда, пўрим йигитга айландим. Хо-хо-xo!

Ажойиб учрашув бўлди. Устоз пешонаси кенг, чакка соchlарига оқ оралаган, кўнгли очиқ, самимий инсон экан. Дарров яқинлашиб кетдик. У киши менга яхши маслаҳатлар берди. Машқларимдан танлаб: “Журналга тавсия қиласиз”, деб кўнглимни кўтарди.

Тошкентдан Бешкалга жўнадим. Бориб ота-онам, Хосият энамларнинг дуоларини олдим.

Хут ойи охирларида отам, кўпдан бир нияти борлигини – ўн гектар ерга боғ қилишимиз кераклигини айтди. Баҳор бошланиши билан оқ, отам иккимиз иш бошладик. Укам Рустамбек ҳам ёнимизда. Отам режа олди. Шунга кўра, бир ойда бутун кўчкатларни тартиб билан экиб чиқдик. Боғда ҳамма мевали дараҳтлардан бор эди, олма, ўриқ, анор, нок, бодом, гилос...

1960 йил 20 май куни Тошкентга келганимда турли Олий ўқув юртларига кирган мактабдошларим билан кўришдим. Шуларнинг ичida Авиация техникумига ўқишга кирган синфдошим Маҳмуд Жўраев ҳам бор эди. Сирдош дўст эдик.

Устоз Шуҳрат: “Агар Москвага ўқишга юборсак борасанми?” деб сўраб қолди. Лекин кейин: “Ўзбекнинг боласи онасининг бағридан чиқиб кетолмайди-да...” деб кўшиб кўйди. Шунда Шуҳрат aka қирқ икки ёшда эди.

– Чиқиб кетадиганлар ҳам бор! – деб юборибман беихтиёр!

Шу паллалар Москвадаги СССР Ёзувчилар союзи қошидаги А.М.Горький номидаги Адабиёт институтига ўзбек тилидан рус тилига таржима қилиш гурухига талабалар танланмоқда экан. Уларнинг ичida Комрон Ҳакимов, Эрвин Умеров, Эмиль Амит, Фарида Шайхуддинова, Роза Фатхуллиналар бор эди. Кейин улар таниқли таржимон, адаб бўлиб етишдилар.

Устоз Шуҳрат шеърларимдан йигирматасини ажратиб, дарҳол сўзма-сўз таржимага берди, чунки Адабиёт институтига ўқишга киравчилар аввал ижодий танловдан ўтишлари лозим экан. Бунинг учун даставвал ижод намуналари танловга жўнатилади. Асосий ўлчов – ижод... Ижобий баҳо олганлар кириш имтихонларига қўйилади.

Мактабдошим Маҳмуджон Жўраев Москвага ўқишга бориши имконини эшитиб, у ҳам ўзининг бир очерки ва иккита ҳикоясини таклиф қилди. Бизнинг ижод намуналаримиз Москвага жўнатилди.

Орадан бир ярим ой ўтди.

## Мұхаммад АЛИ

Москвадан хабар борми йўқми, билиш учун 22 июль куни яна Тошкентга йўл олдим. Ҳар эҳтимолга қарши, Тошкент давлат университетига ўқишига кириш учун хужжатларни ҳам тайёрлаб чамадонимга солиб қўйдим.

Ёзувчилар союзига кирдим. Қабулхонада тўладан келган, йўғон, аммо хушмуомала секретарь хотин ўтиради.

– Москвадан жавоб келдими, йўқми... билмоқчи эдим, – мурожаат қилдим унга.

– Фамилиянгиз? – сўради у.

Айтдим.

Секретарь хотин индамай столи тортмасидан тўрттacha қизгиш конверт олди, синчиклаб қараб, биттасини менга узатди.

Қалтироқ босиб конвертни олдим. Ким билади, нима ёзилган унда?.. Конверт қалин, Адабиёт институтидан... Секретарь хотин менга қараб турибди. Юзида яrim кулги...

Очиб ўқидим... Кувончли хабар! Менинг шеърларим танловда яхши баҳо олибди, хатда ёзилишича, ўттиз биринчи июль кунига Москвага етиб боришм шарт экан! Манзил кўрсатилган. Биринчи август куни кириш имтиҳонлари бошланар эмиш.

Шеригим Маҳмуджонга ҳали жавоб келмаганди.

Секретарь хотинга раҳмат айтиб, союздан чиқдим. Олам кўзимга ўзгача кўрина бошлади. Бегона шаҳардай бўлган Тошкент ҳам, аввал эътибор бермаган эканман, жуда чиройли шаҳар экан! Очик чехрали кишилар, биронта хафа одам йўқ, тахтиравон кўчалар, баланд бинолар, ям-яшил дараҳтлар, трамвайлар, троллейбуслар... Осмон мусаффо... Бари гўзал!

Қанот боғлаб, Бешкалга учдим. Лекин, Москвага қандай бораман, бунга маблағ борми, буни ўйламас эдим, чунки, отам бор, менинг... отам бор-ку!

Үйимизда ҳамма хурсанд бўлиб кетди. Айниқса, отам билан онам! Ҳазилми, ўғиллари Москвага ўқишига кетмоқда!

– Ўғлим, энди нима қилмоқчисиз? Бугун қоласизми? – сўради отам. Отам кайфлари чоғ, хурсанд бўлган вақтларида мени эркалатиб “сизлаб” қоларди.

– Иложи бўлса, тушдан кейин Асакага поездга чиқаман, отажон, проводник билан келишиб ҳам қўйганман. Тошкентга бориб, кечикмай Москвага жўнашим керак... – дедим дадил. – Битта шеригим ҳам бор...

“Инсоф билан айтганда, сен оиласда катта ўғилсан, мактабни битирдинг, энди ишлаб, оиланинг корига ярайдиган вақтинг келди. Ўзим яримжон бўлсам, укаларинг ёш... Уйда қолишинг керак...”

Мен отамдан шундай сўзларни кутардим. Лекин отам менга зинҳор ундей демади, аксинча кўнглимни кўтарадиган сўзлар айтди:

– Баракалла, ўғлим! Баракалла! Иш бундай бўлипти. Илгари ота-онадан болаларига уй-жой, мол-мулк мерос қоларди, – деди отам. – Энди эса илм – битмас хазина мерос бўлиб қолади. Шу сабабдан биз боримизда ўқиб олинг, ўғлим. Ўқиган муродига етади!..

Отам бошимни силаб, бағрига босди. Қандай отам бор! Кўзларимга ёш келди. Олдимда кенг, равон йўллар очиларди. Ўзимни баҳтиёр сездим.

– Раҳима! Бир палов пиширгин! – буюрди отам онамга. – Ўғлим тўйиб еб кетсин. Мен идорага бориб келаман...

Кейин билсан, отам мен учун колхоз раисидан минг сўм қарз олиб келган экан ўшанда.

– Москвага патта неча пул экан? – сўради онам. – Билдингми?

– Билиб күйдим, онажон. Ўтириб кетадиган битта жой 175 сүм экан.

Онамнинг нега сўраганларини фаҳмладим. Йўлга керакли пулни олиб, қолганини эҳтиётлаш ҳаракатида эди. Уч юз сўмни ажратиб қўлимга берди, бунга патта оласан, қолгани ёнингда турсин, йўлда керак бўлади, деб тайинлади. Етти юз сўмни белимга, шимимнинг ичига билинтирмас қилиб маҳкам тикиб қўйди. Онам сафарларда, поездларда юрган, йўлларда ҳар хил ўғри, қароқчилар кўп бўлади, яна пулни ўғирлаб қўйишмасин, деган ташвишда эди:

– Эсингда турсин: Москвага боргунча турсанг ҳам, ётсанг ҳам шимингни ечма, эҳтиёт бўл, ўғлим! – деб уқтириди онам.

– Хўп бўлади, онажон! Айтганингиздай қиласман! – деб ваъда бердим мен.

Паттам Тошкент-Москва почта поездига олинган эди, жуда секин юаркан, хар симёғочга салом бериб ўтади. Ҳа, айтгандай, Маҳмуджонни кутдим, дарак бўлмади. Унинг машқлари танловдан ўта олмади шекилли.

24 июлда йўлга чиқдим, беш кун деганда 29 июль куни Москвага етиб бордим..

### Кундаликдан 1960 йил 5 сентябрь

“...Ура! Мен ўқишига қабул қилиндим! Шодлигимни қаранг, оғизда гапирсам ҳам, кундаликка ёзмасам бўлар эди. Талабалик билетимни олдим! Отамга телеграмма юбордим! Ҳамма нарса тартибли. Жойида. Хонамиз 5-қават, 154-хона. Узоқ шарқлик Владимир Заксор<sup>5</sup> деган йигит билан бирга тураман. У нанай миллатидан. Жуда яхши йигит, тинчликни хуш кўради, проза соҳасида қалам юритаркан. Таржимон.

Ўқишимизнинг биринчи ҳафтасида ҳаммамиздан диктант олишди. Ёнимда Валентин деган ёш рус шоири ўтиради, Донецк шаҳридан.

Ёза бошладик. Тугатдик. Диктант талабаларни билимиға қараб алоҳида алоҳида гурухларга ажратиб олиш учун ўтказилган экан. Текширганларида ҳамма талабаларнинг ёзганларида хатоларга йўл қўйилгани маълум бўлди. Чунончи, менинг диктантимдан ўн еттига хато чиқди... Жуда уялиб қолдим. Лекин ёнимда ўтирган Валентиннинг ёзганида эллик иккита хато бор эканини эълон қилганларида, сал бошим кўтарилди...

Биз Ёкутистондан Егор Шестаков (Эрчимэн)<sup>6</sup>, Абхазиядан Мушни Ласуриа<sup>7</sup> ва мен рус тилини бир гурухда ўрганадиган бўлдик. Муаллимамиз – Саркисова Магдалина Рубеновна, жуда хушмуомала ва хушрўй аёл эдилар”.

### 1962 йил 5 апрель

“...Ёш қирғиз шоири Рамис Рисқулов<sup>8</sup> билан танишганимга кўп бўлгани йўқ. У кўрининишидан жуда ёш, боши саватдек. 28 ёшда экан. Кеча коридорда тасодифан кўришиб қолдигу, уни хонамга таклиф қилдим. Кирдик. Рамис ечинди, мен чой кўйдим. Камбағал яшар эдик. Қуруқ нон ва қантчойдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Чой қайнади. Газни ўчириб, чойни олиб келдим.

<sup>5</sup> Владимир Заксор(1931-1971) – Узоқ Шарқда яшайдиган оз сонли нанай халки ёзувчиси, таржимон.

<sup>6</sup> Егор Шестаков (Эрчимэн)- (1927-1996) ёкут шоири ва танқидчиси.

<sup>7</sup> Мушни Ласуриа –(1938 й.т.) Абхазия халқ шоири, таржимон, мунакқид.

<sup>8</sup> Рамис Рисқулов – (1934–2021), Қирғиз Республикаси халқ шоири (1995).

## Мұхаммад АЛИ

Рамис ўзбек адабиёти билан яхши таниш экан. 1954–1955 йилларда Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” достонини қирғизчада китоб ҳолида чиқартирган. Мен унга Усмон Носирни таклиф қилган эдим, у ўқиб чиқди-ю яхши шоир экан, деди.

Рамис шеърларимни кўрмоқчи бўлди. Мен унга шеърлардан бир даста узатдим. У тезлик билан кўздан кечириб чиқди. “Шеърлар... дуруст, – деди у, – қандайдир ўхшатишлар бор. Лекин шеърларингда қандайдир лоқайдлик, хотиржамлик бор. Бундан эҳтиёт бўлиш керак. Ҳаётни биласан – кураш. Курашда бўлган эҳтиросларни берсанг-чи! Янгилик изламаётирсан. Тўғри, бу шеърларингда изланишлар бор, аммо улар классик поэзия рамкасида ифода этилган. Ҳа...”

У жим бўлди. Оҳиста-оҳиста чойдан хўплар экан, давом этди: “Ўрта Осиё ҳалқларининг поэзияси замондан орқада қолмоқда. Орқада! Мен шунга қарши ҳаракат қилдим. Фрунзе (Бишкек)да мени еб қўйсалар. Олмаотада мени уришиб, абжағимни чиқаришиб, шоирлар даврасидан хайдадилар. Нега? Мен уларнинг биронтасини ҳам шоирсан демадим. Ҳаммаси бир хил, ёзиш бир, формаси бир, янгиликка ўлгудай қарши. Эҳ!.. Кирғизистонда ҳозир мени газета-журналларда чиқаришмайди, ха! Ажабланяпсанми? Ҳали ҳақиқий курашни кўрмагансан”.

Яна жим бўлди. Мен уни дикқат билан тинглардим.

“...Мен ҳозир классик поэзия қонун-қоидаларига қарши боряпман. Бу ерда кўпгина баҳсларда иштирок этдим. В.Цибин (рус шоири) менга, сени тушунмайман, дейди. Москваликлар, миллий адабиётлар дейилса, бе...деб қўл силташади. Нега? Миллий поэзия улар учун – ноль! Тўғри-да! Ўзбек ҳалқи катта шоирга муҳтоҷ. Шоир деганим, ўзига хос, янгиликни дадил қабул қиласиган, ҳалқнинг юрагига кира биладиган киши. Бўлмаса, шоирлар кўп. Борди-ю шундай шоир туғилса, Ўзбекистонда босмаса, Кирғизистонда таржима қилиб бостириш мумкин. Нега ўзимизда Евтушенкомиз бўлиши мумкин эмас? Мумкин! Иккинчи томондан, сиёсий шаклланмай туриб, ҳақиқий шоир бўлиш қийин. Эҳ, поэзия тўғрисида ойлаб, йиллаб гапириш мумкин...”

Рамис билан бўлган сухбат мени анча ўйлашга мажбур қилди. Ўйлай бошладим...”<sup>9</sup>

**1962 йил 28 апрель**

“...Виктор Гюгонинг “Париж Биби Марям ибодатхонаси” романини ўқидим.

Ҳаммасидан кўра, букур ва бадбашара Квазимодонинг гулраънодай гўзал Эсмералдага бўлган муҳаббати, жаҳондаги ҳар қандай севгидан зўр! Мана, севги! Шундок ишонарли берилганки, Квазимодонинг оламни тарк этган Эсмералда жасадини қучиб ўлиши ниҳоятда табиийдир. Бу жуда ноёб асардир.

Париж Биби Марям ибодатхонаси – асрлардан бери ёзилган китоб. Унинг муаллифи – ҳалқ. Ҳар асрнинг авлоди ўзига хос услубини, урф-одатини шу улкан китобда озми-кўпми акс эттириб келади.

<sup>9</sup> Оралиқ кундаликларда турли қузатишлар, ўқилган китоблардан қўчирмалар, улар ҳақида мулоҳазалар келтирилган. Бунда Виктор Гюго, Гельвеций, Жорж Санд, И./С.Тургенев, Иоганн Готфрид Зеймс, И.А.Гончаров, М.Горький, Ф.Ницше, В.Белинский асарлари назарда тутилади (Мухаррир).

**1962 йил 29 апрель**

“...М.Горький “В.И.Ленин” очеркида, “Одамларнинг хулқ-атворлари, хатти-харакатларини кузата бериш шундай жонга тегадики, хеч нариёғи йўқ”, деб ёзган эди. Ҳақиқатан тўғри. “Ўзбекча-русча лугат”ни вараклаб, баъзи тушунмаган сўзларни ёзар эканман, лугат тузганларнинг сабр, матонатига қойил қолдим. Мен баъзи бир сўзларни ёза туриб, чидагим келмайди. Тил, сўз шунаقا майдада-чуйдаки, ҳатто ўзининг шунаقا майдалигини ифода қилгани ўзининг кудрати етмайди...

Бу – аксиома.

**1962 йил 30 апрель**

“...Тилни яхши ўрганиш иштиёқида лугатларни кўп титаман. 23 март куни “Ўзбекча – русча лугат” (1959) китоби мутолаасига киришдим ва турли сўзлар, нотаниш гўзал ибораларни ўз-ўзидан юз бетлик қора “общая тетрадь” дафтаримга кўчира бошладим. Мен билмаган кўп сўзларни ўзимча кашф этдим. Кам ишлатиладиган сўзларни ёзиз, ёнига изоҳини илова қилдим, изоҳли лугат туздим. Масалан, “айёми ажуз – совуқ бўлган қишининг охирги ҳафтаси, маъноси кампир кунлар”, ёки “гулраъно – сариф наъматак”, “сарбозори – майда, бачкана одам” ва ҳоказо Икки ярим мингдан ортиқ сўз йигилди. Сўзларни кўчиришдан мақсад, уларни яхшироқ англаш, эсда саклаш, кўнгилга жойлаш эди.

Бугун бу ишни ниҳоясига етказдим.

Худо хоҳласа, бу дафтар доим ёнимда бўлади”.

**1962 йил 15 май**

“...Мен шундоқ деб ўйлайман: ҳозирги замон шеъри фақат ёнган ҳислардан иборат бўлмоғи даркор. Ёниб туриши керак! Сунъийлик билинмаслиги, ёки умуман бўлмаслиги керак! Масалан, кўчага чиқдинг, бир ёш бола йиглаляпти, хўш, нега йиглаляпти? Кўришинг билан ҳойнаҳой ҳислар туғилади. Шу ҳисларни ҳеч ўзгартирумай бера билиш ҳақиқий санъаткорликдир. Кўп ҳолларда ана шундай бера билиш жуда кимматга тушади.

Хуллас, кўриб ҳис қилган воқеанигина ифодалашга тиришмоқлик керак. Ҳақиқий санъат, салгина бўлса-да, сунъийликни кўтармайди. Агар, санъаткор сунъий қилиб кўйса, ўқувчини завқлантирумайди. Ўқувчини завқлантира олмаслик – санъаткор учун ўлим билан баробар!”

**Бешкалда бир йил**

Ўқишига кириб, икки йил таҳсил олдим... Оилада тақчиллик, отам ўзлари қийналишса ҳам менга пул юбориб туришарди. Лекин барибир етишмасди. Йигирма икки рубль стипендия оламиз, бир ярим рубль ётоққа кетади. Ҳар кунига бир рублдан ишлатганда ҳам йигирма кунга етади. Менга ўхшаш талабалар институтимизда анча бор эди.

Бизнинг институт Москванинг Тверь бульварида, машҳур инқилобчи ва адаб А.И.Герценнинг отаси, катта заминдор Иван Яковлев ҳовлисида жойлашганди. Герцен И.Яковлев ва онаси, ўн олти ёшли Генриетта-Вильгельмина-Луизадан никоҳсиз туғилган ўғил бўлган.

Ховлининг ўнг бурчагида жойлашган ошхона ҳамиша гавжум. Туш вақтида бизлар пули йўқ талабалар эшик олдида қаторлашиб турардик. Уларнинг ичида энг ёши менман, ўн тўққиз ёшдаман, (ичимизда қирқ-кирқ бешга кирганлар ҳам учрарди), мени олдинга ўтказишади. Адолат, демократия бор...

Ошпаз опамиз Мария Ивановна жуда ажойиб меҳрибон аёл эди. “Тинч Дон” киносидағи Аксиньяниң нақ ўзи, пешонаси кенг, истараси иссиқ аёл. Биз Мария Ивановнани худди онамиздай яхши кўрамиз.

Туш вақти унинг қўли-қўлига тегмайди, ҳаммага овқат улашади, иши кўп. Сал бўшаган пайти бошини қўтариб атрофга карайди ва бизга кўзи тушади. Чунончи, менга қараб дейди:

– Что ты стоишь?.. Иди сюда!<sup>10</sup>

Мен яқинлашаман.

– Что хочешь?<sup>11</sup>

– Комплекс обед...(чунки баъзан нонушта эрталаб ўқишига бораётиб, “Известия” газетаси биноси тагидаги кичкина дўкондан олинган йўл-йўлакай еб кетиладиган етти тийинлик мевали музқаймоқдан иборат, уни ейилса, қорин тўйғандек бўлиб қолади.) Комплекс обед, бизнинг шоҳона овқатимиз – борщ, треска балиги ва кисель. Мария Ивановна ишни жобажо қилгач, салмоқли қалин катта қора дафтари очади. Биз талабалар унга “Бизнинг Талмуд” деб ном қўйиб олганмиз, чунки унда ҳаммамизнинг номимиз бор. Очиб, ёзиб қўяди: “Ахмедов – компл. обед. – 40 копеек.<sup>12</sup> Кейин менга ўгрилиб:

– Иди! Ешь!<sup>13</sup> – деб буюради меҳрибон оналарча...

Ойнинг йигирма бешида қарзга овқатланган талабалар мағрур турнақатор бўлиб Мария Ивановнанинг қошига келамиз ва хотиржам қарзларимизни тўлаймиз. Биздан баҳтли одам йўк...

Иккинчи курсдан кейин, Бешкалда қолиб, мактабда ўқитувчилик қила бошладим. Вазият шуни тақозо этди, маблағдан тақчиллик қаттиқ сезилиб қолди. Етишмовчилик... Пул йўқ... Йўқка қалам юрмапти, дейди онажоним. Шундай экан.

Отам ҳам, Хосият отин энам ҳам, онам ҳам менинг тутумимни маъқулладилар.

Учинчи синфга дарс бераман, рус тили дарслари ҳам менга топширилган. Тўлан тўртинги синфи ўқитади. Ёнларида бўлганимдан онам бағоят хурсанд, отам, энам, Раҳима опам, амакиларим, укаларим жуда мамнун эдилар...

### УЧИНЧИ ҚИСМ Москвага қайтиш

Институтдан бир йилга академик отпушк олиб Бешкалда, ота-онам бағрида бўлганимдан кейин 1963 йил 28 август куни Андижон – Москва поездига чиқдим. Вокзалда ота-онам, қариндош-уруглар, aka-укалар барчаси кўзларида ёш хайрлашишарди. Ўзимнинг ҳам кўнглим бўшашиб кетди...“Шунчаям узоққа кетасанми, болам?..”

<sup>10</sup> Нимага қараб турибсан? Бу ёққа кел!

<sup>11</sup> Нима егинг келяпти?

<sup>12</sup> Тўлиқ тушлик. 40 тийин

<sup>13</sup> Бор! Еб ол!

Онамнинг зорланиб айтган бу сўзлари Москвага етгунимча қулоқларим остида жаранглаб турди...“Нимага ҳам узоққа кетдим?..” дейман ўзимга ўзим кўзларимда ёш...

Учинчи курсда таҳсилни давом эттиридим.

Ёзда Тошкентда бўлганимдаFaфур Гулом номидаги нашриётга кирдим, Сайёр акам менга қорақалпоқ шоири Жолдас Сейтназаровнинг шеърларини таржимага берди. Москвага қайтишда таржима қалам ҳақини олганим айни мудда бўлди. Талаба учун бу катта воқеа эди. Шиддат билан таҳсилларга киришиб кетдим.

**Кундалиқдан  
1963 йил 13 ноябрь, чоршанба**

“...Бугун чет эл адабиётидан профессор Сергей Дмитриевич Артамонов Бальзак ҳақида маъруза ўқиди. Турған-битгани ақл, мулоҳазали одам, Тургенев қаҳрамонларидаи ўта назокатли. Бир келбати француз актёри Жан Марега ҳам ўхшаб кетади. Маърузалари – ижодий озуқа. У Бальзак ҳақида ажойиб нарсаларни сўзлаб берди.

Бальзак ёзувчининг роли ҳақида шундай ёзади: “Ёзувчи ижтимоий тузумнинг, ҳаётнинг “титкиловчиси” (археологи). Ёзувчи давлат арбобидан юқори туради. Мисоллар: Искандар, Цезарь... Гомер. Ёзувчи – кишиларнинг ўқитувчиси. Шу нуқтаи назардан икки масала чиқади:

1. Кишиларни ўқитишга, ўргатишга ҳаққим борми?
2. Кишиларни ўқитсам, ўргатсам, нимага ўқитаман, ўргатаман?

Ёзувчи ахлоқан бокира бўлмоғи керак. Энг қийини: ёзувчи ўзини оча билиши, яъни ўз истеъдодини ўз миқёсида кўрсата билиши, ёинки, истеъдодини тушуниб олиши лозим. Ёзувчига истеъдодни кўрсата билиш йўлида тўсиклар жуда кўп учрайди. Ёзувчига ўз истеъдодини химоя қилиши учун бекиёс даражада эркинлик керак бўлади. Истеъдоднинг кўриниши йўлида минг бир тўсик бор. Гар Пушкин лицейга ўқишига кирмаганида эди, Пушкин бўлармиди!..

Донолардан бири: “Нафосат ва улуғворлик бир-бирига зид тушунчадир” деган экан. Бальзак нима учун курашган? Бойиш учунми? Шуҳрат учунми? “Инсоний комедия”сида у ўз даврининг ҳамма табақаларини кўрсатишни орзу қилган. Аммо нима учун курашган? Дарвоқе, кураш... Курашдан мақсад... Мақсадсиз яшаш – кўзни юмиб юриш демакдир”.

**1963 йил 14 ноябрь, пайшанба**

“...Бугун Бальзак ҳақида маъруза бўлди. “Илоҳий асарни ўқиб, у ҳақда мулоҳаза юритиши – энг ажойиб, тенгсиз машғулот”, дейди Бальзак. Чиндан ҳам, ёзилган асар боласифат: уни эмизмоқ, йўргакламоқ, кийинтирмоқ, эркалатмоқ керак. Даҳо учун илҳом тасодиф. Даҳолар меҳнат натижасида даҳога айланадилар. Қаҳрамонлар (асарнинг) ақлли бўлишлари керак. Ўз-ўзидан маълум, ёзувчи янада ақллироқ бўлиши зарур. Ақлли бўлмоқ учун кўп ўқимоқ керак. Санъаткор (яъни, ёзувчи, шоир, ижодкор) табиатни шундоққина кўчирмасдан, балки уни ифода қилиши даркор...

## **Мұхаммад АЛИ**

Албатта, күп ўқимоқ керак. Биз жуда кам ўқиймиз. Бу жуда ҳам ёмон. Ўқиши – ижодий озуқа. Буюк кишилар – буюк китобхондорлар.

Бугун куни билан қор ёғди. Бошланганига икки-уч кун бўлди. Шу кунларда Бальзакни ўқимоқдаман. Ижод қилиш йўқ. Ноль. Ҳолбуки, ўқиши ҳам ижод асли. Қандайдир ўзинг учун янгилик очасан. Бу – ижоднинг иккинчи тури. Ижоднинг асли – бирор учун янгилик очиш. Бу соҳада ҳам – Ноль...

### **1963 йил 16 ноябрь, шанба**

“...Таниқли ёзувчи Мирзакалон Исмоилий октябрь ойида Переделкинодаги ижод уйига келган экан. Кўп ёзувчиларимиз, одатда, шу жойда ўз асарларини ёзиб битиришади. Комрон (курсдошим, адаб Маъруф Ҳакимнинг ўғли) иккимиз бориб кўриб келишга қарор қилдик. Соат ўнларда жўнадик. Белорус вокзалигача таксида, сўнг метро. Киев вокзалидан эса электричкага ўтиридик, соат бирдаёқ Мирзакалон аканинг хузурида эдик.

Мирзакалон ака жуда хурсанд бўлди. У машҳур одам, ёзувчи. “Ош қиласликми?” деб сўради у. Биз, ҳожати йўқ, дедик. “Бўлмаса, бир конъягим бор, сизларга атаб олиб қўйгандим, шуни ичамиз”, деди.

Култум-қултумдан ичиб ўтиридик. “Ота-онани асло хафа қилмаслик керак”, деди у ўғли ҳакидаги хикоясини тамомларкан. Гап, ўғли Ҳасаннинг Ленинградга ўқишига бориб, отаси ўзбек, онаси рус бўлган бир қизга уйлангани устида борар эди. Эсимда бор: “Ўзбеклар ўзи оз, биз ўз-ўзимиздан кўпайишимиз керак. Бошқа миллатга уйланиш ярамайди”, деганди Мирзакалон ака 1962 йил февралдаги учрашувимизда. Ҳозир яна шу борада фикр юритди. Бу пайтда у “Фаргона тонг отгунча” романининг иккинчи китобини ёзмоқда эди.

Ҳаво бугун ёмғирли бўлди. Переделкинодан қайтиб келсам, ВГИК (Бутуниттифоқ давлат кинематография институти)да кеча бўлади, деган эълон ёзиб қўйишибди. Йигитлар билан у ёққа кетдик. Кечаки Адабиёт институтининг талабалари билан ВГИК талабалари учрашувидан иборат экан. Шеър ўқиши бўлди. Мен ҳам микрофон олдида шеър ўқидим. Сўнг “Дворецкийнинг синглиси” деган Америка фильмини (1945 й.) томоша қилдик. Ҳар ҳолда кеча яхши ўтди. Дарвоке, кеча немис адаби Иоганнес Р. Бехернинг “Поэзия химоясига” китобини ўқидим. Ажойибки, ажойиб! Оламда қандай буюк одамлар бор-а!”

### **1963 йил 17 ноябрь, якшанба**

“...Мутолаа билан машғул бўлдим. Кун бўйи ҳеч қаёққа жилмадим. Бальзакнинг мутолааси билан машғулман. “Шагреневая кожа”сини ўқиган эдим. Бугун эса “Горио ота”сини тамомладим. Соат учда тушлик (нонушта) қилдим. 13 тийинга борш, 19 тийин балиқ треска, 3 тийинга нон олиб. Дарвоке, нон олдинлари бепул бўларди. Ҳозир эса нон ҳам сотилади. 50 грамм нон – 1 тийин.

Бу йил мамлакатда иқтисод масаласи оғир. Мамлакатнинг буғдой ўсадиган районларида қурғоқчилик бўлиб, унумсизлик рўй берди. Чатоқ... Капиталистик мамлакатлардан Америка, Австралиядан дон сотиб олдик. Ниҳоясиз даражада пахта ҳосили бу йил яхши. Ўзбекистон бу йил пахта тайёрлаш мажбуриятини ҳам

яқин кунларда бажаради. Районимиз республикада биринчи бўлиб, колхозимиз эса районда биринчи бўлиб бажарибди. Отам ёзиб юборибди. Ажойиб!

Дарвоқе, ҳалига қадар нима учун кураш олиб бораётганимни билмайман.

Мира, курсдошим, ўртамиизда бўлган сухбатда, сенинг мақсадинг нима, деб сўраганимда, менинг халқим кичик халқ, ери ҳам кичик, ўзи ҳам... Менинг нарсаларим агар босилса, таржима қилинса, остида абазин тилидан таржима, дейилади-ку! Халқимнинг номини ёйиш, деди.

Ҳақиқатда, халқнинг номини фақатгина буюк талантлар, истеъодлар оламга ёйиши, донгини етказиши мумкин. Мен ҳам шунинг учун курашаяпманми? Шундок! Менинг мақсадим ўзбек халқини оламга кўрсатишдан иборатдир. Демак, курашни топгандайман..."

### 1963 йил 18 ноябрь, душанба

"...Бальзакнинг "Гобсек" асарини ўқиб чиқдим. Карл Маркс Гобсекда бойлик ва пулнинг (олтиналарнинг) бир шахсда кўшилганини кўрган эди. Ҳақиқатан ҳам, Гобсек шундай. Оламда қанчалик роҳат, фарогат бўлса ҳамма фароғатларнинг ичида пулнинг берган роҳат-фарогати аъло, дейди у. Пулнинг олдида инсончилик, ҳаётнинг нозу неъматлари бўлган севги, хотин-қиз давраси, ҳар қандай орому фароғат Гобсек учун икки пул.

У жуда бой, судхўрлик билан машғул бўлади. Аммо хасис. Шунчалик заҳмат чекиб топган, тўплаган бойлиги кимга қолди? Гобсек ўлар ҳолатда ётганда жаноб Дервиль (Гобсекнинг ишонган кишиси) унинг хоналарини очиб кўради. Биринчи хонани очиб қараса, тўпланган гўштлар қуртлаб кетган, бадбўйлик таратиб ётибди. Қаҳва эса ўзининг роҳат бағишловчи хислатидан вақтнинг ўзгармас ҳолати остида жудо бўлган. Арок, бода, шароблар-чи? Бечора жаноб Дервиль ҳатто узок туролмай (бадбўй ҳид унинг нафасини қисаётганди) бу ажойиб хонани тарк этишга мажбур бўлди. Китобхонни ишонтироқ учун, албатта, ёзувчига буюк истеъодод жуда зарур!

Ҳалигина "Азия и Африка" журналини ўқидим. Бизнинг бинода (ётоқхонада) биринчи қаватда қироатхона бор, эшиги ён томондан. Эргаш Рустамовнинг<sup>14</sup> "Узбекские поэты XV века" деган мақоласи чиққан экан. Хуруфийларнинг ўзбек шоирларига таъсири ҳақида ёзибди. Унда Насимий деган шоирнинг Навоий, Атоий, Саккокий, Лутфийга қилган таъсири баён этилган.

"Бир кеча тарихи" повести "Октябрь"нинг 9-сонида босилган. Семинарда бу ҳақда маъруза қилмоғим керак бўлгани учун, ўқишига мажбур бўлдим. Агар маъруза бўлмагандан кетган вақтимга ачинган бўлардим. Негаки, вақт оз. Кўп ўқимоқ керак. Мана, олдимда Цвейг, Теккерей, Бехер, Ленин, Қодирийлар навбат кутиб туришибди. Буларни ўқимоқ қандай яхши!

"Шарқ юлдузи"нинг 10-сонида учта шеърим босилибди. Комрон айтиб қолди. "Тоғлар", "Ўзбекистон" ва "Тоғ меҳри" балладаларим экан.

Ёғингарчилик бўлмади. Об-ҳаво илиқ. Эҳ, кўп ўқимоқ керак. Классикларим бунда ўзаро навбат кутишмоқда...Лутфий, Навоий, Атоий, "Бобурнома", Огаҳий, Муқимий, Фурқат"...

<sup>14</sup> Эргаш Рустамов – (1925–1980), атоқли ўзбек шарқшуноси, филология фанлари доктори.

1963 йил 20 ноябрь, чоршанба

“...Стефан Цвейгнинг “Бальзак”ини ўқиши давом эттиредим. Чет эл адабиёти дарсида “Шагреневая кожа” (“Сағри териси”) мухокамаси бўлди. Кожа (тери) – ҳокимият, давлат, пул тимсоли. Завқ, шаҳватпарастлик – кишини ҳолсизлантирувчи нарса. “Завқли яшаб ёш ўлган яхшими ёки ўз ҳиссини, хоҳишини ўлдириб кўп яшаган яхшими?” дейди Бальзак. Мен биринчисининг тарафдори. Бальзак романида ҳам шуни кўриш мумкин. Яхши.

Бугун Пятницкий хорига бордим. Қўшиқ таржимаси тайёр бўлди. Ўзбекча таржимани артистларга ўқиб бердим. Сўзларнинг талаффузини, айрича маъноларини тушунтиредим. Ҳаммаси ўрнига тушди.

Рахбар Валентин Сергеевич мендан сўради:

– Таржиманинг ҳақи неча пул бўлади? – у жилмайиб, икки бармоғи билан чиройли мўйлабини бир силаб қўйди-да, менга тикилди.

Гапнинг очиги, мен қалам ҳақининг қандай бўлишидан мутлақо бехабар эдим.

– Билмадим... – деб жавоб қилдим.

– Неча пул берсак экан... – ўйланди Валентин Сергеевич – Қирқ рубль бўладими?... Ё...

– Бўлади, раҳмат! – дедим розилик билдириб.

Ойига 22 рубль стипендия оладиган талаба учун бу пул кичкина эмасди. Сал кам бир ярим ойлик тирикчиликни қоплади. Пулни олиб, Цветной бульварга, “Ўзбекистон” ресторанига қараб кетдим”.

1963 йил 21 ноябрь, пайшанба

“...Кимда орзу бўлмайди... Ҳамманинг ўзига ёққан орзулари бор. Ўша орзу йўлида ҳамма курашади. Не-не қийинчиликларни бошидан ўтказади. Жафо чекмасанг жонона қайда. Ҳатто дўлана олмок учун ҳам тоққа чиқмоқ керак. Ҳақиқий дўлана тогларда бўлади.

Бальзакка қойил қолмай илож борми? Ким шунчалик ишлайди? Ҳар қандай оромдан, роҳатдан, фароғатдан кечиб, кунига 17–18 соатлаб ишлаш – ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ҳақиқатан, буюк истеъодод, даҳо! Ҳар куни ёзади, ҳар куни!

Мен ҳам шунга, Бальзакнинг услугига эргашмоқчиман. Аммо, Бальзак ҳар куни ишлаган экан, демак, мавзулари тинчлик бермаган. Аммо, мен ишлай десам, мавзу бўлмаса! Шундай ҳам бўладими? Бундай сокинлик нимадан? Ўз хонамда жимгина яшай берай, деганимданмасмикин? Қандай ҳол? Келажагимга ишонаман. Яқин икки йил<sup>15</sup> ичидаги гуриллаб кетишим керак! Бунинг учун эса тиниб-тинчимаслигим, ўқиб-ўрганишим керак бўлади. Аммо, бир ноҳуш феълим бор: тенинсга борсам, албатта икки соат ўйнайман. Ҳеч ўзимни тийиб ололмайман. Иродасизманми? Асло! Бепарволик. Бунга чек қўймоқ керак!

Бугун Тўланга янги шеърлар юбордим”.

<sup>15</sup> Муаллиф шу пайт 21 ёнда.

## 1963 йил 22 ноябрь, жума

“...Ниҳоят Бальзакни йиглаб-сиқтаб Пер-Лашезда Виктор Гюго, Александр Дюма, Сент-Бёв ва министр Барошлар биргалашиб кўмдик, дафн этдик. Буюк даҳо оламдан ўтди...

Стефан Цвейгнинг китобида, шуниси ажабланарлики, Бальзакнинг дунёкараши ҳақида лом-мим дейилмайди. Унинг Стендалъ билан қилган баҳси ҳам ёритилмайди. Китоб яхши ёзилган. Бальзакнинг бир бой бевага уйланиши китобнинг қарийб ярмини эгаллайди. Муаллиф бу жараённинг икир-чикирларигача, ипидан-игнасигача баён қиласи. Аввал китобхон қизиқиб ўқиса, охир унинг ғашига тегади. Мен китобдан кутган умидим рӯёб этилмади. Бальзак асарлари ҳақида тўлиқ маълумот олиш мақсадида эдим. Китоб эса унинг ҳаётидан олинган.

Мен кечираётган ҳаёт жуда зерикарли. Асло бундай ҳаётни хоҳламасдим. Эрталаб тўққиз. Ўрнимдан туриб, бадантарбия қиласман. З-троллейбус ёки 18-автобус. Институт. Ошхона. Камтаргина нонушта. Машғулотлар. Тушлик пайти. Яна ошхона. Яна машғулотлар. Сўнг соат кеч бешда да – ётоқда. Соат етти. Кечки овқат. Қироат қилиш. Ухлаш. Эрталаб тўққиз. Бадантарбия. З-троллейбус, автобус ва ҳоказолар. Ҳар куни шу. Ҳа, баъзан кино бўлади. З-қаватда телевизор. Ҳаёт шу...

Дарвоқе, ҳаёт ҳақида. Ҳаёт ҳеч вақт инсонни ўз қўйнида олиб қолгани йўл бермайди. Иложининг борича, у инсонни топтаб, тепкилаб, қора ерга киритишга ҳаракат қиласи. Оламда фақат мен қоламан, мени ҳеч ким йўқ қилиш қудратига қодир эмас, дейди Ҳаёт. Осмон остин-устун бўлиб кетганда ҳам, мен яшайман – қувонади Ҳаёт.

“Мени ҳеч ким енголмайди, енгилмасман!” – ҳайқиради Ҳаёт. Ҳақиқат ҳамма вақт аччик.

Лекин такаббур Ҳаётни енгганлар бор! Улар ер тўнтирилиб кетса ҳам яшайдилар. Гомер, Аристотель, Навоий, Бальзак, Пушкин... Улар ҳаёт билан баҳс қилганлар, кураш олиб борганлар. Баҳсларида Ҳаётга инсоннинг ўлмаслигини исботлаганлар. Улар гардкамчи, таваккалчи бўлганлар. Улар буюк қиморбозларданурлар... Улар Ҳаёт билан қимор ўйнаганлар. Ошиқларни ташлаганларида: “Ё Жамшид!” дейиш ўрнига, “Ё, Мангулик!” деб ҳайқирганлар. Уларнинг ошиқлари – асарлари, дурдоналари... Ҳамма одамлар ҳам қиморбозлар. Кучли ёки истеъоддиз қиморбозлар бўлади. Ҳаёт билан қимор ўйнашни миридан сиригача билганлар, юқоридагилар – Ҳаётни ютиб олганлар. Аммо, яхши ўйнашни билмаганлар эса ютқизганлар. Ютқизганларни ҳеч ким эсламайди. Ҳаётни ютиб олганлар-чи? Қандай баҳосиз бойликка эга бўлганлар...

Мен ҳам ҳаёт билан баҳс қиласман. Ўзимнинг тўғрилигимни ижодим билан исботламоқчиман. Ҳаётни ютиб олмоқчиман. Ҳа, ўша осмон остин-устин бўлиб кетса ҳам, яшайдиган Ҳаётни сотиб эмас, ютиб олмоқчиман! Лекин бир нарса коронги: буюк қиморбозманми ёки оддийлардан? Буни келажакка ҳавола қиласман. Албатта, ютмоғим керак! Ютқизиш – ўлим!”

## 1963 йил 29 ноябрь, жума

“...Қадим дунё ёзувчиси Сенека ҳаёт ҳақида шундай деган экан: “Дангасага ҳаёт зерикарли туюлади”. Ҳақиқатан тўгри! Менда ялқовлик, дангасалик бор, етарли. Ҳеч кимникига ўхшамайдиган. Шу сабабдан ҳаёт менга зерикарли туюлар... Шубҳасиз!

## Мұҳаммад АЛИ

Бугун институтдан түгри Ленин кутубхонасига, Доғистон шеърияти кечасига бордим. Күпгина шоирларни, Расул Гамзатовни күрдим. Гамзатов шеърлари ҳаётій. Юракка тегадиган. Бу шоир шотланд шоири Роберт Бёрнсдан таълим олган наздимда. Икки шоирни бирлаштирувчи бир нарса, бир ҳамоҳанглик бор: тоғларни күйлашади. Гамзатов шеърлари яхши. Она тилида унча яхши эмиси, у тилни билүвчилар фикрича. Аммо рус тилида шеърлари яхши. Накадар ҳаётій. Бу одамдан ижодий ўрганмоқ керак. Арзайдиган.

“Шұхратпаастлик ярмаркасы”нинг биринчи китобини туталлашимга сал қолди. Ҳаво ҳозир совуқ”.

### 1963 йил 6 декабрь, жума

“...Тұландан икки хат олдим. Журнални юборибди. Педагогик ишлари қўпайиб кетганидан хат ёзишга қўли тегмабди. Шеърларни олибди. Олиб бораётган йўлинг яхши, фақат ишланиш йўлинг чатоқ, дебди у. Тўғри айтади. Сайёр акадан хат олдим. У киши “Ёшлик” радиостанциясида ишламоқда экан. Шеър юбор, дебди. “Даҳрий” поэмаси устида иш олиб бормоқда экан.

Бугун институтда бўлдим. “Паганини”ни давом эттирудим. “Инсон манифести”ни бошласам деган фикрдаман. Лекин негадир журъат қилолмаяпман. Тўланга хат ёзиб юбордим.

Анатолий Передреев<sup>16</sup> – талантли шоир, курсошим, сирдошим, Пушкин руҳида ёзади. Шеърлари менга ёқади. Нихоятда русофил, яъни руспараст. У – яхши дўстим. Шеъриятни аъло даражада тушунади. Жуда қадрлайман. Шу йили озарбайжон шоири Наби Хазрийнинг шеърий китобини таржима қилди ва бу китоб СССР Давлат мукофотига тавсия ҳам этилди. Мукофот берилди... Мамнун бўлган Наби Хазрий таржимонига шундай қувониб миннатдорлик билдирибди: “Толя! Бу шарафни сен билан тўла баҳам кўраман!” Анатолий менга дейди: “Буни қара! Сен билан тўла баҳам кўраман, эмиш... Тўла эмас, қисман баҳам кўрақол!” Иккимиз роса кулишдик.

Толя: “Шеърларингни ўзим таржима қиласман!” дейди менга. Мен эса: “Сенинг шеърларингни ўзим ўтираман, номингни ўзбек ўкувчиларига танитаман”, деб ваъда бераман”.

### 1963 йил 10 декабрь, сешанба

“...Уч семинар бирлашиб абстракционистлар санъати борасида сухбатлашдилар. Василий Захарченко (домламиз) Гарб абстракционистлари ҳақида маълумот берди. Абстракционистларни ўзбекча мавҳумиятчилар, дейиш мумкин. Мавҳумиятчилар Миро, Шагаль, Кандинский, Убак ва бошқаларнинг санъати (агар уларни санъат дейиш мумкин бўлса) ҳақиқатан ҳам мавҳумот. Алламбалоларни қизил, оқ, сарик рангга бўяб кўрсатадилар.

В.Захарченко бир мисол келтирди: Хельсинкида ҳар мамлакатдан рассомлар, шоирлар, композиторлар мунозараси бўлган экан. Суҳбатни нимадан бошлаш керак, деган муаммо санъат ҳақида фикр юритилишига келиб тўхталади. Бу тўғрисида Евтушенко, Павличко ажойиб маъруза ўқишибди. О.Дмитриев ва А.Поперечнийлар

<sup>16</sup> Анатолий Передреев (1932-1987), талантли рус совет шоири, таржимон. Ўн бешдан ортиқ шеърий китоблари нашр этилган.

Умуман баҳслашишни эплолмас эканлар. Сүнг расмларга навбат келибди. Уларга қоғоз, мўйқалам ва шароит яратилиб, олдиларига оламдаги энг гўзал қиз бўлган ёш кубалик қизни ўтқазиб қўйишибди. “Қани, мана гўзаллик, санъат гўзаллик хисси учун курашади, бу қизнинг портретини чизинглар, рассомлар!” дейишибди. Рассомларга тўлиқ имконият яратиш учун, қизнинг (қиз, бугдойранг, ёш, кўзлари шаҳло экан) елка ва тепа кўкрагини очиб қўйишибди. Бир рассомнинг талаби билан қизнинг оёқларини тиззасидан тепасигача яланғочлашибди. Кўйлак зулмидан тўқсариқ сонларни озод қилишибди. Негаки, яшириниш рассомга, санъатни тўлиқлигича қабул қилиш имконини бермас экан. Бир чет эллик рассом қизга яқин келиб, бир-икки яхшигина қараб (у ёш йигит) сүнг қайтибида-да, мўйқаламни олиб қоғозга қараб-қарамай, уч-тўрт чизик тортибди. Иш қизиб кетибди. Ҳамма ўзи билан овора экан. Ҳамма қизга қааркан, қоғозга қааркан. Иш тугапти. Чет эллик ёш йигитнинг сурати ажойиб чиқиби: беш-олтига чизик, кора, қизил нуқталар... “Бу нима, – деб сўрадим, – деди В.Захарченко. “Мсье Захарченко – бу гўзал қиз!” жавоб берибди рассом хотиржам. “Ўхшамайди-ку?” дебди у. “Менга қиз шундай туюлади”, дебди яна оҳиста рассом йигит. Ҳамма рассомлар бу сухбат гувоҳи экан. “Агар бу “қиз”ни сенга олиб берсан, нима қиласдинг? Наҳотки, гўзал қиз шу бўлса?” қизишибди Захарченко. Рассомнинг кўзлари иргиб чиқиб кетишига сал қолибди. Ҳамма кулиб юборибди. Қаерда рассомни кўрсалар: “Гўзалингизнинг ахволи қалай?” деб сўрашаркан. Бечора рассом гурунгнинг тугашига ҳали тўрт кун қолганига қарамай, ватанига жўнаб қолибди.

Биз ҳаммамиз мароқланиб кулдик. Сўнг Захарченко Пикассонинг Мюнхен газетасида эълон қилинган “Тавба”сини ўқиб берди. У “Тавба”сида ўз мавхумотидан воз кечганини баён қиласди. Ажойиб.

Умуман, мавхумиятчи кишилар истеъодсиз кишилар, наздимда. Лекин уларнинг ҳам муҳлислари бор экан. Бу ҳақда ҳам Захарченко тўлиқ маълумот берди. Умуман, яхши.

А.Виноградовнинг “Байрон” монографиясини ўқимоқдаман”.

### 1963 йил 13 декабрь, жума

“...Шу кунларда айни пул тамом бўлиб, ахвол оғирлашиб қолганди. Литфонддан ўн беш сўм ёрдам пул олдим. Айни муддао бўлди.

Бугун В.А.Слепцовнинг “Машаққатли замон” ва Ф.Решетниковнинг “Подлиповликлар” повестларини ўқиб чиқдим.

Биз кечкурун Иван Николюкин, Золотухин (курсдошларим) Москвадаги 250-мактабга бордик. Шеър ўқидик. Тўққизда қайтидик. Кечки овқатни қилиб, мутолаага тушдик. Сўнг Иван шеърларини титкилаб ўтириб, ўқимаганларини менга ўқиб бера бошлади. “Кремлевские дворники” шеъри тагмаъноли таъсирли чиқиби. (Кремлининг раҳбарлари ва фаррошлари, “двор” сўзи ҳам сарой, ҳам ҳовли... сўз ўйини бор.) Айтдим.

Ёш шоир бироннинг таъсирида бўлиши керакми, ёки ўзининг овози бўлиши керакми? Бунга Н.Рубцовнинг<sup>17</sup> (курсдошимиз) бир шеъри сабаб бўлди. Мен шеърни ўқидим. Есенин доирасидаги шеър экан. Иванга фикримни айтдим.

<sup>17</sup> Николай Рубцов – (1936-1971), машхур рус лирик шоири,

## Мұхаммад АЛИ

У маңқуллади. Мен Иванга, агар шоир бошқа шоирга тақлид қылса, у шоирдан юқори күтарила олмаса, унинг ҳолига вой, дедим. Тұғри, деди у. Умуман, жуда күп масалалар ҳақида фикр олишдик. Сұхбат борасида Тұлғаннинг ҳам фикрларини сүзлаб бердим. Яńни “учинчи хона” ҳақида. Яńни, шоир уйга кирмасдан, учинчи хонани күра билиши керак.

### 1963 йил 31 декабрь, сешанба

“...Соат кеч олти. Яна олти соатдан сүнг янги йил ўз ўрнини әгаллади. 1964... Ҳаётингнинг йигирма иккінчи йили арафаси. Бундан кейин мутлақ қайтиб келмас азиз йигирма бир ёшимнинг охирги куни, охирги соатлари, сүнгги дақиқалари... Қизиқ, шуларни ўйлаб баъзан кўнглинг чўқади, лекин яна сени юз, яńни... фалон ёшингда нималар кутаётганини билмоқ иштиёқи кайфиятингни кўтаради.

Шу палла соат ўн саккиз дан ўн икки дақиқа ўтганда, Москва радиоси Ўзбекистонда “Пахта байрами” (ўзбекча айтди!) етти кун давом этганлиги ҳақида хабар берди. Хаёлим кетди.

Шу ўтиб кетаётган, сафари қариган, ўзи ҳам қариган 1963 йилни қандай кутиб олганим эсимда. Ўшанда мен Ўзбекистонда эдим. Шу куни, 1962 йил 31 декабрда эрталабдан оиласизда яхши тараффуд бошланди. Онамлар қатлама, сомса, тахмон патир, сутга иланган нон ва бошқа дастурхонни безайдиган турфа хил овқатлар тайёрладилар. Рахима опам билан Солиҳабону синглим у кишининг ёnlарида эди. Бу “умумхалқ” ишида ҳамма иштирок этди.

Издихомни отам кўлга олди. Интернатдан укаларим Азамат билан Абдужалилни, Асакага меҳмонга кетган Хосият отин энамни олдириб келди. Рустамбек, Мадаминжон, Ҳабибулла, Иброҳимжон кўлда, бир ёшлик чақалоқ – ҳамма шу ерда жамулжам эди.

Тўлан ҳам биз билан бирга эди. Дастурхонни ноз-неъматлар безади. Янги йилга ярим соат қолди... Ўн дақиқа қолганда ҳамма дастурхон атрофига жойлашди. Ҳамманинг кўзи девордаги осма соатда...Кремль соатини эшитмадик, чунки радио йўқ эди. Соат ўн икки. Биринчи бўлиб Хосият отин энам билан отам дастурхонга кўл узатдилар. “Қани, олинглар, болаларим, илохи, ҳамиша соғ-омон бўлайлик! Парвардигор ўз паноҳида асрасин!” деб дуо қилди Хосият отин энам. Сўнг отамлар ҳам ўз сўзларини айтишди. Сўнг онамлар...Сўнг шўрва, сўнг ош...Бир йилда пишган ош соат бир яримга тайёр бўлди. Ёнда, ота-онам, укаларим, дўстим...Эҳ, ажойиб бўлган эди!”

### 1964 йил 8 январь, чоршанба

“...Абдуқаҳхор акамдан хат олдим. Москва облатининг Клин шаҳрига жойлашибди (Умид холамнинг ўғли, армияга ҷақирилган.) Бир келиб кет, дебди. Синовлардан кейин бораман, деб жавоб ёздим. Унинг самимий хатини бор ҳолича кўчириб кўйгим келди:

“Сен келиб-кетиб турсанг муртимни болта ҳам кесмайди. Хатингни олиб юрагимни босиб олдим. Менинг манзилим мана шу – Клиндан чиқиб келсанг 7-автобус келади. Шу бизни ҳарбий шаҳардан қайтади. Дарвозадан ўтиб келганингда бир бино янги қилингти, шу ерда ишлайман. Шу ерда кутиб олишим керак. Шу янги бино олди билан борсанг, иккита ёғочдан бўлган уй бор, шу ерда турамиз. Келганингда юракларни ёзамиз. Ҳозирча юрагим тор, кўргим келди...”

Ижод... Ижод факат ўйда, холос. Кеча уйку олдидан Стефан Цвейгнинг китобини қўлга олдим. Негадир ўқигим келди. Мен унинг факат “Бальзак” монографиясини ўқиб чиққанман. Йўқ, бу гапим тўғримас, аввал ҳам ёзувчининг “Номаълум аёл мактуби”, “Инсониятнинг юлдузли онлари” эссларини севиб мутолаа қилганман.

Китобнинг биринчи сахифасини очдим: “Мураббия”. Новелла. Ўқий бошладим. Опа-ука. Опа – 13 яшар, сингил – 12 яшар.

Мураббия фожиага учрайди: қизларнинг тоғаси Отто мураббияни йўлдан оздидари. Мураббияда эса ҳомила...Буни кўрган қизларнинг ота-оналари мураббияни ишдан озод қиласидилар. Опа-сингил эса мураббияни қандай яхши кўришар эди!.. Мураббия ўз-ўзини ўлдиради. Ёзувчининг маҳоратига қойил қолиш керак, ўз мураббияларининг қайтмаслигини эшитган опа-сингиллар кўркинч, даҳшат, ҳайрат, лоллик аро сарсонликка учрайдилар. Йўқ, улар мураббияларининг қайтмаслигидан кўрқаётганлари йўқ, балки мураббияларини фожиага учратган бу ҳаётда, қабиҳ ҳаётда ўзларининг ҳам яшашлари сўзсизлигини англагандай бўлганларидан даҳшатга тушадилар, мана бу аччик ҳақиқатни ажойиб қилиб кўрсатган муаллиф, сўзсиз катта истеъдод эгаси эканлигини намойиш этади.

Опа-сингил ҳали бола, болалик йўларидан аримаган ёш руҳларга мана бундай номусий суиқасдлар бор. Опа-сингиллар ўзларининг анои оламидан ўзга олам борлигини фаҳмладилар ва шу олам даҳшати салобати остида кўзларини тикиб қоладилар...Бальзак, роҳатларнинг ичдиа яхшиси, аъло асарни ўқиб ором олишдир, ундан ўзга роҳат йўқ, деб бекорга айтмаган. Ўша сўзларнинг ҳақиқат, ўлмас эканлигини Стефан Цвейгнинг “Мураббия”си мутолааси мисолида кўриб турибман...”

### 1964 йил 14 январь, сешанба

“...Бугун Ўлжас Сулаймонов<sup>18</sup>, Василий Белов<sup>19</sup>, Александр Самошенколар (институтдошлар) учрашиб қолдик. Ўлжас бир шиша ароқ олиб келди. Коридорда туриб ҳаммамиз ичдик. Сўнг Вася Белов, менинг бир вином бор, дея бизларни ўз хонасига олиб кетди. У 6-қаватда 180-хонада туради. Винони ичдик. Сўнг у қаҳва қайнатди. Бир-бир қаҳва ичдик. Қаҳва умуман уйқуни ўғирлайдиган ичимлик. Сўнг теннис ўйнадик. Самошенконикига қайтиб, чой ичмоқчи бўлдик. Чой ҳам ичдик. Шундай қилиб соат олти бўлди”.

### 1964 йил 20 январь, душанба

“...“Ўзбекистон маданияти”да Абдулла Ориповнинг “Маяковскийга” шеъри чиқибди. Маяковскийнинг сояси лекин. Ундан бирон нарса чиқиши мумкин. Шундай умид беради. Дуруст.

Еттинчи қаватда Олий адабиёт курси тингловчиси машҳур ёзувчи Виктор Астафьевнинг<sup>20</sup> хонасида бир гуруҳижодкорлар йиғилишиб қолдик. Катта давра бўлиб кетди. Рус Василий Белов, озарбайжон Фикрат Хожа, украин Иван Драч<sup>21</sup>,

<sup>18</sup> Ўлжас Сулаймонов – (1936), қозоқ жамоат арбоби, Қозогистон халқ ёзувчisi (1990), Қозогистон Мехнат Қаҳрамони (2016).

<sup>19</sup> Василий Белов – (1932-2012) – рус совет ёзувчisi.

<sup>20</sup> Виктор Астафьев – (1924-2001) – машҳур рус совет ёзувчisi.

<sup>21</sup> Иван Драч – (1936-2018) – машҳур украин ёзувчisi, шоири. Украина Қаҳрамони (2006).

## Мұхаммад АЛИ

мүгүл шоири Пурэвдорж<sup>22</sup>, бошқирд Муса Ғали<sup>23</sup>, латиш Имант Зиедонис<sup>24</sup>, олтойлик шоир Борис Укачин, руслар – Анатолий Передреев, Иван Николюкин, Евгений Антошкин<sup>25</sup> Николай Рубцов, эстон Матс Траат<sup>26</sup>. Сұхбат қызғын тусга кирди. Гап, кимнинг улуғ шоири зўр, деган мавзуга тақалди. Бирор Гомер деди, бирор Пушкин, кимдир Байрон билан Гейне, Уитменни айтди, бошқаси Тарас Шевченко билан Сергей Есенин номини тилга олди...Кейин сўз бевақт кетган, қатағонга учраган истеъоддли, ўткир қаламли шоирларга келиб қолди. Руслар Иосиф Уткин, Дмитрий Кедринни кўкларга кўтаришди...Ҳамма гапириб чиқди.

Мен индамай қулоқ солиб ўтиридим. Лекин бундай паллаларда сира ортга чекинмаслик керак! Шоирларнинг зўри бизда-ку, майли, Навоийни айтмай турайлик, зўрликка даъво қилгувчи шоирлар кўп бизда! Ана ўшаларни кўрсатишим, исботлашим лозим!

– Кечирасизлар... Сизлар айтган шоирлар, албатта, зўр шоирлар, уларнинг шеърларини ўқиганман, лекин бизнинг Усмон Носирдек шоирни дунё ҳали кўрмаган бўлса керак! – дедим ўзимни бепарвороқ тутиб.

– Ие! Қанақа шоир экан у?..

Ҳамма менга тикилди.

– Оташин шоир Усмон Носир бизда тугилгандা, Россияда Пушкиннинг кераги бўлмай қолди, дейишган...

– Ўх-хў, секинроқ гапир! Бу Пушкин-а! Наҳотки шундай бўлса?! Йўғ-е! – қабилида ҳайратлар ёғилди атрофдан.

– Нималарни ўйлаб топасан-а, Мұхаммад! – қулди Виктор Астафьев.

– Ҳазиллашяпти, шекилли... – ҳайрон қаради Имант Зиедонис.

– Асло, Виктор Петрович! – дедим комил ишонч билан, кейин Зиедонисга қарадим: – Зинҳор ҳазиллашәётганим йўқ, Имант! Ҳа, шундай! Усмон Носир оловли, ўтли шоир эди. У бамисли француз шеъриятида романтизмни бошлаб берган Артур Рембога ўхшарди. У ҳам Рембо каби, 24–25 ёшларида гина ижод қилган. Мана бир шеърини эшитинглар, мусиқасига эътибор беринглар-а, классик шеър:

*Боғларга намозгар  
Салқини тушди,  
Гуллар нам баргини  
Қайирди аста.  
Офтоб ҳам сув ичар  
Тоғлардан настда...  
Лоларанг шафақнинг  
Ёлқини ўчди...*

Даврадагилар шеърни тушунмасалар ҳам, оҳанги уларни мафтун этгани кўриниб турарди.

<sup>22</sup> Дендевин Пурэвдорж – (1933-2009) – мүгүл ёзувчиси, шоири. Мўгулистан Мехнат Қаҳрамони (2009).

<sup>23</sup> Муса Гали – (1923-2004) – таникли бошқирд шоири. Салават Юлаев номидаги Бошқирдистон АССР давлат мукофоти лауреати.

<sup>24</sup> Имант Зиедонис – (1933-2013) – латиш шоири, ёзувчиси. Латвия ССР халқ шоири (1977).

<sup>25</sup> Евгений Антошкин – (1937-2011) – рус совет шоири.

<sup>26</sup> Матс Траат – (1936-2022) – эстон шоири, адаби. Эстония ССРда хизмат кўрсатган ёзувчи (1977).

– Усмон Носирни қаматдилар, қатағон қилдилар. Магаданга олиб кетдилар... Магадан қамоқхонасида ётар экан, қаттиқ азоб тортди, шеърлар ёзиши истарди, аммо на қоз бор, на қалам... Шеърлар эса, қайнаб, қуиилиб келарди, бамисли вулқондай... Отиламан, дейди! Ана шунда, билсангиз, Усмон Носир шартта томирини кесиб, қонни сиёҳ, деворларни қоз қилиб шеърлар ёзиб ташлаган!

– Ростакам шоир экан!

– Ҳали бундайини учратмаганмиз!

– Бу ҳаммаси эмас, – давом этдим мен беҳад рухланиб. – Усмон Носирнинг ёза-ёза қони ҳам тугаб қолади... У: “Энди мен шеър ёзмайдиган бўлсам, менга бу қўлнинг нима кераги бор?!” деб болтани олиб, қўлини шартта кесиб ташлайди!..

Даврадагилар:

– О-о-о! Ничего себе поэт! Вот это Поэт!<sup>27</sup> – деб қичқириб юборишли.

Албатта, бу ҳаяжонли дамда, қамоқда шоирнинг болтани қаердан олганини сўраш ҳеч кимнинг хаёлига келмади...”

### 1964 йил 11 февраль, сешанба

“...Кеча Шуҳрат аканинг олдига бордим. У киши Малеевкада. Бу ёзувчиларнинг ижод уйи. Тўплам тайёрлашинг керак, деди у. Шеърларни йиғдим, эски шеърлар устида ишладим. Ҳали Комрон кирди. Яшин ака, Олим Хўжаев, Лутфихонимлар шу ерда эмишлар. Ленин мукофоти комитетида иштирок этмоқда эканлар.

Раҳима опам ўғил кўрибди, 30 январь куни. Ура-а! Отам хурсанд, энг биринчи набира туғилганди-да! У ўғил бўлди! Хатда от қўйиб беришимни сўрабди. Анча ўйландим. Улуғларимизнинг кутлуг исмлари фарзандларда тақорланиб турилиши лозим, деган фикрда юраман. Шу сабабдан “Хумоюн” деб исм танладим ва ёзиб юбордим. Бу исм у пайтлар кам қўйиларди. Лекин бизнинг оиласизда бу Захириддин Муҳаммад Бобур ўғлининг исми эканини яхши билишарди”.

### 1964 йил 10 март, сешанба

“...Кейингипайтлардаменда пайдобўлганижобий ҳодисашеърларни зерикмасдан қайта-қайта қўриб чиқиши бўлди. Кеча “Инсон манифести”ни бошладим. Эртадан кечгача каравотда юмалаб-сумалаб туркумнинг илк шеъри “Дикқат”ни ёздим. Бугун эрталаб иккинчисини ёздим. Ҳар ҳолда бошланиб қолганидан хурсандман. Яхши! “Саломатнинг қўллари”ни ёздим. Ҳаммаси шу аҳволда. Бугун ёзасан, эртага ўқиб кўнглинг айнийди одатда. Менда бу нарса кам-кам учраётир кейинги кунларда. Бу яхши.

Ҳозир француз файласуфи Гельвецийнинг “Инсон ҳақида” китобини мутолаа килмоқдаман. Кўп яхши!

Бугун (Малеевкадаги ижод уйидан) Асқад Муҳтор, Шуҳрат ака келишадиган эди. Билолмадим, келишадими, йўқми?

Отамдан хат олдим. Опамнинг ўғлига от қўйганим ҳангомага сабаб бўлибди. Синглим Солиҳабону колхозда далага чиққан куни, ҳамма қиз-жувонлар: “Умри билан берган бўлсин!” деб жиян билан кутлашибди. “Қуллук! Қуллук!” деб миннатдорлик билдирибди синглим. Кимдир қизиқиб савол берибди:

<sup>27</sup> Шоирнинг зўрлигини кўринг! Мана чинакам шоир!

## Мұхаммад АЛИ

– Янги чақалоқнинг оти нима бўлди, оти?  
– Отими? Ҳумоюн... – хотиржам жавоб беради  
Солиҳабону ҳеч нарсани хаёлига келтирмай.  
– Нима-нима?.. Қайтар-чи! Қанақа от экан бу? – сўрайди яна таажжубда ҳалиги аёл. – Қайдан топдинглар бундай исмни ўзи?  
– Ким қўйди уни?.. – кўшилади бошқаси.  
– Акам қўйғанлар. Москвадан ёзиб юборибдилар... – дейди Солиҳабону ғурур билан.  
– Ҳа-а... Шундай дегин... Ўзимам ўйладим-а... Бирор ўрис-пўрисни отидир-да, деб... – гапга аралашади бошқа бир жувон.  
Солиҳабону жиғибийрон бўлиб тушунтиради:  
– Ҳеч қанақа ўрис-пўрисмас! Бу – Бобур Мирзо ўғлининг исми... Билиш керак-да...  
Аёллар анграйиб қараб қоладилар”...

### 1964 йил 20 июнь, шанба

“...Курсдошим Атуквей Жон Окай<sup>28</sup> – Гаана шоирининг 310 сатр шеърини таржима қилдим. Бетобман. Қулоғимни совуқ уриб кетибди. Ҳар куни иккитадан укол оляпман. Иккинчи томондан, оёғим огрийди. Унинг устига шаҳарда бир қиз билан айланниб юришга тўғри келди...

Дарвоқе, “Шарқ ўлдузи” (5-сон 1964)да икки шеърим чиқибди: “ГОЭЛРО”, “Биринчи бор...”

### 1964 йил 21июнь, якшанба

“...Кеча Ленин кутубхонасиға бориб, Чўлпон, Усмон Носирнинг ilk китобларини буюртирдим. Олиб келишди. Бугун ҳам куним ўша ерда ўтди. Чўлпоннинг 1935 йили чиққан “Соз” шеърларини тўлалигича дафтаримга кўчириб олдим. Менга ёққан шеърлар ичida “Октябрь”, “Куз”, “Норин дарё” бор. Араб алифбосида чиққан яна бир китоби ҳам бор экан, алифбони билмаганилигим ўз ишини қилди. Унинг “Кеча ва кундуз” романини кўрдим.

Усмон Носирнинг “Куёш билан сухбат”, “Сафарбар сатрлар”, “Мехрим” китобларини кўрдим. Сўнгти китобдан “1870”, “Нил ва Рим” шеърларини кўчириб олдим. Китоблар рақамларини ҳам дафтаримга ёзиб қўйдим. Араб алифбосини ўрганишим зарур”.

### 1964 йил 28 июнь

“...1964 йил 25 июнь соат 0.25 да Москва – Андижон тезюарар поездига чиқдим. 28 июнь эрталаб Андижонга тушдим. Райимберди акам, амаким, Холтожи момо ўғли мени кутиб олди. У мен билан фаҳрланар, ҳар йили Шоҳимардонга олиб бориб айлантириб келарди.

Хозир Бешкалдаман. Тинчлик. Отам соғ-саломат, онам, Хосият отин энам, опам-укаларим, қавм-қариндошлар атрофимда парвона... Кундалик ёзишга ҳам фурсат бўлмади. Қисқача.

<sup>28</sup> Атуквей Жон Окай – (1941–2018), машхур Гана шоири, олим. Панафрика ёзувчилари ассоциацияси Бош котиби.

Отам мен билан қониқиб сўзлаш ниятида, аммо уйга кўп одамлар, қариндош-уруғлар келганидан фурсат топилмайди. Онам менга холи вақтларда фақат тикилиб ўтиради, ҳамма сўзлари унинг қаравишида... Хосият отин энам қандай ўқиётганим ҳакида сўраб-суриштиради, эшитиб мамнун бўлади.

Райимберди акам мени яна Шоҳимардонга олиб кетди. Деконбой деган қалин жўраси иккови мени меҳмон қилишди. Шоҳимардон – ям-яшил диёр, боқсанг ҳам кўзга кувват, ҳам дилга мадад...

Бироқ ишга киришиб кетишим қийин бўлмоқда. Ўша “Муболага” хилида шеърлар келмоқчи... Билмайман, жимлик. Кўп хаёлларга бораман. Ўн шеър ёзмоқчиман. “Муболага” Тўланда яхши таассурот қолдирди. Лекин кўп фикрлари унинг муболага. Ёзиш керак дейди. Йўлим... “Қоровул” шеъри...

Бекободдан мактабдош дўстим Маҳмуджон Жўраев меҳмон бўлиб келиб қолди. Жуда хурсанд бўлдим. Унга Москвадан жавоб келмаган экан ўшанда. Мактаб даврларини, синфдошларни эсладик. Шундай кишилар учраганда Тамара ҳакида сўрайман. Унинг ажойиб табассуми ҳали мен билан... Лекин дўстимнинг Тамара ҳакида айтганлари қайгули эди. Тамара мактабни битиргач, турмушга узатишибди. Кўп ўтмай касалликка чалинибди, шифохоналарда даволанибди, ва... оламдан ўтибида...

Кўнглим эзилди. Қиз бечора тақдири учун мен айборман! Адолат билан қаралса, менинг қўлидан нима ҳам келарди? Ҳали оёққа турмаган одам бўлсан...Ҳаёт тўсиқлари эса бир талай...Лекин Тамаранинг кўз қирини ташлабгина саломлашиши ҳамон эсимда..."

### 1964 йил 7 сентябрь, душанба

“...Кеча бирданига иккита шеър ёздим. “Тўй”, “Хашар”. Бугун тўплам шеърларини тўғриладим. Беш юз мисра бўлиби.

Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари”, “Эгмонт” асарларини ўқиб чиқдим. А.Толстойнинг “Яшил шаҳарлар” ҳикоясини ўқидим. Катта истеъодод эгалари ажойиб бўлади-да!

Бугун хонамда Эргаш Рустамов билан учрашдик. Унга “Гулбадан”ни ўқиб бердим. Жуда маъқул бўлди.

“Бу ёш, 15–16га кирган келишган қиз, – деди у. – Истар эдимки, уни одамлар олдига яланғоч чиқариб қўйманг. Бу катта нарса. Бу сизни одамлар қаторига қўшадиган нарса. 10–15 йилдан кейин ёзишиниз керак бўлган достонни ҳозир ёзибсиз! Яхши. Яхшилаб доф тушмайдиган қилиб ишланг!”

Тавба, қизиқ экан-да: Миртемир акага ёқди, Шуҳрат акамлар икки пул қилишди, Сайёр акамлар мақтади, Ҳусниддин Шарипов эса, диққатимни жалб қилмади, деди. Энди Эргаш Рустамов, классик адабиёт билимдони, достонни эшитиб жуда хурсанд бўлди. Номи ҳам ёқиб тушди. Бу ҳақда повесть ёзинг, деди Эргаш ака. Ўйлаб кўраман, дедим”.

### 1964 йил 29 сентябрь, сешанба

“...Бугун семинарларни ўтказдик. Догистонлик Доглар Абдуллаев<sup>29</sup> шеърларини муҳокама қилдик. Мен бу ҳақда биринчи бўлиб доклад қилдим. Семинарда муаллиф жуда кам ҳолларда мақталмаса, ҳамма вақт калтак ейди. Бугун ҳам шундай бўлди. Абдуллаев роса калтак еди.

<sup>29</sup> Даглар Абдуллаев – (1933-2020), лезгин шоири.

## Мұхаммад АЛИ

Үнта шеър йиғиб “Гулхан” журналига юбордим. Наримон Орифжонов номига. Бу одам шеърларни чиқариб беришга вайда қылган. Албатта, вайда бериш осон, бажарыш қийин. Лекин яхши ният – ярим мол, дейдилар.

Институтдан қайтиб, “Муболага”ни русчага таржима қилишни давом эттирудим. Икки шеър “Саратонда қишлоқ”, “Үринли савол”ларни таржима қылдым. Эргаш Рустамовга Тож ал-Сирнинг “Қадимий шаҳар” шеъри таржимасини ўқиб бердим. Унга маъқул бўлди. Бу одамнинг менга ихлоси катта. уни, ишқилиб, ихлоси алдамаса бўлгани.

Литва ёзувчиси Юстинас Марцинкявичюснинг “Кулаётган қарағай” қиссасини ўқий бошладим. Дикқатга сазовор бўлиб кўринмоқда бу асар”.

### 1964 йил 30 сентябрь, чоршанба

“...Корней Чуковскийнинг “Замондошлари” китобини мутолаа қылдим. Китоб Чехов ҳақидаги портрет билан бошланади. Портретда Чеховнинг меҳмондўстлиги, одамийлиги ва бошқа фазилатлари ҳақида фикр юритилган. Шуҳрат чўққисида бўлган Чехов бирданига Сахалинга жўнамоқчи бўлади. Адабиёт жонга тегди, дейди у. Чехов ўз-ўзини тарбиялашни жуда ёқтирган. Тарбияни энг биринчи ўринга кўйган. Айниқса, йигирма олти ёшли адабнинг бу ҳақда акаси Николай Чеховга 1886 йилда ёзган қуйидаги хати бафоят ибратли:

“Камчилигинг битта. Бу сенинг ўтакетган тарбиясизлигингdir. Тарбияли одамлар, фикримча, шу шартларни эсда тутишлари керак:

1. Улар инсон шахсини ҳурмат қиласидилар ва шунинг учун ҳамма вақт мулойим, юмшок, шафқатлидиirlар. Улар йўқолган болга ёки ўчиригич орқасидан жанжал кўтармайдилар. Бирон одам билан яшаркан, илтифот қилмайдилар (бу яшашдан), кетишида эса, сиз билан яшаб бўлмайди, демайдилар. Улар шовқинни ҳам, совуқни ҳам, қоврилиб юборилган гўштни ҳам, аскияни ҳам, уйларида ўзга одамлар бўлишини ҳам кўтарадилар, кечирадилар...

2. Улар факат қашшоқлар ва мушукларгагина раҳмдил эмаслар. Улар кўз билан кўриб бўлмас нарсаларга қовурғаси қайишиб қарайдилар. Улар талаба ака-укаларини боқиши, онани кийинтириш учун кечалари ухламайдилар.

3. Улар ўзганинг мулкини ҳурмат қиласидилар ва шунинг учун қарзларини чўзмай тўлайдилар.

4. Улар оқкуйгил, ёлғондан оловдан қўрқандай қўрқадилар. Майда нарсаларда ҳам ёлғон гапирмайдилар. Ёлғон сўз эшигувчини ҳакоратлайди ва уни гапиравчи кўз ўнгига ерга уради. Улар ўзларини кўчада ҳам уйда тутгандек тутадилар. Кичик укаларининг обрўйини икки пул қилмайдилар. Улар маҳмадона эмас, сўрамаган жойда валақтайвермайдилар. Ўзгалар қулоғига ҳурматлари бўлганидан улар кўпроқ жим бўладилар.

5. Улар ўзгода ўзига нисбатан шафқат пайдо қилиш учун, ўзларини пастга урмайдилар. Улар қалб торида куй чалмайдилар. Улар: “Мени тушунмайдилар!” ёки “Мени бир тийинга teng қилдилар!” демайдилар. Чунки, бу арzon эфект келтирувчи эски, қалбаки хислатлар...

6. Улар оворагарчиликларга юрмайдилар. Уларни қалбаки дур-жихозлар жалб қилолмайди, машхур шахслар билан танишувлар эътиборини тортолмайди. Улар факат Родзевич ва Левенбергларга мос тушадиган, “Мен матбуот вакили!” деган ибора устидан куладилар! Бирорлар киролмас жойга кирдик, дея шодланмайдилар. Ҳақиқий истеъдодлар ҳамма вақт фира-ширада, коронғида, кўз илғамас жойда,

халойик ичидә, күргазмалардан нарироқда бўлади... Ҳатто, Крилов айтган: бўш бочка тўла қараганда кўпроқ жаранглайди, овоз чиқаради...

7. Агар уларнинг истеъдодлари бўлса, унда у истеъдодни хурмат қиласилар. Улар ўша истеъдод деб, роҳатдан, киздан, шаробдан, оворагарчиликлардан кечадилар... Улар ўз истеъдодлари билан мағрурлар.

8. Улар ўзларида эстетикани тарбия қиласилар. Улар кийимда ухломайдилар, деворда канани кўриб туролмайдилар, бузук ҳаво билан, тупукларга тўла пол устидан юролмайдилар, керогаздан овқат қилиб кун кечиролмайдилар. Улар иложининг борича, жинсий табиий майл туйгусини жиловлашга, меъёрда тутишга уринадилар. Уларга қизлардан иссиқ ўрин, тери хиди керак эмас... Уларга, айниқса, санъаткорларга тароват, нафислик, нафосат, одамийлик, она... бўлиш қобилияти... керак. Улар ароқ ичиб олиб жувон ҳидлаб ётмайдилар, чунки чўчқа эмаслар. Улар факат вақт бўлганда ичадилар... Уларга чунки соғ бадандада саломат рух керак!..”

### 1964 йил 17 октябрь, шанба

“...10 октябрь куни Тошкентдан Жуманиёз Жабборов келди. Ўн бешинчи куни Тошкентта қайтди. Жуманиёз ака билан бирга бўлдим, бирга юрдим. Жуда хурмат қиласман. Баъзи бир ижодий ишлари билан келган экан. Ресторанларда бўлдик. Жуманиёз акага талабалик ҳаётига бағишиланган икки қатор шеър тўқиганимни айтдим:

*Ресторан, ресторан,  
Чиқиб кетди эсданам...*

Жуманиёз ака кулди, яхши айтибисиз, деди. Шоир ва ёзувчи Мстислав Левашов<sup>30</sup> уйида бўлдик. Кўп сухбатлашдик. 13 октябрь куни ижодий семинарда менинг “Муболага” туркумим муҳокама бўлди. Тавба...

Шеърларим Эдуард Межелайтис билан ҳамоҳанг эмиш. Менинг Инсоним қандайдир фазоларда юрар эмиш. У ҳар қандай ижтимоий қарама-қаршиликлардан ҳоли...Бу шеърларни факат коммунизм даврида ўқиши мумкин экан! Чунки у пайтда қарама-қаршиликлар йўқ бўлади...Бемаънигарчилик! Бугун ўша туркумдан еттига шеърни “Дружба народов”га олиб бордим. Валентина Георгиевна Дмитриева деган аёл олиб қолди. Янги ой олдидан келинг, деди.

Чиқишилар: “Тошкент хақиқати”нинг 16 август сонида “Икки лавҳа”, 4 октябрь сонида “Мехрибон”, ”Ўзбекистон маданияти”нинг 22 август сонида “Третьяков галереяси”да шеърлари чиқди. “Тошкент” нашриёти “Созвездие” китобини чиқарди. Бунда менинг “Вильнюс” номли шеърим Александр Наумов таржимасида босилди. Лекин ижод маъносида мен учун қийин кунлар кечмоқда. Жуда мушкул онлар...”

### 1965 йил 27 январь, жума

“...Тўрт кун бўлди, Адабиёт институти 4-курс талабаси мақомида амалиёт ўтказиш учун Тошкентга келдим.

<sup>30</sup> Мстислав Левашов (1912–1974) – рус совет ёзувчиси, шоир.

## Мұхаммад АЛИ

Туш вақти, Тошкенттің Навоий құчасидаги 30-үйнинг учинчи қаватида буфет олдидан ўтиб кетаётгандым, уч киши бир стол атрофида тушлик қилиб ўтиришган экан. Мени күришиб, таклиф этишди. Беихтиёр уларга қүшилдім. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Танишдик. Улардан бири Абдулла Орипов экан, у ўша пайт жуда урф бўлган оқ кепка кийиб олган, озғиндан келган хушрўй йигит экан. Кўп ўтмай шерикларимиз бирин-кетин туриб кетишиди, икков қолдик. Ўша пайт Абдулланинг ярқ этган шеърлари машхур бўлиб, мухлислари сони ортиб бораётган пайлар. У менинг Москвада ўқиётганимдан хабардор экан. Шу кунларда, аниги, “Совет Ўзбекистони” газетасининг 25 январь сонида эълон килинган бир туркум шеърларимни ўқиганини айтди. Миннатдорлик билдиридим. Гапларимиз бир-бирига қовушиб кетди. Ҳудди эскитдан танишдай эдик. Сухбатимиз тугамасди. Вақт кеч бўлиб борар, бизнинг эса айрилгимиз келмасди.

Менинг борадиган жойим йўқ. Ҳали аниқ жой топмагандим, вақтинча 1-Май кўчаси, 20-уйда, Ёзувчилар союзи қабулхонасида “туардим”. Абдуллада ҳам аниқ жой йўқлиги маълум бўлди.

– Дўстим, бир иш қиласиз... – донишмандона фикр билдириди бирдан у. – Ҳозир бир жойга борамиз!

Икков эш-қўш бўлиб “бир жой” – “Аспирантлар уйи”га етиб бордик. Бинога кирдигу далонда чапга бурилдик ва тўғридаги 11-хонага қараб юрдик. Абдулланинг бу ерга кўп марта келгани кўриниб туарди. Бизни бежиримгина мўйлов қўйган, очиқ юзли, ўзимизга ўхшаган озгингина бир йигит қарши олди.

– Танишинг: бу – Бегали Қосимов! – деди Абдулла.

Бегали хурсанд бўлиб кетди, дарров чой кўйди, бизни меҳмон қилди.

Хушсұхбат йигит экан. Давра қизигандан қизиб кетди. Адабиётнинг бугунги аҳволи, унинг келажаги ҳақида ачинишлар, қайгуришлар сұхбатимиз мавзуси эди. Соат кеч ўнлар бўлиб қолди.

Бегали кўрдики, меҳмонларнинг бугун бу ердан кетгилари йўқ... Унинг устига, сұхбат роса авжига чиқиб бормоқда, ҳали-бери тугамайдиган кўринади... У бизларни холи қолдириб бошқа хонага чиқиб кетди. Бизлар кечаси билан бир-биримизга шеър ўқишдан толмадик, завқланиб тонг оттирдик...

Ўша-ўша, мен Бегали Қосимов билан ажралмас қадрдан дўст бўлиб қолдим”.

### 1965 йил 3 март, чоршанба

“...Биринчи февралдан бошлаб “Ўзбекистон маданияти”да ишлай бошладим. Газеталарда шеърлар чиқиб турибди. Кеча “Ёш ленинчи” газетаси шеърларимни устоз Шухраттің “Оқ йўл”и билан берди. “Қизил”да, “Тошкент ҳақиқати”да, “Ўзбекистон маданияти”да чиқяпти. Ижод масаласида оқсаганим оқсаган. Ҳалигача ёниб-ёниб ишлаш йўқ. Нима сабабдан бундай экан, ҳайронман. Абдулла Орипов деган зукко шоир йигит билан ошнамиз. Маъруф Жалил ва Асқар Қосимлар ҳам бор.

Ижод борасида қизик хаёлларга бораман. Йўл топилгани йўқ. Йўллар бор, қай бирини танлаш мушқул. Фалсафали “совуқ” шеър яхшими, ёки майдароқ бўлса ҳам “иссик” шеърлар яхшими? Кейинги ёзган шеърим иккинчи тоифадан. “Муболаға” йўлидан қайтишми?”

**1965 йил 28 июнь, душанба**

“...Москвадан дўстим Анатолий Передреев келди, аникроғи, уни ўзим таклиф этдим. У бир неча кун Тошкентда бўлиб, менинг шеърларимни таржима қилиши керак. Уч кун бўлди, кутиб олганимга... Абай кўчасидаги бир хонада укам Мадаминжон билан ижарада турадик. Ўша ерда кечқурун меҳмон қилдим. Анатолийнинг нохуш одатларидан бири ичкиликка муккасидан кетганлиги эди. Эрталаб турсак, бош заранг, оғриб турибди. Кўчамизнинг бошида Навоий кўчасига чиқаверишда пивохона бор эди. Ўша ёқка йўналдик. Бошоғриқ қилиш керак.

Официант рус кизи икки кружкада пиво олиб келди. Мен дўстим билан мақтандомоқчи бўлиб, ҳам гапга солишни истаб официант қизга дедим:

– Биласизми, бу йигит ким?

Қиз, соchlари тўзиган паҳмоқ йигитга қаради ва: “Йўқ”, дегандай бош чайқади.

– О!.. Бу машҳур шоир-ку. Анатолий Передреев! Ҳамма билади. Москвадан келган...

– Танимадим... Билмайман... – жавоб қилди қиз самими.

Толя пиводан яхшилаб симириди-да, қизга ўзини таниширига бошлади:

– Хўш... Роберт Рождественскийни биласизми? Эшитганмисиз?

– Биламан, – деди қиз.

– Мен ўшандан зўрроқман! Сергей Есенинни биласизми?

– О, албатта, билмай бўладими! Жуда яхши биламан, шеърларини ўқиганман...

– жонланди қиз...

– Мен ундан сал пастроқман... – деди Толя кулимсираб.

Ҳаммамиз қаҳ-қаҳ отиб юбордик!”

**1965 йил 5 октябрь, чоршанба**

“...Улкан адиб, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан Тошкентнинг Санъат саройида юбилей кечаси бўлиб ўтди. Саройнинг катта зали одамга тўлиб кетди. Ойбекка “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” юксак унвони берилди. Бешкалдан отам ва онамлар ҳам келишди, ўзим таклиф қилдим, Бешкалга борганимда шу ҳақда гаплашиб қўйгандик. Улар билан залда бирга ўтириб тантанани томоша қилдик. Кеча таассуротларга бой бўлди. Отамга ҳам, онамга ҳам ёқди.

Кечада Ойбек ҳақида қутлов сўзлари айтилди, шеърлар ўқилди, қўшиқлар янгради. Кўп таникли кишилар сўзга чиқиши. Ойбек домла саҳнада рафиқаси олима Зарифа Сайдносирова билан бирга ўтирилар, аммо гапирмадилар. Унинг сўзини адиб ва шоир Ҳамид Гулом ифодали ўқиб берди...”

**1965 йил 5 декабрь, якшанба**

“...Амалиёт ойларини ўтказиб Тошкентдан Москвага қайтдим.

Чол Аристотелнинг (милоддан аввал 384-322) “Поэтика” асарини ўқиб чиқдим. Ақлли бўлган қурмағур Чол! Кўп нарсага ишлаган экан унинг ақли! Платон, билим борасида поэзия ўқувчига ҳеч нарса беролмайди, ҳатто инсон қалбини, юрагини бўшаштиради, деган экан. Аристотелнинг фикри эса аксинча. Унга кўра, поэзия инсон ҳисларини билуроийлаштиради, асабга, психикага яхши таъсир қилади. У умуман санъат асарларини тақлид санъати, деб санайди...”

**1966 йил 30 январь, якшанба**

“...21 январдан бошлаб Бобораҳим Машраб ҳакида достон ёзишга киришдим. Ҳозир маромига етиб қолди... Бу ишдан ёки ажайиб нарса чиқади, ёки ҳеч нарса чиқмайди. Лекин ўртамиёна асар эмас! Бунга ишончим комил...”

**1966 йил 26 апрель, шанба**

“...Эрталаб Тошкентта самолётта билет олиш учун Пушкин майдонига, аникроғи, “Известия” газетаси биноси ёнидаги авиакассага йўл олдим. Байрамлар арафасида билетлар ҳам танқис бўлади, эртароқ бориш керак. Лекин, у ерда таниш қизим бор, кўп билет олавериб сўз танишиликдан ўтиб, кўз таниш бўлиб қалинлашиб кетганмиз. У менга албатта ёрдам беради.

Ҳар сафаргидек касса олдида одам кўп. Мен одамларнинг елкаси оша бўйин чўзиб: “Мен келдим, битта билет керак”, дегандай таниш қизимга бир кўриниши бериб кўйдим. У менга қандайдир меҳри товланиб, ички бир қайишиш билан, жони ачиғандай бўлиб қаради. “Тушундим...” дегандай бош тебратди. Бунга эътибор бериб ўтирамдим.

Ёнимдаги икки одам қизғин сўзлашишар, ора-орада “Тошкент, Тошкент” дейишарди. Улар ҳам Ўзбекистонга боришишкоғи шекилли... Тошкентта борадиган одамлар кўп, ишқилиб билет менга ҳам қолсин-да, деб ичим ғимирларди.

Таниш қизим билет қилиб берди. Аммо ҳеч нарса демади, менга аввалгидаи раҳмдиллик билан, жони ачиғандай қараб кўйди, холос. Мен унга миннатдорлик билдириб, хотиржам ташқарига йўналдим.

Одамлар “Известия” газетаси биноси ёнидаги киоскдан бугунги газетани олишга шошилишар, дарҳол газетани очиб, шу ернинг ўзида ўқишини бошлаб юборишар, беихтиёр улар ҳам “Тошкент”, “Тошкент” сўзларини айтишарди. Ҳайрон бўлардим. Бир лаҳза ёнимдаги одамнинг кўлидаги газетага қарадим. “Тошкентда кучли зилзила юз берди” деган хабарга кўзим тушди!

Шундагина, кассадаги таниш қизимнинг тутумини тушундим. Юмшоқ кўнгил қиз машъум воқеадан аллақачон хабардор бўлган, аммо мени авайлаб, бу ҳақда оғиз очмаган эди...

Гангид қолдим шекилли... Кошкийди, ҳозироқ учиб кетсан! Лекин самолётим тушдан кейин соат 16.30 да учади...

Тошкентта учеб келганимда вакт хуфтондан ошган эди. Шаҳар безовта, ҳар бир хонадонда бесаранжомлик ҳукм сурар, ором-фароғат деган нарсалардан мутлақ йироқ эди...”

**1966 йил 27 апрель, якшанба**

“...Машъум ҳодиса шу куни тонгда соат бешдан йигирма уч дақиқа ўтганда юз бериди. “Известия” газетасининг ёзишига кўра, асосан “сомонли Тошкент” (саманный Ташкент) зилзиладан қаттиқ зарар кўрган эмиш... Тўрт одам нобуд бўлганмиш (лекин, тўртами, қирқтами... у ёғини Худо билади, чунки ҳеч тўғри гап ёзилмайди)... Юрагим орзиқди, сомонли Тошкент, бу... Эски шаҳар дегани бўлади-ку!

Тарихда, Ўрда маҳалласи, Анҳор сойи чегара бўлган, 1865 йилда шаҳарнинг донишманд улуғлари оқ пошшонинг босқинчиларига Эски шаҳарга тегмасликни, янги шаҳарни Ўрдадан нари, Анҳорнинг ортида қуришни маслаҳат беришган. Зилзила маркази айнан янги шаҳар худудида, Қашқар маҳалласи остида жойлашган эди.

Мен оилам билан Кўкча маҳалласи Оқлон кўчасида ижарада яшардик, келганимизга кўп бўлгани ҳам йўқ. Ҳовли каттагина бўлиб, биз ўнг томонда, чап томонида эса ҳали уйи-жойи йўқ, уй кўришмаган тенгкурларим шоир Абдулла Орипов билан адабиётшунос Маҳмуд Саъдийлар ҳамхона бўлиб ижарада истиқомат килишарди.

Кечаси агар зилзила бўлса, чаққон ўзимизни бир четга олишга тайёр бўлиб, иссиқ кийинган ҳолда тўнга ўралганча ҳовлида ётардик.

Одамлар кўчаларга чиқиб кетган, чодирлар тикиб яшардилар. Узок-яқиндаги қариндошлар Андижондан, Бухородан, Самарқанддан бирин-кетин келиб туришарди. Кечга яқин Андижондан отам билан онам ҳаллослаб етиб келдилар. “Хайрият! Сен ҳам етиб келибсан... Соғ-саломат экансизлар!” – дея бағирларига босиб, юз-кўзимиздан ўпар эдилар.

Шу кунларда КПСС Марказий Комитети Бош котиби Л.И.Брежнев билан СССР Министрлар Совети Раиси А.И.Косигинлар Москвадан учиб келишди. Уларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи котиби Ш.Р.Рашидов кутиб олди. Тошкентни тиклаш, унга ёрдам бериш масалалари кўриб чиқилди. СССРнинг турли шаҳарларидан курувчилар командалари эшелон-эшелон бўлиб оқиб кела бошладилар.

### 1966 йил, 21 июль, шанба

“...Ёзувчи ва шоирларимиз зилзила ва халқнинг қудрати ҳақида мақолалар, шеърлар ёздилар, халқнинг руҳини кўтаришга саъй-ҳаракат қилдилар. Шу паллалар академик шоирFaфур Ғулом оламдан ўтди<sup>31</sup>, зилзиладан хун бўлиб турган дилларни вайрон қилиб кетди...Бу билан ўзбек адабиётида могиканларнинг дунёдан кўз юмишларини бошлаб берди, шундан кейин бирин-кетин Мақсад Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Ойбеклар оламдан ўтдилар, дейишиди донишмандлар. Ўзбек адабиёти боғи хувуллаб қолди...”

Ўзининг шарқона ҳикматларга бой шеърлари билан ўқувчилар меҳрини қозонаётган зукко шоир Эркин Воҳидов “Палаткада ёзилган достон” номли асарини ёзи ва унда қизиқ лутфдан ўринли фойдаланди. Достонда икки одам сухбатлашиб қолади. “Эшитдингми?... – дейди бири иккинчисига. – Красницкий (машхур футболчи) трамвай олибди!” Иккинчиси жавоб беради: “Қанақа трамвай? Трамваймас, овсар, травма олган!..” “А-а...” – анграяди биринчи одам.

Машхур рус шоири Андрей Вознесенский “Тошкентга ёрдам беринг!” номли достон ёзи ва асарда: “Он – анкета” (У – ҳали анкета) сўзларига ургу берди. Тошкент ҳақида қилиниши керак бўлган ишлар ҳали – анкета (яъни қофозда) эканини – уни тўлдириш учун катта қадамлар ташлаш кераклиги ҳақида бонг урди.

Тошкентда кўп бинолар курилди, улар зилзилада бошпанасиз қолган оилалар

<sup>31</sup> Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло ўзининг “26-тонготар” достонида зилзиланинг тинмаганидан озурда бўлган Faфур Ғулом, менинг жонимни олгину юртимни тинч кўй, дегандай ер қаъридан жой олди, деб ёзади (*Muxarrir*)

учун бунёд қилиниши белгилаб қўйилганди. Лекин кўп уйларга ёрдам беришга келган қурувчиларнинг ўзлари жойлашиб олганлари ҳам маълум бўла бошлади.

Мен беш йиллик таҳсил йилларимни якунлаб, қўлимга тўлақонли мутахассислик васиқасини олиш учун диплом ишимни ёқлашга Москвага жўнаб кетдим”.

### **Шароф Рашидов тухфаси**

Достонлар ёзганимдан сўнг катта жанрда – шеърий роман ёзиш фикри туғилди. Бунга ўзгалар томонидан тарихимизга адолатсиз ёндашувлар, қарашлар сабаб бўлди. Шу пайтлар хукмрон мафкура доирасида шундай фикр бор эдики, гўё эрк, озодликка интилиш, курашчанлик туйғуси фақат тўлақонли халқларга хос, бундай халқлар капитализм даврини бошдан кечиради, бу йўлда революцияларни босиб ўтади. Мисол килиб, француз (1789, 1848, 1871) ва рус (1905, 1917 февраль, 1917 октябрь) революциялари тарихини дастак қилишади.

Ўзбек халқи эса феодализмдан тўғри социализмга сакраб ўтган миллатлар қаторида саналади. Бу ҳам камситишнинг бир йўли, нохолис ёндошиш, балки писандизлик билан қараш ҳосиласидир. Ахир учдан бешга албатта тўртни босиб ўтилади-ку. Сакраб ўтишнинг иложи йўқ-ку. Бу – жамиятнинг темир қонуни.

Мен ўзбек халқи тарихининг уч босқичини олган холда (1898 йиллар, Андижон қўзғолони, 1916 йил – Жиззах қўзғолони), унинг эрк, озодликка интилишини, бу унинг қонида бор эканини уч авлод (Азимбой, Кудрат, Фарҳод – ота-ўғил-набира) мисолида кўрсатишни ният қилдим. Ўн йил вақтимни бердим. Азимбойнинг пири сифатида Дукчи эшон образи романдан жой олган.

Бир нарсани айтиб қўйишим керак, романни ёзишга мени илҳомлантирган зот – отажоним эдилар. Отам роман воқеаларининг кўпини гапириб бергандилар, ўша давр ҳақида тасаввурга эга бўлишимда ёрдамлари катта бўлганди. Отам Андижон қўзғолонидан бор-йўғи ўн икки йил кейин туғилган эдилар-да.

Романдаги учинчи босқич Кўқон муҳториятига бағищаниши лозим эди. Лекин мафкура тазиики нуқтаи назаридан 1917 йил Тошкентда аслида бўлмаган революция қаламга олинган. Чунки қўлимга тушган тарихий материаллар соҳта бўлиб, шундай манзарани кўрсатарди. Романнинг ҳозирги нашрларида бу хато бартараф этилган, қайта кўрилган, тузатилган ва сохталиклар қисқартириб ташланган.

Асарнинг фабуласи мураккаб эмас: шаҳриҳонлик шоиртабиат Насриддин деган содда полвон йигит (Насриддин Афандини эсланг) “Туркистоннома” деган достон ёзмоқчи бўлади. Аниқроғи, “Туркистоннома” яратиш – шаҳриҳонлик бой Азимбой фикри. У Насриддинга шу вазифани юклайди. Шоир кўп машаққатларни бошидан кечиради, лекин достон ёзишга вақти бўлмайди, балки қурби етмайди. Умри кураш билан ўтади. Ниҳоят 1925 йилда Бухорода Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси эълон қилинган олий анжуманда қатнашиш унга насиб этади. Ва... бирдан англайдики, у ёзмоқчи бўлган, Азимбой орзу қилган достоннинг номи “Ўзбекистон” экан! Демак, унинг умри бекор кетмабди!

Бу – фабула, лекин шу баҳонада асарда Дукчи эшон воқеасини ёритиш ва унинг ман қилинган номини ёзиш (адабиётда илк марта!), Кудратнинг (яъни бойларнинг) жадидлар билан яқинлашгандарини кўрсатиш (жадидларни ҳам у пайтлар айтиб бўлмасди) асарга имкон қадар жадидлар Абдулла Авлоний, Сидиқий Ажзий, Ҳамза, Чўлпонлар образларини киритиш (бу ерда Бегали Қосимовнинг катта ёрдами ва маслаҳатларини айтиб ўтаман) халқимиз тарихидаги муҳим нуқталар – Андижон ва Жиззах қўғолонларининг даҳшатли фожиаларини тасвирилаш, уйғониб

келаётган ўзбек бойларининг маърифатпарварлигига ургу бериш ва ҳоказоларга имкон туғилди.

Шеърий романнинг биринчи қисми, Дукчи эшон воқеалари ёритилган “Сукунат” “Шарқ юлдузи” журналининг 1973 йил сонларида (қолган икки қисми 1979 йилда) эълон қилинди. Шуни айтиш керакки, асарнинг дунё юзини кўришида журналнинг ўша вақтдаги Бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчisi Мирмуҳсиннинг хайриҳоҳлиги, бегараз ёрдами алоҳида эътиборга сазовор. У ижодий маслаҳатлар ҳам берди, кўллаб-кувватлади. Агар Бош муҳаррир рози бўлмаса, асар журналда босилмайди. Мисол учун, Мирмуҳсин муҳаррирлик қилган вақтда Абдулла Қаҳҳорнинг шов-шув бўлган “Синчалак” қиссаси “Шарқ юлдузи” журналида эълон қилинмади...

Шеърий роман китоб ҳолида устоз, Ўзбекистон халқ ёзувчisi Комил Яшин сўзбошиси билан 1979 йилда босилиб чиқди, ҳозиргача ўзбек тилида тўрт марта чоп қилинди.

1984 йилда шеърий роман рус тилига талантли рус шоираси Марина Кудимова томонидан таржима қилинди ва нашр этилди. Романга замонанинг машхур шоири Евгений Евтушенко ижобий тақриз ёзди. Асарга йигирмадан ортиқ мақолалар бағишлианди. Уларнинг ичida Б.Қосимов, М.Юнусов, П.Шермуҳамедов, В.Оскоцкий каби таниқли олимларнинг таҳлилий мақолалари бор. Ёш тадқикотчи Лола Аҳророва “Боқий дунё” шеърий романни бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади...

Шу пайтларда қадимги ҳинд эпоси “Рамаяна”га “ишқим” тушиб қолди. Табиатан эпик асарларга мойиллигимдан бўлса керак. Уларда тасаввур уфқи кенг бўлади. Таржима устида беш йил иш олиб бордим. Таржима шунчаки таржима эмас, балки улкан изланишлар, янгиликлар, билимлар, тадқиқотлар майдонидир. Шундай бўлди. Эпос менинг таржимамда 1978 йилда босилиб чиқди, унга академик Воҳид Зоҳидов сўзбоши ёзди. Кўп илиқ гапларни айтди. Ўкувчилар яхши кутиб олди. Таниқли олимлар Ғайбулла Саломов ва Нажмиддин Комиловларнинг эпос таржимасига бағишлиланган ижобий таҳлилий мақолалари эълон қилинди.

Биз ёшу кекса ижодкорлар ўша пайтларда ўзимизнинг янги китобларимизни маънавий ҳисобот сифатида улкан адаб ва давлат арбоби, юрт раҳбари Шароф Рашидовга тухфа қиласидик. Бу яхши одат эди.

Мен ҳам “Рамаяна” китобидан бир нусхани олиб, улуғ арбоб назарига киритиб юборишга журъат этдим.

Кўп ўтмай, республика раҳбари мени ўз хузурига таклиф қилаётганларини айтишди. Бу ҳақда “Шароф Рашидов тухфаси” номли мақоламда ёзганман. Қисқача айтсам: Шароф Рашидович таржимани ўқиб, мамнун бўлганини билдирган, таржима устида неча йил ишлаганимни сўраган ва менга бир совға тайёрлатиб қўйган экан.

Бу олтин пероли ручка эди, ёзуви билан... Уйимда сақлаб қўйибман. Бу ҳақда адабиётшунос олим ва таржимон Асил Рашидов “Акам ҳақида” номли китобида батафсил ёзган.

Олтин пероли ручкани олиб, ташқарига чиқдим ва ўйладим: “Шароф Рашидов гўёки менга: “Ёш экансан, салоҳият соҳиби, гайратинг бор, “Рамаяна”дай мураккаб асарни тилимизга таржима қилибсан. Ҳозир меҳнат қиладиган давринг келибди, мана сенга ручка, ёз, ёзавер! Колгани ўзи келади...” деб рағбат берган эканлар...”

Улғ эпос таржимаси ва “олтин ручка” тухфаси ўша даврда кутилмаганда ўзига хос катта воқеа бўлди. Жамоатчилик сидкидилдан табриклади. Фалончилар олиши керак эди, бу олибди, деганлар ҳам бўлди. Эл оғзига элак тутиб бўлмас. Ўкингандардан кўра қувонганлар кўплиги кишини хурсанд қиласди. Отам, Хосият отин энам, қариндош-уруглар жуда қувониб кетиши. Чунки ижодкорлар орасида бирон қалам соҳиби ҳали бундай эъзозга сазовор бўлмаган эди.

### Эр-хотиннинг уруши...

Бу воқеалардан икки йил олдин Раҳима опамнинг ўғли, тўнгич фарзанди Ҳумоюн, мени “ака” дейди, қишлоқдан келиб қолди. Ҳали мактаб ўқувчиси бўлса ҳам, жуда хушёр, ўзини катта одамлардай тутади, ҳозирдан иши пишиқ, шеърлар машқ қиласди. Кўриб қувонаман.

Раҳима опам билан опа-ука яқин ва сирдошмиз. Орамизда икки ёш фарқ бор холос. Опам отам-онамга, биз – укаларига жуда меҳрибон, жонини нисор қиласдиган даражада фидойи аёл эди. Ҳамманинг ишидан, дардидан воқиф, кам-кўстидан хабардор, боши қотганларга Убайдулла акам билан бирга иккови одил ва оқил маслаҳатчи...

Убайдулла акам ҳамиша хотиржам, унинг бирон кун жаҳли чиққанини, овозининг кўтарилганини, асаби ўйнаганини зинҳор кўрмаганман. Худонинг бир беозор бандаси. Ҳозир 94 ёшдалар. Яшаш формуласини адашмай топиб, акам яхши ўзлаштирганлар чамаси. Бу албатта донишмандлик белгиси.

Гоҳи ўйлаб қоламан, нега Раҳима опам ўз оиласини ҳам унугиб, даставвал бошқалар – укалар, фарзандлар, набиралар ташвишини чекади? Опам бундай хислатни Хосият энамдан, отамдан, онамдан олган. Ота-онам ўтганларидан кейин, опам бизга ҳам ота, ҳам оналик қиласди... Бу кейин.

Опам ниҳоятда меҳнаткаш, бу борада онамга ўхшарди. Уйни жуда саришта тутарди. Кутилмаганда келиб қолсан, кўп вақт ўтмай, чой қўйиб-қўймай, дастурхонга тандирдан узилган иссиқ ёғли патир келтириб кўярди. Бироздан кейин бир сават тўла тандир сомса ҳам тайёр бўларди. Жуда мазали сомсалар. Опам қачон улгурди экан, деб ҳайрон бўлардим. Ҳар гал шундай манзарани кузатаман.

Ҳумоюн укам опамнинг бир топширифи билан Тошкентга жўнабди. Опам менинг тезлик билан етиб келишимни тайинлаган экан. Боришим керак эмиш. Ҳеч кутилмаган ҳодиса юз берибди: отам билан онам ўртасида гап қочиб қолибди... Нима гаплигини опам, аканг келганда ўзига айтаман, деганиш.

Кайфиятим тушиб кетди. Отам – буюк одам, онам – улуғ одам. Сал кам кирқ йилдан бери тотувлик билан яшаб келаётган, ўн фарзанд кўришган, не-не йиллар орага бирон марта ҳам ола мушук йўламаган иноқ оиласида нима бўлди экан? Сабаб нимада?..

Ота-она кўпинча болалари туфайли баҳсга берилишади ёки қариндош-уругларнинг ўпка қилиб, куруқ даъволар қилишлари ё хотинга, ё эрга тегиб кетади-ю, “сен-мен”га бориб қолишади. Ёки... рўзғорда йўқчилик юз берса... Лекин бундай сабаблар билан чиқкан келишмовчиликлар “дока рўмолнинг қуриши”га ўхшаган тезда унутиладиган ҳолатлар... Опамнинг “тезлик билан етиб келсин” деганига кўра, бу ерда масала чуқурроқ шекилли...

Дарҳол Ҳумоюн билан вокзалга бориб, водийга кетадиган бир машинани тутиб, йўлга чиқдик. Кетгунча хаёлим отамда, онамда...

Манзилга етиб борганимизда кун гарбга оға бошлаган эди. Поччам Убайдулла акам ва опам билан хол-ахвол сұрашдык.

Салом-алиқдан сүңг биринчи саволим шу бўлди:

– Нима бўлган экан, опа? Отам билан онам... сабаби...

– Уларнинг урушиб қолишларига сабаб, болалар ёки қўшнилар, қариндошлар, рўзгор юмушлари ҳам эмас... – Опам баъзўр жилмайди. У айтишга қийналарди. – Сабаби бутунлай бошқа...

– Айтақолинг, опажон... – сабрсизланар эдим мен.

– Сабаби... Навоий экан! – ерга қаради опам.

– Навоий?!.. Аллоҳ ўзи кечирсин! Қандай қилиб?.. Ҳеч нарсани тушумайман... Ақлимга сифмайди! Ё раббий! Бирорга айтсангиз, ишонмайди... Бу воқеага Навоийнинг қандай алоқаси бор экан?

– Билмадим.... Лекин қаттиқ урушиб қолдилар... қаттиқ... – Раҳима опам ийғламсирай бошлади. – Ишқилиб ажрашиб кетмасалар бўлди... Онам сеникига кўчиб кетаман, деяптилар...

– Ие! Йўғ-е!.. Ҳали шунақами?.. Нимага?.. Нега?.. – тилимга сўз келмай қолди.

– Қани, опажон, ака, тезда уларнинг олдиларига борайлик.

Кейин маълум бўлишича, отам билан онам хушнуд онларнинг бирида одатдагидек кундалик турмуш, болалар тарбияси, уларнинг ўқишилари, қариндош-уруғлар ҳақида гаплашиб ўтиришган. Кейин сухбат мавзуи узоқ тарих, олдинги ва кейинги ўтган воқеаларга кўчган, гап авлиёларга, сўфийлар, шоирларга келиб қолган.

Отам авлиё Фавсул-аъзам бобо кароматларидан гапирган, кейин Ином Бухорий, Махдуми Аъзамлар ҳақида ҳикоя қилган. Онам улуғ шоирлардан сўз очган, бунда албатта, Хосият отин энамнинг китоблари ва ҳикояларини кўп эшитганлари учун Яссавий, Машраб, Сўфи Оллоёр, Ҳувайдо, айникиса, Навоий ҳақида тўхталиб, уларнинг барчаси авлиёлар, сўз билан каромат кўрсатгувчи ализлардир, деган...

Отам бирдан:

– Навоийдан гапирма... У авлиёларга кўшилмайди! – деб сўзни кесиб ташлаган!

Онам бундай гапни сира кутмаган экан, ҳайратда отамга қия боқкан-да, вазмин эътиroz билдирган:

– Ҳай-ҳай! Ундей деманг! Коп-катта одам... Гуноҳ бўлади... Эл-юрт эшитса нима дейди? Эл қулоги элликта...

– У авлиё эмас! Ҳеч қачон авлиё бўлмаган! – туриб олибди отам. – “Бобурнома”да ўқиганман. Ўғил-қизи ва аҳли аёли йўқ, оламда ёлғиз ва танҳоликда умр ўтказган... У уйланмай ўтган! Авлиё эмас!

Онам бу гапга нима дейишини билмай қолибди!

– Тавба, деб гапиринг, Раҳима! Бекорга гунохга ботасиз! Навоий жуда тақводор киши... – Онам қизиша бошлабди. – Қачондир яшаган улуғ одамлар ҳақида бу ерда ўтириб олиб, билиб-бilmай ҳар хил гапларни айтиш кишига муносибми? Бундай гапларни бошқа гапирманг! Болаларнинг кулогига тушмасин...

Отам маҳалла-кўйда, давраларда, тўйда-базмда, сухбатларда бўлган вақтларида жуда кам ҳолларда унинг сўзига эътиroz билдирилар, умуман билдирилмасди ҳам. Ҳамма ҳақиқат сифатида қабул қиласарди.

Онам ҳам ҳеч қачон отамнинг сўзига қарши чиқмаган, жим қулоқ солган. Лекин у Навоий ҳақидаги адолатсиз фикрга эътиroz билдиримай туролмади...

## Мұхаммад АЛИ

Улуг инсонларнинг қисмати шундоқ. Одамлар уларнинг юз фазилати бор ҳолда, битта камчилиги бўлса, у камчилик тўғрими, тухматми, текшириб ўтирамайдилар, аввало ўшанга диққатни қаратадилар. Уларга миш-мишлар қўшилиб кетади ва бу нохолис қарашлар эл ичидаги ёйила боради...

– Навоий танҳо ўтган бўлса, уни айблаш эмас, сабабини топиш керак. – босиқ деди яна онам. – Навоийнинг Гули деган қизни яхши кўргани маълум-ку! У қиздан айрилгандан кейин ёлғиз ўтишга аҳд қилган...

– Тўқималарингни йиғиштириб қўй! Жуда доно бўлиб кетибдилар-ку! – гапи ўтмаётганидан отамнинг жаҳли чиқа бошлади. – Сиз биласиз, биз билмаймиз... Отинчанинг қизиман деб, гапираверасанми?

– Отинчанинг қизи бўлсан, нимаси ёмон?.. – бу сўзлар онамга тегиб кетди. – Коп-катта одам... Доим шундай дейсиз... Бу дашномлар қачон қолади?

Чамаси, илгари ҳам бирда-ярим онамнинг отинча қизи экани писанда қилинган бўлса керак... Баҳсадан тинкаси қурий бошлаган онам, шартта деди:

– Бўлди, қизимнига бораман, ўша ерда тураман... Ёки, ўғлимнинг олдига Тошкентга кетаман. Битта қорним тўйиб қолар...

Вазиятнинг бундай кескин бурилиб кетишини сира кутмаган, онамнинг нозиклик билан қизим, ўғлим, деганини эшишиб қўзлари пакиллаб, юраги ғимирлаб қолган отам бир нима дейищдан ожиз эди. У ўзининг ноҳақ эканини тушунди, лекин эгардан тушгиси келмасди.

– Сиз гапиринг... Кейин биз қўшиламиз.. – аста қулоғимга шивирлади опам.

Енгил йўталиб қўйдим-да, сўзга оғиз очдим:

– Энди... Ҳм-м... Аллоҳнинг ўзи кечирсин... Ота-онага насиҳат қилиш болаларнинг иши эмас, бу гуноҳ бўлади... – дедим мен босиқ ҳолда, ўзимни сипо тутишга тиришиб, опамга қараб бошқаларга билдирамай ўнг қўзимни бир қисиб қўйдим... – Бизларни гуноҳкор қилиб қўймайсизлар, деган умиддамиз... Тилагимиз шу. Худои таоло, илоҳи, ҳеч банданинг бошига бундай кунларни солмасин. Бизнинг сўзимиз асло насиҳат эмас, балки қаттиқ илтимосу илтижо холос...

Сўздан тўхтадим. Сал мулоҳаза қилиб олишсин, деган ният ҳам бор эди. Ҳеч ким чурқ этмасди.

– Фарзандларингиз сизларни бош устида тутади, – давом этдим мен, яна ҳам босиқроқ оҳангда. – Ҳар иккингизни бирдай севамиз, хурмат қиласиз, эъзозлаймиз. Бирингиз отамиз, бирингиз онамиз эканингиздан чексиз баҳтиёрмиз... Сизлар бизларнинг ҳаётимиз осмонида қўш юлдуз бўлиб порлаб нур сочасизлар, шундан ҳаётимиз тинч, хотиржам ва обод...

– Осмонимизда қўш юлдуз эмас, балки қўш офтоб! – сўзимни кесди овози титраб, йиғлаворай-йиғловорай деб турган опам. – Бахтимизга омон бўлинглар ва бирга қўша-қаринглар! Хурсандчиликлар, яхши ишлар олдинда, мана... Солиҳабону тўйи фатволарингизни кутиб турибди, ўзларингиз бош бўлинглар, тўйни ўтказайлик...

Опамнинг Солиҳабону тўйини эслатишлари ҳам отамга, ҳам онамга фавқулодда нозик таъсир қилганини сездим. Опамнинг зукколигига ичимда тан бердим, жуда вақтида топиб гапирдилар... Ўрнига тушди. Вазиятни мутлоқ бошқа изга солган ҳол юз берди. Отам билан онам шундай қарасалар – Солиҳабону, Рустамбек, Мадаминжон, Азамат, Ҳабибулла ва Иброҳимжонлар – бари уларга илтижо билан тикилиб турардилар. Онамнинг қўзларига ёш келди, отамнинг юраги бўшаши...

Онам ўрниларидан турдилар-да, тавозеъ ва ҳурмат кўргизиб, икки қўли билан отамнинг ўнг елкасини силаб тавоғ этдилар, кейин юзларига фотиҳа тортдилар:

– Эй Тангри таоло, бизларга инсоғ бергин, тавфиқ бергин, тўрт кўз тугал тинч қилгин! О-в-мин!

Ҳаммамиз дуога қўл кўтардик. Ҳар биримиз отамни, онамни қучиб бағримизга босдик, кўнгиллар енгил тортгани чеҳраларимиздан билинарди. Елкамиздан тоғ ағдарилгандай бўлди. Бир неча кун олдин Хосият отин энам Кушқўноққа қариндошлариникига кетган экан.

Кўнглим ёришиб, Тошкентга қайтдим. Фурсат ўтказмай дарҳол Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳабbat” китобини укам Азаматдан (у ирригация институти талабаси эди) бериб юбордим ва отамга ўз қўлинг билан топширасан, деб қаттиқ тайинладим.

Отам мазкур китобни ўқишибди, ҳар куни китоб вараклар экан. Авлиёларнинг турмуш-ҳаёти отамни ўзига тамом ром этиб қўйибди!

Бир ойдан кейин келганимда, отам “Насойим ул-муҳабbat”ни иккинчи марта ўқиётган эканлар.

– Ўғлим, Алишер Навоий авлиёларнинг авлиёси эканлар-ку! Бизлар билмаймизда! – деди отам самимий. – Калласи катта ўзбекман-да, онанг билан бехуда тортишиб юрган эканман. У ҳақ экан! Хижолат бўламан...

Отам мени қаттиқ бағрига босди.

### Қишлоғим

Бизнинг қишлоқ ўз номи билан Бешкал. Эмишки, бир пайтлар юрг оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев қишлоғимизга келиб: “Қишлоқ номини ўзгартириш керак. “Бешкал” бўлмайди, “Бешгул” денглар! Каналнинг тагидаги “Бештентак” қишлоғиниям айтдим, ўзгартиришсин.” – деб тайинлаган экан Раҳмат каттамга. Иттифоқо, ўша пайтлар Бештентак қишлоғидан Бешкалга келин тушган экан. Шўх аёллар:

“Бештентакдан Бешкалга

Келин тушди, ёр-ёр”, –

деб ёр-ёр айтишган экан ҳаммани кулдириб.

Тўлан Низом билан иккимиз буни ўзгартирмоққа киришдик. У “Нозли Бешгул қишлоғим” деб шеър тўкиди, мен эса “Бешгул” достонини ёздим... Лекин “Бешкал” номи ўзгармай қолаверди. “Бештентак” – ҳозир ҳам ўша “Бештентак”...

Бешкалликлар “кал” лақабини оғир олишмайди, бу ном бизларга ёпишиб қолган. Уларнинг бир фазилати – бу ҳазилларни самимий тушунишларида.

Тўғри, каллар бор, туғма, ўйма кал ёки темиратки оқибатида пайдо бўлган каллар... Лекин Бешкалда ундейлар йўқ, аммо тепакаллар бор. Тепа кал бўлиш эса ақлнинг кўплигидан нишона, дейди Бешкалнинг донишмандлари...

Биз ака-укалар, қариндош-уруғлар орасида ҳазил-мутойиба жуда кучли эди. Аския руҳидаги бундай гурунглар айнан бизларга хос. Тошкентдан келганимда, албатта, ҳамма йигиларди, бундай йигинлар ота уйимизда, Мадаминжонникида, баъзан Райимберди акамникида бўларди. Райимберди акам: “Шоир укажоним кулчатойни яхши кўради, ўзим меҳмон қиласман”, дер, ҳар доим келишимга уйида қадимий таомлардан тансиқ кулчатой пиширирар, бутун қариндош-уруғларни чакиртиради.

## **Мұхаммад АЛИ**

Даврада факт нуфузли “каллар” – Райимберди акам, Абдуқаҳхор акам, Абдусалом, Абдуғофир, Рустамбек, Мадаминжон, Азамат, Абдужалил, имкон топишса Ҳабибулла, Иброҳимжон, Ҳумоюнлар ҳам қўшилиб қолишарди. Муҳим жойи, давра бирорнинг устидан эмас, ўз устидан куларди. Бу ерда бегуборлик биринчи ўринда. Чунки мард одам ўз устидан кула олади, ўзига бошқа одам қўзи билан қарай олади.

– Мана, қаранг: – дейди Абдуқаҳхор акам бундай самимий гурунгларда, – калларнинг ҳам тури қўп: чўнг кал, дўнг кал, тақир кал, пашша қўнса, тийғаниб кетади, чиччанг кал, инжиқ кал, гаранг кал, таранг кал ҳам бор... Кейинги пайтларда кар кал тоифаси қўпайиб бормоқда, карис кал, бу – Азамат... у чайир кал ҳам. Мадаминжон – шиппанг кал, тез ҳаракат қилади, Абдужалил энди у умуман, аввал бошдан кал, фирт кал. Қаттиқ кал, мулойим кал, қайсар кал – энди буни биласизлар, бу борада Рустамбекдан ўтадигани йўқ... Тажанг кал... Бунга ўзим номзодман... Ҳеч кимга бермайман. Яна сипо, сертавозе кал бор... Бу – албатта Райимберди акам... Энди ҳар бирингиз ўз тоифангизни билиб олдингиз, деган умиддаман...

Гуриллаган кулги кўтарилиди. Айримлар ётиб олиб қорнини ушлаб юмалаб кулишарди. Баъзилар бир-бирига: “Сен қайси калдансан?”, “Тоифанг нима?” – деб қитмир саволлар беришарди.

– Бир кун Мадамин акам менга гапириб қолди, –гапга аралашади Ҳабибулла.  
– “Шу, Абдужалилга қўнғироқ қиласман, ҳеч эшитмайди-да..” Мен дедим: “Э, ака! Билмайсизми, Абдужалил акам ўша машхур гаранг Абдураҳмон сўфининг жуда суюмли невара куёви бўлади ахир!”

Тагин кулги янгради.

– Қадимда подшолардан бири, фуқароларининг ақли-фаросати қандай эканини пинхона синамоқчи бўлибди, буни Аҳмадқўл акамдан эшитгандим, – Райимберди акам гапни тугатмоқ пайида, сўзни қадимдан олди, чунки бу ёғи вақт тигиз: кулчатойнинг шўрваси пишган, Буойша келинбувимиз гўштларини, шапалоқ хамирини олиб келмоқчи бўлиб турибди, унинг устига, қорин ҳам сурнай чалмоқда.  
– Фармон билан мамлакатнинг кунчиқишидан бир одамни, кунботишидан иккинчи одамни олиб келдилар. Қаҳратон қиши эди, ҳар иккисига қирқтадан кўрпа берилди ва очиқ ҳавода совуқда ухлаб, тунни ўтказиш шарт қилиб қўйилди. Ақлсизи қирқта кўрпани тўшаб, тепасига чиқиб ётди ва тезда совқотиб пастга тушиб уйга кириб жон сақлади. Ақллиси эса битта кўрпани ерга ёзиб, қолган ўттиз тўққизини устига ташлади ва эрталабгача маза қилиб ухлади...

– Ақлли экан, яшаворсин-е!

– Ака! – деди қув Абдуқаҳхор акам ўшли кўзларини артаркан. – Мабодо... ўша ақлли одамнинг кимлигини суриштириб кўрмадингизми?

– Йўқ... Нимайди? – сўради Райимберди акам...

– Суриштириб кўринг, ўша албатта кал бўлиб чиқади!

Ҳамма қийқирганча хохолаб кулиб юборди.

## **Отам билан сұхбатлар**

Баҳорнинг охирлари қимизак олма энди пишган паллалар... Рафиқам Манзурахон, қизларим Наргиза, Нодира, Дилбарлар (Азиза ва Комронлар ҳали туғилмаган) “Жигули”да Тошкентдан эрталаб йўлга чиқиб, Қўқонда, баъзан Янгиқўргонда,

ўзимизга маъқул хушманзара ерларда тўхтаб, дам олиб, асрга қолмай она Бешкал қишлоғимизга кириб борамиз.

Йўлимида – Учкўприк, Бувайдада яхши ораста қассобхоналар бор. Дўконлар кўп. Уйга бозорлик қилиб оламан. Ўнта нон, тўрт-беш килодан шакар, конфетлар, ўн килодан ун, гурунч, беш шиша писта ёфи, ўн юмалоқ кўк чойни машинага солиб кўяман. Ва албатта, гўшт дўконидан танлаб тўрт-беш кило (битта сон) кўй гўшти, икки кило думба ёғи оламан. Манзурахон танлашади. Отам кўй гўштини ниҳоятда яхши кўради. Айниқса, кўй гўштили юпқа шўрвани жуда ёқтиради.

Бир куни отам расулуллоҳ саллалоҳи алайхи васалламдан шундай нақл сўйлаб берганди:

– Йигинда саҳобалардан бири, расули акрамдан: ”Дунёда ниманинг гўшти ширин?“ – деб сўрабди. Пайғамбаримиздан: ”Энг ширин гўшт илвасинники!“ – деган жавоб бўлибди. Шунда менга ўҳшаган шошқалоқроқ саҳоба: ”Илвасин, дедилар... Кўй гўшти-чи, расулуллоҳ, кўй гўшти?...“ – деб юборибди. ”У... дори-ку... гўштмас...“ – дебдилар пайғамбаримиз хотиржам. Саҳоба ҳайратда қотиб қолган экан.

– Яхши келдингизми, ўғлим? – сўради отам. – Йўлда кийналмадингизларми? Раҳима, набираларингга қара!.. Хўш... нима олиб келдингиз, ўғлим?

– Бозорлик қилдим, отажон... Гўшт олдим, қўчқор гўшти. Қуйруқ ёғидан ҳам келтирганман.

Отамнинг чехраси очилди:

– Баракалла, ўғлим! Гўштни опке! Бир ўзим кесиб берай...

Мадаминжон дарров дастурхон ёзди ва гўшт тахтани келтирди.

Отам ёнидан ўзининг дандон сопли пичогини чиқариб, ихлос билан гўштни майдалай бошлади. Ишни саранжом қилгач, онамга тузлаб кўйишни тайнилади ва думба ёғига ўтди. Қуйруқдан парча-парча кесиб, ”Ma!..“ – деб ҳаммамизга биттадан узатди. ”Буни еб олинглар, болаларим, чайнаб ўтиранг, шундай оғизга солиб ютиб юборсанглар, бўлди. Бу – куч, кувват дори!“ – деди отам. Бу одатимиз эди, болалигимизда ҳам шундай қиласдиқ, шу йўсинда кўйнинг қуйруқ ва ҷарви ёғларининг кўпини еб юборганимиз.

Бир ойдан кейин келганимда, йўлда аксига олиб, қассобхоналарда яхши кўй гўшти учрамади. Мол гўшти олишимга тўғри келди. Билмайман, отамга ёқадими, ўқми... Келганимиздан отам хурсанд.

– Нима билан келдингиз, ўғлим? – деб сўради ҳар галгидай.

– Шу... келаётсам... яхши кўй гўшти йўқ экан-да... – дедим хижолат. – Борлари ҳам янгимас, таровати йўқолган, қўкариб қолган гўшtlар... Бир-икки жойдан сўрасам, ҳали сўймадик, дейишди. Лекин ёнгинада яшнаб турган янги мол гўшти кўзга ташланди.... Кўриб, хомлигичаёқ еб юборгинг келади. Шундан тўрт кило олдим-да, ота. Куруқ келмай деб...

– Бўпти, насиба-да... Ўзларинг кесиб қўяверинглар!.. – Отам гўштга қараб ҳам қўймади.

Кейин бирдан ўрнидан туриб, қани ўғлим, бу ёққа юринг-чи, деди-да, мени уй орқасида бўй чўзган бир туп олма дарахти томон бошлади. уни ”Отамнинг қимизак олмаси“ дер эдик. Олмалар пишиб, тугаган пайт. Лекин дарахтнинг энг тепасида тўрт дона пишиб етилган қип-қизил олма кўзни олгудай товланиб турарди.

Отам олмани кўрсатиб деди:

## Мұхаммад АЛИ

– Бу сизларнинг олмангиз-да, сизларнинг ризқингиз, иншо Аллоҳ!

– Бизнинг ризқимиз?..

– Ҳа-да!.. Олма түккандан бери қўриқчилик қиласман, қишлоқнинг болалари шу ерда, олмага там кирди, дегунча, кесак отиб тушириб еб кетишади. Аммо айтиб юриб, шу тўртта олмани сақлаб келяпман...

– Узок умр кўринг, отажоним! – дедим қўнглим бўшашиб.

Отам уйнинг орқасида бир жойга яшириб қўйган узун ёғочни олди-да, олмаларни секин туртиб пастга тушира бошлади. Барчасини ерга тушишга қўймай ўзим илиб олдим.

Отам олмалардан бирини топ-тоза қилиб артиб менга узатди:

– Ўғлим... шу олмани еб олинг... Мен бир кўрай...

– Еб олақолинг, ўғлим!

Ортимга қарасам, онам турибди, нарироқда Манзурахон...

– Отангиз уйда йўқ вақтларда олмаларга мен қараб турардим-да... Мен ҳам нечта шумтакаларни қувганман бу ердан!

– Хўп, отажон! Хўп онажоним!

Корним тўқ бўлса ҳам, иккита олмани пақкос туширдим. Олмалар бир ширин эдики, бундай мева фақат отанинг боғида пишишига фавқулодда имон келтирдим.

Қолган икки олмани Манзурахонга узатдим...

– Аллоҳга шукр! Ота-онамизнинг умрлари узок бўлсин, илохи! – деди рафиқам, қўлини кўксига қўйиб...

Эртасига эрталаб отам, ўғлим келди, ўзим гуручи ўрмалаб кетадиган бир қулинг ўргилсин, қўлбола ош пишириб берай, деб қолди.

Ўчоқ олдида турган онам буни эшитиб, ёнидаги Раҳима опамга шивирлади: “О-ов, коп-катта одам, жим ўтирасалар бўлмасмикин... овора бўлмай... Ошни ўзимиз ҳам пишираверардик... Энди хеч ким тинчмайди...”

Отамнинг қарори қатъий эди. Ош ҳаракатини бошлаб юборди, ҳамманинг вазифасини белгилаб берди:

– Азамат, ўғлим. Пулни ол, югур, дарров Собиржон қассобдан бир кило қўй гўшти, бир кило ёғи билан сотиб олиб кел! Раҳима қизим, қозонни ювиб юбор! Рустамбек, ҳов ўтиналарни бу ёққа опке, ўчоққа ўт ёқасан. Солиҳабону! Мадаминжон уканг билан сабзини тўғраб келинглар. Абдужалил сен пиёзни тайёрла!

Қассобхона ҳам узок эмас, шундок муюлишда. Азамат олиб келган гўшт-ёғни отамнинг ўзи ошбоп қилиб тўғраб чиқди.

Ўчоқда ўт гуриллаб ёнмоқда. Ёғ қозонга солинди, кўп ўтмай жizzга ликопчага олинди. Гўшт ташланди, кейин пиёз... Отам капкирда қўзгаб турибди. Жиз-бизнинг ёқимли ҳиди атрофга тарала бошлади.

Бир пайт отам капкирни қидириб қолди:

– Капкир қани? Ким олди капкирни? Мана шу ерда турувди... Раҳима қизим, сен кўрмадингми?.. Э... топинглар капкирни! Гўшт куйиб кетади ахир! Истопилло!..

Ҳаммамиз ҳар ёққа тирқираб капкирни қидиришга тушиб кетдик. Ҳатто сўрида ўтирган Хосият отин энам билан онам ҳам капкирни ахтара бошладилар. Капкир, ер ютиб кетганми нима бало, хеч қаерда йўқ эди!

Отам бўғилганча ўрнидан туриб кетган, кўзлари олазарак бўлиб атрофга қаради. Аммо капкир топилавермасди.

Бирдан зийрак Солиҳабону қичқириб юборди:

– Отажон! Отажон! Капкир белингизда турибди! Ана! Белбогингизга қистириб қўйибсиз! Ана, капкир!

Отам дарҳол капкирни оларкан:

– Ким капкирни бу ерга қўйди?... – деди. Кейин жилмайди: – Яхшики, қўйибман, шу ерга қўймасам, капкир йўқолиб қолиши аниқ эди...

Ҳамма хайрият дегандай хўрсиниб қўйди. Отам тезда қозонни кавлай бошлади.

– Куёвингиз қозон қолиб, нақ дунёни қовуриб юборай дедилар-а! – деди онам Хосият отин энамга қараб. – Хайрият, топилди. Шунга ошни ўзимиз қиласиз, девдим-да...

Зирвак тайёр бўлиб, гуруч солинди, Орада отамнинг: “Сувни опке!” “Ўтни торт!” “Рахима, тузини қўриб бер!”, “Солиҳабону! Дам товоқни тайёrlа!” – деган сўzlари эшитилиб турди. Ҳеч ким тин билмади. Нихоят бутун уй пиширган ошга дам қўйилди...

Отам елпинганча, сўрига келиб ўтириди.

– Раҳима, энди бу ёғи сенга... Ўн беш минутда ош тайёр бўлади, ўзинг бузасан! – деди отам қилган ишидан мамнун. – Ҳов сафардан мен олиб келган чарх товоқقا солгин ошни, тушундингми?

– Хўп бўлади! – жавоб қилди онам.

Чарх товоққа ярашиб турган ош чиндан ҳам хуштаъм, ширин чиқибди. Ҳаммамиз маза қилиб едик. Таъми оғзимизда қолди.

– Ош нихоятда ширин бўлибди, отажон! – мақтадим мен самимий. Бошқалар ҳам миннатдорлик сўzlарини айта бошлади.

Отам ошдан қўлини тортиб, сочиққа артар экан, секин ўзини орқага олди ва мамнун деди:

– Ҳа, ошда ҳам ош бор-да! Ўзинг пиширган ошга не етсин!..

Ана шундай оилавий йиғилган ҷоғларимизда отам кўп ривоят ва ҳикоялар сўйлаб берарди.

### Манзурам

Отам ҳали талабалик йилларимда бир ажойиб ривоят айтиб берган эди. Жуда гаройиб ривоят. Унга кўра, ҳали бандалар туғилмай туриб, Парвардигор даставвал уларнинг руҳини яратар экан, эркак руҳи, аёл руҳи... Руҳлар эмин-эркин олам осмонини тутиб ётаркан. Эркак руҳи ўзига ёккан аёл руҳига яқинлашиб бошини бир силаб тўхтайди. Бу унинг ҳаётда битта никоҳ билан ўтишини билдирав экан.

Баъзан икки марта силаб тўхтаркан, шунда қўл аёл руҳининг елкасига тушаркан. Бу унинг умрида икки марта уйланishiiga ишора... Гоҳи уч марта, бунда қўл аёл руҳининг белигача етади. Демак, у уч марта уйланади. Баъзан тўрт, беш марта ва ҳ.к. шундай ҳол рўй берар экан... Буни тақдир, пешона, дейдилар.

Пурмазмун ривоятга кўра, каминанинг руҳи биринчисида бешубҳа шошқалоқликка йўл қўйиб, панд еб қолганлар сафига қўшилганидан сўнг, иккинчи марта силашга мажбур бўлиб, қўлини аёл руҳининг елкасига етказиб, хайрияtkи, тўхтатган экан...

Биз Манзурахоним билан яхши оила қурдик. У – хушрўй, чиройли қиз... Собир тогамнинг кенжা қизи. Доим у ҳақда ўжар, инжиқроқ қиз, деган гап юради. Кўнгил бунга қарайвермас экан. 1974 йилда тақдир тақозоси билан бизларни унаштирилар, бунда Хосият отин энам бош-қош бўлди.

Собир тоғам күп йиллардан бери мироблик қиласы, Катта Фарғона канали бўйида яшар, ҳовли-чорбоги боғу чаманзорга, бўстонга айланган, тоза ҳаволар яйраб эсадиган маскан эди. Суҳбатларида Украина га опасини йўқлаб бориб келгандар ҳақида гапириб берарди.

Болалигимизда тез-тез у ерга бориб турардик. Борган кезларимизда ҳар гал у жой Андижондан ё Фарғонадан келган меҳмонлар билан банд бўларди.

Манзурахон ана шу бўстонда туғилди. Бир ярим яшарлигида тоғамнинг Хонойим деган жияни қизни катта қиласы, деб тоғамдан сўраб олди, чунки бу палла чақалоқнинг онаси Адолат хола оламдан ўтиб қолган эди...

Тўйимииздан олдин мен Манзурахонни қизиқтириш учун, Тошкент ҳақида сўзлаб бераман, катта шаҳар, биз яшайдиган уй ёнидан катта сой оқиб ўтади, нарироқда катта кўча бор, Навоий номи билан аталади, Ҳамза театри шундоқнина кўриниб туради, дейман. Бу сўзларимдан катта шарқираган каналнинг бўйида ўсиб вояга етган Манзурахон хаёлида ёқимли манзаралар жонланади.

Тўйдан олдин Тошкентнинг Эшонтўпи маҳалласидан ижарага бир жой топдим, Ёқуб ака деган жуда яхши, одамохун, меҳрибон одамнинг уйи экан. 1903 йилда қурилган, ака-укалар ҳовлиси бўлган. Эски, аммо синчли уй, бир даҳлиз, бир катта хона. Яхшилаб таъмирлатдим.

Манзурахон келганда аҳволдан огоҳ бўлди. “Уйнинг ёнидан катта сой ўтади” деган сўзларим ҳам эсида эди, афсуски, сой дегани, оқава зах сувлар оқадиган чуқур ташландик ариқ экан... Ўйланиб қолди.

Мен зимдан кузатиб турибман... Ўпка-гина бўлади, деб тургандим, йўқ, Манзурахон фахму фаросати ўткирлигини намоён қилди, шароитни кўрдию индамади. Бир оғиз ҳам, “Мени қаерларга олиб келдингиз?” дея юзимга солмади! Ичимда ундан миннатдор бўлдим, ҳурматим, меҳрим ортди, аммо билдирамадим.

Нашриётда ишлайман, туш вақтида қўчанинг бу ёғига ўтиб, уйда тушлик қиласман. Икки қўзли газ аппаратимиз бор, баллон газида овқат пиширилади.

Айтиш керакки, Манзурахон пазандачиликда қўли гул эди. Таомлари ширин чиқарди. Мен эса хамир овқатларни яхши кўрардим.

Шундай кунларнинг бирида Манзурахон ихлос билан чучвара пиширди. Ишдан қайтдим, дастурхон ёнига тиз чўқдим. Қорин оч...

Одатда, овқатни менга косанинг каттарофига берар, ўзига чоғроғини танларди. У косага овқат қуяр экан, сабрим чидамай тезроқ олиб келинг, дердим. Қорнинг очганда ширин таом ейиш қанчалар роҳат!

Косани олдимга қўйиши билан, Манзурахоннинг келишини ҳам кутмай, ўзимни овқатга урдим! Бир қошиқ ичгандим... овқат жуда ҳам шўр экан, зинҳор оғизга олиб бўлмасди! Лекин косадан бош кўтармай ер эканман, ора-орада пинҳона кўз қиримни ташлаб кузата бошладим: хўш, Манзурахоннинг ўзлари нима қиласы эканлар, кўрайлик-чи...

Манзурахон бамайлихотир чой дамлади, кейин овқатини олиб келди... Бир қошиқ еб кўрди-ю тез қўллари билан оғзини ёпди, кўзлари аланг-жаланг бўлиб кетди!

Бу пайт мен косани бўшатиб бўлгандим:

– Яна борми?.. Жуда ширин бўпти-да... – дедим самимий, бир оғиз ортиқча сўз гапирмадим.

Манзурахон нима дейишни билолмай, ҳайрон бўлиб қолди! Унинг чиройли

кўзлари миннатдорлик, узроҳлик туйгулари ила ёшланганча хокисорона менга қараб туради... Уни таърифлашдан ожизман.

Кўп йиллар кейин икки ойлик Америка сафарига борадиган бўлдим. Сиэтлдаги Вашингтон университети профессори Илзахоним Сиртаутас<sup>32</sup> мени ўзбек тили дарсларига таклиф этганди. Илзахоним оиласиз дўсти эди.

Манзурахон билан ҳисоб-китоб қилдик. Уч қоп ун олиб келдим, бир қоп шакар, гуруч... чой, қанд-курс, ўн саккиз кило сариёф (бир яшикда бўлади), бошка харажатлар... Ҳаммасини қайта-қайта ҳисоблаб кўрдик. Аммо қоплашга 5 минг сўм пул етмай тураг эди. Бирордан сўрашни истамайман, чунки, ўзингда йўқ – оламда йўқ... Кейинги ҳафтанинг охирида жўнашим керак, йўл патта олиб қўйилган...

– Дадаси, – деди Манзурахон менинг қийналаётганимни кўриб. – Сиз бемалол бориб келаверинг, ўйлаб ўтирамнг, биз пулни тежаб, келгунингизгача етказиб турдамиз...

Ичимда, меҳрибон ва инсофли рафиқамнинг тутуми, одобидан беҳад қувониб кетдим. Манзурахон одамни тушунарди, вазиятни англаб иш юритарди. Бу – аёл киши учун муҳим фазилатлардан бири.

Отамнинг ажойиб одатлари бор эди, онам бирор ташвишдан сўз очсалар: “Худо бор, нима ғамим бор! Ўзи чорасини ўйлаб қўйган!” – дердилар.

Ростдан ҳам шундай экан. Ўша куни кечкурун “Офарин” танлови мутасаддиларидан бири (исми ҳозир эсимда йўқ, Фарруҳ Зокиров билан қандайдир алоқадордай эди, укаларидан бири эди шекилли) менга қўнғироқ қилди:

– Ассалому алайкум, Муҳаммад Али ака! Табриклайман! Танловда сизнинг шеърингизга айтилган қўшиқ биринчи ўринни олди. Эртага оқшом соат 19.00 да “Туркистон” саройида тақдимот бўлади. Шунга сизни таклиф қиласиз!

Мен дарҳол жавоб қилдим:

– Йўқ, укажон... Бу ерда англашилмовчилик бор. Мен қўшиқ ёзмайман. Биринчи ўринни олган шеър менини эмас. У Муҳаммад Юсуфники бўлиши керак, уни чақиринглар!

Телефонда кулги овози эшитилди.

– Ҳамма гап шундаки, – деди овоз. – Муҳаммад Юсуфнинг ўзи, бу шеър Муҳаммад Али акамнинг шеъри, деялти, у бизда жюри аъзоси-ку!..

Бу гапдан кейин боришга тўғри келди. “Туркистон” саройи лиц одамга тўла экан. Игнани ташласанг ерга тушмайди.

Чиндан ҳам, бир шеърим қўшиқ бўлиди, номимиз ёзилган васиқа ҳам беришди. Жиззахдан Фарҳод Иброҳимов деган ёш йигит чиройли ижро этибди. Бизни саҳнага таклиф килишибди, қутлашди, қарсаклар янгради...

Ўйга қайтаётгандим, “Офарин”нинг мутасаддиси мени кузатаркан хижолатомуз деди:

– Узрли ҳол юз берди, Муҳаммад Али ака... Кечирасиз-да... Бизга ҳомийлик килаётган фирма ишида мушкуллик юзага келиб...

– Тинчликми, ишқилиб? – сўрадим мен ташвишланиб.

– Тинчлик, тинчлик... Шу... Биринчи ўринга 10 000 сўм мукофот белгиланган эди, денг, фирма чорасизликдан 5 000 сўм бераман, деб турибди-да...

<sup>32</sup> Илзахоним Сиртаутас – (1926-2019) машхур туркшунос олима, таржимон. Вашингтон университети профессори, Ўзбекистон Миллий университети Фахрий доктори.

## Мұхаммад АЛИ

– Ҳеч қиси йўқ, бўлиб туради, – дедим мен. – Насиб этганига шукр деймиз.

Хуллас, душанба куни келиб айтилган пулни олиб бориб Манзурахоннинг қўлига топширдим. Фойибдан келган пулдан рафиқам ҳам ҳайратда қолди. Парвардигор ўзи чорасини топган эди...

Худога шукр, бешта фарзандимиз бор, тўрт қиз, бир ўғил: Наргиза, Нодира, Дилбар, Азиза ва Комрон.

Манзурахон билан биргалашиб Тошкентда ҳовли-жой қилдик, шуниси эътиборлики, ҳовлимиз лойиҳасини Манзурахоннинг ўзлари чизиб бердилар! Уйни шу лойиха асосида қурдик, уй битгунча (ўн йил давомида) Манзурахон – “прораб” мақомида иш юритдилар, биз эса, Худога шукр, у кишининг ҳайдовчиси ҳам ғазначиси бўлиб хизмат қилдик...

Тўрт қизни чиқардик, қизларим ва қуёвларим: Наргиза – Жасурбек, Нодира – Улугбек, Дилбар – Валихон, Азиза – Мұхаммад. Ўғилни уйладик: Комрон – Гулжаҳон. Ўн бешта набиралик бўлдик, ўғиллар: Шоҳжаҳон, Нуриллахон, Амирхон, Наимхон, Довуд-Темурхон, Мустафо, Жавоҳир, Бобурхон. Етти қиз: Паризод, Шахризод, Тўмарисбону, Фарангиз, Нафиса, Ясмина, Шамсиқамар.

### Ўзанида оқади ҳаёт...

Тошкентдаги Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ўн саккиз йил меҳнат қилдим. Оддий ходим, мухаррир, бўлим мудири, бош мухаррир лавозимларида ишладим. Устимдан имзосиз хатлар ёзишар, кўпинча улар ўз тенгкурларимдан ёки ишхонамдагилар бўлибчиқар, у пайтлар бундай хатлар инобатга олинарди. Хат ёзган одамларни билсан ҳам, тахмин қилсан ҳам, вақтимни кеткизиб, ундайларга асло иддао қилиб юрмадим, бир оғиз ҳам гапирмадим. Ҳақорат қилганларга ҳам сукут сақладим, чунки шундай қилинса, ўша одамнинг ҳақорати нишонга тегмай ўзига қайтиб боради. Лекин бир нарса аниқ: кимнидир бадном қилиш учун қўлга қалам олмайман, йўқ, мен фақат бор гапни ёзаман холос.

Шароф Рашидов дунёдан кўз юмгач, биз унинг замондошлари ва шогирдлари кувинга учрадик. Улардан бири менман (Шароф Рашидов ахир каминага “олтин перо”ли ручка берган, ҳаммаси ҳисобда!) 1985 йил мартада нашриёт раҳбарига ноилож ишдан озод қилишларини сўраб, ариза бердим.

Ярим йил ишсиз қолдим. Ёзган асарларим, таржималарим босилмайди, мақолаларим чиқмайди. Ҳатто яқингинада, бор-йўғи бир йил-ярим йил олдин, ўзларидан ўт чиқиб, ижодим ҳақида юксак оҳангларда мақолалар ёзган (яна айтаман, у пайт “от устида” эдим-да!) баъзи танқидчилар энди: “Биз фалончига катта баҳо бериб юборган эканмиз...” – (ундан бирор “Ёз!” деб сўрамаган бўлса ҳам!) – деб, ўзининг айтган сўзидан қайтган мунофиқлар тап тортмай мақолаларини Тошкент ва Москва газеталарида эълон қилдилар...

\* \* \*

Шундай маломатли кунларда мендан ҳам кўра кўпроқ руҳан қийналган одам – рафиқам Манзурахон бўлди. “Энди нима қиламиш?” – дер эди муштипар аёл.

“Ҳали вақт келади, ҳаммаси яхши бўлади!” – деб уни юпатардим ва бунга ўзим қатъий ишонардим.

Кунлардан бир кун мени Ёзувчилар союзига чакириб қолишиди. Союз раиси Ўлмас Умарбеков қабул қилди.

Ўлмас Умарбеков дилбар ёзувчи, бутун шахс эди. Мен уни хурмат қиласадим. Хали ўкувчиликмда унинг “Хатингни кутаман” ҳикоясини “Қизил Ўзбекистон” газетасида ўқиб, кўп завқланганим эсимда. “Одам бўлиш қийин”, “Ёз ёмғири” ва бошқа асарларини қизиқиши билан ўқиганман. Унинг ёзиш услуби енгил, ўкувчи дилига яқин.

– Бўлаётган гапларга парво қилманг! – деди Ўлмас ака кўнглимни кўтариб.  
– Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, кун ора десак ҳам бўлади, Москва газеталари мени дўйпослаб ётиби. (Ёзувчи Комил Икромовнинг Ўлмас Умарбеков ҳақида “Советская культура” газетасида босилган “Фигура умолчания” – “Ишоралар тимсоли” мақоласи назарда тутилмоқда.) Ёзувчи бир-икки йил ҳеч кимга қўринмай ҳам кетаверади, у бир роман ёзади-да! Катта асар. Сиз кўнгилни чўктирманг, сизни командировкага юборамиз. Жиззах ва Қашқадарё вилоятларига бориб чўлқуварлар билан учрашиб, яхши очерклар ёзиб келасиз...

Ўлмас ака котибани чакириб бош ҳисобчини сўради, у ҳам, иттифоқо, қабулхонада ўтирган экан, ёки уни раис олдиндан чакиртириб қўйганми, билмадим. Бош ҳисобчи киргач, буюрди:

– Мухаммад Али, етук ижодкоримиз, қалами ўткир, Жиззах ва Қашқадарёга бир ҳафтага хизмат сафарига борадилар. Ҳозироқ ҳужжатларни тайёрланг, йўл харажатларини беринг, эртагаёқ йўлга чиқсинлар!

Шуни айтишим лозимки, бошимизга машъум кунлар соя соглан пайтда, бизни эслаб, хабар олган биринчи одам олийжаноб қалбли инсон, машхур адаб Ўлмас Умарбеков бўлди. Шу палла мен, хали хизмат сафари экан-ку, ана бу тогни парчалаб ташлаш керак, деса, шартта отланадиган ҳолатда эдим. Бундан, айниқса, рафиқам Манзурахон мамнун бўлди, ранглиги ранг кириб қолди.

Сафардан ёзиб келган очерким “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида биринчи марта эълон қилинди... Газетада Одил Ёкубов бош муҳаррир эди.

1985 йил сентябрь ойи келди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фаолиятимни обдан текшириб кўрди шекилли, мени Ўзбекистон телевидениесига Адабий-драматик кўрсатувлар редакциясига Бош муҳаррир этиб тайинладилар. Ҳайрон бўлмадим. Мен кўнглимнинг тубида қачондир шундай бўлишига қаттиқ ишонардим.

Мен телевидениеда “Унтилмас сатрлар”, “Бир асар тарихи” рукиларини очдим. Кўрсатувларни олиб боришга Бегали Қосимов ва Абдулла Ориповларни таклиф қилдим. Улар рози бўлдилар ва бу вазифани аъло даражада адо эта бошладилар. Ҳар икки кўрсатув ҳам тезда телетомошабинлар меҳрини қозона олди.

“Бир асар тарихи” кўрсатувида муайян асар танлаб олинади, бир ёки икки адабиётшунос, ёзувчи таклиф этилади, сухбат асар ёзилиш тарихига бағишлианди. Орада ўша асардан икки чиройли саҳна танлаб олинниб моҳир актёрлар томонидан ижро қилинади. Натижада томошабинга асар ҳақида иложининг борича тўлиқ тасаввур беришга эришилади.

Келгуси ой режасига Абдулла Қодирийнинг “Мехробдан чаён” романига бағишлиган кўрсатув киритилди. Ўша кунларда Дўрмонижод уйига йўлим тушиб қолди ва у пайтлар Дўрмонижод уйидаги хонадонлардан бирида яшаб келаётган Пиримкул Қодиров билан кўришиб қолдик. Ҳол-ахвол сўрадим, гап орасида, кўрсатувга таклиф қилдим.

## Мұхаммад АЛИ

Күрсатув шунақа ажайиб чиқдикі, ўйлаган ишімдан ўзим ҳам хурсанд бўлиб кетдим! Пиримқул Қодиров – катта адіб-да, айтиш йўлини топади! Абдулла Қодирийнинг “Мехробдаги чаён” романі баҳонасида “мехробдаги чаёнлар “ҳақида гапириди!

Бу кўрсатув руҳи анча чўкиб қолган (аввалроқ “Юлдузли тунлар” романі нашри билан боғлиқ машмашалар адібни анча хоритган эди) унинг қаддини кўтартгандай бўлди ва кейин бошқа ноўрин тазииклар бўлганини эшифтадим.

1987 йилда редакциямиз телевидениеда илк марта Орол муаммосини кўтариб чиқди. Ташаббускори – ўзимизнинг таҳририят бўлди.

Уч юз метрли катушкані елкамга осиб, Қорақалпоғистондаги мухбиришимиз билан бирга Мўйиноққа бориб – биринчи марта – қирғоқдан юз қадамча чекиниб кетган денгизни, қумга ботиб ётган кемаларни тасвирга туширдик, эски балиқчилар билан учрашдик...

Қорақалпоғистон обкоми биринчи секретари Какимбек Саликов<sup>33</sup> билан келишган ҳолда, шу куннинг ўзида Нукус телевидениесида академик Собир Камолов, шоир Ибройим Юсупов, Оролни асраш қўмитаси раиси, профессор Пирмат Шермуҳамедов ва бошқа таниқли адилар иштирокида “Орол дарди – менинг дардим” (“Судьба Аラла – моя боль”) номли кўрсатувини уюштирудим.

Кўп ўтмай Тошкент давлат университети (хозирги Миллий университет) Маданият саройида “Орол менинг тақдиримда” номли катта адабий-маърифий учрашув ўтказдик ва уни тўлиқ тасвирга туширдик. Уч соатлик кўрсатувни монтаж қилиб бир ярим соатга келтирдик, аммо кўрсатув атай кундузи эфирга берилди. Бошқа вақт топилмади. Бу Орол мавзусида иккинчи кўрсатувимиз эди. Энди ўйлаб қарасам, жуда мисли кўрилмаган ҳодиса бўлган экан!

Учрашувга ўттиз икки ижодкорни – шоир ва ёзувчиларни таклиф этдим, ажабланарлиси, уларнинг ичидаги бир-бири билан сира гаплашмайдиган, юз кўришмас бўлиб кетган қаламкашлар бор эди. Катта мусибат ҳаммани бирлаштиришини шунда кўрдим. Машхур ҳофиз Шерали Жўраевни алоҳида таклиф килдим. У шу учрашувда илк бор ўзининг Орол фожиасига бағишлиланган гўзал қўшигини ижро этиб, ҳамманинг олқишини олди...

Телевидениеда ички тазииклар давом этди. Бошқа кўрсатувларимиздан, имловий хатолар излашиб, қилдан қийиқ ахтаришиб, камчиликлар топишиб 1988 йил баҳорида мени Ўзбекистон телевидениеси Адабий-драматик кўрсатувлар редакцияси бош муҳаррири лавозимидан озод этдилар.

### “Ўз-ўзингни англаб ет“

Шу паллалар Дўрмондаги ижод уйида туриб, ишга қатнаб, ўзимнинг насрдаги биринчи йирик асарим “Сарбадорлар” тарихий романини тугатиш ҳаракатида куйиб-пишардим. Тасодифни қарангки, телевидениеда мени ишдан озод этишган куни

<sup>33</sup> Какимбек Саликов талантли қозок шоири, давлат арбоби, узок йиллар КПСС Марказий Комитети аппаратида фаолият юритган ажайиб инсон, унинг халқчил шеърлари эл ичидаги машхур эди, “Жезкийик” деган китобини ўзбек тилида нашр этганимиз, “Жезкийик”, “Айналайин” каби шеърларини, “Хонатлас” достонини таржима килганман. Биз у киши билан яхши дўст, қадрдонга айланиб кетгандик. Каминага Москвада унинг хонадонида кўп марта меҳмон бўлиши насиб этганди. Какимбек Саликов 2013 йилда 82 ёшида оламдан ўтди. Бугун Какимбек оғага Остона шаҳрида ҳайкал кўйилган, Кўйкетов шаҳрида кўл бўйидаги кўча – “Какимбек Саликов соҳили” деб аталади.

Ижод уйига келиб, романдан мүлжаллаб қўйилган бобни ёздим. Ҳайратланарлиси, бу боб Темурбек иштирок этган “Жанги Лой” тасвиридан иборат бўлди. Ажабо, тасодифни қарангки, камина ишдан озод этилган куним, Соҳибқирон Темурбек ҳам Лой жангиди енгилиб, ортга чекинган эди! Буни тақдир, дейдилар.

1988 йил май ойи бошлари эди, уйда телевизор кўриб ўтиргандим, Москва Марказий телевидениесида ўша пайтда машхур бўлган “Позиция” қўрсатуви берила бошланди. Унда адиллар Г.Боровик ва А.Михайлловлар сухбат олиб боришарди. Сухбат орасида улар, худди жуда ҳам арзимас нарса ҳақида гапиргандай писандсизлик билан: “Самарқанд ва Бухородаги ёдгорликлар, кўхна биноларнинг ўзбек халқига ҳеч алоқаси йўқ...” – деган гапларни айтиб юбориши! Бу кўнгил косасини тўлдириб тоширган бир томчи бўлди. Бу энди бориб турган қип-қизил тухмат эди!

Дарҳол “Ўз-ўзингни англаб ет” номли эссе ёзишга киришдим. Бу ҳикмат Сукротники деб ҳисобланади, лекин у шогирди Афлотуннинг асарларида келтирилади, чунки Сукротнинг ёзма асарлари қолмаган. Сукрот ҳикматининг тўлиқ шакли эса: “Ўз ишингни қилгину, ўз-ўзингни англаб ет”.

Қаттиқ ишга киришдим. Битаётган роман бир четда қолиб кетди... Бир ой қимир этмай эссе билан шуғулландим. Тарих уммонига шўнгидим. “Турон” нима, “Туркистон” қай ер, турк тарихи ва ҳоказо. Қисинган халқимга, гўёки, тарихингни бил, улуғ тарихинг бор, ўзинг улуғсан-ку, халқим, шу ҳақиқатни англаб ет, демоқчи бўлдим...

“Ёш ленинчи” газетасининг бош муҳаррири Жаббор Раззоқов жасорат кўргизди! Эссени дадиллик билан 1988 йил 30-31 август кунлари “Ёш ленинчи” газетасининг икки сонида босиб чиқарди!

Оз фурсатдаёқ эссе шов-шувга айланди, газетанинг шу сонларини кидириб қолдилар, ксерокопияларда кўпайтирилган эссе ўқувчилар орасида кенг тарқала бошлади. Халқимиз илиқ сўзга, мададга маҳталу муҳтоҷ эди. Таҳририятга хатлар ёғилди. Газета менга мурожаат қилиб, шу хатларга жавоб бериш учун бир саҳифа ажратиб қўйганини билдириди.

Миллатнинг таниқли кишилари дарҳол эссега дикқатни қаратганлари эътиборли ҳодиса эди. Айтишларича, шу паллалар Қашқадарё вилояти обкомининг биринчи секретари бўлиб ишлаган, бир йилдан кейин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Биринчи секретари қилиб тайинланган, бўлажак Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов, эссени ўқиб, хурсанд бўлиб: “Бор экан-ку бизда ҳам шундай ёзадиганлар!” – деб фикр билдириган экан.

Худога шукр, хайриҳоҳлар кўп, айниқса ёшлар мен томонда эди. “Правда Востока” газетаси редакцияси кўп олимлар, арбоблар, газеталар муҳаррирлари, тарихчилар, ёзувчилар, ректорлар, яна бошқа зиёлиларга мурожаат қилиб, эссе ҳақида фикр билдиришни, агар лозим топилса, шунга қарши мақола ёзиб беришни сўрайди... Лекин жавобларда салбий фикр учрамайди, биронта киши мақола ҳам ёзмайди. Мақола ёзмаслик ҳам инсофинг яхши йўли.

Окибатда, газета бош муҳаррири Р.Сафаров ўзи “Чумчук сўйса ҳам...” номли мақола ёзишга мажбур бўлди ва унга “Р.Собиров” деган сохта имзо чекиб, “Правда Востока”, “Совет Ўзбекистони”, “Ёш ленинчи”, “Ҳақиқати Ўзбекистон” газеталарида бир кунда эълон килдириди... Битта мақоланинг бир кунда тўрт

## Мұхаммад АЛИ

газетада уч тилда босилгани, албатта, унинг махсус уюштирилганини яққол күрсатиб турибди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи мени ўша йили октябрь ойида улуғ шоир Низомий Ганжавий шеърияти кунларида иштирок этиш учун Озарбайжонга сафарга юборди. Сафардалик вақтимда, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан, эссени зудлик билан русчага таржима қилиб беришларини сўрашибди. Шу палла Марказий Комитетда эссени ўзбек тилида ўқий оладиган одам йўқ эканми, билмадим...

Сафардан қайтганимда, “Ёш ленинчи” газетаси бош муҳаррири ўринbosари, адаб ва журналист Қулман Очилов ташвишланиб менга деди: “ЎзТАГдан бир таржимон чакириб, таржима қилдириб бериб юбордим... Нозик жойларини қолдириб кетдим, ака...” Мен норози бўлдим. “Айни ўша жойларини бериш керак эди!” – дедим-да, ўзим ўтириб янгидан таржимага киришдим ва юборилган таржима тўғри эмаслигини, янги таржима эртага етказиб берилишини билдириб, Марказий Комитеттага телеграмма юбордим. Эртаси куни янги таржима манзилга жўнатилди...

Профессор Қозоқбой Йўлдошев ўзининг “Миллий хотиранинг бадиий ифодаси” мақоласида шундай ёзади: “...Мустамлака исканжаси ҳали жуда мустаҳкам бўлган 1988 йилда яратилган биргина “Ўз-ўзингни англаб ет” эссеси миллат аҳлининг ўзини таниш жараёнини бир неча йилга теззатди, деб бемалол айтиш мумкин. Унда ўзбекнинг қандай миллатлиги, уни қўшни халқлар билан терс қилиб қўйиш кимларга керак эканлиги тарихий далиллар асосида, синчковлик ва жасорат билан кўрсатиб берилган...”<sup>34</sup>

Бу машҳур адабиётшунос олимнинг ҳар хил тухматларга одилона жавоби эди.

## Хотима

Оила – яшнаб турган бир гул, ҳазон фасли яқинлашгач, аста-секин япроқлари битта-битта тўқилиб боради...

Осмон билан Ер, оқ билан қора, баланд билан паст, узун билан қисқа, кеча билан кундуз, эркак билан аёл, катта билан кичик, плюс билан минус, яхши билан ёмон... Бир-бирига интигувчи ва шунинг билан табиат мувозанатини сақлаб турувчи, олам тартибига равшанлик берувчи, коинотни бамисли занжирдек мустаҳкам тутгувчи илоҳий фазилатлар...

Буларнинг ичида Ота билан Онанинг қадр-қиммати бекиёс. Одам Ато билан Момо Ҳавога, Ота билан Онага Ҳақ-таолонинг хоҳиш-иродаси билан, инсоният жамиятини барпо этишдек улуғ вазифа юклатилган. Ота билан Она – олтин ҳалқани ташкил этади ва авлодларни авлодларга улайди, ўз умрларини ҳаёти дунёning гуркираб яшнашига, боқий дунёning боқийлига сафарбар этади.

Ҳеч эътибор берганмисиз: айрим хорижликлар ўзбекларнинг болажонликларини кўриб, ҳайрон қолишади, ўзларига ўхшаб, ўз ташвишини чекиб ҳаёт кечиришларини, яъни боласини вояга етказгач, уларнинг ташвишларини “унутиш”ни, ўзларини ўзлари идора этишлари лозимлигини тавсия қилишади ва ота-она ҳам ўзлари учун яшашлари кераклигини таъкидлашади. Шу сабабдан, болалар вояга етгач, ўз араваларини ўзлари тортиш билан банд бўлишади ва... қартайган ота-оналарини ҳеч изо тортмай қариялар уйига элтиб қўйишади...

<sup>34</sup> Мұхаммад Али. Танланган асарлар. Биринчи жилд. Т., 2011. 617-бет

Лекин ўзбеклар бошқача йўл тутишади.

Ўзбекларда ота-она болалари учун яшайди, бу ерда катта ҳикмат бор: отонанинг болалар учун яшагани охир-оқибатда ўзлари учун яшагани бўлиб чиқади.

Улар болаларини вояга етказади, оқ ювиб оқ тараиди, кийинтиради, тўқ тутади, ўқитади, уйли-жойли қиласди, тўйлар ўтказади, ана ундан кейин... бемалол набиралар билан шуғулланишга киришади! “Мен боламни, дейман, болам – боласини...” мақоли ўзбек халқи ичидаги жуда машхур ва ардоқли.

Ўзбекларда ота-оналари қартайса, қариялар уйига олиб бориш одати йўқ, бу фарзандларга умрбод иснод, тавқи лаънат ҳисобланади. “Қариси бор уйнинг париси бор” мақолига амал қилиб, қартайган ота-оналарини авайлаб пўпалайдилар, иссиқ-совукларидан хабар оладилар, бошларига қўтарадилар, хурматлари юксаклигидан қўйгани жой тополмайдилар. Сўзларига эъзозу икром кўргизиб қулоқ соладилар, маслаҳатларига муҳтоҷ бўладилар...

Бу ўзбек халқининг чинакам инсоний фазилатларидандир, бундай ҳаёт тарзисуми ўзбек халқини дунёнинг энг маданияти халқлари қаторига қўяди.

Ё раббий, фарзанд юкини асло оғринмай шунча фурсат ўз вужудида кўтариб юриш... Бу фидойиликка офаринлар бўлсин! Фарзанд – фарзанд эмас, у ҳам онанинг, ҳам отанинг эртаси, Инсониятнинг ҳам эртаси, дунёнинг келажаги!

Шу кундан бошлаб Она фарзанд учун яшай бошлайди, биринчи галда боласини ўйлайди, доим уни ҳимоя қилишга тайёр туради, агар касал бўлиб қолса бутқул оромини йўқотади. Аммо ўзининг ҳам оғриб қолиши мумкинлигини ёки ўзига ҳам шифо зарурлигини, бошқача айтсақ, ўз жони хузурини зинҳор ўйламайди. Парвардигор бу зоти аълога шундай тугамас сабр, қаноат, бардош, раҳмдиллик, меҳрибону мушфиқлик, кечиримлилик, фидойилик фазилатларини керагидан ҳам ортиқ ато этган! Бундай фазилатлар авлоддан авлодга ўтаверади, ўтаверади...

“Аллоҳ Таолонинг рози бўлиши Отанинг рози бўлишига ва унинг ғазаби ҳам Отанинг ғазабига боғлиқдир”, дейилади Расулуллоҳ ҳадисларидан бирида. Халқимиз учун “Ота рози – Худо рози” мақоли ҳам суюмли.

Чиндан ҳам, Ота оила кўргоннинг соябони, оила устуни, валинеъмати. Оилада тинчлик, барака, хотиржамлик, фаровонлик – бари Ота туфайли.

Қолаверса, Парвардигор мавжудотни бунёд қилганда, энг аввало эр кишини – Одам Отани – Отани! – яратгани ҳам бежиз эмас...

Оила – муқаддас бир карвон, Ота – ўша карвон сарбони. Карвон изидан карвон келади. Бир карвонда беш ўғил бўлса, уйланиб оила қуради, бешта карвонга бош бўлади. Шу тахлит келажакка йўл тутган карвонлар кўпая боради.

Аллоҳга шукрки, карвонлар асло тўхтамайди. Карвоннинг бошида – Ота, тахтиравонда эса маликаи мукаррама – Она ўтиради...

Оталаримиз, оналаримизга беадад шарафлар, офаринлар бўлсин, деймиз!

16 ноябрь, 2023 йил

Тамом



# АМИР МУЗАФФАРНИНГ ИЖОДКОР ФАРЗАНДЛАРИ

Шерхон ҚОРАЕВ

Бухоро амири Амир Музаффарнинг ўн тўрт ўғли бўлиб, шуларнинг тўрт нафари ижод билан шуғулланган.

Мангитлар сулоласининг ижодкор вакилларидан бири шоир Сайид Нуриддин тўра Амир Музаффарнинг иккинчи ўғлидир. Манбаларга кўра, “чор истилоси даврида ота (Амир Музаффар) ва тўнғич ўғил Абдумалик тўра ўртасида ихтилоф чиқиши натижасида Амир Музаффар уни тожу тахт вориси хукуқидан бутунлай маҳрум этади. Айни пайтда Чоржўй беги вазифасида турган бошқа ўғли – Нуриддинни тожу тахт вориси этиб тайинламоқчи бўлиб турганда, у тўсатдан вафот этади. Шундан сўнг бошқа ўғли – Абдулфаттоҳни тахт вориси этиб тайинлайди. Уни ҳатто 1869 йилда рус императори Александр III хузурига юбориб, тахт ворислиги учун розилигини олади.

Аммо бу ўғли ҳам тўсатдан вафот этади. Амир Музаффар бу жудоликлардан сўнг суюкли ўғли – Абдулаҳадни тахт вориси этиб тайинлайди”<sup>1</sup>.

Тарихчи Зиё Садр “Шарифжон Махдумнинг шахсий кутубхонаси” асарида мангитларнинг мазкур шоир шахзодаси – Сайид Нуриддин Тўра ҳақида сўз юритиб, мадҳ этади: “*Фасоҳат ва чечанлик майдони чавандози ва заковат ўлкаси ҳукмдори, хушибаёнлик тўпининг байроқдори, сухандонлик осмонининг юлдуз минган шоҳсувори, дилга ёқар шеърлар нозими ва олий байтлар шоири, кўпни билувчи фозил ва ширинзабон донишманӣ, бошдан-оёқ оқил саналган шаҳзода, яъни Чаҳоржўй (Чоржўй) волийси, салтанат меваси, одоб эгаси Сайид Нуриддин Тўрадир*”<sup>2</sup>. Бундан маълум бўладики, шаҳзода бадиий ижод билан шуғулланган. Ҳатто шеърларини тўплаб, девон тузган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

<sup>1</sup> Хайтова О., Курбонов Х. Кармана тарихи. Т.: “Mashhur-Press”, 2018. – Б.81.

<sup>2</sup> <https://kh-davron.uz/kutubxonan/uzbek/tarix/ziyo-sadr-sharifjon-mahdumning-shaxsiy-kutubxonasi-02.html>

**Шерхон ҚОРАЕВ** – филология фанлари бўйича фалсафа доктори. 1977 йилда тугилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. “Авлиёлар авлиёси”, “Навоий ўқиган китоблар”, “Навоий адабий мажслислари”, “Навоий мажслислари” каби рисолалари, эликка яқин асарлари, монографиялари, беши юзга яқин илмий мақолалари нашир этилган.

## Амир Музаффарнинг ижодкор фарзандлари

Амир Музаффархоннинг яна бир ўғли зуллисонайн шоир<sup>3</sup> Бухоро ҳукмдори Абдулаҳадхон ҳам “Ожиз” тахаллуси билан форсча-тожикча ҳамда ўзбекча шеърлар битган:<sup>4</sup>

*Қил мурувват ҳолима эй хўбларнинг сарвари,  
Токи бўлгай меҳнату андуҳ ҳижрондин нари,  
Ожизи бечорага кўрсат юзингнинг ахтари,  
Чеҳра кўрсат қўлма истигно Амирга эй пари,  
Кўрмаса бир дам қачон сабру қарори бор экан.*

Ўзбекча шеърлар ёзган Абдулаҳадхон Умархон Амирийнинг қатор ғазалларига муҳаммаслар боғлаган<sup>5</sup>. Муҳаммад Али Балжувоний “Тарихи нофей” асарида ҳукмдор шоирни “султони замон, шоири оғоқ ва даврон, булбули бўстон”<sup>6</sup> деб атаган. Девон тузган, “Абдулаҳадхон “Ожиз” тахаллуси билан танилган соҳибидевон шоир эди”<sup>7</sup>.

Манбаларда ёзилишича, Амир Сайид Абдулаҳад фикҳ, мантиқ, фалсафа илмларини устозларидан ўрганиб, адабиёт соҳасида чуқур билимга эга бўлган. Унинг саройи фозиллар, шоирлар, ёзувчилар билан доим тўла эди”<sup>8</sup>. Абдулаҳаддинг тарбиячиси бўлган Ҳамид Маъқул унда илмий қизиқишларни уйғотишига муваффақ бўлган. Амир Абдулаҳадхон жуда ўқимишли ва зиёли бўлган. Ўзбек тилидан ташқари форс ва рус тилини мукаммал билган. Фаранг тилида гапира олган. Араб тилида Қуръонни яхши ўқиган<sup>9</sup>. Амир Абдулаҳадхоннинг маданиятли, маърифатли ва одил раҳбар бўлганлиги Садриддин Айнийнинг “Эсадаликлар” китобида, Афзал Пирмастийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарларида ёритилган (Бухорода битилган байтлар, Т.:1962. – Б.110)<sup>10</sup>.

У ҳаёти давомида зиёли, илм-фан намояндадарини ўз атрофига тўплаган<sup>11</sup>. Адабий базмлар ташкил этган<sup>12</sup>. Мушоиралар ва шеърий баҳслар уюштирган<sup>13</sup>. Аҳмад Дониш адабий базмларни “ашула ва рақс” йигинлари деб атаган<sup>14</sup>. У ҳукмдорнинг отаси амир Музаффар ҳам ўғли каби айшу ишрат билан машғул

<sup>3</sup> Karayev Sh. The History of the literary nights of the poet Sayid Abdulahad Khan, the ruler of Bukhara Emirate. // International Journal of European Research Outrut. Impact Faktor.9.1. <https://ijaretm.com/index.php/IJERO/article/view/923>.Vol.2 December (2023). – Р.64 – 68.

<sup>4</sup> Амир Абдулаҳадхон ёхуд “Ожиз” ҳукмдор. // – Бухоро, Бухоро мавжлари, 2007. – №2. – Б.7-8.

<sup>5</sup> Кайюмов П. Тазкираи Қайюмий. Т.: Қўлёзмалар институти, 1999. – Б.460–463.

<sup>6</sup> Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофей. Т.: Академия, 2001. – Б.44.

<sup>7</sup> Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш., Ахмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т.: Манъавият, 2004. – Б. 25.

<sup>8</sup> Сайид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. Бухоро, 2004. – Б.68.

<sup>9</sup> <https://m.facebook.com/726997644080431/photos/a.729005473879648/1532782686835252/?type=3>

<sup>10</sup> <https://m.facebook.com/726997644080431/photos/a.729005473879648/1532782686835252/?type=3>

<sup>11</sup> Корәев Ш. Бухоро амири Абдулаҳадхон саройи адабий мухити ва шеърият кечалари тарихи / “Фан, инновацион техника ва технологияларнинг ривожланиши истиқболлари” номли Республика конференцияси материаллари тўплами. Қарши, ҚИАИ, 2023. – Б.648–651.

<sup>12</sup> Аҳмад Дониш. Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. Таржима, изоҳлар ва кириш сўз муаллифи Қ. Йўлдошев. Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси ДИН, 2014. – Б.124.

<sup>13</sup> Сайид Мансур Олимий. Бухоро – Туркистон бешиги. Бухоро, 2004. – Б.62–69.

<sup>14</sup> Аҳмад Дониш. Рисола ёхуд манғитлар хонадони салтанатининг қисқача тарихи. Таржима, изоҳлар ва кириш сўзи муаллифи Қ. Йўлдошев. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси ДИН, 2014. – Б.124.

## Шерхон ҚОРАЕВ

бўлганини ёзган: “Кеч киргач бир жамоа эркак ва аёл раққосалар, амир хизматидаги эркагу аёллар ўрда сахнига рақс ва ашула билан кириб келарди. Шаҳар аҳолиси эшитсин деб қўшиқ нақоратига баланд овоз билан “Хазрати олийлари саломат бўлсинлар” деб куйлаган. Бу мажлиснинг бошланиши хуфтон намозига азон айтилиш вақтига тўғри келарди”<sup>15</sup>. Тарихчи Ҳалим Тўраевнинг ёзишича, Амир Абулаҳадхон Карманада турган вақтида ўзининг Чармгар чорбогидаги саройида адабий кечалар ўтказиб, унга маҳаллий шоирлар ва шеърият ихлосмандлари, олим ва фозилларни таклиф қилган. Бундай мушоираларда Рудакий, Фирдавсий, Бедил, Ҳофиз, Алишер Навоий ва бошқа таникли Шарқ шоирларининг ғазаллари ва рубоийлари билан биргаликда сарой шоирларининг шеърлари ҳам ўқилган<sup>16</sup>. Бундай йигинларда Абулаҳадхон Ожиз ўз шеърларини ўқиб берар, адабиёт соҳасида чуқур билимга эга эканлигини намойиш қиласади.

Амирнинг севган шоири Шоҳин Малик бўлиб, у сарой шоири ҳисобланар эди<sup>17</sup>. У амирга багишлаб қатор қасидалар ёзган ва Чармгар чорбогидаги адабий кечаларда қатнашган<sup>18</sup>.

Амир Абулаҳад адабиёт ва санъат ихлосмандларидан моддий ва маънавий кўмагини дариг тутмаган. Бухоро шахрида энг бой шахсий кутубхона амирнинг қозикалони Шарифжон Маҳдум кутубхонаси ҳисобланган. Яна бири Абулаҳаднинг укаси Сиддиқхон тўра (таяхлуси Ҳашмат)га қарашли бўлган. Ҳашмат Карманада яшаган ва шахсан Амирнинг топшириги ҳамда унинг тарафидан ажратилган маблағларга қимматбаҳо қўллэзма китоблар йиққан<sup>19</sup>.

Афзал Пирмастий, Мулло Шариф Анбар, Мирза Шамсиддин Дойи, Муҳаммад Аминхўжа Эшон каби кўплаб шоирлар амир ҳомийлигида ижод қилган. Уларнинг ижодида Оллоҳ таолога илтижо, маъшуқани тасвирлаш, (хукмдорни) мадҳ этиш яққол кўзга ташланади<sup>20</sup>. Қаҳрамон Ражабов Амир Абулаҳадхон даврида унинг Бухоро ва Карманадаги саройларида тарихчи олимлар Аҳмад Дониш, Мирзо Азим Сомий Бўстоний, Мирзо Салимбек (Салимий), Муҳаммад Шарифхон (Садр Зиё), Ҳамид ибн Бақоҳўжа, шоирлар Афзал Пирмастий, Шоҳин Малик, Ҳожи Неъматулло Маҳдум (Муҳтарам), Мулло Абдураҳмон (Тамкин), Муҳаммад Содик Хўжа Гулшаний, Қори Раҳматуллоҳ Бухорий (Возех)лар яшаб ижод қилишганини ёзган<sup>21</sup>.

*Абулаҳадхоннинг разбат ва ҳиммати билан Афзал Пирмастий (1915 й.в.э.), Неъматулла Муҳтарам (1920 й.в.э.), Мирсиёддиқ Ҳашмат (Амирнинг укаси), Абди кабилар тазкиралар тузиб, анъанавий тазкирачиликни янги-янги асарлар билан бойитдилар*<sup>22</sup>. Маълумотларга кўра, “Бухоро амири Абулаҳадхоннинг тавсияси

<sup>15</sup> Кўрсатилган асар. – Б.87.

<sup>16</sup> Ражабов Қ. Амир Абулаҳадхон ёхуд “Ожиз” хукмдор. // – Бухоро, Бухоро мавжлари, 2007 йил, февраль. – №2. – Б.36–38.

<sup>17</sup> Иноятов С., Тўраев X., Ҳайитова О. Амир Абулаҳадхон даврида Кармана. Т.: “Шарқ” НМАК БТ, 2004. – Б.32.

<sup>18</sup> Ҳантова О., Қурбонов X. Кармана тарихи. – Т.: “MASHHUR – PRESS”, 2018. – Б.96.

<sup>19</sup> <https://m.facebook.com/726997644080431/photos/a.729005473879648/1532782686835252/?type=3>

<sup>20</sup> <https://m.facebook.com/726997644080431/photos/a.729005473879648/1532782686835252/?type=3>

<sup>21</sup> Ражабов Қ. Амир Абулаҳадхон ёхуд “Ожиз” хукмдор. // – Бухоро, Бухоро мавжлари, 2007 йил, февраль. – №2. – Б.36–38.

<sup>22</sup> Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У. Миллий уйгониши даври ўзбек адабиёти. Т.: Маънавият, 2004. – Б. 14-15.

билин Бухорода XX аср бошида Афзал Махдум Пирмастий тузган “Афзали ут тазкор фи зикриш шуаро вал ашъор” (“Шоирлар ва шеърлар ҳақида Афзал тазкираси”) деб номланган тазкирада XIX аср охири ва XX аср бошида яшаб, ижод қилган 135 нафар шоир ҳақидаги маълумотлар жамланган. Бу даврда яна қатор тазкиралар тузилиб, анъанавий тазкиранавислик янги асарлар билан бойитилган.

Хусусан, (Абдулаҳаднинг укаси) шаҳзода Саид Мир Муҳаммад Сиддик Ҳашмат тузган “Тазкират уш – шуаро” номли тазкирада Бухорода яшаб ижод қилган олтмишдан ортиқ шоир, уларнинг таҳаллуси, таржимаи ҳоли, машҳур шеърлари ҳақида сўз боради. Ҳожи Абдулазим Шаръий тузган “Тазкираи шуарои Абдулазим Шаръий” номли тазкирада XIX аср охирида Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда яшаб ижод қилган шоирлар ва олимлар ҳақида сўз юритилади. Неъматулла Муҳтарамнинг насрий матнда форс тилида ёзган “Тазкираи Ҳожи Неъматуллоҳ Муҳтарам” номли тазкирасида XIX аср ва XX аср бошида Бухорода яшаб ижод қилган шоирларнинг таҳаллуси, исми, насаби, ёзган асарлари тўғрисида маълумотлар келтирилади. Охиз таҳаллусли амирнинг шеърларидан ҳам намуналар келтирилган.

Абдий Мирабдуллахўжанинг “Тазкираи Абдий” (Ёки “Тазкират уш-шуарои мутааххирини Бухоро”) ҳамда “Тазкират уш-шуаро” (1904) номли тазкираларида Амир Абдулаҳад даврида яшаб ижод қилган 118 нафар шоир ҳақида маълумотлар жамланган<sup>23</sup>.

Нақл қилинишича, шоир ва тарихчи Мирзо Сомий қариган чоғида Абдулаҳадхоннинг саройидан қувилади. У саройга қайтиш ва олдинги мавқенини тиклашга анча ҳаракат қилган. Саёҳат қилишни хуш кўрадиган ва саёҳатлари ҳақида китоблар ёзган Амир Абдулаҳад назарига тушиб учун араб ёзувчиси Ҳусайн ат-Тавиронийнинг саёҳатга бағищланган асарини таржима қилиб, таржимасини Абдулаҳадга бағищлайди. Бундан ташқари, ўзининг “Миърот ал-хаёл” асари билан ҳам худди шундай йўл тутади. Асарининг бошида, охирида ва маҳсус бобларда Амир Абдулаҳадни хушомадгўйлик билан мақтайди:

*Вале маҳдуми ман шахсест доно,  
Суханро назди у қадрест воло.  
Дилаш аз гармийи маъни ба чўши аст,  
Рауф асту ҳалиму айбпӯши аст.*

“Миърот ал-хаёл”нинг хотимасида Сомий амирга мурожаат этиб: “Ёмғиру шамол таъсир этмайдиган устувор бино ижод қилиб, унинг қабулига ҳавола қилаётганини” таъкидлайди ҳамда подшоҳдан ўзини афв этишини сўрайди:

*Талаб фи ризои шаҳриёрам,  
Ба хабари афву ризо матлаб надорам.*

(Мазмуни: “Шаҳриёrim ризонинг талабгориман, Унинг кечирими ва ризолиги хабаридан бошқа мақсадим йўқ”.)

Хуллас, шоир Мирзо Сомий саройдан четлатилганидан то “Миърот ал-хаёл” ёзib тугалланган 1904 йилга қадар амир Абдулаҳадга узроҳлик билан қасида-ю шеърлар битиб, ундан кечирим сўрайди ва ўзининг оғир аҳволини баён қиласи, бир неча асарлари ва таржималарини унга бағищлайди<sup>24</sup>.

<sup>23</sup> <https://www.bukhari.uz/?p=21939>

<sup>24</sup> <https://www.bukhari.uz/?p=15879>

## Шерхон ҚОРАЕВ

Саёҳат қилишни хуш кўрадиган Амир Абдулаҳадхоннинг Россияга навбатдаги сафари 1892 йилнинг декабрида бошланган бўлиб, бунда у ўғли Мир Сайид Олимхонни Петербургдаги ҳарбий олий мактабга ўқишига жойлаштириш мақсадида борган ва ўзининг 1892 йил декабрь – 1893 йил февраль ойлари давомидаги сафари тафсилотларини кундалик тарзида ёзиб борган. Тарихчи Шарифа Эсонованинг ёзишича, бугунги кунда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида амирнинг Петербург сафарлари хотираларини ўз ичига олган иккита кундалиги сақланмоқда. Бу асарлар ўз даврининг ёзма ёдгорлиги бўлиб, Амир Абдулаҳад ижодининг янги қирраларини очишига ёрдам беради<sup>25</sup>. Абдулаҳадхоннинг 1892–1893 йиллардаги Петербургга сафари ҳақида маълумот берувчи “Рўзномаи сафари Фитербурх” (“Петурбург сафари кундалиги”, №2869) 72 варакдан иборат бўлиб, унда амирнинг Бухородаги кузатув маросимидан бошлаб то Петербург ва Москвада уюштирилган қабул маросимлари, император Александр III ва Россия империясининг йирик давлат арбоблари билан ўтказилган учрашувларигача батафсил баён қилинади<sup>26</sup>. Ушбу кундалик Исмоилбек Гаспринский томонидан 1894 йилда Қозонда “Бухоро амири ҳазратларининг кундалиги” сарлавҳаси остида нашр қилинган<sup>27</sup>. Мазкур асар 1998 йилда “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” журналининг 3-4-сонларида ўзбек тилида чоп этилган<sup>28</sup>. 2023 йилда эса Амир Абдулаҳадхоннинг “Фетербург сафари” номли китоби нашр этилди<sup>29</sup>.

1893 йилнинг февраль ойида амир Богчасарой, сўнгра Севастополь шаҳрига боради ва у ерда Исмоилбек Гаспринскийни қабул қилиб, сухбатлашади ҳамда Бухорога таклиф қиласди<sup>30</sup>. Бухорога келганда, Амир Абдулаҳад ҳузурида бўлиб, унга Бухорода янги усул мактаблари очишини таклиф қиласди. Таклиф амир томонидан қабул қилиниб, отаси номи билан аталувчи “Музаффария” жадид мактабини очишига руҳсат беради. Мактаб 1904 йилда Бухорода очилади<sup>31</sup>. Амир билан учрашувларда Исмоилбек “Сафарномаи олия” (Амирнинг саёҳатномаси)ни китоб ҳолида нашр қилишга ва Бухоро аҳолиси учун “Муаллими лисони русий” номли бир дарслик ёзишига ваъда беради<sup>32</sup>. Бухоро амири Абдулаҳадхоннинг “Кундалиги” ва Исмоил Гаспиринскийнинг (Бухоро амирлигига сафарга оид) “Туркистон саёҳатномаси”<sup>33</sup>ни ўқир эканмиз, XIX аср охирида Бухоро амирлиги ва Россия, шунингдек, ҳозирги Туркманистон, Озарбайжон, Грузия давлатларининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тарихи ҳақидаги маълумотларга эга бўламиз<sup>34</sup>.

<sup>25</sup> Иноятов С., Тўраев Х., Ҳайитова О. Амир Абдулаҳадхон даврида Кармана. Т.: “Шарқ” НМАК БТ, 2004. – Б.36.

<sup>26</sup> Ражабов Қ. Амир Абдулаҳадхон ёхуд “Ожиз” хукмдор. // – Бухоро, Бухоро мавжлари, 2007 йил, февраль. – №2. – Б.36–38.

<sup>27</sup> Точний перевод дневника его светлости эмира Бухарского // Представлят И.Гаспиринский из Бахчисарай. Казань, 1894. – С. 140.

<sup>28</sup> <https://www.Bukhara.uz/?p=12632>

<sup>29</sup> Амир Абдулаҳадхон. Фетибург сафари. Таржимон Абдусаттор Жуманазар. Т.: Академнашр, 2023. – Б.128.

<sup>30</sup> Қораев Ш. Жадидчилик ҳаракати асосчиси Исмоил Гаспирали ва Бухоро амири Абдулаҳадхон ижоди // Жадидларнинг илмий-педагогик мероси: тарих ва замонавийлик мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Самарқанд: 2023 йил 29–30 ноябрь. – Б. 36–41.

<sup>31</sup> Иноятов С., Тўраев Х., Ҳайитова О. Амир Абдулаҳадхон даврида Кармана. Т.: “Шарқ” НМАК БТ, 2004. – Б. 24.

<sup>32</sup> <https://www.Bukhara.uz/?p=12632>

<sup>33</sup> Исмоилбек Гаспирали. Туркистон саёҳатлари. // (Крим-татар тилидан Тохир Қаххор таржимаси). // – Тошкент, Жаҳон адабиёти, 2010. – №10. – Б. 30–65.

<sup>34</sup> <https://www.Bukhara.uz/?p=12632>

Тарихий манбаларда Сиддиқхон Тўра Ҳашмат акаси амир Абдулаҳадхон саройининг машхур тарихчиси бўлгани ёзилган<sup>35</sup>. Айрим асарларга кўра, Чоржўй begi бўлган Сиддиқхон отаси Амир Музаффар вафот этган 1885 йилдан сўнг ўттиз беш йил (1885–1920) давомида сиёсий хаётдан четлаштирилиб, фан ва адабиёт билан шуғулланган. Уч – тўрт йил ичида Ҳашмат тахаллуси билан шеърлар ёзиб, Бухоро аҳлига танилиб қолган<sup>36</sup>. “Худди шу даврда Чоржўй begi бўлган Сиддиқхон отасининг ўлимини билмаган ҳолда рухсатсиз у билан учрашиш мақсадида Бухорага келади. Отасининг ўлимини ундан яширадилар. Чунки Сиддиқхон ҳам таҳт даъвогари эди”<sup>37</sup>. Дарҳақиқат, бу шаҳзода ўттиз беш йил қаттиқ назорат остида уй қамогида яшаган<sup>38</sup>. Албатта, “Айнийнинг манғитлар сулоласи хонадонининг вакилларидан бўлган, бойлик, шон-шуҳрат ва тоҷу таҳтга қизиқмай ўзининг бутун умрини илм-маърифатга бағишлаган Муҳаммад Сиддиқхон Ҳашмат Бухорийга оид фикри анча қизиқарлидир: ‘Муҳаммад Сиддиқхон Бухорий – биродари Абдулаҳадхон ва жияни Олимхон даврида ўттиз беш йил (ҳижрий 1303–1338) маҳбусликда эди. Шу давр мобайнида ўзини илмий ижодга ва китобдорликка бағишилади. Бухорода Ҳашматнинг ҳусусий кутубхонаси билор машҳурроқ кутубхона на йўқ эди’<sup>39</sup>. Ҳашмат Бухорий форсий, туркий ва арабий тилда шеърлар битар эди. Турли рисолалар ёзди, таҳrir этди. Жумладан, “Номаи Хусравон” номли тазкирага таълиф берган эди. Ҳашмат Бухори инқолибидан кейин 1339 ҳижрийда ўттиз беш йиллик маҳбусликдан озод этилиб, Бухоро шўролар жумхурияти ҳукуматида кутубхоначи бўлиб хизмат қиласади. Лекин 1341 ҳижрийда (милодий 1923 йилда) ўзининг айрим авлодлари (амирзодалар) ва амир хонадони вакиллари қатори Афғонистонга жўнатилди”<sup>40</sup>.

Садриддин Айний эса ўзининг “Намунаи адабиёти тоҷик” номли тазкирасидаги “Муҳаммад Сиддиқхон Ҳашмат валади Амир Музаффар” зикрида Бухоро амирининг бу ўғли араб, тоҷик ва ўзбекча шеърлар битганини қайд этган. Шаҳзода “Ҳашмат” ва “Воҳид” тахаллуслари билан шеърлар ёзган<sup>41</sup>.

Шаҳзода “Девон” тузган бўлиб, у олтмиш саккизтағазал, иккита қасида, тўққизта мухаммас, битта маснавий, битта марсия – таркибанд ва бошқа шеърлардан иборат<sup>42</sup>.

Бинобарин, Зиё Садринг “Шарифжон маҳдумнинг шахсий кутубхонаси” китобида ёзилишича, “Ҳашмат” тахаллусли тўра бўлмии Сайид Мир Сиддик

<sup>35</sup> Ражабов Қ. Амир Абдулаҳадхон ёхуд “Ожиз” хукмдор. // – Бухоро, Бухоро мавжлари, 2007 йил, февраль. – №2. – Б. 36–38.

<sup>36</sup> Иноятов С., Тўраев X., Ҳайитова О. Амир Абдулаҳадхон даврида Кармана. Т.: “Шарқ” НМАК БТ, 2004. – Б. 20.

<sup>37</sup> Ҳайитова О., Курбонов X. Кармана тарихи. – Т.: “MASHHUR – PRESS”, 2018. – Б. 83.

<sup>38</sup> Мусалиева О. Амир Музаффарнинг тарихнавис ўғиллари // – Т.: Мозийдан садо, 2004. – №2 (22)-сон. – Б. 30–33.

<sup>39</sup> Воҳидов Ш. Жизнь посвященная вечности. О цареевиче Мухаммад Сиддик Ҳашмате, сыне эмира Музаффар (1864–1932): жизнь и научное наследие.// Молодой ученый. – 2015. – №15 (95). – С .495–501.

<sup>40</sup> <https://www.buhari.uz/?p=23239>

<sup>41</sup> Воҳидов Ш., Темиров Ш. Амирзода Мухаммад Сиддик Ҳашмат ибн Амир Музаффар (1864–1932) – штрихи к автобиографии и наследии./ История и культура Узбекистана в системе цивилизации Центральной Азии II Международная научно – практическая конференция. Карши, КарИЭ. 22-23 сентября 2023 г. – С.37.

<sup>42</sup> Воҳидов Ш., Темиров Ш. Амирзода Мухаммад Сиддик Ҳашмат ибн Амир Музаффар (1864–1932) – штрихи к автобиографии и наследии. / История и культура Узбекистана в системе цивилизации Центральной Азии II Международная научно – практическая конференция. Карши, КарИЭ. 22-23 сентября 2023 г. – С.41.

## Шерхон ҚОРАЕВ

тўрамиз магфират маконли Амир Музаффар Баҳодирхоннинг азиз ўғли бўлиб, бу саодатли тўра ўттиз икки йил (Юқорида айтиб ўтганимиздек, Айний ўттиз беш йил деган) тутқунлик ва банд асирлигида турган, ўша муддат мобайнида замонасида расм бўлган барча илму ҳунар ва фазилатларни ҳеч кимдан таълим олмасдан туриб, фақат ўз тиришиқоқлиги орқасидан ўзлаштирган.

Айниқса, нужум, ҳаттотлиқ соҳаси ва олий даражалиги барчагамаълум ҳандаса фанини ўзида мавжуд фазлу камол билан ўрганиб, яхши китоблар ва ҳусниҳатда битилган қўлёзма асарлар йиққан. Унинг қўлёзма китобларининг кўп қисми ноёб асарлар бўлиб, ул ягонаи фарзона тўранинг кутубхонасидан жой олган<sup>43</sup>. Тарихчи олим Ҳалим Тўраев Сиддиқхонтўра Ҳашмат “Тазкират уш-шуаро” номли антология тартиб берганини айтиб ўтган<sup>44</sup>. Маълумотларга қараганда, ““Тазкират уш-шуаро муосир”да Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистонда яшаб ижод этган тўқсон икки нафар шоир ҳақида маълумот берилади<sup>45</sup>. “Тазкират уш-шуаро муқаддимин”да эса XVIII – XIX асрларда фаолият кўрсатган саксон тўққиз шоир ижоди ҳақида сўз боради. Йигирма йиллик меҳнат маҳсули бўлган “Тазкират ус-салотин” Шарқ ҳукмдорлари тарихига бағишиланади<sup>46</sup>. Бухоро шаҳзодаси забардаст хушнавис ва маҳоратли ҳаттотлардан бўлган<sup>47</sup>. Тарихчилар Ш.Воҳидов ва Ш.Темировларга кўра, ижодкор шаҳзоданинг “Аҳдномаи мусолиҳаи давлати Бухоро ва Руся дар соли 1280”, “Зикри Мир Остонкул ибни Аббосбий”, “Баёни аҳволи салотини ўзбакия”, “Санъатли ҳатлар ва қитъалар”, “Қоидай ҳат навиштан”, “Жадвали қуръа ва истихрохи фол”, “Дафтари мусаввада”, “Мажмӯаи аҳкоми зоижа ва ашъор”, “Вазоиф-ал-ашъор”, “Муножати манзума”, “Муножоти таржума”, “Таржумай аҳволи Ҳожа амир Муҳаммад ал-мутахаллис ба Дардо”, “Таржумай аҳволи Сиддиқхон ибн амир Музаффар”, “Адъия”, “Силки дурар ли акмали расул-ил-атҳар”, “Маснавии интабаҳ жамеъ ал-матъун ва матъуна” каби асарлари мавжуд<sup>48</sup>. Ҳашматнинг асарлари орасида “Баёни аҳволи салотини ўзбакия” (“Зайли тарихи Муқимхоний”) номли тарихий асар, ғазал, мухаммас, қасидалардан тузилган девон, тазкиралар (“Тазкират уш-шуаро”), “Мажмуаи зоижа аҳкоми нужум” (“Юлдузлар ҳолати асосида толеномалар мажмуи”), “Мажмуаи ал-баёз” (Адабий – тарихий тўплам), каби рисолалари алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, Ҳашмат ҳаттотлиқ билан шуғулланган ва бир қанча асарларни кўчирган<sup>49</sup>.

Амир Музаффарнинг ижодкор фарзандларидан яна бири ўзбек тарихчиси Сайид Муҳаммад Носир (Носириддин тўра) тўрадир<sup>50</sup>. Унинг номи манбаларда

<sup>43</sup> <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/tarix/zoyo-sadr-sharifjon-mahdumning-shaxsiy-kutubxonasi-01.html>

<sup>44</sup> <https://telegra.ph/Amirzoda-%D1%9Elkashunosning-Buhoraga-oid-tad%D2%99%Bi%D2%9Boti-10-10>

<sup>45</sup> [> archive](https://moluch.ru)

<sup>46</sup> Воҳидов Ш., Темиров Ш. Амирзода Муҳаммад Сиддик Ҳашмат ибн Амир Музаффар (1864-1932) – штрихи к автобиографии и наследии./История и культура Узбекистана в системе цивилизации Центральной Азии II Международная научно – практическая конференция. Карши, КарИЭ.22-23 сентября 2023 г. – С.40-41.

<sup>47</sup> <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/tarix/zoyo-sadr-sharifjon-mahdumning-shaxsiy-kutubxonasi-02.html>

<sup>48</sup> Воҳидов Ш., Темиров Ш. Амирзода Муҳаммад Сиддик Ҳашмат ибн Амир Музаффар (1864-1932) – штрихи к автобиографии и наследии./История и культура Узбекистана в системе цивилизации Центральной Азии II Международная научно – практическая конференция. Карши, КарИЭ.22-23 сентября 2023 г. – С.41.

<sup>49</sup> Ўзбекистон тарихига оид манба ва тадқикотлар.(XIX–XX аср бошлари). Масъул мухаррир: Д.Зияева. Т.: “Nurafshon business”, 2022. – Б.2022. – Б. 49.

<sup>50</sup> <https://uztext.com/104245-text.html>

## Амир Музаффарнинг ижодкор фарзандлари

Носириддин ал-Ҳанафий ал-Хусайнин ал-Бухорий ёки Мұхаммад Носир, ёхуд Сайид Носириддин Сайид Амир Музаффариддин тарзида учрайди. Носириддин тўранинг ҳаётига оид маълумотлар етарли даражада тадқиқ этилмаган. У бир умр Бухоро аркida яшаган ва ўзининг қўргони, шахсий кутубхонасига эга бўлган<sup>51</sup>. Қаҳрамон Ражабовга кўра эса, Мир Носирхон Тўра тарихчи сифатида акаси Бухоро амири Абдулаҳадхон саройида хизмат қилган<sup>52</sup>. Тарихчи Ҳалим Тўраевнинг ёзиича, “Сайид Мұхаммад Носир “Тўраи жилав” (Жиловланган тўра) номи билан бир умр арқда, унинг кутубхонасида ижод билан шуғулланган.

Бухорода совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин унинг ижоди ва тадқиқот ишлари давом этган. 1912 йил Бухорода ташкил топган дастлабки илмий ўлкашунослик жамияти – “Тарихи анжуман” ўз таркиби В.Бартольд, А.Семенов, П.Солиев сингари атоқли олимлардан ташқари, бир гуруҳ маҳаллий зиёли маърифатпарварларни бирлаштирган эдик, улар сафида Сайид Мұхаммад Носир ҳам бор эди”<sup>53</sup>.

“Тарихи анжуман” жамияти вазифаси доирасида амалга оширилган ягона иш, назаримизда Сайид Мұхаммад Носир томонидан тайёрланган “Тадқиқоти арки Бухоро” асаридир<sup>54</sup>. Ўз даври учун интеллектуал салоҳиятга эгалиги ва бир неча мустакил асарлар, жумладан, “Тухфат аз-зойирин” (“Зиёратчиларга тухфа”), “Ҳоди ул-зойирин” (“Зиёратчиларни ҳидоят қилувчи”), “Кунуз ал-атқиё” (“Тақводорлар ҳазинаси”), “Осор үс-салотин” (“Султонлар ҳақида хабарлар”) каби рисолалар муаллифи бўлганлиги ва энг асосийси, Бухоро аркининг тарихи, тарихий топографиясини яхши билганлиги туфайли, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар “Тарихи анжуман”га қабул қилинади ва унга Бухоро арки тарихи, тарихий топографияси бўйича рисола тайёрлаш вазифаси топширилади.

Бухоро аркининг тарихи, тарихий топографияси тўғрисида муаллиф маълумотлари қанчалик қисқа, оддий бўлмасин, ушбу маълумотлар аркнинг кейинги тадқиқоти ва малакали олимлар томонидан юқори профессионал даражада ўрганиш учун кенг йўл очиб берди<sup>55</sup>. Сайид Мұхаммад Носирнинг ёзиича, “Хозирги ҳукумат фармонига мувофиқ, жумҳурият ишорси томонидан биз – етти нафар кишини, яъни Ҳожи Мулло Абдурауф афанди “Фитрат”, Сайид Мұхаммад Сиддиқ, қози ул-қуззот, олам аҳли мулло зодаси домулло Мұхаммад Шариф Зиё, Мулло Салимбек, жсаноб Ҳожи Мулло Сайид Маҳмуд муфтий ва бу фозиллар хизматкори Сайид Мұхаммад Носир “Анжумани тарих” (“Тарих анжумани”) аъзолари сифатида ҳар куни арки олийга бориши ва унинг ободлигию вайроналиклари сабаблари борасида олий мадрасада тадқиқотлар ўтказишга тайинланган эдик.

Алҳамдуллоҳ, (масалани) назардан ўтказиш ва кенгашувдан сўнг кўп нуқсонлар эгаси бўлган бу ожиз банда, яъни Мир Мұхаммад Носир ибн Музаффархон (қабри нурга тўлсин) ушибу азизлар кўмагида ҳамда Аллоҳ таоло мадади ва Ҳақ субҳонаҳу

<sup>51</sup> Мусалиева О. Амир Музаффарнинг тарихнавис ўғиллари // – Т.: Мозийдан садо, 2004. – №2 (22)-сон. – Б. 30–33.

<sup>52</sup> Ражабов Қ. Амир Абдулаҳадхон ёхуд “Ожиз” хукмдор. // – Бухоро, Бухоро мавжлари, 2007 йил, февраль. – №2. – Б. 36–38.

<sup>53</sup> Сайид Мұхаммад Насир Ибн Музаффар. Таҳқиқоти арки Бухоро. Форс тилидан таржима, сўзбоши, изохлар ва қўрсаткичлар муаллифи Ғ. Каримов. Т.: Тафаккур, 2009. – Б.11-12.

<sup>54</sup> Ўзбекистон тарихига оид манба ва тадқиқотлар.(XIX–XX аср бошлари). Масъул мухаррир: Д.Зияева. Т.: “Nurafshon business”, 2022. – Б.2022. – Б.48.

<sup>55</sup> <https://telegra.ph/Amirzoda-%D1%9Elkashunosning-Buhoraga-oid-tad%D2%9%Bi%D2%9Boti-10-10>

## Шерхон ҚОРАЕВ

ўз фазли ва карами билан мұваффақ этиши түфайли (тегишли маълумотларни) бир мұхтасар ва мұйжаз рисолага түплад, у “Бухоро арки ҳақида таҳқиқот” деб номланди”<sup>56</sup>.

Носириддин тұра “Тұхфат уз-зоириң” китобини 1906 йилда тамомлаган<sup>57</sup>. Мир Садр Шарифжон Маҳдумнинг қайд этишича, “Сайид Музаффар Баҳодирхоннинг ўғли Сайид Носирхон ўзининг “Тұхфат ил-зоириң” номли китобида шундай ёзган: Аңча йиллар ул жсаноб (Қори Абдураҳим)нинг ҳузурида турдим ва ул зотдан соодир бұлған ҳайраттаға солувчи одатдан ташқари ҳодисаны күрдім. Аниқроги, ул зот баширатидан сүңг ўша кечаси сарвари анбиёнинг чөхраларини мушоҳада этиши давлатига мұяссар бұлдім. Қарангки, тонг отгунча бир эмас, иккى марта бундай шарафта мушарраф бұлдім ва тонгда пирим хизматига этишігач, мусофаҳа қылиб, табриклидилар”<sup>58</sup>. Демак, бу маълумотнинг ўзи Носирхон тұранинг сүфий олимлардан бири бұлғанини күрсатади. “Осор үс-салотин” китоби эса шайбонийлар, аштархонийлар ва мангитлар сулолалари тарихига бағишиланған<sup>59</sup>.

Мұхтасар айтганда, Амир Музаффарнинг барча фарзандлари истеъоддли бўлиб, адабиёт ва санъатни қадрлашган, атрофларига шоирларни түплад, шеърият кечалари ташкил этишган. Биз юқорида Амир Музаффарнинг фақат түрт ижодкор ўғли – Нуридин, Абдулаҳад, Сиддиқхон ва Носириддинлар ижоди ҳақида тұхталдик, холос. Бизнингча, унинг бошқа фарзандлари ҳам ижод билан шуғулланған бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Келгуси тадқиқотлар бу масалага ойдинлик киритади, деб ўйлаймиз.

## АННОТАЦИЯ

Уибұр илмий мақола Бухоро амири Музаффарнинг Нуридин, Абдулаҳад, Сиддиқхон ва Носириддин сингари шоир фарзандларининг ижодига бағишиланади.

Мангитлар сулоласи вакили бўлған мазкур ижодкор шахзодалар ўз атрофида шоирларни түплад, шеърият кечалари ташкил этгандар.

Энг, муҳими амир Музаффарнинг ўғилларидан бизга қатор тарихий ва бадиий асарлар мерос бўлиб қолган.

## ANNOTATION

*This scientific article is devoted to the work of poet children of Buhara emir Muzaffar; such as Nuriddin, Abdulahad, Siddiq Khan and Nasiriddin.*

*These creators, representing the Mangit dynasty, gathered poets around them and organized poetry nights.*

*Most importantly, we inherited a number of historical and artistic works from these sons of Amir Muzaffar.*

<sup>56</sup> Сайид Мұхаммад Насир Ибн Музаффар. Таҳқиқоти арки Бухоро. Форс тилидан таржима, сўзбоши, изохлар ва кўрсаткичлар муаллифи F.Каримов. Т.: Тафаккур, 2009. – Б.11-12.

<sup>57</sup> <https://uztext.com/104245-text.text.html>.

<sup>58</sup> <https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/tarix/ziyo-sadr-sharifjon-mahdumning-shaxsiy-kutubxonasi-01.html>

<sup>59</sup> <https://uztext.com/104245-text.text.html>

# УЧ ТАРИХИЙ ДРАМА ТАҲЛИЛИ



**Ғулом АТАДЖАНОВ**

Усмон Носирнинг 110 йиллик юбилейи муносабати билан “Танланган асарлар”, “Усмон Носир замондошлар хотираси ва муҳлислари васфида” китоблари чоп этилди<sup>1</sup>. Шоирнинг юбилейи муносабати билан 2022 йилда уч ижодкор тарихий драма яратди. Булар – Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг “Усмон Носир” трагедияси уч парда, ўн етти қўринишдан ташкил топган тарихий фожиавий асаридир. Шунингдек, Тўра Мирзонинг “Усмон шоир – осмон шоир” икки пардали тарихий мусиқали драмаси бўлса, Жавлон Жовлиевнинг “Усмон Носир” беш пардали тарихий мусиқали драмасидир.

Уч муаллиф ҳам қатағон қурбони бўлган ўзбекнинг асл фарзанди Усмон Носирнинг ҳаёти, ижоди ва сургунда азобланиб бу дунёдан кўз юмушини таъсирчан, ҳаётӣ, адабий ва тарихий факт, ҳужжатлар асосида маҳорат билан бадиий гавдалантирган. Академик Наим Каримов “Иқбол Мирzonинг “Усмон Носир” пьесаси хусусида” кириш мақоласида шундай дейди: “Усмон Носир ҳақида, айниқса, саҳна асари ёзиш қийин. Муаллиф бундай асарда иложи борича тарихий ҳақиқатдан чекинмаслиги керак. Шоир чеккан азобларни кўрсатавериш ҳам томошабинни толиқтиради. Иқболжон жуда тўғри йўлни топган. Йигирма беш ёшида ижод оламидан бадарга қилинган шоирни фақат унинг Шеърияти кўтариб туради. Бу асарнинг иккита бош қаҳрамони бор. Улардан бири – Усмон Носирнинг ўзи бўлса, иккинчиси эса – Шеърият. Баъзан Шеърият асарда Усмон Носир қиёфасида чиқиб, пора-пора этилган дил жароҳатларини очади. Баъзан Усмон Носир Шеъриятнинг шоҳона либосида гавдаланиб, ўзининг ўчмас инсоний ва ижодий қудратини кўрсатади”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Носир У. Танланган асарлар. (Нашрга тўплаб тайёрловчилар: Каримов Н., Кўчкорова М., Абдусамад М.) – Тошкент: Адабиёт, 2022. – 320 б; Усмон Носир замондошлар хотираси ва муҳлислари васфида – Тошкент: Адабиёт, 2022. – 304 б.

<sup>2</sup> Каримов Н. Иқбол Мирzonинг “Усмон Носир” пьесаси хусусида // Шарқ ўлдузи. № 04.

**Ғулом АТАДЖАНОВ** – 1989 йилда тугилган. Нукус давлат педагогика институтини тамомлаган. Республика матбуотларида ўндан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинган.

## ҒУЛОМ АТАДЖАНОВ

Иқбол Мирзо Усмон Носирнинг ҳаёти ва фожиали қисматини акс эттиришда тарихий драмада ўзига хос сюжет қурилмасидан фойдаланади. Яъни, драматург “Бугун-Ўтмиш” сюжет линияси асосида қамоқхона ва Усмон Носирнинг болалиги, талабалик даври, ижодкорлиги, таржимонлигига доир ҳаётй ва тарихий фактларни кетма-кетликда беради. Иккинчи драматург Тўра Мирзо эса Усмон Носир ҳаёти ва фожиавий тақдирини акс эттиришда хронологик сюжет кўринишидан унумли фойдаланган. Иқбол Мирзо бироз мураккаб, аммо тушунарли сахна кўринишларида буюк истеъод соҳиби Усмон Носирни қатл этган жамият, бу жамиятдаги ҳасадгўй кишиларнинг асл башарасини фош этган. Тўра Мирзо ҳам “Усмон шоир – осмон шоир” тарихий мусиқали драмасида Усмон Носирнинг онаси Холамбиибининг Намангандан Кўқонга узатилиш маросими билан бошлаган. Муаллиф Усмон Носир ҳаёти ва ижодига оид воқеаларни хронологик тартибда бериш билан сюжетнинг бир мунча соддароқ кўринишидан фойдаланади. Аммо ҳар уч драматург Усмон Носир адабий шахсияти ва қатағон йилларининг даҳшатини, шунингдек, ичи қора, ҳасадгўй кишиларнинг кирдикорларини маҳорат билан бадиий ифодалаган.

Уч драматург тарихий драматик асарлар матнида Усмон Носирнинг исёнкор ва фусункор шеърияти ҳамда таржималаридан (“Боқчасарой фонтани”, “Демон”) унумли фойдаланган. Иқбол Мирзо асли фаргоналик бўлгани учун Усмон Носир туғилиб ўсган Намангандан ва Кўқон шевасини драма қаҳрамонлари нутқида кенг истифода этган. Драматург асарда водий одамларига хос соддалик ва миллийликни ёрқин акс эттиришда намангандан шевасига хос унсурлар, ҳалқ ўйинлари ва мақолларидан баракали фойдаланган. Драматург шоирнинг таржимаи ҳолига доир ҳаётй ва тарихий фактларни ифодалашда академик Наим Каримовнинг Усмон Носирнинг ҳаёти ва ижоди бўйича чоп этилган қатор илмий тадқиқотларидаги ҳужжатли фактларга асосланади. Шунингдек, Тўра Мирзо ва Жавлон Жовлиевлар ҳам олимнинг илмий тадқиқотларида акс эттирилган биографик, адабий ва тарихий фактларга суюнган. Биламизки, Усмон Носир ҳаёти афсонавийлашиб кетиб, шоир ҳақидаги мишишлар салкам ҳаётй ҳақиқатга айланаб кетган. Шу маънода ҳар уч драматург афсоналарга айланган Усмон Носир адабий шахсиятини тўлақонли очиб бериш мақсадида оғиздан оғизга кўчиб юрган оғзаки маълумотлардан ҳам фойдаланган.

Иқбол Мирзонинг тарихий фожиасида Усмон Носир, Терговчи, Терговчи ёрдамчиси, Холамбиби, Ҳамза Ҳакимзода, Пўлат Қаюм, Ашурали Зоҳирий, Мухтор Муҳаммадий, Қори Ниёзий, Субхий афанди, Мўйдинжон, Мадамин (Амин Умарий), Насима, Маяковский, Муса Жалил, Қодирий, Ойбек, Муҳсин Ҳамидов, Шайхзода, Абдулазиз, Масъул котиб, Котиб, Ўринбосар, Равшаной, НКВД ходимлари ва бошқа образлар иштирок этади. Трагедиянинг биринчи парда биринчи кўриниши қамоқхона тасвири билан бошланади. Унда икки қаҳрамон терговчи ва шоирнинг савол-жавоби акс этган. Терговчи шоирни оғзига келган сўзлар билан ҳақоратлайди, сўқади. Ушбу асар ҳақида илиқ фикрларини айтган академик Наим Каримов юқоридаги мақоласида шундай дейди: “Асардаги яна бир муҳим масала – Терговчи билан Усмон Носир ўртасидаги “жанг” сахналари. Қатағон мавзусига бағишланган қарийб барча асарларда терговчилар ўта нодон, ўта жохил, ўта миллатчи, инсоний қиёфасини йўқотган жонивор сифатида тасвирланиб

келади. Ушбу асарнинг дастлабки саҳналарида ҳам шундай аксилинсон образини кўрамиз<sup>3</sup>. Адабиётшунос жуда тўғри эътироф этган. Усмон Носирга бағишланган тўртта драмада ҳам терговчи образи яратилган бўлиб, улар даврнинг салбий, зулмкор типлари сифатида бадиий ифодаланган. Масалан, Нодира Рашидова тарихий драмасида Хайритдинов, Клёпов, Матвеев, Марвин (НКВД ходимлари), Иқбол Мирзонинг тарихий фожиасида Терговчи, Терговчи ёрдамчиси образлари иштирок этади. Жавлон Жовлиев асарида Саша (рус зобити), Ваня (рус зобити) образлари яратилган.

Иқбол Мирзо тарихий фожиада Терговчи ва Усмон Носир ўртасидаги конфликтни қуюқ бўёқларда беради. Аммо Терговчи ёрдамчиси Усмон Носирнинг катта истеъодини англаб этади. Наим Каримов таъкидлаб кўрсатганидек, қатағон мавзусида ёзилган асарларда Терговчи образи одатда шафқатсиз, жоҳил, золим, нодон одам сифатида ифодаланади. Иқбол Мирзо яратган Терговчи ёрдамчиси образида эса катарсис ходисаси юз беради. Терговчи ёрдамчиси савол-жавоблар жараённида Усмон Носирнинг айбиззилигини тушуниб этади, унинг улкан истеъодига қойил қолади. Усмон Носирнинг рус тилини ўз она тилидек мукаммал билиши, Пушкин ва Есенин билан тенглаша олган ёш шоир бўлиб етишганидан ҳайратланади. Терговчи Усмон Носирни Сталинни маҳалласидаги бўёқчи жуҳудга ўхшатиб халқлар отасини ҳақорат қилганликда айблайди. Терговчи билан Усмон Носир ўртасидаги савол-жавоб жуда шиддатли кечади. Жумладан:

**“Терговчи: Вой-бўй, “гений!”, тирноқларинг қани? Яна девор тирмаладингми?**

**Усмон Носир** (юзини ўгиради): Агар эркак бўлиб қўлимдаги кишанин ечсанг, кўрсатаман нима бўлганини!

**Терговчи:** Сени тилинггаям киshan солиш керак. Назоратчини нега урдинг?

**Усмон Носир:** Айтдиму, онамни сўқди.

**Терговчи:** Нима бўпти? Сўkkани билан сўқилиб қоладими? Бизда, масалан, сўқмай гапирсанг хурматсизлик ҳисобланади.

**Усмон Носир:** Унда нега Сталинни сўқди деб менга айб қўябсан? Нега??

**Терговчи:** Сен халқлар отасини сўқмагансан, ҳақорат қилгансан. Иккови бошқа-бошқа масала. Нима деганинг эсингдами?

**Усмон Носир:** Минг марта айтдим, ёзиб ҳам бердим, Сталинни маҳалламдаги бўёқчи жуҳудга ўхшатганман. Шу, холос.

**Терговчи** (ўрнидан сапчиб туради): Нима?! Шу, холос?! Биласанми, сен айтган бўёқчи-мўёқчиларнинг миллионтаси ўртоқ Сталиннинг ҳаром тукига арзимайди! Дохийни кимгадир ўхшатиш сен иприскига тушиб қолдими? Манави қовоқкаллангга тўппончани тираб тепкини босиш учун ана шу ўхшатишингни ўзи этади!

**Усмон Носир:** Отсанг от! Жонимга тегдинг! Ҳаммангга тупурдим! Туфу!

**Терговчи** (ёнидан револьверини чиқариб, отмоқчидай ўқталади. Кейин дастаси билан Усмон Носирнинг бошига уради): Сенга ўқ ҳайф! Сен Пушкин эмассан!<sup>4</sup>

Бу савол-жавобда терговчининг Усмон Носирга айб қўйишга ҳаракат қилиши, дохийпарастлиги; шоирнинг эса бурро тили, кўрқмаслиги, кескин характеристери

<sup>3</sup> Каримов Н. Иқбол Мирзонинг “Усмон Носир” пьесаси хусусида // Шарқ ўлдузи. № 04. 2022. – Б. 34.

<sup>4</sup> Мирзо И. Усмон Носир // Шарқ ўлдузи. № 04. 2022. – Б. 36-37.

## ҒУЛОМ АТАДЖАНОВ

маҳорат билан очиб берилган. Асарнинг тўртинчи кўринишида Усмон Носир таҳсил олган “Дорул-шафака” мактаби, синфонаси, у ерда дарс берган устозлари Ҳамза, Пўлат Қаюм, Қори Ниёзий, Ашурали Зоҳирий, Субҳий афандининг мулоқотлари акс эттирилган. Кўриниш якунида Ҳамза Усмон Носирга қараб насиҳат қилади. Мазкур парчани келтирамиз:

“Ҳамза: Кимга айтай?! Ким мени тушунади?! Биз суяк-суягига қўрқув уриб кетган, қон-қонига хиёнат шимилган бир элатмиз. Йўқса, бу наф осон алданиб қолмасдик. Бизга ҳар бир миллий жумҳурият ўз тақдирини ўзи белгилайди, ички ишига аралашмаймиз деб қасам бердилар. Энди-чи? Дунёнинг энг йирик салтанати бўлган Туркистонимизни ҳар турли сунъий ном или парчалаб ташладилар. Мен бундай адолатсизликка, риёкорликка муроса қилолмайман. (Бироз тин олиб) Мени сўзларим бу қора кўзларнинг ҳеч йўқ биттасининг кўнглида яшаб қолса ҳам минг розиман. (Усмон Носирга қараб.) Сен, ўғлим, бу ёқقا чиқ-чи! Туронни эшитганмисан? “Шажараи турк”ни вараклаб кўрдингми? Ўқи ва уқ, хулоса кил. Бу ҳаёт шафқатсиз курашдан иборат. Номард кўп, ўғлим, сотқин кўп. Ҳаётинг олдинда, факат хушёр бўл. (“Яша, Турон” қўшиғи янграйди.”)<sup>5</sup>

Ҳар уч драматург Усмон Носир ва у яшаган давр фожиаларини акс эттириш учун тарихий ва бадиий тўқима образларни олиб кирган. Жумладан, Иқбол Мирзо тарихий давр манзарасини батафсил ёритиши мақсадида Ҳамза, Пўлат Қаюм, Мухтор Мухаммадий, Ашурали Зоҳирий, Қори Ниёзий, Амин Умарий, Маяковский, Мўйдинжон каби аниқ реал шахсларни бадиий гавдалантиради. Шу билан бирга муаллиф Терговчи, Терговчи ёрдамчиси, Насима бадиий тўқима образларини ҳам маҳорат билан яратган.

Тўра Мирзо ва Жавлон Жовлиев нисбатан камроқ образлар яратган. Масалан, Тўра Мирзонинг “Усмон шоир – осмон шоир” тарихий мусиқали драмасида иккита тарихий шахс образи ва бешта тўқима образ яратилган. Жавлон Жовлиевда эса Усмон Носир образигина тарихий шахс саналса, Қўчқор Самад (адабиёшунос), Шокир Абди (шоир), Тўхта шоир (хавасманд ижодкор), Содик Пўлат (расмий), Она (шоирнинг онаси), Киз (севгилиси), Луиза, Саша (рус зобити), Ваня (рус зобити), Доктор, Бармен каби бадиий тўқима образлардир. Жавлон Жовлиев тарихий давр фожиасини акс эттиришда умумлаштириш йўлидан боради. Муаллиф Усмон Носирнинг онаси Холамбибининг исми шарифи маълум бўлса-да, драмада Она умумлашма образини яратади. Бизнингча, яқин ўтмишдаги аниқ тарихий шахслар образини яратишда умумлашма ва жамлама образ яратиш ўзини оқламаган. Шунга қарамасдан, ёш драматург “Усмон Носир” тарихий мусиқали драмасида ўзига хос бадиий ижодий услубини яратади. Бу муаллифнинг шахс ва давр фожиаларини беришда киноявий бадиий услубни шакллантирганилигига намоён бўлган.

Тўра Мирzonинг “Усмон шоир – осмон шоир” драма сюжетида шоир Усмон Носирнинг болалиги, ўсмирлиги, таниқли шоир бўлиб қўзга кўриниши ва сўнгти кунларини бадиий талқин қилган. Усмон Носир, Холамбиби, Муаллиф, Людмила (Кемерово ҳисбонаси кутубхоначиси), Қамоқхона назоратчиси, раис, 1-йигит, кейинчалик 1-ёзувчи, 2-йигит, кейинчалик 2-ёзувчи, 3-йигит, кейинчалик 3-ёзувчи иштирок этади. Драмада шоирнинг отаси Носир Ҳожи иштирок қилса ҳам, нимагадир иштирок этувчилар рўйхатига киритилмаган. Драмада шоирнинг

<sup>5</sup> Мирзо И. Усмон Носир // Шарқ юлдузи. № 04. 2022. – Б. 39.

Тошкентдаги ҳовлиси ҳам тилга олинади. Бироқ у яшаган мұхит, баҳиллик, күролмайдиган дүстлар, Сталинни кимгәдир ўхшатиши ва бошқалар барча шоир ижодига бағишлиланган драмаларда мавжуд.

Шуны алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар учала драмада фарзанди учун қуйиб адo бўлган она изтироби юқори пафос билан ифодаланган. Бинобарин, адабиётшунос Наим Каримов Иқбол Мирзо тарихий фожиасида тасвирланган “она саҳнаси” билан боғлиқ жиҳатларга эътибор қаратиб шундай ёзади: “Асарда яна бир мұхим саҳна бор. Бу саҳнанинг шабадалари олдин ҳам ўқтин-ўқтин эсиб турган. Мен бу саҳнани “Она саҳнаси” деб атаган бўлардим. Отадан эрта етим қолган шоирни жабрдийда онаси Холамбиби катта қилган. Усмон Носир ўрта мактабни тугатар-тугатмас Москвага, Россиянинг тарихий шаҳарларига бориб, дунёни кўра бошлаган. Аксар умрини эса Тошкентда ўтказган. Ижод, дўстона гурунглар, сафарлар туфайли бу дунёдаги бирдан-бир меҳрибони Холамбибини тўйиб қўролмаган. Биз яшаган даврнинг драматик-фожиавий воқеалари шуни кўрсатадики, ҳар бир инсоннинг мингта дўсти бўлса ҳам, бирортаси Она ўрнини боса олмайди. Драматург ана шу адабий ҳақиқатни саҳна имкониятларини ҳисобга олган ҳолда спектакль финалида шундай кўрсатганки, шу саҳнагача сояда юрган Она асарнинг учинчи бош қаҳрамонига айланади. Энг мұхими, у она-Ватан тимсоли даражасига кўтарилиб, асар асосий концепциясининг очилишига мұхим ҳисса қўшади”<sup>6</sup>. Тарихий фожианинг хотимаси она фарёди билан тугалланади. Драматург Тўра Мирзонинг “Усмон шоир – осмон шоир” тарихий мусиқали драмаси ҳам худди шу йўсинда тугалланган. Тарихий драманинг энг сўнгги ўн биринчи кўринишида 1957 йил, сентябрь ойида Холамбиби ўғлининг оқланганлиги ҳақидаги мактубни олади. Бу саҳна кўринишида ўғлини соғиниб, айрилиқ азобида қаттиқ дард чеккан онанинг таъсирчан марсия шеъри китобхонга кучли таъсир қиласди.

Муштипар она ўғлининг на тиригини, на ўлигини кўрган. У ёт мозорларда қолиб кетган ўғли учун дод-фарёд қиласди. Онанинг чукур дарди, ғами драмада акс этган марсия шеърда маҳорат билан ифодаланган. Бизнингча, Т.Мирзо ҳам шоир, ҳам драматург сифатида “Усмон шоир – осмон шоир” тарихий мусиқали драмасида шу пайтгача тўплаган адабий ижодий тажрибаларини катта маҳорат билан намоён этган. Драмада акс этган Ўланчи аёл, 1-аёл, 2-аёл, 3-аёл, Холамбиби, Кекса шоир, Людмила тилидан айтилган шеърлар муаллиф Тўра Мирзо томонидан ёзилган, мазкур тарихий мусиқали драмадаги шеърий парчалар, шунингдек, Усмон Носир ижодидан олинган шеърлар драманинг мусиқийлик ва лиро-романтик, трагик пафосини таъминлаб берган.

Иқбол Мирзонинг тарихий фожиасида Терговчи ёрдамчиси образи катарсис ҳолатини бошидан кечирган образ сифатида яратилган бўлса, Тўра Мирzonинг тарихий мусиқали драмасида 3-ёзувчи худди шунингдек, катарсис ҳодисасини бошдан кечиради. Тўра Мирзо драмасида яратилган исми шарифи берилмаган уч ёзувчи Усмон Носирнинг туғма истеъдодини кўра олмайди.

Нодира Рашидованинг “Усмон Носир” драмаси ундан кейин яратилган драмалар учун асос бўлди. Истеъдодли ёш шоир ва драматург Жавлон Жовлиевнинг мусиқали

<sup>6</sup> Каримов Н. Иқбол Мирзонинг “Усмон Носир” пьесаси хусусида // Шарқ юлдузи. № 04. 2022. – Б. 33-34.

драмаси ҳам бундан мустасно эмас. Мазкур мусиқали драма сюжет жиҳатидан Нодира Рашидованинг ёзган драмасига анча яқин. Сюжетни шакллантириша Тошкентдаги ва сургундаги воқеалар асос қилиб олинади. Бизнингча, драматург Жавлон Жовлиев Усмон Носир образи ва қатағон даври фожиаларини акс эттириша нотўғри ёндашган. Ижодкор миллатимизнинг катта истеъодоли шоири Усмон Носирнинг ҳаёти ва фожиавий қисматини бугунги замондошларимизга етказища янглиш эстетик мезонда туриб баҳолаган. Яъни драмада Усмон Носирнинг енгилтабиатлилигига эмас, балки унинг истеъодига, шундай етук шоирнинг тухмат туфайли қатағон қурбони бўлганига диққат қаратиши лозим эди. Бу жиҳатдан Нодира Рашидова, Иқбол Мирзо, Тўра Мирзонинг Усмон Носир ҳақидаги тарихий драмалари муваффақиятли чиқкан. Қолаверса, бу икки драматург тарихий фактларга ёндашувда икки хил йўлдан кетган. Нодира Рашидова Усмон Носирнинг биографияси, оиласи, ижоди, сургундаги йиллари ва вафотини ёритища аниқ тарихий ва ҳаётий фактларга асосланган. Жавлон Жовлиев эса шоир биографияси, отаси, онаси, сингиллари яъни оиласи ҳақидаги барча маълумотлар аниқ бўлса-да, бадиий тўқимага куч беради. Аммо, назаримизда, яқин ўтмишдаги адабий шахс, жўшқин шоир Усмон Носир ҳаёти ва фожиасини тўлақонли очиб бера олмаган.

Хулоса шуки, Усмон Носир ҳақида яратилган ҳар уч тарихий драма истиқлол даври ўзбек драматургиясида алоҳида ўринга эга.

### Аннотация:

Ушбу мақолада 2022 йилда яратилган Усмон Носирнинг юбелийига бағишлиланган уч асар яъни, И.Мирзо ("Усмон Носир"), Т.Мирзо ("Усмон шоир – осмон шоир"), Ж.Жовлиев ( "Усмон Носир") тарихий драмалари таҳлил этилди. Бу драмаларда ифодаланган сюжет ва образ масаласи тадқиқ этилди.

### Annotation:

In this article, three works dedicated to the anniversary of Osman Nasir created in 2022, i.e. historical dramas I. Mirzo ("Usman Nasir"), T. Mirzo ("Usman shair-osman shair"), J. Jovliev ("Usman Nasir") are analyzed done. The issue of plot and character represented in these dramas was explored.

Key words: historical drama, Osman Nasir, image, historical truth, personal tragedy, retrospective plot, period tragedy, woven image, chronological plot.

## Бўйсунаман ёмғир измига



**Муҳаммадсоли  
УЛУҒБЕК**

\* \* \*

Ёмғир ва мен – бу кеча дайди –  
Суҳбатдошмиз, кўча кезамиз.  
Ёмғир шивирлаб ҳеч тўймайди,  
Балки тонг отгунча кезамиз.

Бўйсунаман ёмғир измига,  
Менга ҳамдард керакдир дилкаш.  
Кулоқ тутсам ёмғир сўзига,  
Аригандай бўлар дилдан ғаш.

Бир кўчадан ўтамиз илҳақ,  
Кўз тикамиз бир деразага.  
Бекасидек дераза бефарқ,  
Парво қилмас мендек задага.

Ёмғир шивирлашин қўймайди:  
“Ўзни дадил тутгин, ҳой йигит!  
Менинг билан дардлашиб, дайдиб,  
Шаҳар кезсанг, ғам бўлар унут!”

Балки қизга алла айтади  
Жамоли-ю ғурури бу кез.  
Кўчасида неча қайтадан,  
Ёмғир ва мен қолдирамиз из...

Ёмғир ва мен бу кеча дайди –  
Суҳбатдошмиз, кўча кезамиз...

**Муҳаммадсоли УЛУҒБЕК** – 1955 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (хозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Юракни тушунинг”, “Дунёнинг кўзлари”, “Райён иси”, “Тонгга етсак...”, “Ҳаёт фалсафаси”, “Туюқдаги туйғулар”, “Иломота қиссалари” каби китоблари чоп этилган.



## Ташласанг бир дам нигоҳ...

**Мавлуда РҮЗИЕВА**

### Дурдонаман

Кечалар күкка боқиб васлингни эслаб ёнаман,  
Собиту сайёralар кулгусига маstonаман.

Соғиниб, ҳажринг ила юз ўртаниб, юз дард чекиб,  
Сайдини ахтарган ул сайёд каби сайронаман.

Ташласанг бир дам нигоҳ, сөхрига мен сайду асир,  
Күз қароғинг ичра жой олган ўзим пинҳонаман.

Боқмасанг, кетсанг қочиб, тоғлардаги жайрон киби,  
Ахтариб жайронини, куйган дили вайронаман.

Күлдаги оққуш мисол жуфт-жуфт бўлиб сузсак агар,  
Шодлигимдан энтикиб, қайғуларга бегонаман.

Менки Мавлуда, сенинг ишқинг билан ёзсам ғазал,  
Шул ғазал сатрига сингган бебаҳо дурдонаман.

---

**Мавлуда РҮЗИЕВА** – 1967 йилда тугилган. Қарши нодавлат педагогика институтини тамомлаган. “Бир севги қисмати”, “Онамни қайтаринг юлдузлар”, “Сўздан тониб бўймас”, “Кўши ирмоқлар”, “Тушдаги учрашув”, “Кўзларимга суртгум тупроқларинги” каби китоблари нашр этилган.

# Шайланиб бораман севги жангига



Сайёра РАҲИМИЙ

Юракни  
минг асра ётлар кўзидан,  
Амр этса зарар етар барибир.  
Ўқталиб турганда адаш сўзидан,  
Мушт уриб ёради исёнкор таъбир.  
Чўлтоқ ўйлар билан  
олғир истак ҳам.  
Инқилоб қиласди  
кўнгилистонда.  
Кўзёшлар оқими  
хеч топмас барҳам,  
Хатолар ҳимоя  
истар ҳар жонда.  
Қалблар меҳр кони биландир бардам.  
Танлов борар охир  
Мен бор томонда...  
Келгандарга ҳар он,  
ҳар лаҳза, кунни  
Айёмлаб бўяйман,  
севинч рангига,  
Сўнг ечиб очишга  
тайёр тугунни,  
Шайланиб бораман  
Севги жангига.

---

Сайёра РАҲИМИЙ – 1966 йилда туғилган. Шоиранинг “Ҳазин куй”, “Дилкаш наволар”, “Зарралардан яралган дунё”, “Севгизорлар макони”, “Мақтанточоқнинг аҳволи”, “Кувноқ болалар” китоблари нашр этилган.



## Дилларни қувнатарап хар дийдор

**Хамро БОНУ**

### **Илтижо**

Ёрим, дилда борингни баён этсанг бўлмасми  
Гул рухсорингни менга аён этсанг бўлмасми?..

Дилга қуриб қасрингни нигоҳим ойна этиб,  
Ишққа ташна қалбимни макон этсанг бўлмасми?..

Рухсорингни бир бора кўрмоқ истайди кўнгил.  
Ёлғиз сенинг ишқингда кўймоқ истайди кўнгил.

Сендан не келса майли, шодликми, қайфу-ғамми  
Барин қўймай сипқориб тўймоқ истайди кўнгил.

Хуш насимдай келиб ёр, дилдан қайғуни қувиб,  
Менинг муштипар кўнглим осмон этсанг бўлмасми?..

### **Чорлов**

Бир сухбат қурайлик, азизлар  
Ҳадемай, кўнгилдан йироқлаб  
Кетади, шукухли бу дамлар.  
Бир кун келиб ҳаммамизни ҳам  
Унутиб юборар одамлар.

Изимизни босади қорлар,  
Гул узатмай қўяр баҳорлар.  
Бир хўрсиниб салқин сахарлар,  
Ялпизли қирғоққа бош қўйиб  
Мунгайиб оқади анҳорлар.

---

*Хамро БОНУ – 1971 йилда түгилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. “Ҳаққа етказ”, “Арбагишининг лолалари”, “Маҳфий учлик ёхуд сирлар салтанатига саёҳат” номли китоблари нашр этилган.*

Унгача узун йўл – умр бор,  
Дилларни қувнатар ҳар дийдор,  
Яхшиям сиз борсиз, яхшиям биз бор,  
Дунёни яшнатиб диловар  
Бир сухбат курайлик азизлар.

## Менга ҳамроҳ бўлди кутмаганларим



Расул РАҲМОН

\* \* \*

Армон бўлиб қолди етмаганларим,  
Орзу кўчасидан ўтмаганларим,  
Нетай, жабр кўрдим кутганларимдан,  
Менга ҳамроҳ бўлди кутмаганларим.

Дўстларим дўстидан қилганида ор,  
Дунё кўзларимга келганида тор,  
Оғир кунларимда кетганида ёр,  
Менга ҳамроҳ бўлди кутмаганларим.

Ҳатто жигарларим силтади қўлин,  
Битта ширин сўзга зор бўлди кўнглим,  
Ўзим ҳам ўзимни қийнаган куним,  
Менга ҳамроҳ бўлди кутмаганларим.

Юрагим йиғлайди соғинчли куйдан,  
Хабарим йўқ менинг на аза, тўйдан,  
Хаёл суравериб, толикдим ўйдан,  
Менга ҳамроҳ бўлди кутмаганларим.

---

*Расул РАҲМОН – 1983 йилда туғилган. Наманган шаҳридағи Маданият колледжини тугатган. “Эркаласам” номли китоби нашр этилган.*

Бегона бўлса ҳам, борига шукур,  
Кези келганида, айтай ташаккур,  
Эй Расул, виждонинг амри билан юр,  
Менга ҳамроҳ бўлди кутмаганларим.

### Ҳаёт

Чўғни боссанг балким, кафтим оғирмиди,  
Елкам узра гамни ортиб олдинг, ҳаёт.  
Мингта шеърим бир сўзига арзирмиди,  
Сен онамни мендан тортиб олдинг, ҳаёт.

Менда қолган ўч-аламинг битмагандай,  
Ёш бошимдан не азоблар ўтмагандай,  
Ўзи шундок йўқотишлар етмагандай,  
Сен отамни мендан тортиб олдинг, ҳаёт.

Бир бандаман қайтаришга имконим йўқ,  
Сал кечиксам кутадиган инсоним йўқ,  
Деёлмайман, энди дилда армоним йўқ,  
Паноҳимни мендан тортиб олдинг, ҳаёт.



## Руҳи равонимда бир хис жонталаш

Латофат АМИРОВА

\* \* \*

Тугаса дийдорлар тугайди,  
Биздан кейин тугаб қолмайди ҳаёт.  
Қалбдаги залворлар тугайди.  
Тугаса, тугасин! Дод! Ҳайҳот!..

---

*Латофат АМИРОВА – 1997 йилда тугилган. Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг филология факультетини тамомлаган. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.*

Кетар бўлсанм отмай қолмас қуёшингиз,  
Кечар бўлсанг, осмонларим қолмас ойсиз!  
Менсизликнинг сўқмоқлари йўлдошингиз,  
Яна баҳтли бўлоламиз тушунинг, сиз!

Мен кўп кутдим қалб эшигим очиб ҳайҳот,  
Кирдингизу эшикларни ёпмадингиз!  
Биз кутгандек бўлмас экан доим ҳаёт!  
Севдингизу, мендан мени топмадингиз!

Тугаса дийдорлар тугайди...  
Биздан кейин тугаб қолмайди ҳаёт!

\* \* \*

Мен бир тўлдим, денгизларга ағдаргулик ...  
Сезяпизми? Юрагимда баҳт ёғалоқ...  
Қаранг, ишқнинг яноқлари қирмиз гуллик,  
Сизга бунча ўхшайди-я, бу қизалоқ...

Юрагимнинг пештоқига ҳилол кўнди,  
Кўзларимда долғаланди етти олам,  
Савол тинди, завол тинди, хаёл тинди,  
Кувончлардан бунёд бўлди ҳар зувалам!

Баҳорги майсадек титранди кўнглим,  
Бир ҳузур симириди қақраган рухим  
Абри найсонлардек қарофим лим-лим,  
Самодек пойимга чўкди аллаким...

Гулларга ўранди вужудим оташ,  
Бахтдек ёғиб келди, кулди жамолим,  
Рухи равонимда бир ҳис жонталаш,  
Сени дунёларча севдим, ҳалолим!



## Сўнгги жумлагача айтилди алла

Санжар ТОШБЕКОВ

Нихоя

У дастлаб дўконда ишлаган,  
Нам ва қоронгуда ўтган ёз-қиши.  
Хўжайн олдида тилни тишлаган,  
Сўнгра уйга қайтган оғриб, энгashiб.

“Бир куни хаммаси изига тушар” –  
Ширин орзу билан хаёлга ботган.  
"Бу олим бўлади, униси ҳоким"  
деган орзу билан тонглари отган.

Тагин эрталабдан ишга жўнаган,  
Ҳар кунги юмушни адо этгани.  
Баъзан кечга қолиб, захда тунаган,  
Баъзан билмаганман келиб кетганин.

Мудхиш даврийлиқдан чиқмаган асло,  
Бориб келаверган оғриқли йўлдан.  
Саноғини билмас қанча деворнинг  
Ажинлари силлиқ чиққан қўлидан.

Аммо, орзулари чинга дўнмади,  
Аlam неча бора тилди жонини.  
Ҳамон тили қисиқ, эгик қомати,  
Бу гардун беаёв ичди қонини.

---

*Санжар ТОШБЕКОВ – 1999 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.*

У юзма-юз турар йўқчилик билан,  
Ҳасрати, оғриги нигоҳида жо.  
Икки томон кетган икки ўғли ҳам,  
Бириси тошбагир, бири бесадо.

Унга дунё ҳақда ортиқ сўйламанг,  
Дунё таржимаси ўлик сийратнинг.  
Ўғли ҳоким бўлди сўзга, қайғуга,  
Олимни ҳам бўлди мағлубиятнинг.

### Тўкилиш

Истеъмол қиласи хотиржамликни,  
Ноябрь оқшоми, сершовқин шаҳар.  
Соямни майдалаб, сўнгсиз жимликни  
Шошмасдан, бирма-бир, ютмоқда башар.

Бўшаб бораяпман қадам-бақадам,  
Бўшатиб бораяпман тўлмас ховучни.  
Юз чайиб изтироб томчиларига,  
Унутиб юбордим бокира тушни.

Энди ўнгланмайди, тош қотди бари,  
Тасаввурдан бунёд минглаб ҳайкаллар.  
Чизиб тутатилди рассом сурати,  
Сўнгги жумлагача айтилди алла.

Ниҳоят бўм-бўшман, тирноғим қонаб,  
Қонталаш жумлалар, сўзлар чўзди бўй.  
Энди бағрингга ол сукунат – онам,  
Пешонангни узат ўйланмаган ўй.



Узок ЖҮРАҚУЛОВ

# СОГИНЧ РУТБАСИНИ БОЙ БЕРМАС ШОИР

Миллий тишлиунослигимиз отаси Маҳмуд Кошғарий ўзининг “Девону луготит турк” қомусий асарида қадим туркий тилда “соқинч” шаклида талаффуз қилинган “согинч” сўзи туб маъносини ботиний ғам, изтироб тарзида изоҳлаган. Аммо бу сўз бугунга келиб ёзма ифодасида ҳам ўзининг ўша маъновий вазни ва салмоғини бир қадар йўқотганга ўхшайди. Чунки замонавий одамлар эндилиқда “согинч” дейилганда нисбатан енгилроқ, чучмалроқ туйгуни англайди, бу калимани теран изтиробсиз айтади, назаримда... Бироқ бундай маъно торайиш ҳодисаси қўпроқ жонли нутқقا тегишли. Бадиий ижодда эса бу сўз, шукрки, қадим моҳиятидан кўпда узоқлашмаганини Ахтамкули шеърларини ўқир чорим теграмда фақат “согинч” сўзи айланганидан-да англадим. Ва бу согинч айланга-айланга кўнглимдан жой олди.

Алхол, асл шеър изтироб согинчи эмасми, чин шоир изтироблар согинчи ичра ўртаниб ижод қиласди. Ўқувчи ҳам айнан шуну севади, шундан лаззатланади.

Ахтамкулининг ишқ изтироблари тилмочига айланган шеъриятида Яратган жамоли ва У зот илк бор отамиз Одам алайҳиссалом, онамиз момо Ҳавволарга тўймок шарафини ато этган жаннат согинчидан тортиб, Ватан, Она, суюкли ёр, иймон, вафо, садоқат, адолат, инсоф, диёнат согинчига қадар уйғун акс этади. Яна – киндик қони томган тупроқ, бу тупроқда унган майса, бепоён ҳовли, ҳовли ичра гуллаб ётган райхону атиргул, атиргул япроқлари узра из қолдирган бола нигохи, тоғ шабадаси ва бу шабада ичра фароғат изтиробин туйдириб ястанган қабристон согинчи ҳам бор...

Бугун “янги” анъаналарга асир кўнгиллар саҳнига айланмиш, замонавий жамият йўқотаётган, “Қизил китоб”га киритиш эҳтиёжи пайдо бўлган, ўлиш, унутилиш палласида турган туйғу ҳам, таассуфки, согинчди бошқа нарса эмас. Яна таассуфки, айни дамларда согинч нишоннинг тескари – кўринмайдиган томонида турибди...

Хўш, унда бу улкан нишон юзини майда ва бегона оҳангларга ракс тушаётган жамият кишилари томон ким ўнглайди? Нишоннинг сўл томонига чаплаб ташланган “согинч” сўзини ким ўқий олади, бу сўз маъносини ким тушунтириб беради, ким уни тош қотган кўнгилларга олиб киради?

**Узок ЖҮРАҚУЛОВ** – филология фанлари доктори. 1967 йилда тугилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) татомолаган. “Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати”, “Худудсиз жи尔ва”, “Назарий поэтика масалалари” ва “Қодирий ва роман тафаккури” номли илмий китоблари ҳамда кўплаб мақолалари чоп этилган.

Албатта, шеърият, албатта, чинакам шоир!

Ахир турмуш ташвишлари билан апоқ-чапоқ бўлиб кетган одамлар соғинчга оид ҳамма нарса – ҳатто Яратганинг соғинч дарахти илдизига ҳаёт бахш этгич тенгсиз неъмати – улуғвор йифини ҳам унутиб қўядилар. Аммо бу туйғу шоир қўнглида яшаб қолади, сира ўчмайди. Негаки, шоир барча замонларда унутилган соғинчлар хазинабони, унутилган соғинчлар ҳаммоли бўлиб келган. Ва чин шоир пайти келганда юрагида ортмоқлаб юрган ўша хазинасини очади – бани башарга соғинч улашади...

Ахтамкулининг бир ғазалида шундай сатрлар бор:

*Китобимни белаб нурга ҳисоб дунёсига бордим,  
Ҳасаддан холи бўлган изтироб дунёсига бордим...*

Шоирнинг ғазалнависликка хос ва ижодкор маҳоратидан дарак берувчи, изтиробли туйғу экилган – “ҳисоб дунёсига бордим... изтироб дунёсига бордим...” каби қўшқофия сатрлари нима сабабдан унди?

Бизнингча, вазн, руқн, қофия каби илмий истилоҳлар биргина шакл ҳодисасининг ифодаси эмас. Қофия қофияга шунчаки қўшилмайди. Уларнинг қўшлашувига изтироб босими сабаб бўлади. Зотан, қофия якка ҳолида бу изтиробни қўтара олмайди. Шу боис шоир ҳasad ва нафс ғавғосидан қочиб, изтироб дунёсига борганини алоҳида таъкидламоқда.

*Юракдан ишқ ёғилган кун, югурдим тентираб дилхун,  
Келиб қўнгил тилар мажнун, ҳароб дунёсига бордим...*

Кейинги байтида шоир қўшқофиялар маржонини бутун байт бўйлаб тизади. “Кун”, “дилхун” сўзларига “мажнун”ни қофия қиласди. Шу тариқа мозийга эврилиб, изтироблар султони, соғинч диёрининг эркаси – салтанати зохиран ҳаробот, ҳаробот ботинида эса соғинч хазинаси қўмилган – Мажнунни ёдимизга солади. Байт маъносини эса соғинч хиссини унумаганларгина тушунадилар.

Бошқа бир ғазалида шоир айни туйғуларини реал воқеликка, ўз шахсияти ва замонасига кўчиради. Кўчирганда ҳам шунчаки эмас, образли усулда кўчиради:

*Дард сочиб тургай менинг бошимда тогу тошларим,  
Кетдилар ташлаб ҳама дил боғлаган дилдошларим.*

*Тун қувончим қамчилайди, қалтирас қошимда шам,  
Бар сиқим тупроқни деб қон йиелагай қондошларим.*

*Ўйнашар қўнглим билан йўлимга қўз тиккан лайн,  
Тентираб кетмоқдадир, дунё тилаб сирдошларим.*

Нега улуғвор тоғлар лирик қаҳрамон боши узра “дард сочади”? Нега тун унинг қувончларини аллалаш ўрнига “қамчилайди”? Нега иблиси лаъин кўнгли билан ўйнашади? Жавоб яна ўша – соғинч. Зотан, қўнгилга яқин дўстлар, қон-кардошлар, сир бериб, сир олган сирдошлар уни ташлаб кетишган. Улар кетган дунёга соғинч

## Узоқ ЖҮРАҚУОВ

отли уловдан бўлак ҳеч нарса билан бориш мумкин эмас. Бу улов суворийси лирик “мен” эса дудама тифли айрилик жафосини чекишга маҳкум.

Шоир туғишиган укасига бағишилов ўлароқ ёзган бошқа бир шеърида соғинч ва изтироблари сувратини янада аниқроқ чизади:

*Тоғларимни соғиниб дил бўлди қон, отамга айт,  
Кўзларимдан кетмаган булбулзабон отамга айт.*

*Мункайиб кўз нурию умрин йўқотганларга боқ,  
Айрилиб дунёсидан чопгай чунон, отамга айт.*

*Кўмилиб кетди Карим мерганни кўхна милтиги,  
Оҳулар оҳ чекмагай бундан буён, отамга айт.*

*Онамиз кўз ёшини ичган ниҳоллар яшнагай,  
Изладим даргоҳидан бир бурда нон, отамга айт.*

Ҳар байт сўнгига радиф ўлароқ келган “отамга айт” ибораси лирик “мен” соғинчининг мангалигига далолат қилади. Чунки шоирнинг бобоси – Карим мерган ҳам, мушфик онаси ҳам энди бу дунёда йўқ. Улардан ёлғиз соғинч ва соғинч бергич изтироб қолган, холос.

Шу боис шоир кўхна дунё сирларини кўравериб юзларига доғ тушган оймомо билан диллашади. Соғинчларини унга изҳор этади:

*Саволингга жавоб топмай бошим қотди сўроқчи ой,  
Юрагимнинг ҳаловатин ўғрилаган ўроқчи ой.*

*Туним қаро, қалбим яро, маст юрибман гулзор аро,  
Бошим узра сочиб зиё, адаштирма чироқчи ой.*

*Сўзим олов, изим олов, ўзимдирман ўзимга ёв,  
Ҳолим сўраб келмас бирор, дилим куйди булоқчи ой!*

*Сомон йўли сомонимни, сочди фойда зиёнимни,  
Юлдуз тўла осмонимни олиб кетди улоқчи ой.*

Ростдан ҳам, дунё гулзори ичра маст одам хато ва адашувлар хавфига яқин туради. Ўз-ўзига “ёвлик” жиҳатидан ҳам оламдаги бирор махлук одам билан беллаша олмайди. Шоир барчамиз учун хос бўлган ушбу туйғуни туйқус англаш қолади. Англаш асносида куз ҳазони ҳидини тужди. Яна уни соғинч изтироби ўртай бошлайди. Ва у яна ўтмиш кунларидан таскин излашга тушади. Покиза соғинч ҳисси уни дунё ҳақида аждодларимиз сўзлаган минг йиллик ҳақиқатга, буюк бир хуносага олиб келади: “бу дунё – ёлғон дунё”...

*Отам отин қувляяпти, соғинч дилим сувляяпти,  
Хөвлида куз увлаяпти, дунё экан алдоқчи, ой.*

Күйидаги байтларда эса шоир ушбу хulosаларини гүё далиллайды:

*Юраклар орзикіб күтган замонда,  
Севинчим андалиб овози бұлды.*

*Нечун, күнглимини шудгор айлагай күз?!  
Күлимда айрилиқ қогози бұлды...*

Ёки:

*Юрак ҳижрон тигидан пора бұлгай,  
Күеші қорачигимда қора бұлгай.*

*Хилол ханжар қүйибдур гарданымга,  
Нечун жаллоди дүн овора бұлгай...*

Ёки:

*Гулімдан гүл тилаң гулзорға бордим,  
Кейін даллоли йүк бозорға бордим.*

*Дилимни синчи булбұллар синашиди,  
Юрак торим узилгач, дора бордим.*

*Ярап бир парча ер қолған күнимга,  
Нечун, поёни йүк шудгора бордим?*

Ахтамкулининг арунда ёзилған шеърларида Навоий, Фузулий, Машраб, Ҳувайдо, Эркин Вохидов ғазалиётіга хос мушк оханги тарағын тұрса, бармоққа оид шеърларидан Абдулла Ориф анъаналарига ҳавас ва әхтиром сезилади. Биламизки, Абдулла Ориф “Қасамдара” шеърида “ов ишқи”та банди бўлиб, Қасамдара тутқунига айланған овчи ҳақида ёзған эди. Ахтамкулининг “Ниҳондара” шеъри худди “Қасамдара”нинг давоми, Абдулла Ориф ўз ўқувчиси учун ташлаган лирик жумбоқнинг янги бир жилвасидек тасаввур беради.

*Нимани яширдинг, айт, Ниҳондара?!*  
*Бобомнинг кафтида музлади тупроқ.*  
*Сочини ҳаллослаб ёйған шаршара,*  
*Харсанглар измидан кетолмас йироқ.*

Шеърхон күнглида “нега” саволиини үйготған шеъргина ҳақиқий шеър бўлади. Чунки ўқувчи шу “нега” ортидан юриб, бепоён шеърият салтанатига кириб бораркан, бўсалтанат сир-синоатларини англашга, ҳис этишга ҳаракат қиласи. Унинг учун энди ортга йўл қолмайди. Гайриихтиёрий тарзда шу салтанат фуқаросига айланади.

Ахтамкули шеърияти ҳам бунинг бир мисоли: “Сочини ҳаллослаб ёйған шаршара, Харсанглар измидан кетолмас йироқ...” Нега?

Ёки шамол чайқатаётган, қурбақалар сайраётган кўхна ҳовуз ҳолатида ким фалсафа, лирика нағасини ҳис этади? Ким бу каби содда, қалби сўниқ одамга жўнгина кўринадиган табиат ҳодисасида фасллар симфониясини кўра олади? Албатта, шоир!

*Күрбақалар күйлар, рақс этар ҳовуз,  
Ёзни кузатишига ошиқар шамол.  
Пахтазор оралаб келаяпти қуз,  
Сүроққа айланыб қолади ҳилол...*

Бу түртликнинг бутун кучи, ижтимоий аҳамияти “сүроққа айланган ҳилол” ташбехида хадди ағылшындың етади. Сүроққа айланган ҳилол ортидан эргашган ўқувчи заҳматкаш ўзбек халқи кўнгил тубида сақлаб келаётган минг йиллик кувончу изтироблар, қалбида сир-синоатлар, орзу-армонлар оҳангини кашф этади.

*Тунлари ой билан диллашган,  
Тупроққа қуйиниб сирлашган,  
Бир умр ўт билан тиллашган,  
Онамни согиндим, онамни...*

*Умримни қиймалаб карвонлар,  
Ташийди заъфарон ҳижронлар,  
Боши хам гуноҳкор “полвон”лар,  
Онамни согиндим, онамни...*

Мунаққидлар “сентиментал” деб атайдиган бу шеърда ўртаниш, изтироб, болалик ва ўтмишни қайтара олмаслик каби фожей ҳолатлар тасвири чизилган.

Гарчи кўплар шафқатсиз кундалик турмуш ғалвалари ичра яшаётган одам кўп ҳолларда ўз соғинч, изтироб ва йигисини қалб тубида яширишга мажбур, таъна-дашномларга қолишдан, “ижтимоий одам”лик рутбасини йўқотишдан кўрксада, факат чин шоиргина бу рутбани бой беришдан чўчимайди. Кўнгилларда мағдун туйғуларни ўз зарари, ижтимоий мағлубияти эвазига юзага чиқаради. Юзага чиқарганда ҳам ўзи учун эмас, ўша “ижтимоий одамлар”, ўша ҳайдаб солувчиilar, ўша “музаффару ғолиблар” манфаати учун айтади. Ўз устидан қах-қах отиб куловчилар кўнглини деб нафис туйғуларини қурбон қилади. Чунки у ўша “ижтимоий одамлар”, ўша музаффарлар пана-панага ўтиб, шеърларини ўқишини, соғинган оналарини эслаб, кўз ёш тўкишини билади. Шоир дарди шу тариқа умум дарди, миллий- ижтимоий дард ифодасига эврилиб боради...

Гапираман десак гап кўп. Илло, шеър ҳакида айтилган ҳар қандай гап унинг зидди томон қўйилган ўхшовсиз қадамдир. Шеър ўзи ҳакида ўзи гапиради. Ўзини ўзи шарҳлайди, таҳлил этади. Шундай экан, муҳтарам ўқувчи, шеър ҳакида ёзилган сўзларни эмас, шеърнинг ўзини ўқинг.

# КҮЙ ЧАЛИШ УСЛУБЛАРИ



Муслима МАҲКАМОВА

Мусиқа олами жуда кенг ва йўналишлари бисёр. Шу нуқтаи назардан мусиқа соҳасининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган *торли чолғу асбоблари*, хусусан мусиқий таълим муассаларида скрипка чолғусини замонавий инновациян, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитиш масалаларини кўриб чиқайлик.

Аввало, скрипка чолғуси таълими *италиян, немис, француз, фин, рус, япон, АҚШ* каби ўзига хос анъана ва услубларга эга мамлакатлар бор. Бу мактабларнинг барчаси, шубҳасиз, иқтидорли скрипкачиларни тарбиялашда дунёдаги энг етакчи мактаб ҳасобланади.

Келинг, “инновациян” деб белгиланиши мумкин бўлган мавжуд замонавий ўқитиш усуllibарини батафсил кўриб чиқайлик.

*Сузуки техникаси (Япония);*

*П. Ролланд усули (АҚШ);*

*“Солоурстрайнгс” техникаси ёки Кодалий Метод (Венгрия, Финляндия);*

*С. Милтоняннинг гуруҳ импровизацияси усули (Россия);*

*Сузуки усули.* Таникли япон мусиқачиси ва файласуфи Шиничи Сузуки ва болаларни скрипка чолғусини ўргатишнинг машхур услубига бағишлиланган. Бу усул дунёда ўйин ўргатишнинг энг кенг тарқалган инновациян усуllibаридан бириди. Унинг мусиқий ривожланиш усуllibарига қарашлари кўпчиликни ҳайратда қолдири, аммо натижалар барча кутгандан ошиб кетди. Туғма қобилиятни ривожлантиришга асосланган Сузуки техникаси кўплаб мамлакатларда қўлланилади, ҳамда у ўзини самарали ва қизиқарли таълим усули сифатида кўрсатди.

Нейропсихологларнинг фикрига кўра, мусиқий фаолият мия хужайралари учун энг кенг ва қамраб оловчи машғулот сифатида тан олиниши ва улар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириши керак, чунки мия ярим корtekси мусиқани ижро этишда фаолdir, яъни боланинг барча ҳис-туйғулари ва органлари фаолdir.

*Пол Роланд услуби.* Ушбу услуг жамоавий ва индивидуал мусиқа яратишнинг синтезига асосланади. Бу усул кўпинча “юмшоқ рақобат” таърифи билан боғлиқ. Муайян натижага эришган жамоа аъзосининг муваффақияти дарс давомида бошқаларга ўrnak бўлади, бироқ бир ўқувчининг хизматларини бундай улуғлаш факат дарс давомида сакланиб қолади.

**Муслимахон МАҲКАМОВА** – “Ниҳол” давлат мукофоти совриндори. 1997 йилда тугилган. Ўзбекистон давлат консерваториясини тамомлаган. Мақолалари республика матбуотида чоп этилган.

## **Мұслима МАҲҚАМОВА**

Роланд ўз педагогикасини табиий кундалиқ ҳаракатлар ва скрипка чалиш учун зарур бўлган ҳаракатлар ўртасидаги ўхшашликларга асослайди. Бола яхши тана мувозанатидан фойдаланган ҳолда ва асбобни чалаётгандан мушакларнинг кучланишидан қочиб, чиройли тембр билан ўйнаши ўрганиши мумкин.

*Г.Зилвей ва З.Кодай томонидан “Солорстрингс” услуби.* Мазкур услуб венгриялик скрипка ўқитувчиси Г.Зилвей томонидан ишлаб чиқилган ва Золтан Кодай мусиқа таълими тизими тамойилларига асосланади. Ушбу “Рангли торлар” инновацион ўқитиш услуби бутун дунёда ўттиз йилдан ортиқ вақтдан бери ўрганилиб келинади. Бу услуб З. Кодай китобларида келтирилган тезисларга асосланади. Бунда ранг ёрдамида ўқув жараёни фаоллашади, у содда, қизиқарли ва ўқувчилар учун тушунарли бўлади. Ритм, баландлик, интерваллар, мусиқий саводхонлик элементлари болаларнинг идрок этиш хусусиятларига мос равишда визуал тарзда тақдим этилади. Бундай тақдимотлар болага, ҳатто скрипка ва торлар билан биринчи танишишда ҳам, нафақат кўриш қобилиятини ўрганиш, балки бу жараённи жуда ёқимли ва қизиқарли қилиш имконини беради. Бу скрипкани ўзлаштириш бўйича кейинги барча ишлар учун асос бўлган чалиш, кўриш ва ўз куйларини тинглашга уринишлар ўртасидаги илк алоқаларни ўрнатади.

*С.Милтоняннинг гуруҳ импровизацияси ва Э.Пудовочкин услуби.* Бу услубларнинг иккаласи ҳам маҳаллий скрипкачилар ва методистларнинг ишланмалари билан боғлиқ бўлиб, улар “Хар бир бола истеъдодли” тезисларини ва гуруҳ мусиқасини ижро этиш тамойилларини тарғиб қиласди ва Сузуки усулига ўхшайди. Усуллар ўртасидаги фарқлар ўқитиш ва материални тақдим этиш жиҳатларига боғлик. Шундай қилиб, Милтонян услуби қуидаги нуқталар атрофида қурилган: постановка асослари, гуруҳдаги мактабгача ёшдаги болаларга импровизация ўйинларини ўргатиш ва дастлабки ёзиш қобилиятларини шакллантиради.

*Пудовочкин услуби,* ўз навбатида, мусиқий қобилиятларни ҳар томонлама ривожлантириш асосида скрипка чалишни жамоавий ўрганиш тажрибасига асосланади. Унинг услуби иккита асосий тамойилга асосланади: ансамбль мусиқасини яратишнинг дастлабки шакллари ва ансамблда ижро этиш орқали болаларнинг мусиқий қобилиятини ҳар томонлама ривожлантириш. “Гуруҳдаги скрипка дарслари ҳар бир боланинг бошқа ўқувчиларга нисбатан фазилатларини тўғри баҳолаш имконини беради.” (Э.В. Пудовочкин) Бу услубларнинг иккаласи ҳам маҳаллий скрипка педагогикаси мактабида қўлланилган, аммо кенг маълум бўлмаган. Классик мактаб билан солиштирганда, методлар ўқувчи ва жамоавий таълимга бўлган ёндашуви билан ажralиб туради.

*В. Якубовскаянинг методикаси.* Якубовскаянинг техникаси “Босқичлардан юқорига” деб номланади, унинг мақсадли аудиторияси 5–7 ёшли мактабгача ёшдаги болалардир. Ушбу усулага кўра, машгулотларнинг дастлабки босқичида болалар позицияларни ўзгартиришни ва оддий усусларни қўллашни ўзлаштирадилар.

Классик ёндашуvdан фарқли ўлароқ – Якубовская услуби бўш торларда машқ қилиш, болаларга скрипка чалиш учун жуда кўп оддий композицияларни таклиф қиласди, бу уларга классик усуздаги каби барча техникаларни ўрганиш имконини беради.

Хозирги замон мусиқа ўқитувчисининг фаолияти ҳеч қачон услубий кўрсатмаларнинг механик бажарилишига айланмаслиги керак, балки доимо ижодий жараён бўлиши керак. Ўқувчи-ўрганувчиларнинг авлодлари ўзгариб туради ва ҳар бир янги авлод ўзига хос хусусиятларни намоён қиласди, бу ўқитувчилардан ўз фаолияти давомида скрипка созини ўқитишнинг тегишли усуслари ва шаклларидан фойдаланишини талаб қиласди. Ўқитувчининг ўзи ҳам, ижоди ҳам бутун ҳаёти ва ижодий фаолияти давомида шундай ўзгариб туриши шарт.

## ИЗЛАНИШ ВА САМАРА



Курдош ҚАХРАМОНОВ

Ҳар доимгидек 2023 йил ҳам қиссаларга бой йил бўлди. “Шарқ юлдози” ва “Ёшлик” журналлари ҳамда марказий нашриётларда ўндан зиёд қиссалар чоп этилди.

Бу қиссаларда замондошларимиз образини яратишга катта эътибор қаратилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Турли хил характер қирраларига эга замондош қаҳрамонлар ўзининг индивидуал қиёфаси, ҳаётда тутган ўрни ва мақоми, орзу-интилишлари, идеаллари билан китобхонни бефарқ қолдирмайди.

Маъсума Аҳмедованинг “Мангу куй”, Абдужалол Раҳимнинг “Ойдин кечалар”, Жасур Кенгбоевнинг “Синов” каби қиссаларида севги-муҳаббат мотиви етакчилик қиласи. “Мангу куй” қиссаси самимиятга тўлиқ асар сифатида баҳоланишга лойик. Нафақат асарларда, балки ҳаётнинг ўзида ҳам фоят камёблашиб бораётган бу туйғу ҳар доим миллий адабиётимизнинг устувор устунларидан бири бўлиб келган.

Қисса қаҳрамони Жаъфар ёш эмас, ҳаётда ўз ўрнини топиб олган, бир қатор мусиқий композициялар яратиб эътироф этилган, таникли пионист-композитор. Унинг қишлоқдан келган талаба қиз – Азизани ёқтириб қолишига нима, қандай куч сабаб бўлди. Ахир унинг ёнида ёшлиқдан бирга ўсан, бир-бирини яқиндан биладиган, ҳар томонлама Жаъфарга муносиб бўлган, унинг илинжида келаётган совчиларни қайтараётган гўзал Шахина ҳам бор-ку? Нега энди айнан келиб-келиб ёш талаба қизни ёқтириб қолди? Азиза уни нимаси билан мафтун этди? Қиссани ўқиётган китобхонларда шундай қатор саволлар туғилиши табиий. Ҳатто кўнглида кечеётган адоксиз ҳислардан қийналаётган Жаъфар ҳам ўз-ўзига шундай саволни беради.

Адиба қиссада ана шундай саволларнинг бадиий жавобини китобхонга ишонарли тарзда сингдира олади. Уларни бир-бирига яқинлаштирган, бир-бирига боғлаб турган ришта бу – ижодкорлик. Санъатга, адабиётга, шеъриятга бўлган ошуфталиқ. Уларнинг қалб гўзаллиги айнан шу ҳолатларда яққол намоён бўлади. Асарда уларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари ортиқча зўриқишиз, табиий йўсинда характер хусусиятларидан келиб чиқиб тасвирланади. Жаъфар руҳан

**Курдош ҚАХРАМОНОВ** – филология фанлари доктори. 1954 йилда тугилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозирги ТДПУ) филология факультетини тамомлаган. “Адабий танқид ва ўзбек адабиёти” ва “Адабий танқид: янгиланиш жараёнлари” номли монографиялари, “XX аср ўзбек адабиёти” ўқув қўлланмаси, “Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи” дарслиги (ҳаммуалифликда) муаллифи.

## Құрдош ҚАХРАМОН

ижодкор, у ўз мусиқаларида ҳаётнинг гўзаллигини ҳам, ғамнинг яшовчанлигини ҳам бир нуқтада, уйғун тарзда намоён эта олишни истайди.

Университетнинг француз факультетида ўқийдиган Азизанинг характеристерига ҳам шунга монанд. Ўзига хос хаёлот оламига эга бўлган бу қиз шеърият ошиғи. Чўлпон, Рауф Парфи, Вафо Файзуллоҳ шеърларини ёддан ўқиб юради. Уларнинг дастлабки учрашувлари тасодифлар орқали рўй берса-да, кейинчалик бир-бирларига бўлган туйғулари учрашувдан учрашувга юксалиб боради. Қачонки, ўргада Шахина пайдо бўлгач, бу туйғулар изтиробли тус олади. Шахинанинг саъй-ҳаракатлари боис Азиза Жаъфардан узоқлашади, уни кўнглидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилади. Шу мақсадда яшаб турган ижара уйини ҳам, телефон рақамини ҳам ўзгартиради, уни кўрганда танимаганга олади.

Ушбу айрилиқ – синов Жаъфарга ўзи орзу қилиб юрган “Мангук куй”ни яратишга замин яратди. Онасининг даъвати билан куй яралишига сабабчи бўлган Азизани излаб топишга аҳд қилади.

Абдужалол Каримнинг “Ойдин кечалар” қиссаси ҳам севги-муҳаббат мавзусида. Унинг қаҳрамони ветеринар олим Илҳом Ҳазратқулов. Асарнинг қолипловчи ҳикояси ветеринарлар фаолиятини ёритиши учун яйловга ташриф буюрган мухбир – Азиз томонидан баён этилади.

Редакция топшириғи билан чўпонлар хузурига борган Азиз у ерда ўзига тенгдош ветеринар олим Илҳом билан танишади. Бир неча кунлик муроқот чоғида унинг қалб дафтари билан танишади. Илҳом ота-онасидан болалигига ёк ажралган бўлиб, жездаси қарамогида вояга етади.

Юқори синфларга ўтганда қалбида қўшни қиз – синфдоши Гулқизга нисбатан бошқача бир туйғу пайдо бўлаётганини сезади. Ёзувчи ундаги ҳолатларни гарчи Илҳомнинг ҳикояси сифатида акс эттираса-да, марокли тасвирлайди. Унинг Гулқизга интилишлари ўсмир қалбнинг романтик туйғулари сифатида тақдим этилади.

Бироқ параллел синфда ўқийдиган болаликдан рақиб бўлиб келган Тошқул унга қиздан узоқроқ юришни, унга бешиккертти қилинганини маълум қилади.

Ёзувчи Илҳом рухиятида кечаетган изтиробларни ишонарли тасвирлайди. Ушбу хабардан караҳт ҳолга тушган Илҳом дастлаб ўзини жарга ташламоқчи бўлади, бироқ опачасини ўйлаб фикридан қайтади. Гулқизларнида ўтган битирув кечасида унинг чорасизлигини билгач (отаси уни оқ қилмоқчи эмиш), Самарқандга ўқишига жўнаб кетади.

Асарнинг хотима қисмидә эса орадан йиллар ўтиб, Азиз Илҳомдан телеграм олади. Маълум бўлишича Илҳом уни докторлик диссертацияси ҳимоясига тақлиф қилаётган экан. Азиз ҳимояга боришига қарор қилади ва Илҳом билан учрашиб уларнинг хонадонига боради. Эшикни Гулқиз очиб салом беради. Гулқизга разм солган Азиз вакт унинг чиройли юзига ҳам ўз ҳукмини ўқиб, кўзлари атрофида ажинлар пайдо бўла бошлаганини кўради.

Бу асарлар бизга 60–70 йилларда яратилган қиссаларга хос воқеаларни ёдга солади. Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов асарларидағи бадиий соддалик, ҳиссиётларга бой, романтик кечинмалар қайтадан адабиётимизда жонланаётгандек таассурот пайдо қилади.

Жасур Кенгбоевнинг “Синов” қиссасининг қаҳрамонлари ҳам талаба ёшлар. Искандар Каримнинг параллел гурухида ўқийдиган Лайло исмли қизда кўнгли бор. Қизнинг ҳам унга мойиллиги сезилади. Лайлонинг дугонаси Бахтигул уларга ҳам ҳавас, ҳам ҳасад қилади. Шу ҳасад туфайли бир сафар ёлғондакам ҳушидан кетади. Уни уйига Искандар ва Лайло кузатиб қўйишиади. Бахтигул эшик олдида уларнинг орқасидан ҳавас ва ҳасад билан қараб туради, кейин шарт бурилиб уйига кириб кетади. Ушбу ҳолат китобхонни хушёр торттиради, албатта. Бунинг сабаби

асарнинг охирроғида Бахтигулнинг иқрори орқали ойдинлашади. Қайтишда машруткага ўтирган йигит-қиз йўлда аварияга учрайди. Қиз бошидан жароҳат олиб, касалхонага тушади. Уни операция қилишади. Искандар Карим касалхонага бориб туради. Қизнинг ота-онаси билиб қолмасин учун бир ҳамшира орқали соғлигини суриштириб туради. Ҳамшира орқали унга настарин гулдаста совға қиласди. Шундан сўнг уларнинг ишқ булоқлари кўз очади. Учрашув, кинога тушишлар, ширин энтишишлар бошланади. Уларнинг барчасида Лайлонинг дугонаси Бахтигулнинг иштироки бўлади.

Қисса якунида Бахтигулга уйланган Искандар бахт тополмай умри аросатда ўтади. Асардаги кўплаб лавҳалар тасодифга курилгани, бадиий далилланмагани туфайли мукаммаллик касб этмаган, китобхонда нохуш таассурот қолдиради.

Холёр Сафаровнинг “Энг қайгули қувонч” қиссаси маҳорат билан ёзилган, китобхонни ҳаёт ҳакида, унинг шафқатсизликлари ҳакида ўйлашга, муайян хуласалар чиқаришга ундейдиган асар сифатида эътирофга молик.

Тўққизинчи синфни яхши баҳоларга битирган Қувончнинг орзулари бир олам эди. У шаҳардаги лицейга бориб ўқиши, университетга киришни орзу қиласди. Аммо орзу орзулигича қолиб кетди. Оиладаги йўқчилик уни ўртоғи Турсунали билан Россияга бориб ишлашга мажбур қиласди. Ҳужжатларини қишлоғидаги коллежга номига топшириб қўйиб дарсларга қатнашолмагани учун ҳайдалиб кетди. Онаси Севинч касалманд бўлиб эрта ўлиб кетади. Отаси эса топганини ичиб масталааст ҳаёт кечиради. Онасининг вафотидан кейин жияни уни уйлантиромокчи бўлиб бир неча беваларни кига олиб боради. Бироқ унга тегадиган хотин топилмайди. Бир куни Қувонч отасини жойнамоз устида тавба қилиб ўтирган ҳолда кўради. Асардаги қайгули қувонч шу палладан эврилади. Ота бутунлай ўзгаради. У ўғлини ёнига чорлаб уни уйлантириб, уйга келин туширишни ният қилганини айтади. Ичкиликни ташлаб ҳамқишлоқларини ҳайратга солиб, нуроний кимсага айланади. Ўғлини уйлантириб, невараларига қараб ўтиради. Кўнгли хотиржам бўлса-да, дамкисма дардга чалиниб, пайғамбар ёшига ҳам етмай оламдан ўтиб кетди.

Кўриниб турибдики, анъанавий усулда ёзилган қиссага адид янгича оҳанг олиб кирмоқда. Бу инсон қалбининг покланиши тавба-тазаррудан бошланади, деган фояни асар қатига сингдиришида кўринади.

Асарда миллатимизга хос бўлган миллӣй колорит устуворлик қиласди.

Эркин Аъзам ўзбек қиссачилигини киноқиссалари билан ҳам бойитиб келаётган адиллардан биридир. Ёзувчининг “Пиёда”, “Пакана” каби киноқиссалари ўзбек адабиётида ушбу жанрни такомиллаштиришга хизмат қилувчи асарлардир.

“Баҳорни қувиб” киноқиссаси ҳам адид маҳоратини яққол намоён этади. Ушбу асар композицион жиҳатдан пишиқ-пухта, ўзига хос, жанр талабига кўра ихчам манзара – саҳналардан ташкил топган. Ҳар бири рақам билан белгиланиб ўттиз сондан ташкил топган ушбу манзаралар бир-бирига моҳирона пайвандланиб, яхлит бир манзара – бир вақтлар ўзининг баҳорий туйғуларини бошидан кечирган қишлоққа ташриф буюришга жазм қилган ёши олтмишларни қоралаб қолган аёл – Роҳат опа образини яратишга хисса кўшади.

Ёзувчи киноқиссада жанр талабидан келиб чиқиб, манзараларни шундай танлайдики, биз қаҳрамоннинг ўттиз йиллик кечинмаларини қайта бошдан кечирганига ҳам гувоҳ бўламиз; Қудратулла бунёд этган боғда бўлиши, у ётган хонада ухлай олмай хотираларга берилиши, бирга юрган арча ёнига бориши, қабри олдида хаёлан сухбатлашишлар шулар жумласидандир. Айни пайтда бу туйғуларнинг яшовчанлигини Қудратулла исмини қўйган невараси, Нодирнинг қизи Роҳатой тимсолида ҳис қиласмиз. Ёзувчи бир қатор деталлар орқали бунга ишора қиласди.

## Құрдош ҚАХРАМОН

Асарда Ҳожи Маркс образи ҳам фожиавий характерга эга. Бир умр шўроғояларига хизмат қилган бу кимса хотини ва болаларини ҳам ҳайдаб юборган, масталааст юрадиган бир нотавон кимсага айланиб қолган. Қисса якуннан у Роҳатойнинг акаси бўлиб чиқиши бир тасодифдай, бадиий жиҳатдан унчалик асосланмагандек, ёзувчи драматизмни кучайтириш учун киритилгандек таассурот қолдиради.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу асар киноқиссачилигимизни бойитувчи янги бир асар юзага келганидан далолатдир.

Шұхрат Матқаримнинг “Йилон” қиссаси туш мотиви асосида яратилган. Бу қисса охирида ойдинлашади. Асар дам олиш куни уч оғайнининг хордик чиқариш мақсадида дарё бўйига отланиши билан бошланади. Шунга қўра асар воқеалиги йўл, сафарга чиқиш эпизодлари орқали ёритилади. Табиийки, бу типдаги асарларда кўпроқ сухбатлар, сафар давомида учровчи воқеа-ҳодисалар ҳикоя қилинади.

Дарё бўйига пиёда боришига аҳд қилган уч оғайнини халталарини орқалаб эрталаб тонг саҳарда йўлга тушишади. Асар қаҳрамони – ровий шпагат халтага солиб, оғзи маҳкам боғланган илонни орқалаб олган. Илон рамзий образ бўлиб, йўл давомида китобхоннинг диққатини бир жойда жамлаб туриш ва пировардида ечимга олиб келадиган поэтик унсурга айланган.

Асарнинг “Йилон” деб номланиши ва тимсол сифатида турли ҳудудларда яшовчи халқларда турлича маъноларга эгалиги асар мазмунининг ўзига хослигини билдиради. Илон тимсол сифатида айрим манбаларда донишмандлик белгиси бўлса, бошқа ўринларда ёвузлик тимсолидир. Дилрабо Мингбоеванинг “Тимсоллар тилсими” китобида келтирилишича, тасаввуфий адабиётида илон образи нафсни англатади. “Нафс ҳеч бир ўлмайдиган илондир”. ( 82-бет).

Бинобарин, асарда ушбу номга мос равища глобал аҳамиятга молик ижтимоий-маънавий муаммолар қаламга олинади. Мансаб учун ўлиб-тирилиб курашиш, пул, бойлик ортишишга интилишлар, фермер бўламан деб хонавайрон бўлган дехқонлар, йигитлари иш излаб ўрис, қозоқка кетиб, ҳувуллаб қолган қишлоқлар, булар барчаси сафар давомида қаҳрамонлар томонидан ўртага ташланган ҳаётий масалалардир. Бу масалалар асарда қаҳрамонларнинг ўзаро мулоқотлари, йўлда учраган кишилар билан қилган сухбатлар, мулоҳаза-ю муносабатлар, диалоглар орқали ифода этилади.

Бу воқеалар ровий – уйидан чиққан илонни дарё бўйига ташлаш учун оғзи маҳкам боғланган шпагат халтани орқалаб олган Тўлабой кузатишлари орқали тасвир этилади. Дастребки мулоқот Юсуфбой билан Қаҳрамон ўртасидаги даҳанаки баҳс-мунозаралар фонида намоён бўлади.

Ёзувчи асар концепциясини, гоявий-бадиий ниятини жуда тифиз хронотопга жойлайди. Уч оғайнининг эрта тонгдан то кун ёрушгунча бўлган оралиқда кечган вақтида йўлда учратган кишилари билан бўлган мулоқоти орқали ҳаётнинг турли жабҳаларига оид муаммоларни, ҳар хил маслак билан яшаётган инсонларнинг характер хусусиятларини очиб беради. Буларнинг баъзилари уларга таниш бўлган Юсуфбой билан ўзаро мулоқот чоғида ойдинлашса, баъзилари унинг изоҳ – ҳикоялари орқали аён бўлади.

Самандар ака қисмати Юсуфбой билан Қаҳрамон ўртасидаги мансаб, мол-дунё борасидаги баҳсларига жавобан битилгандек, кўплаб инсоний қадриятлар пул, бойлик билан ўлчаланавермайди, деган гояни илгари суради. Асарда йўлда дуч келган ҳар бир йўловчи ўзининг индивидуал характеристери билан намоён бўлади. Бир гапга тушса ҳеч кўйиб юбормайдиган, тингловчининг ҳикоянинг иштирокчисига айлантириб, “дўғрими”, деб тасдиқлатиб олувлечи, ёлғонни ямламай ютиб бўлса-да ўз фикрини ўтказишга ҳаракат қилувчи Менглибой, бир вақтлар йиккан, ҳали тахи ҳам бузилмай турган ноёб китобларини сотиб кун кечираётган кекса чолни ҳам учратамиз.

Асар сүнггидан халтадан чиқарилган илоннинг икки қулоч каттариб, йўғонлашиб кетиши, ҳикоячига ҳамла қилиб, мавҳ этишга уриниши, боши мажақланса-да ўлмай, ўзидан сассиқ шилимшиқ суюклиқ чиқариб, гужум дарахтидан ясалган қаламни янчишга уринаётгани тасвирланади. Қаламнинг ўзининг иш столида турган қалам эканини кўриб муаллиф даҳшатга тушади, бироқ илон қаламни синдиrolмайди, факат ифлослантиради, холос.

Адибнинг “Ёшлик” журналининг 6-7 сонларида чоп этилган “Мақар” қиссаси ҳам психологияк қисса ҳисобланади. Ҳаёт билан ўлим оралиғидаги адоксиз изтироблар, ўй-хаёллар, кечинмалар асарнинг асосий лейтмотивига айланади. Мақарнинг бу исёни тилида эмас балки дилида намоён бўлади. Бу қисса Мақар бир умр хаёлида ўйлаган, лекин тилига чиқармаган ҳаёт ҳақидаги ҳақиқати, дарди-дунёси ҳақидаги изтиробларидир. Мақар бир умр нима учун яшаётгандигини, ҳаёт унга нимага берилганини ўйлаб кўрмаган, уйланиб, бола-чақали бўлиб, фарзандларини уйли жойли қилганда ҳам бирор бир орзу билан яшамаган инсон. У факат ўлим шарпаси яқинлашган, қорнида қаттиқ оғриқ турганда бу ҳаёт қанчалик ширинлигини, яшаши келаётганини ҳис қиласи. Ўлимни ўйлаганда Мақарни қўрқув босади, ғамга ботади. Адид Мақарнинг руҳий ҳолатини, кечинмаларини тасвирлар экан, табиат ҳам инсонга ўхшаб сўниб, гўё тугаб бораётганини Мақарнинг кечинмалари сифатида баён қиласи. Бу кечинмалар, дилидаги барча туйгулар ва изтиробларини қизи Зухра қофозга туширади. Хуллас бу асар ҳаёт ва ўлим фалсафаси ҳақида ёзилган ўзига хос асарлардан биридир.

“Ёшлик” журналининг 11-12-сонларида истеъоддли адид Собир Ўнаннинг “Ўғрилар” номли қиссаси чоп этилган. Қисса ёзувчи эътирофича 1988 йилда ёзилган. Унинг ўша кезлари китобхонларга тақдим этилмаганининг сабабини адид изоҳлари орқали билиб оламиз. Унда айтилишича, унинг асарларини ўқиган ҳамқишлоқлари қаҳрамонлар сиймосида ўзлари билган – таниган одамларни кўришган, англашган у ёки бу тарзда ўз муносабатларини билдиришган.

Дарҳақиқат, С.Ўнар асарларини ўқисангиз аксариятида шу хусусият, яъни Нурота тоғ тизмалари этагида яшаётган одамларни – тантни, мард, ориятли, айни пайтда содда, самимий, ишонувчан ҳалқ вакиллари сиймосини кўрасиз. Асарларида тасвирланаётган жой номлари ҳам тўқима эмас, ҳаётда қандай номланса шундай киритилган, ҳатто ўша кезлардаги туман газетаси – “Илгор чорвадор” ҳам ўз номи билан киритилган. Бу – Собир Ўнар ижодининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Қисса қаҳрамони Раҳмонкул чўпон. У совхоз отларини боқади. У бироз содда, довдир табиат. Доимо ҳаёл оғушида Худойим унга бир ҳовуч пул ҳадя қилишини, бирдан бойиб қолишни орзу қиласи. Ҳаёл шунчаки, ҳатто қўй қийларини ҳам пул санаб чўнтағига солиб қўйганини ўзи ҳам билмай қолади. Мана шундай одамнинг бошига бирин-кетин мушкулотлар тушади...

Асарда ижтимоий инқирознинг одамлар руҳиятида юзага келтирган эврилишлари қиссанинг асосий моҳиятини ташкил этади.

Ҳабиб Абдуназарнинг “Аравакаш” қиссасида яқин ўтмиш – бутун ер юзига тарқалиб миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлган коронавирус эпидемияси даври тасвирланади. Қишлоқдан бола-чақаси билан келиб, ижарада яшаб аравакашлик қилиб кун кечираётган оила фожиаси асарнинг асосий мазмунини ташкил этади. Асар воқеасидан эру хотин ўзлариям вирус юқтириб олганлиги сезилиб турган аравакашнинг бозор ёпилиши билан кундалик рўзгор учун топадиган бир-икки сўмдан ҳам айрилиб, чорасиз ҳолда қолишлари англашилади. Ҳамқишлоғи Панжидан қарз олмоқчи бўлиб уйига боргандада унинг нима мақсадда келганини англаган ҳамқишлоғи бор пулига озиқ-овқат ғамлаб қўйганини айтиб, унга ҳам шу маслаҳатни беради.

## Қурдош ҚАҲРАМОН

Ёзувчи қаҳрамонлар руҳияти ва воқеликни акс эттириш учун турли тасвир усууларидан фойдаланади. Коронавирус ҳақидаги маълумотлар, турли ваҳимали гаплар, миш-мишларни ифодалашда Панжи билан, шунингдек, хотини билан бўлиб ўтган сұхбатлар – диалогдан фойдаланса, болалик чоғларини хотирлашда туш эпизодидан, ўта согломдай кўринган Панжининг ўлими ҳақидаги хабарни бозорчи хотинларнинг ўзаро сұхбати орқали баён этилади. Асар аравакашнинг аравасини етаклаб аранг бозорга бориши ва уни чақирган бир мижозга қараб судралиши билан якун топади.

Ёзувчи аравакаш ва унинг оиласи тақдири кейин қандай кечгани ҳақида ёзмайди: улар касалликни енгиб согайиб кетадими ёки йўқми, бу ҳақда тахмин қилишни китобхонга қолдиради. Асар шу жиҳати билан китобхонни ўйга толдиради, бефарқ бўлмасликка чорлайди. Бироқ асарда карантиннинг дастлабки куниданоқ давлат даражасида амалга оширилган чора-тадбирлар, чунончи бозорлар ва кўчаларнинг дизинфекция килиниши, транспорт харакатларининг чекланиши, ўқишиларнинг ёпилиши, талабаларни вилоятларга, уй-уйларига элтиб кўйишнинг режали амалга оширилиши каби масалаларга ишора ҳам йўқлиги ажабланарли. Карантин вақтида болаларни ҳеч ким кўчага ўйнагани чиқармаган. Аравакашнинг болалари эса кўчада ўйнаб юришади. Коронавирус ҳақида маълумот бериб борувчи вакил ҳам йиғлоқи овоз билан эмас, балки кўпчиликка далда бўладиган ишончли овоз билан маълумот бериб борган эди. Мактаб ўқувчиларига дарслар компьютерда эмас, балки телевизор орқали онлайн ташкил этилган эди.

Биробарин, асарда яқин ўтмиш воқеалари бир ёқлама тасвирлангандек, ижодкорнинг бадиий-эстетик нияти етарлича акс этмагандек таассурот қолдиради.

Содиқ Анварнинг “Ташриф” қиссаси ёндаш оламдан келган меҳмоннинг саргузаштлари асосида қурилган асар. У ҳикоя қаҳрамони Тўлқин билан суви қуриган қувур орқали мулокотга киришади ва ўзини ёндаш оламдан келганлигини айтиб, ўзини “С” деб танишириб бу олам билан танишмоқчи эканлигини айтади. Боланинг тақиқи билан оталиғи ва шажарасини умумлаштириб “САО” деб номланади. Бу номланишда ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Бу олам билан танишар экан дастлаб тақиқларга дуч келади. “Копток”нинг ичига кирганда кўп сакрама деган тақиққа, “Чинор”та ўтганда минг йиллар бир жойда қимир этмас ўсиш деган, “Бургут”га ўтганда қафасда ўтиришга маҳкум эканлиги, булар барчаси унда исенкорлик руҳини кучайтиради. Натижада чинорни олиб бориб тонгнинг этагига ўрнатиб қўяди. Бургутга ўтиб ўлжасини қояга олиб чиқиб кетади, “Чол” бўлиб денгизда сузмок учун қайиқ сотиб олади ва денгизга чиқиб кетади. Қисса охирида бола тобора кучга тўлиб бораётганлигини ва ўзини енгил ҳис қиласди. Бу асарни рамзий маънода инсоннинг ўзига хос бўлган шажарасидаги эврилишлар жараёни сифатида баҳолаш мумкин. Асарда жуда кўп ижтимоий-маънавий муаммолар тилга олинган. Даражатларнинг кесилиши билан боғлиқ бўлган эпизодлар, бошлиқ билан котибаси ўртасидаги ишқий муносабатлар шулар жумласидандир.

Наби Жалолиддиннинг “Онасиз тушлар” китобига кирган қиссалари, қорақалпоқ ёзувчиси Алланазар Абдиевнинг “Бургут чўкки” китобига киритилган тарихий мавзудаги қиссалари ҳам бугунги қиссачилигимизнинг ўзига хос манзарасини аниқлашга хизмат қиласди. Хулоса қилиб айтганда, ўтган йилги чоп этилган қиссаларнинг айримлари реалистик ифода йўсини, анъянавий қиссачилигимизга хос жиҳатлари билан ажralиб турса, баъзилари рамзий-мажозий образлари билан ёзувчи маҳоратини ёритишига хизмат қиласди.

## ҚИР УЛАРНИ, ҚИР!

Ҳикоя



Жек ЛОНДОН

Шотландиялик ашаддий бир пиёниста эди у. Сув қўшилмаган ўткир вискини шарбатдай симирап, соат олтидан бошлаб, ухлайдиган вақти – тунги ўн иккигача ичгани ичган эди. Уйқуга, кўпи билан беш соат вақт ажратар, сутканинг қолган ўн тўқиз соатида жимгина, бамайлихотир ўтириб, арақҳўрлик қиласарди. Мен Оолонг оролида бўлиб турган икки ой ичида уни бирор марта ҳам хушёр ҳолда учратмадим. Шунчалар оз ухлардики, хушини йиғиб олишга улгурмасди. Бу қадар батартиб ва интизомли пиёнистани сира кўрмаганман.

Унинг оти Мак-Аллистер эди. Қарасанг, шарти кетиб парти қолган бир чол, тиззалири қалтирайди, қўллари эса шол бўлган одамнидай титрайди. Айниқса, стаканга виски куяётганида шишалар шакирлаб кетади. Аммо бирон марта ҳам вискидан бир қатрасини тўkkанини кўрмадим. Йигирма саккиз йилдан бери у Меланезияда – Олмонияга қарашли Янги Гвинея ҳамда яна Олмонияга тобе Сулаймон оролларида яшайди. Бу ўлкаларга шунчалик мослашиб кетганки, “дич ди мир” деб аталувчи лаҗжаларни кориштириб ишлатади. Мен билан гаплашганда “тонгда” дейиш ўрнига “куёш, у чиқди” дер, “тушлиқ тортилди” ўрнига, “каи-каи, у келди”, “қорним оғрияпти” эмас, “қорним ўйнаяпти”, деб гапирадиган бўлиб колганди.

Ушоққина, ташқаридан қуёш иссиғи, ичкаридан эса ичкилик буғлари билан қоврилиб чўпдай бўлиб кетган, бутун борлиғи куйиндини, куйинди бўлганида ҳам совуб улгурмаган куйиндини эслатадиган бу одамнинг юриши ҳам ғалати, силкиниб-силкиниб, худди мурвати бураб тоб берилган қўғирчоқ каби ҳаракат қиласарди. Тарозига чиқса, қирқ кило тош босиши ҳам гумон эди.

Бирок шунга қарамай, у барча ваколатларга эга бир подшоҳча эди. Оолонг оролининг тевараги икки юз чақирим келар, кўрфазини эса фактат компас билангина топа олардингиз. Оолонг ахолиси беш мингга яқин эркак-аёл полинезиялик; ҳаммаси келишган, қўпининг бўйи икки метрга яқин, барваста, саксон-тўқсон кило тош босадиган одамлар эди. Оолонг энг яқин ердан уч юз қирқ чақирим наридаги орол бўлиб, бир кичкина шхуна ҳар йили кокос мағзи олиб кетиш учун бу ерда икки марта лангар ташларди.

**Жек ЛОНДОН – (1876–1916).** Асарлари бошқа тилларга энг кўп таржима қилинган америкалик адаблардан бири ҳисобланади. “Мартин Иден”, “Оқ сўйлоқ”, “Хаётга муҳаббат” каби оламга машҳур асарлари ўзбек тилига ўғирилган.

Майда савдогар, ўларча ароқхўр, оқтаниларнинг Оолонг еридаги ягона вакили Мак-Аллистер ана шу беш минг аҳолини темир қўли билан бошқариб турарди. Айтгани-айтган, дегани-деган. Ҳар қандай истаги – қонун. Нима деса, гиқ этмай бажарилади. Шотландия қариялари орасида шунаقا ипириски одамлар кўп учрайди ўзи. Чол бу ёввойи қабиланинг ишларига тумшуғини тиққани-тиққан. Мана, қиролнинг қизи Нугу оролнинг нариги четида яшайдиган азамат Гаунауга қўнгил бериб, унга турмушга чиқишини ихтиёр этган, отаси ҳам бунга розилик билдирган эди ҳамки, Мак-Аллистер бир оғиз “Йўқ!” деб айтди – тўй тўхтади. Ёки кирол олий коҳинга қарашли бир оролчани сотиб олмоқчи бўлганди, Мак-Аллистер яна “Йўқ!” деб кесди. Кирол Компаниядан бир юз саксон минг кокос ёнғоги қарз бўлиб қолганида эса қарз узилмагунча бирон дона кокос четга чикмайдиган бўлди.

Албатта, Мак-Аллистернинг бунаقا аҳмокликлари кирол ва халқнинг муҳаббатини оширишга хизмат қиласди. Тўғрироғи, уни ҳамма ўлгудек ёмон кўрарди. Кейин билишимча, орол элининг барча коҳинлари бош қўшиб, роса уч ой қарғаб, дуоибад қилишган, ўлим тилашган экан. Унга энг қўрқинчли инженерларни рўпара қилишди, бироқ Мак-Аллистер ҳеч нарсага ишонмас, шунинг учун ҳеч қанақа алвасти унга хавф соломасди. Бу ароқхўр шотландияликка ҳеч нарса кор қилмади. Ёввойилар ундан қолган овқат сарқитлари, лаби теккан виски шишиаси, у шарбатини ичган кокос ёнғоги, ҳатто тупукларини ҳам тўплаб жоду қилиб қўришди, аммо Мак-Аллистерга жин ҳам урмади.

Софлиги балодек, унга безгак, йўтал ва шамоллаш деганлари бегона, бу кенгликларда одатий ҳол бўлган, оқтанилар ҳам, қоратанлилар ҳам муттасил чалинадиган қўрқинчли яралару тери касалликлари ҳам уни четлаб ўтарди. Чунки аъзойи бадани шу қадар ичкиликка бўккан эдики, қанақа микроб ёпишса ҳам бир зумда қирғинга учраши тайин, мен ўзимча, мабодо адашиб, қай бир микроб Мак-Аллистернинг теварагидаги спиртли атмосферага кириб қоладиган бўлса, ўша оннинг ўзида куйиб кул бўлиб унинг оёғи тагига тўкилса керак, деб хаёл қилардим. Барча тирик жон, ҳатто микроблар ҳам Мак-Аллистердан кочади, унга эса виски бўлса бас. У шунаقا ҳаёт кечирар эди!

Ўзимча ўйладим: нимага бу қари кирчанганинг ўзбошимчалигига бу беш минг маҳаллий аҳоли чурқ этмай чидаб келади? Қанча йиллар бурун, аллақачон ўлиб кетиши керак бўлган бу мижгов қандай мўъжиза билан яшаб юрибди ўзи? Қолаверса, маҳаллий аҳоли – қўрқоқ меланезияликларнинг нақ акси – жасур ва руҳан жанговар эл-ку? Уларнинг катта қабристонида, мархумларнинг бош ва оёқ томонларида хилма-хил қурол-аслаҳалар – гарпунлар, милтиқ асбоблари, занг босиб кетган найза ва қиличлар, мис болтлар, рулнинг темир чамбараги, кит овловчи кемалардаги печларнинг қолдиқлари бўлган бомбард ва гиштлар, ўн олтинчи асрда тайёрланган кўхна жез замбараклар – булар бари бир замонларда дастлабки испан денгизчилари шу ёққа ҳам назар ташлаганинг далиллари эди. Бу сувларда озмунча кемалар ажалидан беш кун бурун сувга чўкиб кетган дейсизми! “Бленнердейл” деган кит овловчи кема шу кўрфазда бирмунча таъмир ишларини ўтказиш учун лангар ташлаган чоғда бутун экипажи билан маҳаллий ҳалқ вакиллари қўлига тушиб қолганига ҳали ўттиз йил ҳам бўлгани йўқ. Шу қисмат сандал дарахти ташиётган “Гаскетт” командаси бошига ҳам тушган. Улкан елканли “Тулон” кемаси орол қирғоқлари яқинида тўсилган ва қаттиқ олишувдан сўнг шатакка олиниб, Липауга кираверишда денгизга чўқтирилган. Фақат кема капитани бир ҳовуч матрослар билан кичкина бир баркасада қочиб қолган. Ва ана, испан замбараги – у қайси дастлабки жасур денгизчиларнинг қатлидан гувоҳлик бераркин? Буларнинг бари ҳозир тарих мулкига айланган – ишонмасангиз, “Жанубий Тинч океани маълумотномаси”ни бир ўқиб қўринг. Аммо баривир,

ёзилмаган даҳшатли бир қисмат билан танишиш менга насиб қилди. Унгача эса, шу беш минг кишилик ёввойилар нимага бу шотландиялик рамакижонни нариги дунёга жўнатиб қўяқолишмайди, деган савол устида уззукун бош қотирадим.

Жазира маисиқ забтига олган кунларнинг бирида Мак-Аллистер билан айвонда ўтириб, яқинимиздаги кўрфаз сувида лаълу инжунинг барча ранглари акс этиб товланаётганини томоша қилар эдик. Ортимизда эса қумли кирғоққа экилган, эни юзлаб метр чўзилган пальмазор, улардан нарида эса, уммоннинг сохил қоятошларига урилиб, шовулаётгани эшитилиб турарди. Атроф тандирдай қизиган. Биз жанубий кенгликтининг тўрттинчи даражасида турибмиз, шунинг учун бир неча кун аввал экваторни кесиб ўтган куёш қоқ тиккада. На ҳавода бир гувур, на сувларда бир шувур. Бу йил жануби-шарқий пассат шамоли ҳам одатдагидан эртароқ тиниб қолган, шимоли-гарбий муссон шамоли эса ҳали этиб келмаган эди.

– Этиқдўз булар, ҳечам рақкослар эмас, – деди ўжарлик билан Мак-Аллистер.

Мен эса полинезияларнинг рақсини мақтадим, папуасларнинг рақси бунинг олдида жўнгина ирғишлиш, холос, дедим; итфеъл Мак-Аллистер эса буни ҳам инкор қилди. Иссик забтига олган эди, шунинг учун баҳсласишишга рағбатим қолмай, индамай қўя қолдим. Аслида ҳам, Оолонг аҳолисининг рақс тушишларини илгари ҳеч кўрмаган эдим.

– Ҳозир кўрасиз, – деди ўжарлик билан ҳамсуҳбатим. Кейин эса қўл силтаб, Янги ҳанноверлик, ошпаз ва малай йигитчани чорлади: – Ҳой, дейман, бор, қиролни шу ерга чакириб кел.

Малай таъзим қилди, бир зум ҳам ўтмасдан Мак-Аллистернинг олдида ранг-қути ўчган Бош вазир этиб келди. У бечора минғирлаб, узр сўраган бўлди: қирол ухлаётган экан, уни үйғотиш мумкин эмасмиш.

– Қирол жуда қаттиқ уйқуда, – деди у охирида.

Бу гапни эшитган Мак-Аллистер накадар дарғазаб бўлганини қўриб, вазир чурқ этмай қочиб қолди ва тез орада қиролнинг ўзини бошлаб келди. Мен бу икки азаматнинг қадди-қоматини қўриб, анграйиб қолдим. Айниқса, қирол бир бошқача, бўйи икки метр келадиган баҳодир эди, юз-кўзларида бургутни эслатадиган аломатлар бор – шимолий америка ҳиндулари орасида бундай қиёфалилари учраб турарди. У нафақат ҳукмдорлик қилишга қодир, балки шунинг учун туғилғандай эди. Кўзлари яшин отиб чакнарди, аммо у бутун қишлоқдан эркагу аёл бўлиб икки юз кишини рақс тушиш учун олиб келиш ҳақидаги буйруқни бош эгиг тинглаб турди. Кейин эса, ишонасизми, икки юз эркагу аёл икки соат куёшнинг куидирувчи нурлари остида рақс тушишди. Улар Мак-Аллистерни янаям ёмон қўриб қолсалар нима, малъун чол пировардида ҳаммаларини сўкиб, масхаралаб жўнатди.

Бу хушқомат ёввойиларнинг қулларча мутелиги мени тобора кўпроқ ҳайрон қолдираш эди. Ўзимга ўзим, қандай қилиб, қандай қилиб, дея савол берардим. Бунинг сири нимада? Ҳар хил тахминларга борар, бу орада завол билмас бу ҳукмфармолик яна янги қирралари билан қаршимда намоён бўлар, бироқ саволимга сира жавоб топа олмасдим.

Бир куни Мак-Аллистерга бир масалада ишим юришмаганини айтдим: шу ороллик бир чол иккита “каури” деб аталадиган тилларанг маржон чифаноғини менга уларни тамакига алмашгиси келмади. Сиднейда бўлганида мен уни камида бир кило тамакига алмашлаб олишга ҳам тайёр эдим. Мен унга икки юз ўрам тамаки таклиф қилдим, у эса, уч юз ўрамидан камига кўнмади. Мен нимаям бўлиб, Мак-Аллистер шу гапни айтиб қўйибман, у бояги оролликни чақириб, иккала чифанокни ундан олиб қўлимга берди. Бунинг нархи нари борса эллик ўрам, кўп бериб, буларни талтайтирганг, деди у. Ороллик чол тамакини хурсанд бўлиб олди. Турган гап, мен бунақа бўлишини кутмагандим. Ичимда, энди тилимга эҳтиёт бўламан, деб сўз

## Жек ЛОНДОН

бердим. Яна бир бор Мак-Аллистернинг бунчалар қудратли эканига тан бердим, журъат қилиб, бунинг боисини сўрадим. Аммо Мак-Аллистер қувлик билан кўзини қисиб қўйди-да, чукур маъноли қилиб стакандагини яна ҳўплади.

Қайсиям тунда биз ҳалиги чол – Отти билан тунда соҳилга балиқ овлагани чиқдик. Мен индамайгина қарияга боя берилмай қолган юз эллик ўрам тамакини тутқазган эдим, шўрликнинг юзлари ёришиб, худди бола каби (аслида, отам тенги одам) кувониб кетди, менга чукур эҳтиром билан қарай бошлади.

– Нимага сиз, қанак эли худди ёш болага ўхшайсизлар? – деб сўрадим ундан. – Бу чайқовчи – бир киши, сиз қанақлар эса кўпсизлар. Аммо қўрқоқ кучук сингари унинг товонини ялашга ҳам ҳозирсизлар. Нима, сизларни еб қўярмиди? Ейман, деса, оғзида тиши ҳам йўқ. Нега бунча қўрқаверасизлар?

– Агар кўп қанақ савдогарни ўлдирса нима бўлади? – деб сўради у.

– Нима бўларди, ўлади-кетади, – дедим. – Ахир сиз қанақлар оқларни биринчи марта ўлдиришингиз эмас-ку. Бу оқтанили кишидан нега мунча қўрқасиз?

– Ҳа, қанақлар оқ киши кўп ўлдирди, – деб тасдиқлади у. – Мен рост айтади. Аммо илгари, илгари. Бир шхуна – унда мен ёш бола бўлган – у ерда, кичкина орол ортида турган, шамол, у эсмаган. Кейин биз бу шхунани тутиб олган. Мен тўғри айтапти, аммо катта уруш қилиб тутган. Икки-уч оқ одам, роса отди. Қанақ, у қўрқиш билмайди. Ҳамма жойда, пастда, тепада – ҳамма жойда қанақ бор. Ким билади, қанақ ўн марта элликдан ҳам кўп. Яна, оқ Мери турган шхунага ҳам ташландик. Менини олдин оқ Мерини кўрмаган. Қанақлар кўп-кўп оқларни ўлдирди. Бирта капитан ўлмади. Капитан, у тирик эди, яна беш-олтита оқ одам ўлмаган. Капитан, у буйруқ қилди. Битта оқ, у отяпти. Бошқа оқ қайиқ туширяпти. Кейин ҳаммаси тез-тез орқага ўтапти. Капитан, у оқ Мерини ҳам бортдан туширди. Бари шайтондай тез эшкак эшиб қочяпти. Менинг отам, у вақтда кучли эди, найза отди. Найза Мерининг бикинидан тешиб кирди, нариги ёғидан тешиб чиқди. Оқ Мери ўлди. Биз қанақлар ҳечам қўрқмайди.

Афтидан, Оттининг ғуурури кўзғади шекилли, болдирини очиб кўрсатди, ўқдан қолган чандик яққол кўриниб туарди. Бироқ нимадир дегунимча бўлмай, ташлаган қармоғининг пўкаги лопиллаб кетди. Отти кўл чўзди, қармоқ ипини тутиб олгунича, балиқ маржонлар орасига кириб кетди.

Чол, гапга солиб, алаҳситиб кўйганим учун менга таънаомуз бокди-да, бортдан сирғалиб сувга тушди. Сўнг ўгирилиб, қармоқ ипини олиб чиқиши учун шўнғиб сувга кириб кетди. Бу ерларда сув туби йигирма метрдан кам эмасди.

Қайиқ четидан энгашиб, ортидан тикилиб қолдим. Чукурликка тобора кириб бораркан, ортидан майда пуфакчалар кўтаришлар эди. Қимматбаҳо ов анжомини кўлдан чиқармаслик учун чол йигирма метрча шўнғиб борса-я!

Орадан бирон дақиқа – менинг назаримда эса хийла замон ўтиб, чол ранги оқаринқираб, сувдан чиқиб келди. Қайиқка ёндашиб, бояги йигирма қуличча қармоқ ипини оғзидан олиб, бортга ташлади – анжом эгасига қайтди.

– Ким билади, балки тўғридир, – деб яна бояги гапни кўзғадим мен. – Қачонлардир сизлар қўрқкансизлар. Ана ўша туфайли бу савдогар хавотирда ушлаб туряди сизларни.

– Ҳа, қўрқиши кўп, – деди у хушламайгина.

Ярим соатча жим ўтириб, қармоқ билан андармон бўлдик. Бир маҳал қармоқлар остида майда наҳанглар келиб, хўрак билан бирга илмоқларни ҳам юлиб кетишиди, биз эса бу карокчилар даф бўлганидан кейин ов қиласиз, деб сабр қилиб кутадиган бўлдик.

– Ҳа сеники тўғри айтади, – дея кутилмагандага жимликни бузди Отти. – Қанақлар қўрқув нима, билди кейин.

Мен трубкамни тутатиб, ҳанғомани әшитишга ҳозирландым. Чол бояги “beche de tem” дейиладиган мужмал тилда гапирган бұлса ҳам, мен уни сизга түшунарлироқ килиб тақдим этаман. Аммо ҳикоя рухи ва тарзини сақлашга ҳаракат қилиб, албатта.

– Шунақа қилиб, биз ҳовлиқиб ҳам кетдик. Бизга денгиз оша етиб келадиган оқ одамлар билан қанча рўпара келиб уруш очган бўлсақ, барида ғалаба қозонавердиқда. Биздан ҳам аллақанча одам қурбон бўлди, аммо бу кемаларда олиб келингган ва қўлимизга кирган бойликлар олдида хеч нарса эмасди! Хў-ўш, йигирма... йўқ, йигирма беш йилча илгари бир кема денгиздан келиб кўрфаз ичидаги сувга бурилди-да, тўппа-тўғри биз томонга сузиб келаверди. Карасак, уч мачтали улкан шхуна. Бортида беш оқ одам ва қирқдан ортиқ экипаж аъзолари – янгигвинеялик ва янгибританиялик қора танлилар. Улар бу ёққа трепант – умуртқаси йўқ балиқ борку, ўшанақа балиқ овлашга келишган экан. Шхуна Пауло яқинида нариги қирғоқ томонда лангар ташлади, ёнидан туширилган қайиқлар бутун кўрфаз бўйлаб суза бошлади. Улар ҳар жойга вақтинча бошпана қуриб, овланган трепантларни тузлаб қурита бошлади. Оқ кишилар бўлинниб кетгач, ҳечам кўрқмай қўйдик: овчилар кемадан эллик миль, ҳатто ундан ҳам узоқроққа кетиб колишган эди.

Қиролимиз қариялар билан кенгашди, менга эса яна бир неча ўртогум билан куннинг қолган қисмида ва оқшомдан тонгга қадар ўйма қайиқда сузиб Пауло оролига етиб бордик ва катталарнинг биз қирғоқдагиларга биз тўсатдан хужум қиласиз, сизлар эса шхунани қўлга киритинглар, деган гапини етказдик. Биз чопарлар ҳам, ҳолдан тойганимизга қарамай, можарога қўшилиб кетдик. Шхунада икки оқ киши – капитан билан ёрдамчиси, яна олтига қоравой қолган экан. Капитан билан учта матросни тутиб ўлдирдилар, аммо капитан унгача тўппонча билан бизлардан олти кишини отиб ўлдирди. Кўряпсанми, душман билан ана шунақа, юзма-юз туриб олишдик.

Капитан ёрдамчиси эса отишма товушини әшитиб, шошганича ичимлик суви, озиқ-овқат ва бир елканни уч қулочли кичкина қайиққа юклашга тушди. Биз мингта одам, ҳаммамиз ўймақайиқларга тушиб олиб, кемага қараб елиб кетдик. Жангчиларимиз бурғу чалишар, бўкириб жанг қўшиқларини куйлашар ва эшқакларни қайиқ бикинига даранглатиб уришар эди. Бир оқ, уч қоратанли одам бизга қандай қилиб бас кела олар эди? Ҳеч нарса. Капитан ёрдамчиси буни яхши түшунар эди.

Аммо оқ одамга шайтон бас келмаса қийин. Менинг ёшим ўтди, умримда кўп оқ одамларни кўрдим, аммо мана энди ниҳоят оқ одамлар уммондаги барча оролларни қандай қилиб эгаллаб олишгани сабабини тушундим. Нимагаки, улар шайтоннинг ўзгинаси. Мана ўзинг қара, мен билан бир қайиқда ўтирибсан. Ёшинг мендан анча кичик. Сен нимани ҳам биласан? Мен ҳар куни сенга ҳали уни, ҳали буни ўргатишим мумкин. Мен гўдак чоғимданоқ балиқ нима, қилиқлари қанақа эканини сен ҳозир билганингдан кўпроқ билардим. Мана, қари одам бўлсам ҳам, кўрфаз тубигача шўнгий оламан, сен эсанг... бу ишда ҳам менга ета олмайсан. Хўш, ўзинг айт, сен ўзи нимага ҳам ярайсан? Муштлаша оласан, холос. Мен сени сира ҳам жанг чоғида кўрмаганман, аммо шуни аниқ биламанки, бу ишларда ўз қавмингта савқи табиий равишда таассуб қиласан ва иблис каби жанг қила оласан. Яна, сен ҳам ўз қавмларинг сингари нодонсан, нимагаки, ўлсанг ҳам ўзингни енгилган санамайсан. Ўларингга қарамай жанг қиласан, ҳатто жонинг чиқиб кетганини ҳам билмай, охиригача урушасан.

Анов капитан ёрдамчиси нима қилди, деган? Биз бурғуларни чала-чала, кемани куршаб олдик, опшоқ сув бизнинг шарпаларимиз билан қорайиб кўринарди. Ўша пайт у қайиқчани матрослар билан бирга сувга туширди-да, очиқ денгиз томонга қараб қочиб қолишини хаёл қилди. Эси бутун одам шундай қайиқчада денгизга йўл

## Жек ЛОНДОН

солмайди. Қайық бортлари сувдан атиги ярим қаричча чиқиб турарди, холос. Биз йигирмата ўймақайық билан уларни күвлашга тушдик, икки юз ёш азамат шамолдай еляпмиз. Бояги қора танли матрослар қайикчада бир қулоч олдинга юрса, биз беш қулоч яқынлашамиз. Каптан ёрдамчисининг ишлари чаппасидан кетди, мен сенга у нодон одам экан, дедим-ку. У ўша қайикчада турволиб, нуқул милтиқ отади. Ўқ отишга ҳам нўноқ экан. Аммо қувиб боравердик, бизлардан ҳам ўлганлар, ярадорлар кўпая берди. Аммо барibir капитан ёрдамчисининг ҳоли хараб бўлаверди.

Ҳали-ҳали эсимда, унинг оғзидан сигара тушмай, бурқиб турарди. Биз бор кучимизни эшкакларга бериб, кирқ қадамларча яқинлаб қолганимизда у милтиқни ташлаб, сигараси билан динамит шашкани туташтириб, шашкани биз томонга улоқтириди. Тўхтамай, янги-янги шашкаларни ёндириб, бирин-кетин биз ёққа улоқтира берди. Энди билсам, у порох сими орасини очиб, тезроқ ёниб портлаши учун гугурт бошчаларини қўйиб чиқаркан, бунинг устига, порох сими калтагина. Гоҳо шашка ҳавода турибоқ ёрилар, аммо қўпинча ўймақайықлар ичига тушиб портларди, ана шунда бу қайиқдаги одамлардан асар ҳам қолмасди. Йигирма дона ўймақайиғимиздан ўнови кунпаякун бўлди. Мен ўтирган қайық ҳам осмонга сакради, яқинимда ўтирган икки ўртоғим – динамит уларнинг ўртасида ёрилган эди, ҳалок бўлишди. Қолганлар ортга караб бурилишди. Буни кўрган капитан ёрдамчиси “Қир уларни, кир!” деб бақириб, милтигини яна қўлга олиб орқамиздан ота бошлади. Бу пайтда унинг қоравой матрослари бор кучлари билан эшкак эшишарди. Кўряпсанми, мен рост айтяпман, бу одам иблиснинг ўзи эди.

Бироқ бу билан фалокат аримади. Катта кемани тарқ этиб, ёрдамчи унга ўт кўйди, ҳам шундай қилдики, кемада қолган барча динамит ва порох бир маҳалда портлаб кетди. Бизникилар эса кема осмонга сакраган пайтда олов ўчириш билан овора бўлишди. Биз ортидан югуриб ета олмаган ўлжанинг ҳоли шу бўлди, эвазига қанча одамларимиз қирилиб кетди. Ҳали-хозир ҳам, кексайган шу ёшимда капитан ёрдамчисининг “Қир уларни, кир!” деб бақиргани тушларимга киради. У момақалдириқдай овози билан “Қир уларни, кир!” деб ҳайкиради. Аммо лекин, қирғоққа тушган оқ одамлардан бирори ҳам тирик қолмади.

Капитан ёрдамчиси эса ўша кичкина қайиқчасида, тўртта эшкакчи билан океанга – нақд ажалга рўпара бўлиб чиқиб кетганига ҳайрон бўлдик. Аммо биз янглишибмиз, бир ой ҳам ўтмасидан, икки жала ёғини орасидаги осойишта кунларнинг бирида кўрфазга катта бир кема кириб келиб, бизнинг қишлоқ рўпарасида лангар ташлади. Ҳукмдоримиз оқсоқоллар билан кенгashiб, икки-уч кундан кейин кемага ҳужум қилишга қарор берди. Унгача эса биз, эзгу одат йўриғида, ўймақайықларга тушиб, меҳмонларга хуш келибсиз қилиш, кокос, уй паррандалари ва чўчқаларни алмаштириш учун кема ёнига сузуб бордик. Бироқ дастлабки қайиқлар кемага яқинлашиши биланоқ, бортда турганлар бизга милтиқ ота бошлашди. Қочганимизча қочдик. Бор кучим билан эшкак эшар эканман, ўша, кичкина қайиқда очиқ океанга чиқиб кетган капитан ёрдамчисини таниб қолдим. У борт четида сакраб-сакраб ракс тушар, бор овози билан “Қир уларни, кир!” деб бақирап эди.

Ўша куни тушга яқин қирғоққа яна учта кема яқинлашди; ичиди оқ одамлар гиж-биж экан. Ҳаммаси ерга тушиб, қишлоғимизга кириб боришли. Улар қишлоқни бошидан охиригача кесиб ўтиб, йўлида учраган ҳар бир одамни отиб ўлдиришди. Товуқ ва чўчқаларимиз ҳам қолмади, қириб ташлашди. Эплаб қочиб кутулганлар ўймақайыққа тушиб, кўрфаз ортига яшириндик. Қирғоқдан хийла узоқлашгач, кўрдикки, бутун қишлоғимиз оловда ёнар эди. Кечки маҳалда Нихи бўғози яқинидаги Нихи қишлоғининг кўп ўймақайықлари бизга йўлиқди. Булар ҳам қочқинлар экан: Нихи бўғозига шимоли-шарқ томондан кириб келган иккинчи кема уларнинг қишлоғи кулини кўкка совурибди.

Паулоога етганимизда қоронғи тушди. Тун зулмати ичидә құлогимизга аёлларинг үйғиси әшитилиб, паулоолик қочқынларнинг бир түп ўймақайыларига дуч келдик. Булар – каттакон бир қишлоқнинг тирик қолган бир ховуч одамлари экан; қишлоқнинг ўзи эса улкан оловда гуриллаб ёнарди. Бу орада Паулоо рўпарасига яна бир кема етиб келди. Маълум бўлишича, капитан ёрдамчиси уч ҳабаш матроси билан Сулаймон оролларига етиб борибди, ўз биродарларига Оолонгда бўлиб ўтган воқеаларни гапириб берибди. Биродарлари эса, бориб, ҳаммасининг адабини берамиз, деб юпатишибди. Ана ўшалар уч кемада келиб, ҳаммани қийратди, учта қишлоқ ер юзидан супуриб ташланди.

Энди нима қиласиз? Эртаси эрталаб уч кема шу ёққа эсган шамол кучи билан кўрфаз ўртасида бизни қисиб келди. Шамол янайам кучлироқ эсди, улар эса устимизга тикка бостириб келиб, ўнлаб ўймақайылар устидан бостириб ўтиб кетди, қолган-кутганлар худди қиличбалиқдан хурккан учарбалиқлар сингари ҳар ёққа қараб тиркираб қочди. Биз барибир кўп эдик, шунча қирғинга қарамай, мингдан ортиқ қанақлар чет-четдаги оролчаларда биқиниб жон сақлаб қола олди.

Лекин шундан кейин ҳам бу уч кема бутун кўрфазни айланиб, бизни қийратишдан тинмади. Тунда биз уларнинг ёнгинасида биқиниб ўтиб кетардик. Иккинчи кун ҳам, учинчи кун ҳам, тўртинчи кун ҳам кемалар қайтиб келиб, кўрфаз ёқалаб бизни овлашдан тинмади. Оқибат, кўрфазнинг нариги бошига бориб қолдик. Кунлар шундай ўтарди. Ўлганларнинг саноғига ҳам ета олмай қолдик, уларни эслашга ҳол қани? Ҳа, бизлар кўп эдик, оқтаниллар – озчилик. Аммо қўлимиздан нима ҳам келарди. Мен қолган-кутган йигирмата ўймақайыққа йигилган жасур йигитлар қаторида эдим. Ҳаммамиз ўлимни бўйинга олиб, кичикроқ қайиққа ҳужум қилдик. Оқтаниллар бизни аямай қиришга тушди. Устимизга динамит шашкаларни отдила, у тугагач, тепамиздан қайнаб турган сув тўкишга тушишди. Милтиқлари эса бирон дақика ҳам ором билмай тариллар эди. Чўкаётган қайигидан тушиб, сузуб қочаётганларни эса отиб ўлдиришарди. Капитан ёрдамчиси эса кема кўприкласи устида яна ирғишилаб рақс тушар ва бор товуши билан “Қир уларни, қир!” деб бақиришдан тинмас эди.

Кичкина оролчадаги ҳар бир уй охиригача ёндирилди. Ёв бизга биронта товук ё биронта чўчқа қолдирмади. Ҳамма кудуқларга ўликларни ташлаб, устига маржон синикларини ёпиб ташлашди. Шу учала кема Оолонгга келгунича биз оолонгликлар йигирма беш минг киши эдик, ҳозир беш минг киши бўлсак, қирғиндан фақат уч мингга яқин одам чиққанмиз, холос.

Ахийри бу уч кемадагилар бизни бутун кўрфаз атрофи бўйлаб қувиб юриш зериктириди. Улар шимоли-шарқ томондаги Нихида тўпланиб, бизни ўша ердан фарбга қараб қисиб кела бошлашди. Тўққизта енгил кемачага тушиб, ҳар бир оролчани тит-пит қилиб текшириб чиқишидди. Сира эринмай, кунба-кун таъқиб қилишди. Оқшом тушиши биланқ уч кема ва тўққизта кичикроқ кемача занжирдай тизилиб олар ва биронта ўймақайық ўтиб кетишига имкон қолдиришмасди.

Албатта, бу иш абадий давом этиши мумкин эмасди. Ахир кўрфаз ҳам кичкинагина. Тирик қолганларнинг бари ҳарбий қирғоққа суреб олиб келинди. Ундан нариёгига океан ёйилиб ётарди. Ўн мингга яқин қанақ кўрфаз бошланган қумдан қирғоқдаги қоялар бошланган ергача тиз чўкиб ўтқизилди. Бирон киши чўзилиб ёта олмас, оёғининг чигилини ёзолмас, бунинг учун бир карич ҳам бўш жой йўқ эди. Тиззаларимиз тиззага, елкаларимиз елкага тегиб турарди. Улар икки кеча-ю кундуз бизни шу алпозда қимирлатмай ушлаб туришди, капитан ёрдамчиси эса кема мачтасига осилиб чиқиб, бизни хўрлар, “Қир уларни, қир!” деб бақиришдан чарчамас эди. Биз бир ой аввал унга ва унинг кемасига кўл кўттарганимизга роса афсус едик. Икки кечаю-кундуз оч ҳолда, тиз чўкиб турардик. Болалар, кариялар,

## Жек ЛОНДОН

бедармон одамлар, ярасидан қон оқаётган жангчилар ўла бошлашди. Энг ёмони, томоқларимиз қақраб кетган, бир қултум сувга зор эдик. Икки кун тепамиздан қайноқ қуёш тикка нур сочиб турди, яширинишга тангадек ҳам соя жой йўқ. Кўп эркак ва аёллар муздек уммон сувларига ўзларини отдила, шалоплаб турган қирғоқ сувлари уларнинг ўлигини қоятошларга олиб бориб уради. Яна бир оғат – пашшалар бўлди, пашшалар устимиизда булутидай учиб юрап, чақиб таларди. Тирик қолганларнинг бари сұксиз балиқ овлашга келган уч маҷтали кемага хужум қилган ўша кунига лаънатлар ўқир эди.

Учинчи кун эрта тонгда учала кеманинг капитани бояги ёрдамчи билан бирга биз томонга бир қайиққа тушиб сузиб келди. Тиш-тирногигача қуролланган бу одамлар биз билан музокара қилишди. Капитанлар, биз сизларни ўлдиравериб чарчадик, шунинг учун отмаяпмиз, деб уқтиришди. Биз эса, қылган ишимизга чин дилдан пушаймонмиз, бундан кейин оқ одамларга асло қўл кўтармаймиз деб онт ичдик, итоатимизнинг исботи учун бошимизга тупроқ сочиб, ер ўпдик.

Бу маҳал ичимиздаги аёллару болалар дод солиб, сув сўраб йиғлай бошлашди, олағовурда ҳеч нарсани англаб бўлмай қолди. Ахийри, устимииздан чиқарилган ҳукмни эшитдик. Бизга учала кемани копра ва қоқланган сұксиз балиқ билан тўлатиш буюрилди. Биз жон деб рози бўлдик. Чанқоқдан ўлар ҳолга етгандик, жасоратимиз сўнди, бизга аён бўлдики, оқтаниллар билан жангда қанақлар иблис олдидаги бола каби, қўлидан ҳеч иш келмас экан. Ҳукм ўқилгач, капитан ёрдамчиси ўрнидан сақраб туриб, бизни калака қилиб “Қир уларни, қир!” деб бақирди. Кейин қайиққа тушиб, сув излаб кетдик. Ҳафталар ўтаверди, биз эса трепанг овлаб, қоқлашдан, кокос териб, улардан мағиз тайёрлашдан бўшамас эдик. Кунлар ҳам, тунлар ҳам Оолонгдаги барча ороллар устида қуюқ туман осилиб тургандай бўларди – биз ўз гуноҳимизни шу тариқа ювган бўлдик. Чунки ўша ажал кунларида оқ одамга қўл кўтариш мумкин эмаслигини қулоқларимизга қўргошиндай қуишишган эди.

Шундай қилиб, ахийри учала кеманинг трюмлари қоқланган трепанг ва копра билан лиқ тўлди, бизнинг пальмазорларимиз шип-шийдам бўлиб қолди. Ана шундан кейин учала капитан ва бояги ёрдамчи муҳим бир гапни гаплашиб олиш учун ҳаммамизни яна тўплашди. Улар, қанақлар яхши сабоқ олишибди, буни амалда ҳам кўрсатишиди, деб айтишди. Биз эса такрор-такрор пушаймон эканимизни, бу иш минбаъд қайтарилемаслигини айтиб, онт ичдик. Яна бошимизга қуму тупроқлар сочдик. Капитанлар яна хурсанд бўлиб, бу иш уларга маъқул келганини айтишди. Ва кечирганлари рамзи сифатида бир иблисни, иблисларнинг ҳам энг дажжолини устимииздан нозир қилиб қўйиб кетишлиарини, ана шунда биз доим итоатда юра олишимизни айтишди. Шу палла бояги ёрдамчи яна бизни мазахлаб, “Қир уларни, қир!” деб ҳайқирди. Биз ўлдига чиқарган олти йигитимиз уларнинг кемасида экан, ерга туширишди. Ана шундан кейин кемалар елканларини кўтариб Сулаймон ороллари томонга сузиб кетишиди.

Бояги, кемадан туширилган олти қанақ йигит капитанлар бизга қолдириб кетган ёвуз иблиснинг қаҳрига учраган ilk қурбонлар бўлишиди.

– Ҳа, сизларга оғир касалликлар юқдими? – деб сўрадим унинг сўзини бўлиб, чунки оқтанилларнинг макрини пайқаб қолган эдим.

Кемалардан бирида ўлат тарқалган экан, бояги асир йигитларга бу касаллик атайлаб юқтирилибди.

– Ҳа, оғир касаллик. Чунки бу жуда кучли иблис экан. Энг қари чолларимиз ҳам бундай воқеани эслаша олмади. Аламига, биз тирик қолган коҳинларимизни ҳам битта қолдирмай ўзимиз ўлдиридик, чунки улар бунга қарши даво топа олишмади. Бояги касаллик кундан-кунга авж оларди. Мен сенга айтдим-ку, кумли қирғоқда

тиzzамиз тиззага, елкамиз елкага тегиб, ўн минг одам тиз чўкиб турғандик деб. Анов касаллик бадар кетганидан кейин уч мингтacha одам қолибмиз, холос. Энди, буни қара, кокоснинг бари копрага ишлатилиб кетганидан кейин юртимизда очлик ҳам бошланиб кетди-ку...

– Бу савдогар, – деди Отти чол энг охирида, – йўлда ётган бир тўп гўнг, холос. У – бир сасиган гўшт, курт чам-чам ейди, холос. У бир ит, бурга босган итдан бошқа нарса эмас. Бурга талашидан ўлсин у. Қанақ, савдогардан қўрқмайди у. Қанақ оқ одамдан қўрқади. Оқ одамни ўлдирса нима бўлади – қанақ билади. Савдогар бир қўтириб ит, унинг кўп ўртоқлари бор. Ўртоқлар уни хафа қилишга қўймайди, улар иблисга ўхшаб жанг қилади. Қанақ бу лаънати савдогардан қўрқмайди. Қанақ уни жуда-жуда ёмон қўради, савдогарни ўлдиришни хоҳлади, аммо ёвуз иблисдан қўрқиб, бу ишни қилмайди. Капитан ёрдамчи: “Қир уларни, қир!” деб бақиради. Шунга, у ўлдирмайди савдогарни.

Отти типирчилаб ётган макрель балигининг қорнидан тишлаб, бир парча юмшоқ этни узиб олди ва қармоққа санчди. Хирагина йилтираб турган қармоқ юк тоши билан сув тубига чўкиб кетди.

– Акула марш-марш, – деди Отти. – Энди биз кўп-кўп балиқ тутган.

Пўкак тўсатдан қалқиб кетди. Чол қармоқ ипини эҳтиёткорлик билан тортди. Бир катта мойбалиқ оғзини каппа очганича қайиқ тубида ўзини у ёқ-бу ёққа ура бошлади.

– Қуёш, у турган, – деди Отти. – Меники бу лаънати савдогарга катта-катта балиқ текинга олиб бориш керак.

**Рус тилидан  
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ таржимаси**



**Зухриддин ИСОМИДДИНОВ** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ҳалқаро Чингиз Айтматов академиясининг академиги. 1953 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Тўқтагул”, “Сўз қисмати”, “Жониворлар ҳаритаси” каби китоблар ва кўплаб долзарб илмий-публицистик мақолалар муаллифи.

# Bolalar dunyosi



## Uyqungizni topamiz

**Xurram RAYIMOV**

### Buvijonim uyqusi

Buvijonim nahorlab,  
Turishni qilgan odat.  
Har tong kallasaharlab,  
Bir gapni aytar faqat.

– Uyqumni yuqotganman,  
Yotishim qiyin, – deydi,  
Siz yoshlar olmassiz tan,  
Emas bu o‘yin, – deydi.

– Barcha yo‘lni yopamiz,  
Ilinadi tuzoqqa.  
Uyqungizni topamiz,  
Ketolmaydi uzoqqa.

### Qandimni choy yeb qo‘ydi

Oyi, menga qand bering,  
Ichayin choyga solib.  
Hozirgina berdim-ku,  
Qayga ketdi u, Tolib?

Bergan o‘sha qandingiz  
Ustidan quyuvdim choy,  
Qandimni u yeb qo‘ydi,  
Endi nima qildim, voy!

---

**Xurram RAYIMOV** – 1950 yilda tug‘ilgan. Termiz davlat pedagogika oliygohining (hozirgi TDU) filologiya fakultetini tamomlagan. “Mohitabonim”, “Qo‘sish qanot”, “Bola bilan kapalak”, “Men kichik kashfiyotchi”, “Oq tulpor”, “Sabr daraxti”, “Ko‘ngil mujdalari”, “Qalbimdagi qush”, “Inja tuyg‘ular” kabi she’riy to‘plamlar hamda “Yurak uxlamaydi”, “Baxtli yashang odamlar (hammualliflikdagi)” publisistik kitoblari nashr etilgan.

### Bolakay

Bola der: “Dada, menga  
Olib bering mashina”.  
– Katta bo‘lsang olamiz,  
Deydi ota jimgina.  
Bolakay so‘zni yana  
Ilib ketadi shartta:  
– Avval uni olaylik,  
Keyin bo‘laman katta.

## Alla sehri shunday zo‘r



Musharraf  
XO'JABEKOVA

### Qish kuni

– Qor erib ketmasidan,  
Tezroq olib qolayin.  
Qo‘lim muzlab qolsa ham,  
Chelagimga solayin.  
Deb Noila chelakka,  
Qorni ola boshladi.  
Muzlasa ham qo‘llari,  
Yana sola boshladi.  
– Uni nima qilasan?  
Degan savol beraman.  
– Chelakka qor to‘ldirib,  
Yozga olib qolaman.

---

**Musharraf XO'JABEKOVA** – 1954 yilda tug‘ilgan. Samarqand davlat pedagogika institutining (hozirgi SamDU) filologiya fakultetini tamomlagan. Ijodkorning "Umr yo‘li", "Vaqt izmi", "Ko‘klam qo‘shig‘i", "Olam dardi" nomli kitoblari nashr etilgan.

**Singilcham**

Alla aytar singilcham,  
Qo‘g‘irchog‘in erkalab.  
– Uxlab qolgin gulg‘uncham,  
Ertga turgin ertalab.

Alla sehri shunday zo‘r,  
Singilcham ko‘p zavq olar.  
Qo‘g‘irchog‘iga aytib,  
O‘zi ham uxbab qolar.



**Mushuk miyov  
deganda**

**Mamarajab TO'RAYEV**

**Itlar ta'rifi**

Tozi it bu – ovga bop,  
Laycha misli qo‘ng‘iroq.  
Sirtlon tursa xirillab,  
Etqi tutar qaltiroq.  
Bo‘ribosar tog‘larbop,  
Ovcharka qidiruvga.  
Itting bo‘lsa qopog‘on,  
Bas kelar o‘g‘ri, yovga.

**Mushuk**

Mushugin boshin silab,  
Erkaladi Dildora.  
Deydi: – Suysam miyovlab,  
Nega qilar ovora?  
Buni ko‘rgan oyisi  
Miyig‘ida kuladi:  
– Bilsang mushuk miyovlab  
Do‘stingman deb turadi.

*Mamarajab TO'RAYEV – 1965-yilda tug‘ilgan. Toshkent davlat universitetining (hozirgi O‘zMU) jurnalistik fakultetini tamomlagan. Ijodkorning “Tabiat tilga kirsa” va “Suyganlarim, kuyganlarim” nomli kitoblari nashr etilgan.*

## “О-О-О, МАЙ ЛАЙФ!”

Хажсия



Анвар НАМОЗОВ

Билолиддин, ниҳоят, Лондондаги ўқишининг учинчи йилида, таътилда уйга келди. Ў, уни кутиб олишларини кўрмадингиз! Худди жаҳон чемпионини қаршилагандек бўлишди! Отаси гапиролмас, йиглаб-сиқтаб ўғлини нақ ярим соат кучоқлаб турган онасини эса зўрга ажратиб олдилар. Уйга меҳмон устига меҳмон ёғилди. Эшитган ҳам келди, эшитмаган ҳам. Билолиддиндан ўқишлилар қалайлиги бирров суриштирилиб, сўнг дарҳол мавзуни пулга буришарди: “Бўш пайтингда ишлатганишсан ҳам, ойлигинг қанча?” “Даромад зўрдир-а?” “Ўша ёқларда ҳам картишка нархи ошмадими мабодо?” “Беш юз дўллирга нечта сигир беради?”

Орадан ҳафта ўтиб, ниҳоят Билолиддин ота-онаси билан холи қолгач, Сора опанинг имоси билан Фиёсиддин ака томоқ қириб гап бошлади:

– Ўғлим, мана, яхши келиб қолдинг. Ўртоқларинг, қавм-қариндошлар хабар олишди. Ўқишинг яхши экан, барака топ! Энди сен билан бир масалани гаплашсак, девдим. Ўзинг тушунасан, отанинг ўғли олдида учта асосий бурчи бор: уни вояга етказиш, уйлантириш ва уй-жойли қилиш! Ҳозир иккинчи масалани муҳокама киламиз. Хуллас, ўқишига қайтиб кетгунингча биз сени уйлантироқчимиз.

Билолиддин ноутбукидан бошини кўтариб, бир пас жим турди-да, кейин деди:

– О-о-о, май гат! Бу гап қаердан чиқди ўзи? Уйланишимга уч-тўрт йил бор-ку, ота, – шундай деб бош чайқади: – Сорри, сорри!

Бу пайтда она дегани, албаттга, гапга қўшилади:

– Уч-тўрт йил? Сен тенгилар иккита болали бўлди аллақачон!

– Бу – уларнинг ҳаёти, эна! Менга эса, яна айтаман, сорри! Олдинда режаларим тиқилиб ётиби!

Онаси қошларини чимириди:

– “Сорри-поринг”ни билмайман! Бизга келин керак, неваралар керак...

– Тўппа-тўғри, – деди Фиёсиддин ака. – Бугун қариндошлар келишади, шу масалани пишитамиз. Агар кўз остингга олиб қўйганинг бўлса айтавер.

Билолиддин нотбукни ёпиб, ён томонига қўйди. Сўнг хўрсишиб гапирди:

– Шошманг, отажон, айтяпман-ку, ҳали уйланишимга жуда эрта!

**Анвар НАМОЗОВ** – “Олтин қалам” халқаро мукофоти совриндори. 1970 йилда тугилган. Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Мен – кўринмас одам”, “Онаси ўлмаган йигит”, “Жўмбоқ”, “Нотаниш”, “Утрашув”, “Тоҳир Малик гурунглари” каби китоблари чоп этилган.

– Эрта-перта эмас!  
– Май гат, май гат!..  
– Сен ҳадемай Лўундинингга кетасан, – яна гапни илиб кетди Сора опа, – кейин яна бир йил кутмаймиз!

Билолиддин дикқат бўлди:  
– Кутмаймиз?.. Нима, бирор қувляяптими?  
Сора опа эрига чақчайди:  
– Бу ўғлингиз ўша ердан негр-пегр кизни топган бўлмасин тағин. Бошидан айтгандим-а сизга: четга ўқишига юборманг, деб!  
– Э, нафасингни иссик қил, – деди Ғиёсиддин ака. – Ўғлим одобли! У фақат биз топган қизга уйланади. Тўғрими, ўғлим?

Билолиддин бўғриқди, аммо ҳеч нима демади.  
– Сукут – аломати ризо! Мен йигирма учинчига тўйхонани банд қилиб қўйганман. Унгача фотиха тўйига ҳам, никоҳ тўйига ҳам улгурдим.

Билолиддин оғзини очиб, аввал отасига, кейин онасига қаради. Яна бир марта “май га-ат” деб юборди. Бу канакаси, ахир? Бир оғиз огоҳлантирмай тўй кунини ҳам белгилашибди. Бошқа иложи йўқ эмиш! Октябрь, ноябргача ҳар бир кун банд эмиш!

Эр-хотин тўйхонани муҳокама қила кетишиди.  
– Исмоилнинг тўйхонаси тузук эди, – деди Сора опа эрига. – “Сарчашма”нгизда столларни тифиз қилиб қўйишади. Тўртта хотин чиқиб ўйнаса, тирсаги бир-бирининг иягига тегиб кетади...  
– Зато одам кўп сифади, – изоҳ берди Ғиёсиддин ака. – Тўрт юз киши қаерда-ю, етти юз киши қайда!

– Етти юз киши? – чираб турулмади Билолиддин. – Бунча одамни қ...қаердан топасизлар? Тўй бўладиган инсон иккита-ю, етти юзта одамга бало борми? Йигирмата одам ҳам етади-ку!

– Йигирмата? – қулиб юборди Ғиёсиддин ака. – Ҳазиллашяпсанми, ўғлим?  
– Ҳазиллашмаяпман, ота. Етти юзта...

– Шу замонда ҳам йигирмата одам билан тўй қилиб бўларканми? Ҳатто пандемия деган энг оғир кунларни бошдан ўтказганимизда ҳам тўйлар учун ўттизта одамга рухсат беришган.

– Шундайм барибир кўп одам келарди, – гапга суқилди Сора опа.  
Ғиёсиддин ака аниқлик киритди:

– Ҳа, ўттизта одам келиб-кетгач, кейинги ўттизтаси келарди. Тартиб кучли эди-

да!

Билолиддин бошини қуий солиб, тиришган пешанасини силаб ўтириди.  
– Йигирмата эмиш, тавба! – тумтайди Сора опа. – Қариндошларни йигсак, юз ўттизта чиқади-ю, гапингни қара!

– Биз ўрис эмасмиз-ку, ахир! – давом этди Ғиёсиддин ака. – Сен, бола Лодонда ўқийсанми, Париждами, удумларимизни оёқости қилма! Тўй бўлгандан кейин элга ош бериш керак, кўпнинг дуосини олиш керак. Йигирмата одам билан тўй қилиш мумкин бўлса, етти юз-саккиз юз кишилик тўйхоналар курилардими, ўғлим?

– Сен, яххиси, бу йил Лўундинга бормай қўя қол, – деди Сора опа. – Бир йил атсерўчка олгин.

– Академик пенсия, – хотинининг хатосини тузатди Ғиёсиддин ака.  
– Ойи, ота, шошманглар... – Билолиддин икки қўлини кўтарди. – Экссюзми!..

Менинг ҳам фикрим билан қизиқинглар! Ахир, мен уйланишга тайёр эмасман.

– Йигит дегани уйланишга ҳамма вақт тайёр бўлиши керак! – чўрт кесди Фиёсиддин ака.

– Ота, сиз тушунинг, ўқув курси бўйича қанчадан-қанча дастурлар бор ҳали...

– Дастур-пастурингни билмаймиз, – деди Сора опа ҳам шартта кесиб. – Уйланасан, вассалом!

– Сорри, сорри, ойи!.. Уйланиш бу, нима десам экан, қисқаси, сира тўғри келмайди! Томдан тараша тушгандек... Аввалроқ айтиб қўйганларингда ҳам режаларимни шунга қараб тузган бўлардим. Яхиси, аввал ўқишни тутатай, кейин магистратура...

– Бас қил! Мен бир қизни кўз остимга олиб қўйганман. Уни кўрсанг, Лўндининг ҳам, магистранг ҳам эсингдан чикади-кетади...

Бу ёғи тезлашиб кетди. Амакилар, тоғалар, амма-ю холалар келишди, бири қўйиб, бошқаси гапга тушди. Билолиддин анграйди-колди. Айниқса, тўйга кетадиган сарф-харажатларни эшитиб, оғзи ланг очилди! Шунчалик ривожланиб, бой бўлиб кетдими Ўзбекистон? Қалин пули, мебель, куёв ва келин сарпо, меҳмонларнинг елкасига ташланадиган зарбоф тўнлар, белқарс, рўмол ва алламбалолар... Никоҳ кечасидаги тансиқ таомлар, ширинлик, ҳар хил пишириқлар, салатлар, ичимликлар, эхе... Бу ёқда тўйхона ижара пулининг ўзи чақиб қўяй деяпти...

– Ия, куёв бола эсимиздан чиқиб қопти-ку, – деди кимдир. – Буям гапирсин!

– Шу... тўйни уйда ўтказсак бўлмайдими? – мингирилди Билолиддин. – Битта эчки сўйиб...

Ҳамма тек қотди.

– Ҳазиллашяпти, – дарҳол гапни илиб кетди Фиёсиддин ака. – Вей, Англияда одамлар тўрт минг кишилик опера театрида тўй қилишаркан.

– Уккағарларди пули кўп-да! – деди ҳасади келиб Жўравой. – Почча, ўзи биз ҳам тўйни ўша ерда ўтказишимиз керак эди. Ўша чулчутлардан қаеримиз кам? Баҳонада зиёрат қилиб келардик.

– Э, бўладиган гапни гапир, – койиди Баҳодир ака. – Хўш, гуруч неча кило дамланадиган бўлди?..

Яна гап гапга уланди. Билолиддиндан бошқа ҳеч ким ҳеч нимани сўрамади.

Эртаси куни ошналари келиб бўлажак куёвтўрани нақ қўтариб олиб чиқиб кетишиди: “Уйланаётган эмишсан, ювмайсанми, хумпар?” Кеч тушиб Сора опа хавотирлана бошлаганида уни келтириб қўйдилар. Билолиддин дарвоза олдида бешиктевратарга ўхшаб чайқалиб турарди.

– Бир контейнер ичдик, – деди утиргайиб. – Браво! Одамзод ўлмаса ичавераркан. Ай эм глатте сию, ҳик!

– Вой, ичмасдинг-ку, болам?

– Нима қилай, анови Гарри бор-ку, Гайрат, шу айтди, агар ичмасанг, шартта уйга бориб, хотинимни қўйвораман, деди!.. Мажбур бўлиб ичдим, эна! Бировни баҳтсиз қилиб нима зарил?

– Бўпти, тезда кириб ётгин, отанг кўрмасин!

– Айтгандай, отам қани? Фазе, хув, қаердасиз? Эна, биласизми, менинг отам ким? Менинг отам, яъни сизнинг эрингиз – Бетмен! Ҳа, ҳа, Бетмен! – у кўрсаткич бармоғини кўтарди. – Отам битта!.. Эна, ҳик, қани менинг ўша битта отам? Чакирсангиз-чи!

– Бас қил! Ҳозир бу аҳволингни кўрса, нақ кетмон билан солади!

## Анвар НАМОЗОВ

– Отамга респект, отамга гап йўқ!..

Билолиддин қачон ухлади, билмайди. Алоқ-чалоқ тушлар кўрди. Катта тўйхонада адашиб қолганмишми-ей! Кейин ошналари билан бир эчкини қувлаб, ҳовузга тушиб кетишганмишми-ей...

Онаси сув сепиб уйғотди:

– Тур, болам, пешин бўлиб кетди. Бугун келин билан учрашишинг керак!

– Ним-ма? – хириллади Билолиддин. – Қанақа келин? Ўзи дабдалам чиқиб ётибман-ку, ойи!

– Юз-кўлингни ювсанг ўзингга келасан, Билолжон! Қиз болани куттириш яхши эмас, тура кол!..

Учрашувга чиккан Билолиддиннинг боши тарс ёрилай дерди. Қиз кўзига тўртта бўлиб кўринди! Билолиддин нима деб гапиришни ҳам билмасди.

– Исмингиз нима? – деди, холос. Аммо овозини қиз тугул ўзиям эшитмади.

Қиз чарос кўзларини пирпиратиб қаради:

– А?

– Ай эм сорри! Яхши қиз, мана шу бошим худди ўзимники эмасдай!

– Мен ҳам инглизчани биламан, – бидирлади қиз. – Ду лав ми? Ай лав ю!

– Ие, зўрсиз-ку!..

Қиз ҳақиқатан ажойиб экан. Роса бидирлади. Аммо Билолиддиннинг қулоғига ҳеч нима кирмади. Куёв бўлмишнинг кўнгли айниб, боши айланиб бошлаган эди.

Кечга яқин Билолиддин тоғаси билан отамлаши. Жўравой кўярда-қўймай тўлдириб ичкилик қуийб берган пиёлани бўшатгач ўзига келгандек бўлди. Кейинги қадаҳларга монелик билдирмай, яна ичди-да, “сўнг очилди”:

– Тоға, мен ўзи йигирма тўққиз ёки ўттиз ёшимда уйланмоқчи эдим.

– Нима? – деди Жўравой, кейин атрофга қараб олиб, овозини пастилатди: – Жиян, тўғрисини айтавер, бу ёғинг тинчми? Мабодо касал-пасал эмасмисан? Йигитчиликда бўлади, тушунамиз!

– Э, тоға, ғалатисиз-а! Нега касал бўлар эканман? Менинг режаларим бор. Ҳали ўз устимда кўп ишлашим керак.

– Ўз устингда ишлайвер, фақат сал кейинроқ! Аслида бунинг уйланнишингта умуман алоқаси йўқ.

Билолиддин бош чайқаб деди:

– Бекор келибман, тоға!

– Ҳа, яша! Сен ўзи қишлоқдан узилиб кетган эдинг! Сени уйлантириб қўймасак, ўша ерда қолиб, ҳаммамизни унутиб юборасан!

Бунга жавобан Билолиддин фақат кучли пишқириб, хўрсиниб қўйди.

– Э, бунча уйланнишдан кўрқасан! Кўзингни юмгину, шартта уйлан, вассалом!

Билолиддин индамай бош иргаб қўйди.

– Менга қара, жиян, улфатларим сени сўрашяпти. Жиянинг бизга бир эрисин, дейишияпти. Ҳаммасининг олдида бир обрўйимни кўтариб қўй, Билол!

– Мен уларни танимайман-ку?

– Танимасанг, танишасан! Шунинг учун сўрашяпти-да! Оғзи-бурнидан бир куйгин, жиян!.. Аммо поччам билансин...

Анхор бўйидаги танишув зиёфатида Билолиддинни тўрга ўтқазиб қўйишиди. Ана зиёфату мана зиёфат! Бу одамлар ҳам Билолиддиннинг ошналарида экан: текин бўлса катта-катта пиёлаларни лиқ тўлдириб ичишаркан!.. Қойил! Икки оғиз мақташади-ю, шартта кўтаришади!

Гарчанд маст бўлиб қолса-да, Билолиддин ўзидан ғашланиб ўтириди! Бемақсад, мазмунсиз кечанинг қаҳрамонига айланиш унда уят ҳиссини уйғотиб юборган эди.

Ярим кечаси уйга қайтар экан, тўйиб йиглашдан ўзини зўрга тийди.

Кўз очиб-юмгунча тўй куни ҳам келди. Агар Билолиддин айтганидек, эчки сўйилса, урвоқ ҳам бўлмас экан. Жуссаси филдан ҳам катта буқа сўйилди ўзиям! Уйга пайдар-пай ташриф буюраётган одамлар шўрва, ошни пақкос туширишарди.

Маҳалла оқсоқоли исрофгачилик ҳақида бироз ваъз қилганини демаса, ҳамма шод-хуррам эди. Оқсоқолнинг “Хўқимат тўй-ҳашамни ихчамлаштириш керак, деяпти”, гапига жавобан Фиёсиддин aka ҳам бўш келмади: “Бу гаплар ҳали йўлда, Тошкентдан бизга етиб келгунича анча бор...”

Айтганча, Сора опа билан қуда хола ўртасида ҳам озгина машмаша бўлибди. Сут пули масаласида! Билолиддиннинг бўлажак қайноаси “Дўллар ошди” деб, сут пулига фалонча пул сўрабди! Сора опа аччиқланиб, “Нима бало, қизингизни дўллар олиш учун эмизганимисиз?” дебди-да, аччик устида қуда холага сўраганидан ҳам кўпини берибди. Бу дегани – “Ҳали тўй ўтсин, қизингнинг кўзига кўрсатаман!..”

Карнайларнинг ғат-ғути оламни тутди!

Аввал қиз томон, кейин куёв тараф тантанани бошлаб юборди.

Одам шунақсанги кўпки... “Булар ишга бормайдими? – деб ўйлади Билолиддин. – Эрталабдан буён ҳамма одам шу ерда”.

Ўйнаган ҳам ўйнади, ўйнамаган ҳам! Тўймисан, тўй эди бу! Эртани эмас, фақат бугунни ўйлайдиган, ўз ахволингдан кўра бошқаларнинг гап-сўзлари, олқишлишини ўйлайдиган кун эди бу!

Куёв-ку, майли, айримлар келинни ҳам ичишга мажбур қилишарди. Келин курмагур ҳам ҳаётидаги энг баҳтиёр лаҳзалар кечаётгани учун эмас, хорижга кетиши мумкинлигини ҳаёлидан шодону масрур эди! Баъзида Билолиддинни туртиб, шивирлаб кўяди: “Ай лав ю, Билол акў!”

Ха, тўй зўр! Зўр бўлиши ҳам керак-да! Орзу-ниятлар ижобати учун ҳам пулни аямаслик шарт! Ахир бу куннинг тароватини бутун умр эслаб юрасан-ку!..

Билолиддин ана шулар ҳақида ўйлашга тиришди, аммо ҳарчанд ҳаракат қилса-да, қўнгли ёришавермади. У анча-мунча йиғиб қўйган сармоясини ўйлаб андух чекарди. Фақат ўзиники бўлса майли, ота-онасининг маблағи ҳам ҳавога учди ахир! Камига қарздор ҳам бўлишди. Фиёсиддин aka қўл силтайди: пул кетса кетсин, обрў кетмасин!

“Севгимиз ҳам, умримиз ҳам, саховатимиз ҳам бор бўлсин: сочаверамиз! Бу – бизнинг лайф!” лип этиб ҳаёлидан ўтди Билолиддиннинг, сўнг енгидан тортқилашаётган жўраларига қўшилиб, даврага тушди ва уларга қўшилиб, тасира-тусирига “лезгинка”га ўйнай кетди...

# Адабий ҳаёт

\* \* \*

**1 август.** “Дўстлик” ҳафталиги доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Қардошлиқ мушоираси” маърифий тадбири бўлиб ўтди.

\* \* \*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли журналист Ҳусан Эрматовнинг “Сокин дарё мавжлари” номли китоби нашрдан чиқди.

\* \* \*

**5 август.** Халқаро Ёзувчилар гилдияси (Германия Федератив Республикаси) томонидан таъсис этилган “Янги Уйғониш” адабий-бадиий журнали, ўзбек муаллифларининг туркум шеърларини чоп этди. Нашр этилганлар орасида Ўзбекистон халқ шоиrlари Сирожиддин Сайид ва Маҳмуд Тоир, Қорақалпогистон халқ шоири Рустам Мусурмон, шоиrlар Файрат Мажид, Салим Ашур, Турсун Али, Хосият Рустамова, Гўзал Бегим кабилар бор. Шеърлар Александр Файнберг, Суҳбат Афлотуний, Бах Ахмедов ва Николай Ильин таржималарида тақдим этилган.

\* \* \*

Ўзбекистон халқ шоири, таниқли драматург ва таржимон Рамз Бобожоннинг “Танланган асрлари” китоби нашрдан чиқди. Мазкур тўпламда шеър, рубойӣ, драма, достон, поэма ва таржималар ўрин олган.

\* \* \*

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир ва таржимон Йўлдош Эшбекнинг “Туркия ўзлами” (“Туркия соғинчи”) шеърий китоби Истанбулда нашрдан чиқди. Уни Истанбул университети профессори, ўзбек тили ва адабиётининг Туркиядаги жонкуяр тарғиботчиси – Эмак Ушемmez нашрга тайёрлаган. Таржимонлар – Мухиддин Гумуш ва Зокиржон Ҳайдар.

\* \* \*

**9 август.** Ёзувчи Шерзод Комил Халилнинг “Ўлим лабиринти” номли ҳикоялар тўплами нашрдан чиқди. Китоб адабининг дарё ва ўрмон турқумидаги ҳикояларини ўз ичига олади.

\* \* \*

**13 август.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида атоқли шоир ва таржимон Сидқий-Хондайликий таваллудининг 140 йиллигига бағишинган адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда жамоат арбоблари, шоир-ёзувчилар, ёш ижодкорлар, шоирнинг муҳлислари қатнашди.

\* \* \*

**16 август.** Таниқли ҳажвчи адаб, публицист, драматург ва таржимон Ҳабиб Сиддиқнинг “Сайланма” китоби нашрдан чиқди. Китобда адабининг турли йилларда ёзилган қиссалари, ҳикоя, ҳажвия ва ҳангомалари, кўнгилдаги гаплари, сұхбатлари, публицистик мақола ва таржима намуналари ўрин олган.

\* \* \*

**18 август.** Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда “Ўзбекистон” нашриёти томонидан “Китобхон болалар” лойиҳаси доирасида янги асар чоп этилди. Мазкур асар ёзувчи Муҳаббат Йўлдошеванинг “Учар ҳаммом” эртаклар китоби бўлиб, ундаги “Ўрдакчанинг ойиси” номли эртак учун 3D аннимацион видеоролик ишланди.

\* \* \*

**19 август.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари таниқли ёзувчи Шодикул Ҳамронинг “Муаззам” номли қисса ва ҳикоялардан иборат тўплами ҳамда Мухтасар Тожимаматованинг “Ишқ рўмоли” номли китоби нашрдан чиқди.

\* \* \*

Рус адабиётининг етук вакили Мамин Сибирякнинг “Асранди” номли китоби нашрдан чиқди. Мазкур китобни устоз таржимон Йўлдош Эшбек ўзбекчалаштирган.

\* \* \*

**20 август.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Зулайҳо Маҳкамова иштирокида ижодкор аёллар билан учрашув бўлиб ўтди.

\* \* \*

**21 август.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бир гурӯҳ хорижлик ижодкорлар фахрий аъзоликка қабул қилинди. Туркиялик ёзувчи Собир Сайҳон, озарбайжонлик шоир Ҳураман Муродова, токикистонлик адиблар Ҳасан Эрбобоев, Абдулвоҳит Алматов, Файзулло Абдулазизов, Шодмон Жўраев, қирғизистонлик шоир Аъзам Рахим, швециялик шоир ва журналист Юсуф Расул ушбу санадан бошлаб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзоларига айланди.

\* \* \*

**22 август.** Халқаро ТУРКСОЙ ташкилоти бош котиби, Қирғизистон халқ ёзувчиси Султон Раевнинг “Танланган асарлар” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

\* \* \*

**23 август.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида аъзоси, истеъфодаги полковник Зиқрилла Неъматовнинг “Қатағон ўпқони” номли пьесалар тўплами ва болажонлар учун “Оламни англа, болам” номли китоби тақдимоти ўtkазилди.

\* \* \*

**28 август.** Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон халқ шоири Энахон Сиддиқова таваллудининг 70 йиллигига бағишлиланган “Умр яхшиликка сафар бўлсайди” номли хотира кечаси бўлиб ўтди.

\* \* \*

**29 август.** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида юртимиз мустақиллигининг 33 йиллигига бағишлиб ўтказилган “Ватан учун яшайлик!” Республика танлови ғолибларини тақдирлаш ҳамда Президент фармонига кўра давлат мукофоти берилган ижодкорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

\* \* \*

Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа Салимованинг “Қабоҳат салтанати ёхуд қор қўйнида лолалар” китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

# Шарқ юлдузи

2024

8-сон

Муассис:  
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ**

\* Муаллифлар фикри  
тахририят ижодий жамоаси нуткай  
назаридан фарқланиши мумкин.

Тахририятта юборилган  
материаллар муаллифларга  
қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган  
нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек  
адабиети” ихтисослиги бўйича  
рўйхатига кирилтилган.

\* Журналга обуна даврий  
нашрларни етказиб бериш  
билин шугулланувчи барча  
ташкилотлар орқали амалга  
оширилади.

**Обуна индекси – 911**

**Манзилимиз:**

100066, Тошкент шаҳри,  
Бунёдкор шоххўча, Адиблар хиёбони,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
биноси.

Телефонлар:

71231-23-67, 71231-23-68 903721438  
[www.sharqyulduzi.uz](http://www.sharqyulduzi.uz)  
e-mail: [sharqyulduzi@umail.uz](mailto:sharqyulduzi@umail.uz)  
[sharqyulduzi1931@mail.ru](mailto:sharqyulduzi1931@mail.ru)

Босишга руҳсат этилди:

24.10.2024

Қоғоз бичими 70x108  $\frac{1}{16}$   
Офсет босма усулида оғозида  
босилди. Босма табоги 11,0.  
Шартли босма табоги 15,4.  
Нашриёт хисоб табоги 17,2.  
Адади 4400 нусха.  
Буюртма № 45

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигига 05.02.2016 й.  
0562-ракам билан рўйхатга олинган.  
“DAVR MAXSIMUM MEDIA” МЧЖ  
матбат корхонасида чоп этилди.

**Корхона манзили:**

Тошкент шаҳар Олмазор тумани  
Шифокорлар шаҳарнаси, 15 уй.  
Журнал ойда бир марта  
чоп этилади.

Муҳаррирлар:

**Дилфузা Маҳмудова**

**Байрам АЛИ**

**Ислом АЛИ**

Мусаххих:

**Моҳира Ҳусанова**

Сахифаловчи-дизайнер:

**Аҳрор Маликов**

Copyright © “Шарқ юлдузи”

<b>МУНДАРИЖА</b>	
<b>БАРХАЁТ СИЙМОЛАР</b>	
Энахон СИДДИҚОВА. Бир пой туфли. <i>Икки ҳикоя</i> .....	4
<b>НАЗМ</b>	
Исмоил Махмуд МАРГИЛОНИЙ. Менгамас агёрга, эй ёр, эътиборинг бошқача.....	20
АХТАМҚУЛИ. Дунё тугамас имтиҳон.....	23
Файрат МАЖИД. Мен шоирмас, ошиқман, жоним.....	33
Ширин САБУРОВА. Диллар сўзлашаётир, бизлар эса жим.....	39
Нодира ОФОҚ. Ё борурга изн бергил, ё ўзинг кел.....	50
Шоира ШАМС. Ёногинг рангидин ранг олди раъно.....	54
<b>НАСР</b>	
Назар ЭШОНҚУЛ. Занжирбанд. <i>Ҳикоя</i> .....	26
Гулноз МҮМИНОВА. Чалахотин. <i>Ҳикоя</i> .....	42
Фарида ҲУСАИНОВА. Бахт манзили. <i>Қатра ҳикоялар</i> .....	47
Муҳаммад АЛИ. Умрлар гулшами. <i>Роман-эссе</i> .....	71
<b>ЁШЛАР ИЖОДИ</b>	
Ирода РАҲМОНАЛИЕВА. Яна чорлар юлдузлар ракси.....	57
<b>НАВОЙИХОНЛИК</b>	
Тохир ШЕРМУРОД. Шоирликнинг шаъни ва рутбалари.....	60
<b>МУШОИРА</b>	
Муҳаммадсоли УЛУҒБЕК. Бўйсунаман ёмғир измига.....	135
Мавлуда РЎЗИЕВА. Тащласанг бир дам нигоҳ.....	136
Сайёра РАҲИМИЙ. Шайланиб бораман севги жангига.....	137
Ҳамро БОНУ. Дилларни кувнагар ҳар дийдор.....	138
Расул РАҲМОН. Менга ҳамроҳ бўлди кутмаганларим.....	139
Латофат АМИРОВА. Рухи равонимда бир хис жонталаш.....	140
Санжар ТОШБЕКОВ. Сўнгги жумлагача айтилди алла.....	142
<b>ЖАҲОН АДАБИЁТИ</b>	
Жек ЛОНДОН. Қир уларни, қир! <i>Ҳикоя</i> .....	157
<b>ТАҚРИЗ</b>	
Иброҳим ҒАФУРОВ. Чўнг армонлар қўшиғи.....	18
<b>ТАҲЛИЛ</b>	
Зилола ШУКУРОВА,	
Муаттар АҲМЕДОВА. Такиқ меваси.....	68
<b>ТАДҚИҚОТ</b>	
Шерхон ҚОРАЕВ. Амир Музаффарнинг ижодкор фарзандлари.....	120
Ғулом АТАДЖАНОВ. Уч тарихий драма таҳлили.....	129
<b>ТАЛҚИН</b>	
Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ. Соғинч рутбасини бой бермас шоир.....	144
<b>САНЬАТ</b>	
Муслима МАҲКАМОВА. Кўй чалиш услублари.....	149
<b>ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА</b>	
Қурдош ҚАҲРАМОНОВ. Изланиш ва самара.....	151
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Анвар НАМОЗОВ. “О-о-о, май лайф!”. <i>Ҳажвия</i> .....	169
<b>BOLALAR DUNYOSI</b>	
Xurram RAYIMOV. Uyqungizni topamiz.....	166
Musharrraf XO'JABEKOVA. Alla sehri shunday zo‘r.....	167
Mamarajab TO'RAYEV. Mushuk miyov deganda.....	168
Адабий ҳаёт.	174